

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ
КАФЕДРАСИ

ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИ

:

ГУЛИСТОН 2014

**С. Ҳайдарова Гулистон Давлат университети “Педагогика ва
психология” кафедраси ўқитувчиси**

**ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИ ФАНИДАН
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**

КИРИШ

Оила – ижтимоий институтларнинг энг қадимгисидир. Инсоният бошидан кечирган тарихий даврларнинг қанчалик турфа ва мураккаб бўлишига қарамай, айниқса, XIX ва XX асрларда рўй берган буюк ўзгаришлар ва ислохотларга дош бера олган ушбу маскан ўз тизими, таркиби ва жамият олдида турган мажбуриятларини бажариши нуқтаи назаридан соғ омон сақланиб қолган тузилмадир. Оилани инсонлар ташкил этгани ва ундаги ҳаёт-мамотни улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ташкил қилишини ҳисобга оладиган бўлсак, уни соф психологик жараёнлар маскани ҳам деб аташ мумкин.

Оила – жамиятнинг ажралмас бўлаги. Бирор бир халқ, миллат ёки жамият йўқки, у ўзининг ривожланиш тарихида ва тараққиёт истиқболини белгилашда оила ва унинг атрофидаги муаммоларни, қадриятларини инобатга олмаган бўлса. Ҳар қандай истиқбол оиланинг манфаатларидан айро тасаввур қилинмайди. Зеро, ҳар бир инсон учун оила – бу умрнинг бошланиши, барча нарсаларнинг муқаддимасидир. Қолаверса, ҳар бир инсон ўз бахти ва саодатининг аввало оиласи билан боғлайди, яъни, ўз уйи, оиласида бахтли бўлган инсонгина ўзини тўлақонли бахтиёр ҳис этади.

Мамлакатимизда барча аҳолининг 97 фоизи оилаларга бирлашиб яшайди, қолган уч фоизи – яъни, ёлғиз қолган кексалар, ота-онадан етим бўлиб қолган ва Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётганлар, бошқа юртдан келиб вақтинчалик Ўзбекистонда истиқомат қилаётганлар ҳам оила аъзолари, яқинлари, юртдошлари, турли давлат ва нодавлат ташкилотларидаги инсонпарвар одамларнинг меҳридан

дариг эмас. Шу маънода оила – инсон ўз бахти ва саодати, орзу-хаваслари, мақсад-муддаоларини муштарак қилган, ўзини инсон сифатида идрок этиб ҳаёт нашидасини сурадиган муқаддас макондир.

«Оила психологияси» фани предмети, мақсади ва вазифалари

Режа:

- 1. Оила психологияси фанининг предмети, мақсади ва вазифаси.**
- 2. Оила психологияси фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.**
- 3. Оила психологияси фанининг илмий тадқиқот методлари.**
- 4. Жамият ва оила.**

Оила психологияси фанининг асосий мақсади Сиз ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашдан иборатдир. Бу ўринда ҳақли равишда: «Бу фан бизга нима беради? Нега энди айнан ҳозирга келиб бизни оилавий ҳаётга тайёрлаш зарур бўлиб қолди? Ахир ота-боболари-миз бундай курсларни ўқимай ҳам тинч-тотув, аҳил-инок, бахтли ҳаёт кечиришган-ку? Аксинча сўнгги йилларда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасида қанчалик кўп гапириб, ёзилиб, махсус тадбирлар ташкил қилинса ҳам низоли оилалар, ажралишлар миқдори ортса ортаяптики, камаймаяптику?» - каби саволлар рўйхатини чексиз давом эттиравериш мумкин. Уларнинг ҳар бирини юзага келишига тўлиқ асос бор.

Хўш, қандай зарурат ҳозирги вақтда ёшларимизни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва уларга «Оила психологияси» фанини ўқитилиши зарурлигини тақозо қилади?

Оила инсон учун муқаддас маскан, кишилиқ жамиятининг ижтимоий пойдеворидир. Оилавий турмушнинг асосий мақсади - бу фарзанд кўриш орқали аҳолини қайта тиклаш, авлодлар билан аجدодлар ворислиги ва давомийлигини ҳамда ер юзида инсоният тарихий тараққиётини таъминлашдан иборатдир Президентимиз И.А.Каримов оиланинг туб моҳияти ҳақида гапириб: "Оила ҳаётнинг абадийлиги, авлодларнинг

давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб этишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор", деган эдилар.

Дарҳақиқат, оила - ҳар бир шахсда илк ёшлигидан бошлаб шаклланадиган инсоний фазилатлар, эзгу-истаклар, қадриятлар такомил топадиган, минг йиллар давомида шаклланган ўзбек халқининг қадриятлари ва маънавий мэроси равнағини таъминловчи тарбия масканидир. "Ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму-хаё, меҳру-оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланган". Бола шаклланишининг илк мактаби эса ота-онанинг ўзаро муносабатлари мажмуи бўлиб ҳисобланади. "Оила ҳақида сўз юритар эканмиз, аввало кўз ўнгимизда она сиймоси шаклланади... Оила муқаддаслигини таъминловчи биринчи омил - она, аҳли аёлнинг покизалиги, оқилалиги, меҳру-муруввати, садоқати ва вафодорлигидир". Ота-оналар муносабатларда намоён бўлувчи ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик каби олий тоифадаги қадриятлар уларнинг ўзаро муносабатларида уйғунлаша бориб, оилада ўзаро муносабатлар маромини вужудга келтиради. Оиладаги ушбу ижтимоий жараён ёш авлоднинг моддий олам, ижтимоий турмуш ҳақидаги тасаввурлари, нуқтаи назарлари, тушунчалари, дунёқарашлари ва шарқона одоб-ахлоқ қоидалари ва уларга амалиётда риоя этишнинг тўғри йўл-йўриқларини кўрсатади. Ёш авлоднинг маънавий қиёфаси, уларнинг хатти-ҳаракати, ҳулқ-атвори дастлаб оилавий муносабат маданиятида шаклланади).

Тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, оилавий муносабатлар маданияти шарқ халқларида жуда қадимдан ривожланган ижтимоий воқелик эканлигини кўрсатади. Қадимги халқлардан қолган асори-атикаларда, муқаддас диний манбаларда, ўзбек халқининг оғзаки ижоди дурдоналарида, шарқнинг буюк мутафаккирларининг асарларида шарқ халқлари, хусусан ўзбек халқига хос оилавий шахслараро муносабатларда намоён бўладиган одоб-ахлоқ қоидалари, меъёрлари, инсоний фазилатлар ифодаси тўғрисида қимматли маълумотларни учратиш мумкин. Манбаларда оиласиз инсоний ҳаётни тасаввур қилиб бўлмаслик, баркамол фарзанд тарбияси, ундаги эр-хотин ва ўзаро муносабатлар маданияти, бахтли ва фаровон турмуш кечириш йўллари, ҳаётий мисоллар ёрдами билан ҳикматлар ва насиҳатлар кўринишида баён этилган.

Оилавий турмуш билан жамият тараққиётининг доимий муштараклиги туфайли жамият тараққиётининг барча даврларида ҳам оилавий муаммолар унинг илғор вакиллари диққат-эътиборида бўлган. Оилавий ҳаёт жамият тараққиётида ва фарзандларнинг камолотида учун шу қадар муҳимки, худди шу боис уни бирор сония ҳам диққат-эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Президентимиз И.А.Каримов ва давлатимиз раҳбарлари томонидан ҳозирги даврда ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратаётганлиги бежиз эмас, албатта "Оилага эътиборимизни тубдан ўзгартириш, оилаларни аввало ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, эъзозлаш, қўллаб-қувватлаш бугунги кунимиз учун ва

эртанги истиқболимиз учун нақадар муҳим ва долзарб эканлигини яхши тушунишимиз ва англашимиз даркор".

Жумладан, 1994 йил бутун дунё жамоатчилиги ва халқаро ЮНЕСКО ташкилоти томонидан "Халқаро оила йили" деб эълон қилиниши, 1998 йил Республикамизда "Оила йили" деб белгиланиши ва буларнинг узвий давоми сифатида 1999 йил "Аёллар йили", 2000 йил "Соғлом авлод йили", 2001 йил "Оналар ва болалар йили", 2002 йил "Қарияларни қадрлаш йили", 2003 йил "Обод маҳалла йили" ва 2004 йил "Меҳр ва мурувват" йили деб номланиши бунинг ёрқин далилидир. 2011 йил 8 декабр кунда ҳам бежиз кириб келаётган 2012 йилни "Мустаҳкам оила" йили деб эълон қилинмади. Бу эса ҳар бир педагог-тарбиячини ўсиб келаётган ёш авлоднинг онигида мустаҳкам оила ҳақида тушунча ҳосил қилиши, унинг педагогик-психологик, маънавий-ахлоқий жиҳатларини тушунтириши, уларда оила муқаддаслиги тушунчасини шакллантириши зарур.

Ана шундай халқаро аҳамиятга молик тадбирларнинг кун тартибида туриши оила ҳаёти, ундаги шахслараро муносабатлар мустаҳкамлиги ва унинг фаровонлиги каби масалалар ижтимоий психологиянинг асосий категорияси ва шахслараро муносабатнинг асоси сифатида ниҳоятда долзарб муаммо эканлигидан далolat беради.

"Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла, юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради". Кўриниб турибдики, оилавий ҳаёт масалалари ҳозирги давр фани тадқиқот йўналишининг устувор соҳаларидан бирига айланиб бормоқда. Республикамизда "Оила" илмий-амалий марказининг ташкил этилиши ҳамда ҳукумат томонидан "Оила кодекси" (1998) қабул қилиниши бугунги кунда оилаларнинг мустаҳкам ва барқарорлигини сақлаш учун қилинаётган муҳим амалий ишлардан ҳисобланади.

Афсуски, оила-никоҳ муносабатларининг ҳозирги даврга келиб заифлашиб бораётганлиги дунёнинг деярли кўпчилик мамлакатларида: Америка Қўшма штатлари, Англия, Франция, Германия, Болтиқ бўйи давлатлари, Россия ва бошқа қатор давлатларда яққол намоён бўлмоқда ўзбек оилалари ҳаётида оила-никоҳ муносабатларининг заифлашуви ва унинг бузилишлари юқорида қайд этилган давлатлардагига қараганда анча кам бўлса-да, афсуски ажралишнинг асоратлари оила аъзолари ва қариндош-уруғлар ўртасида ниҳоятда аянчли оқибатлар, нохуш ҳолат ва ҳодисалар келтириб чиқараётганлиги кузатилмоқда. Демак, оилаларнинг бузилиши ва унинг оқибатида юзага келадиган турли хилдаги асоратлар ижтимоий психология ва этнопсихология фанларининг тадқиқот предмети сифатида кенг ўрганишни тақозо этади.

Ўзбекистон психологлари томонидан ўзбек оилаларига хос муаммоларни ўрганиш юзасидан бир қатор муваффақиятли илмий изланишлар олиб борилган. Ана шу илмий ишларда оила-никоҳ

муносабатлари, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ўзбек оилаларидаги миллий ўзига хослик, ундаги низолар ва уларни келтириб чиқарувчи муҳим сабаблар, ажралишлар ва уларнинг салбий асоратлари каби бир қатор масалалар ҳар томонлама ўрганилиб таҳлил қилинган. Маълумки, инсоният жамияти тараққий этиб борган сари одамларнинг ўзлари ҳам, уларнинг бир-бирлари билан бўладиган ўзаро муносабатлари ҳам, айниқса шахслараро муносабатлар орасида энг самимий, энг яқин бўлган оилавий муносабатлар ҳам такомиллашиб, ўзига хос тарзда мураккаблашиб боради. Сабаби: ҳозирги замон фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқариш муносабатлари, воситалари тараққиёти, қишлоқ хўжалиги, саноат ишлаб чиқариши, умуман халқ хўжалигининг барча жабҳаларида янги технология, техник жараёнларнинг жадал жорий этилиши бевосита шу жараёнларнинг яратувчиси, иштирокчиси бўлган инсон омилига, инсон шахсига ҳам ўзига хос, янгича талаблар қўймоқда. Ишлаб чиқариш муносабатлари, жамият тараққиёти бир томондан, одамларнинг ўзларида рўй бераётган ижтимоий-психологик, физиологик ва бошқа ўзгаришлар одамларнинг ўзаро мулоқот муносабатлари доирасини маълум даражада чегараланиб қолишига, уларда ўтмишдошларимизда кузатиладиган табиийликни маълум даражада бузилишига ва оқибатда инсон рухиятида мумкин қадар ҳиссий, эмоционал зўриқишларнинг юзага келишга асос бўлмоқда. Буларнинг таъсири оилавий ҳаёт ва ундаги психологик иқлимда ҳам ўз ифодасини топади.

Ёшларимизда бу масала бўйича аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш учун, бундан 90-100 йиллар олдинги уларнинг тенгдошлари, яъни ўтиб бораётган асримиз бошидаги ва бугунги кунларимиздаги 15-16 ёшли йигит-қизлар ўртасидаги тафовутларни солиштириб ўтамиз.

Махсус адабиётларда ёзилиши ва ўтказилган тадқиқотлар натижаларида кузатилишича, сўнгги 100 йил ичида одамларда кузатиладиган акселерация жараёнига кўра уларнинг жинсий, физиологик балоғатга етиши 2-3 йилга илгарилаб кетган. Бундан 100 йилча олдин ёшларнинг жинсий балоғатга етиш даври 15-16 ёшга тўғри келган, ҳозир эса бу ҳолат ўртача 12-13 ёшларга тўғри келади. Энди шу ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлик жиҳатларини кўриб чиқамиз.

Илгариги тенгдошларингиз 15-16 ёшларида оилавий ҳаётга етуклик талабларидан бири бўлмиш жинсий етукликка, балоғатга етар эканлар, улар аксарият ҳолларда шу ёшга келиб ўша даврлар учун хос ва лозим бўлган, унчалик мураккаб бўлмаган деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик сир-асрорларидан деярли бохабар бўлганлар (чунки у вақтларда болаларни одатда, 13-14 ёшидан шогирдликка беришган), ўша даврдаги ишлаб чиқариш муносабатлари ва техноло-гик жараёнлар улардан махсус ёки олий маълумот талаб қилмаган, 3-4 йил устоз кўрган шогирд 16-17 ёшида ўзи мустақил иш юрита оладиган устага, ўз ишини амаллаб кета оладиган мутахассисга айланган. Мабодо, у шу вақтда оила қурадигандек бўлса, ўз ҳунари орқали меҳнат қилиб ўзини ва оила аъзоларини иқтисодий жиҳатдан таъминлай олиши мумкин бўлган. Бундан ташқари, у вақтлардаги 18-20

ёшли йигит маҳалла-кўйда, жамоатчилик орасида маълум даражада ижтимоий етук шахс сифатида қабул қилинган, турли тадбир ва маросимларда етук, унинг ҳақли иштирокчиси сифатида қатнашиши мумкин бўлган, яъни унинг ижтимоий жиҳатдан балоғатга етганлиги жамоатчилик томонидан қабул қилинган. Бу жараён шахснинг олдида оила ва жамият олдида ўзига хос масъулият юклаган, масъулиятни ҳис қилиш эса унинг психологик етуклиги аломатларидан бири бўлиб хизмат қилган.

Энди шу хусусиятларни бугунги кун ёшларида кўриб чиқайлик. Улар 12-13 ёшларда жинсий (физиологик) етукликка эришадилар (бу ҳақда кейинроқ тўхталиб ўтамиз), бироқ улар бирор бир касб-хунар эгаси бўлиб, мустақил ишлаб, ўзини ва оиласини иқтисодий жиҳатдан таъминлай оладиган бўлиши учун, аввало мактабни битириши, сўнг у ёки бу касб-хунар коллежи ёки академик лицейда ўқиб, бирор-бир касбни эгаллаши керак. Бунинг учун 9 йил мактабда, коллеж ёки лицейда ўқиши зарур бўлади.

12 йиллик барча учун мажбурий таълимдан сунг ёшларимизнинг маълум бир қисми ўқишни олий ўқув юртларида давом эттиради. Бундан кўриниб турибди-ки, ёшларимизнинг иқтисодий мустақилликка эришишлари уларнинг маълум қисми учун 20-21, бошқалари учун 23-25 ёшга тўғри келади. Бундан ташқари одамларнинг турмуш тарзи ривожланиши билан бирга оилаларининг кундалик ҳаёти ўзгариб, кийинишга, маиший буюмларга, моддий фаровонлик даражасига бўлган эҳтиёжи ҳам ортиб боради.

Жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши шахсни маданий такомиллашувига, у эса шахсларни бир-бирларига қўядиган талаблари ошишига ва шахслараро муносабатни нозиклашувига олиб келади. Фикримизнинг далили сифатида бир фактни келтиришимиз мумкин. Ажралиш фойизи олий маълумотлилар ичида умумий ўрта маълумотлиларга нисбатан юқорирокдир.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиши юқори савияда бўлмаган жамиятдаги оила аъзолари ўзларининг оилавий юмушларининг аксариятини қўлда бажарадилар. Унга оиланинг барча аъзолари ва биринчи навбатда фарзандлар мумкин қадар кўп жалб қилинади. Оила ишларини бажаришдаги умумий фаолият ёшларда маълум малакаларни, шу жумладан оиладаги тегишли ролларни бажаришни, оилада бир-бирлари билан қандай мулоқотда бўлиш малакаларини, оилада ҳар бир шахснинг иерархик мавқеига кўра ўз ҳуқуқ ва ва-зифаларини аниқлаб олишига имкон беради.

Моддий таъминот, юқори маданий савия эса оилада шахснинг шахсга қўйган талабини янада кучайтиради. Оила аъзоларининг ўзаро мулоқотда бўлиш вақти миқдорини қисқартиради. Бу эса кўпгина ёшлар учун ота-она оиласи шахсий оиласига намуна вазифасини бажара олмаслигига олиб келади.

Шулардан кўриниб турибдики, бундан 100 йиллар олдинги ёшлар 16-18 ёшида оила қуришсалар, улар шу вақтга келиб оилавий ҳаёт учун, муваффақиятли турмуш кечириб кетишлари учун зарур бўлган етуклик

даражала-рининг барчасига эришганлар, бу эса уларнинг оилавий ҳаётларида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг бартараф этилишига асос бўлиб хизмат қилган.

Бугунги ёшларимиз эса юқорида баён этилганидек, 12-13 ёшларида жинсий балоғатга етадилар ва аксарият ҳолларда орадан 7-8 йил ўтгандан сўнг, яъни кизлар 19-20 ёшда, йигитлар эса 21-22 ёшда оила қурадилар. Бу вақтда эса улар на иқтисодий жиҳатдан, на ижтимоий жиҳатдан ва на психологик жиҳатдан оилавий ҳаётга тайёр бўлмайдилар. Бундай ҳолатлар шубҳасиз, уларнинг оилавий ҳаётларида олдинги тенгдошлари ҳаётида кузатилмаган муаммоларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, жамият тараққиётининг бугунги ҳолати ҳозирги замон оиласи олдида ўзига хос янги ижтимоий функцияларни ҳам юклайдики, буларнинг барчаси ҳозирги ёшларимизни оилавий ҳаётга махсус тайёрлаш масаласини энг долзарб масалалардан бири бўлишини тақозо қилмоқда. Шунинг учун ҳам сўнгги 15-20 йил давомида дунёнинг барча ривожланган мамлакатларда, бизнинг республикамизда эса мустақилликка эриш-ганимизнинг дастлабки йиллариданоқ, оила масалаларига, ёшлари оилавий ҳаётга тайёрлаш масалаларига, оилаларда комил шахсни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Умуман инсоният жамияти тобора тараққий этиб бораверар экан, оила масалаларининг долзарблиги ҳам шунга мос равишда ортиб бораверади ва оилага бўлган эътибор ҳам кеча ва бугунга қараганда эртага янада юқорирок бўлади. Чунки оила жамиятнинг кичик бир кўриниши бўлиб, у қанча иноқ, аҳил ва мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунчалик қудратли бўлади. Мана «Оила психологияси» курсини ёшларга ўқитишнинг долзарблигини ифодаловчи асосий омил.

Оила психологияси фанининг бошқа фанлар билан алоқаси

Оила кичик гуруҳ сифатида, эмоционал муносабатлар тизимининг аҳамиятлиги бўйича ва ижтимоий институт сифатида шахс психологияси, фанда ижтимоий психология фанида ва социология фанида ҳам ўрганилади. Бола ва ота-она муносабатлари, тарбия стили, боланинг оилада ривожланиши ёш давлари ва Оила психологияси нинг асосий ўрганиш предмети ҳисобланади. Оилавий низолар конфликтология фанида жуда чуқур таҳлил қилинган ва тизимлаштирилган. Оила барбод бўлиши психологик жароҳотларни, оилавий ролларни патологиясини келтириб чиқариши клиник-психологларни ва психотерапевтларни диққатини ўзига тартади. Шу билан бирга яқин бўлган психология фанлари билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Лекин шу билан бирга психологиянинг бир-бирига яқин фанлардаги умумий қизиқишлар билан бирга фарқ қилувчи хусусиятлари ҳам кўринади. Агар социологлар ва ижтимоий психологлар гуруҳларни (катта ва кичик) ўргансалар, оила психологияси эса шундай ғаройиб бир бутун вужудга

келган – оилага кирувчи индивидларни ўрганади. Бунга оиланинг ўз аъзоларини ривожланишига таъсирини ва индивиднинг оила ривожига ва мавжудлигига таъсирини ўрганиш киради.

Оила ичидаги ўзаро алоқалар бошқа ҳар қандай гуруҳ ичидаги ўзаро алоқаларга қараганда бошқача бўлиб – у қариндошлик ришталари билан боғлангандир. Эр-хотин ўзаро муносабати таҳлил қилинар экан, социологлар диққат марказида никоҳ тенденциялари, ажралишлар, оила сиёсати таҳлили турса, оила психологлари эса, нима сабабдан одамлар бир-бирларини ёктириб қолишади, қандай қилиб бир-бирлари билан келишиб, мослашиб яшаб кетишади деган муаммоларни тадқиқ қилиш туради. Индивиднинг шахсий ҳаёти социал психологга қараганда оила психологини кўпроқ қизиқтиради. Шахсни тадқиқ қилувчи психологлар ўз диққатларини индивидларнинг фарқлари ва уларнинг ички индивидуал механизмлари эса оила тизимида пайдо бўлган ва ўсиб ривожланаётган индивидга ўз диққатларини тўплайдилар.

Булардан ташқари оила психологияси психология фанининг тадқиқот методларидан фойдаланади. Кузатиш, суҳбат, интервью, анкета, тест методлари оила психологиясида ҳам унумли фойдаланилади.

Оила психологияси ўқув предмети сифатида: актуал муаммолар

Инсоннинг, одамзоднинг тирик мавжудод сифатида мавжудлиги турли хил эҳтиёжларни амалга оширишни талаб қилади. Улардан баъзиларини вояга етмаган одам томонидан мустақил қондирилса, баъзиларига эса фақатгина ким биландир биргаликда эришиш, амалга ошириш мумкин. Агар никоҳ жорий пайдо бўлган пайтдан бошлаб (эркак ва аёлнинг бирлашганидан) иқтисодий, хўжалик, авлод қолдириш, тарбиявий функциялар аҳамиятли бўлган бўлса, ҳозирги даврга келиб ҳамма жойда оиланинг психотерапевтик ва эмоционал (ҳиссий) қўллаб-қувватлаш функциясининг аҳамияти кучаймоқда.

Эр-хотинлик ўзининг замонавий кўринишида ҳаётий мазмунга (экзистенционал) эришганлик нуктаи назаридан баҳоланади ва эр-хотинлар ўртасидаги психологик муносабат сифатида намоён бўлади.

Никоҳ (оила қуриш) учун ҳис-туйғулар зарур бўлади. Ҳатто “ҳисоб-китобли никоҳлар”да ҳам севги пайдо бўлиши мумкин.

Ҳар бир одам ноёб такрорланмас бўлиб, бу ноёбликнинг орқа томони эса азалий тақдирий ёлғизлик бўлади. Ўзининг ноёб ва такрорланмаслигини одамнинг борлигини ноёб эканлигини ва ўз шахсини, сифатларини ва хусусиятларини такрорланмас, ўзгача эканлигини англаб этиши уни ёлғизликни энгишга ундайди. Кимдир уни тушуниш, қабул қилиши, кимгадир зарур бўлиши керак. Одам севиши ва севимли бўлиш қаттиқ истайди. Буни у фақатгина никоҳ ва оилада топишга умид (тахмин) қилади.

Оила психологиясига олдинлари унча эътибор берилмаган. Методикалар билан жуда кам қуролланган эди. Фақатгина 1970 йиллар бошларида никоҳ

ва оила бир нечта фанларнинг махсус тадқиқотлар предметига шу жумладан, психологиянинг ҳам тадқиқот предметига айлана бошлади. Оила муаммоларига эътибор энг аввало психик ва асаб касалликларини профилактикаси ва оиладаги тарбия муаммолари туфайли олимларни диққатини тортди. Кейинги йилларда оила маслаҳатхоналарида оилавий ҳаёт муаммолари ва ота-она ва бола муносабатлари коррекцияси ривожланиб бормокда.

Психологик билимлар тизимида оила психологиясининг тутган ўрни

Оилани ўрганиш бўйича психологлар томонидан киритилаётган кўпгина тенденциялар, назарий таклифлар, никоҳ ва оила модели моҳиятини яратишга интилишлар оила психологиясини психологик билимлар тизимида тутган ўрни ва уни долзарб эканлигини чуқурроқ ўйлаб кўришни тақозо этади.

XXI асрга келиб инсоният олдида қандай қилиб ўз ёлғизлигини энгиши, ўзга киши билан қандай қилиб мустаҳкам, гармоник, иттифоқ тузиш ва қандай қилиб бу иттифокни узоқ йиллар, бутун умр давомида сақлаш каби муаммолар кескин турибди. Бу ҳақда С.Л.Рубинштейн тўғри фикрни айтган: “Инсон ҳаёти асосини, ўзагини ўзга киши, одамларга бўлган муносабат ташкил қилади. Инсон “юраги” унинг бошқа одамларга бўлган муносабатларидан тўқилган; унинг баҳоси, баҳоланиши одам қандай инсоний муносабатларга интилишига қараб, одамларга ва ўзга кишига қандай муносабат ўрната олишига қараб аниқланади. Инсоннинг бошқа одамларга бўлган муносабати асосида инсон ҳаётини таҳлил қилиш психологияни асосий ядросини ташкил этади”.

Оила ҳақида алоҳда фан йўқ, лекин оиланинг турли жиҳатларини ўрганиш билан 10 дан ортиқ фанлар шуғулланади. Бу фанлар қуйдагиларни ўз ичига олади. Этнография - никоҳ оила муносабатларини халқлар турмуш тарзининг бир табақаси сифатида ўрганади.

Аҳолишунослик - демография - аҳолининг ҳамда унинг асосий бўғини бўлмиш, оиланинг турли хил муаммоларни сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва тарихий жараёнлар асосида ўрганади.

Иқтисод фани билан статистика фани, оила бюджети оила ишлаб чиқариши, оилавий истеъмолни, меҳнат тақсимотини, оиладаги хўжалик иқтисодий муносабатларни тадқиқ этиш билан шуғулланади.

Психологиянинг вазифаси - асосан никоҳ-оила муносабатларида намоён буладиган хиссиёт, тасаввур урф-одатларни руҳий ходисаларнинг ижтимоий табиий манбаларини ўрганишдан иборат.

Оила педагогикаси - оиланинг болаларга кўрсатадиган таъсирини оиладаги тарбия қонуниятлари, воситаларини ота ёки онанинг болага таъсири, оила ва унинг бошқа тарбия муассасаларининг ўзаро муносабатини аниқлашдир.

Тиббиёт фани - никоҳнинг физиологик жиҳатларини ва уларнинг оқибатларини, оиланинг оила аъзолари соғлигига таъсири тадқиқ қилади.

Хукуқшунослик - оила никоҳ ва оила туғрисидаги қонунларни ва оиланинг ижтимоий ҳаётга муносабатини урганиб ҳукукий қоидаларни асослаб беради. Оиланинг вужудга келиши узок ўтмиш билан Ўрта Осиё халқларида оиланинг энг дастлабки тарихий шакли патриархал оила тарзида вужудга келган. Бу оила айни замонда жамиятнинг асосий ишлаб чиқариш жамоаси ҳам бўлган. Шунинг учун оилавий муносабатларга ҳар бир оила аъзоларининг ҳатти-ҳаракатларига алоҳида эътибор берилган. Патриархал оила, эрамиздан олдинги бир минг йилликларда вужудга келган. Унинг ривожланган даври эрамизнинг биринчи асрига туғри келади. Эрамизнинг бир минг йиллиги урталарида кичик-кичик оилалар таркиб топа бошлади.

Ҳар қандай жамият тараққиётида оилаларнинг, оилалар мустақамлигининг ўрни бекиёсдир. Чунки тирик организмнинг саломатлиги уни ташкил қилувчи ҳар бир хужайранинг соғломлигига боғлиқ бўлганидек, бутун организм ўз фаолиятини мақсадга мувофиқ амалга оширишида ҳар бир хужайранинг муносиб ўрни бўлганидек, оила ҳам давлат, жамият деб аталган бутун бир организмни ташкил этувчи хужайрадир. Ҳар бир оиланинг соғлом бўлиши, уларда ижобий психологик иқлимнинг ҳукм суриши, мана шу муҳитда дунёга келиб шахс сифатида шаклланиб, сўнг ўзи яшаётган давлатнинг фуқароси сифатида ўз давлатининг иқтисодиёти, ижтимоий ҳаёти тараққиётини таъминловчи, ҳал қилувчи омил бўлган инсон камолотида оиланинг тутган ўрни бекиёсдир. Шунингдек, жамият тараққиётининг кутилган даражага чиқа олмаслиги, унинг тараққиётига тўсқинлик қилувчи, унинг инқирозига олиб келувчи кучларнинг юзага келишида ҳам оиланинг ҳиссаси каттадир. Чунки носоғлом, ноқобил ва низоли оилалар, ажрашишлар сонининг ортиши, жамиятга турли иқтисодий, ижтимоий зиён етказиши билан бирга, бундай носоғлом психологик муҳитда, низо-жанжалли, ўзаро меҳр-оқибатсиз муҳитда дунёга келган, шаклланган бола ҳам кейинчалик нафақат ўз ота-онаси, ака-укаларига нисбатан меҳр-оқибатсиз, балки атрофдагиларга, қолаверса ўзи яшаган жамиятта нисбатан меҳр-оқибатсиз, шафқатсиз, золим, худбин, жамият, юрт манфаатларига зид ҳар хил салбий ташқи кучлар таъсирига осон берилувчан шахс бўлиб шаклланиши, шу асосда эса ўз оиласи, ўз халқи, ўз юрти учун хавфли инсонларнинг етишиб чиқишига ҳам асос бўлиши мумкин.

Демак, оилаларнинг мустақамлиги жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, миллий хавфсизлигини, унинг равнақи, тараққиётини белгиловчи ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Ҳозирги вақтда жамиятимиз учун, инсоният тараққиёти учун, мустақиллигимиз истиқболлари учун жиддий хавф туғдираётган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, экологик, ички ва ташқи омилларнинг таҳдиди ортиб бораётган айни вақтда оилалар мустақамлигини таъминлаш ва бу масалани тўғри ҳал этилишининг асосий йўли бўлмиш ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масаласи ҳеч кечиктириб бўлмайдиган, сусткашликка йўл қўйиб бўлмайдиган, ўта жиддий ёндошишларни талаб этувчи давлат, ҳукумат миқёсидаги долзарб масаладир.

Бунинг муваффақиятли амалга ошишига жамиятимизнинг ҳар бир фуқароси, Сиз ўқувчилар, ота-оналар ҳамма бирдек масъулдир. Бу масала ҳеч қачон кун тартибидан тушмайдиган, ўз долзарблигини йўқотмайдиган ўта нозик, ниҳоятда жиддий масаладир. Чунки инсоният тараққиёти, жамиятимиз тараққиёти шу масалани биз бугун қандай ҳал қилишимизга боғлиқ.

Курснинг мақсади:

оила психологиясига доир энг муҳим билимларни бериш ва улар асосида тегишли малакалар ва кўникмалар шакллантириб, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашдир.

Оиланинг ижтимоий ва этнопсихологик хусусиятлари оила психологияси курсининг предметини ташкил қилади.

Оила психологияси курсининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Оилани шахснинг шаклланишидаги роли ҳақида ёшларда тўлақонли тасаввур шакллантириш.

Ёшларни оиланинг ижтимоий тарихий келиб чиқиши ва юзага келгандан сўнг оилавий ҳаёт давомида бўладиган ўзгаришлар ҳақидаги илмий асосланган билимлар билан таништириш.

Ёшларда оилавий ҳаётда муқаррар равишда содир бўладиган ўзгаришлар, муаммолар, қонуниятлар ҳақида илмий асосланган тўлақонли тасаввурни шакллантириш ва уларни бу жараёнларга тайёрлаш.

Ёшларни оилавий ҳаётда юзага келадиган муаммоларга конструктив тус беришга, деструктив йўналишдагиларидан эса сақланишга ўргатиш.

Ёшларда оилавий ҳаётни ўзига хос хусусиятларини илмий асосланган тарзда талқин этиб, муаммоли вазиятлардан психологик жиҳатдан оқилона (оилага ва унинг мустаҳкамлигига салбий таъсир этмаган ҳолда) чиқиш имконини берувчи малакаларни шакллантириш.

Ёшларда ўзларига турмуш ўртоғини тўғри танлаш малакаларини шакллантириш.

Ёшларни оиладаги мулоқотга тайёрлаш.

Ёшларни оилани режалаштиришга ўргатиш.

Ёшларни жинсий ҳаётга илмий асосда тайёрлаш.

Ёшларда оиланинг мустаҳкамлигини таъминловчи билим ва малакаларни шакллантириш.

Ўқувчиларда оилани ўрганувчи психологик ташхис методикалари билан ишлаш ва улар ёрдамида олинадиган натижаларни тўғри талқин этиш малакаларини шакллантириш.

Шарқ мутафаккирларининг оила хусусидаги қарашлари

Режа:

“Авесто”да оила ҳақида баён этилган фикрлар.

Буюк алломаларнинг оила хусусидаги қарашлари.

Шарқ мутафаккирларининг оила ҳақидагҳи қарашлари.

Исломда оилавий муносабатлар масалалари.

Инсон ва инсоний муносабатлар, шахс ва унинг камолоти узоқ асрлардан буён жамиятнинг энг илғор кишилари, олимлар, буюк алломалар ва донишмандларнинг диққат марказида асосий масалалардан бири бўлиб келган. Абу Носир Фаробий, Абу Райҳон беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус, Хотам ибн Той, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Ризоуддин ибн Фаҳриддин, Муқимий, Фурқат, Явқий, Увайсий, Нодира, Абдуруф Фитрадат, Абдулло Авлоний каби шарқ мутафаккирларнинг оила хусусидаги доно фикрларининг баёни берилади.

Абу Али ибн Сино ўзининг «Донишманднома» асарида ҳар бир киши бахтли бўлиши учун ўзидаги ахлоқи, одоби, юриш-туриши ва атрофдагиларга муносабатини ижобий қилиши кераклигини уқтиради. Абу Али ибн Сино ўз асарларидан бирида кучли муҳаббатни изоҳлар экан, уни касаллик сифатида таърифлайди ва «даволаниш йўллари кўрсатиб ўтади: муҳаббат ўтида қийналиб азоб чекаётган икки қалбни бирлаштиришни маслаҳат беради. Шунингдек у яна маълум объективсабабларга кўра, яъни динидаги, саломатлигидаги, ёши ва ижтимоий келиб чиқишидаги ваз у аби тафовутларга асосланиб қалбларни бирлаштириш имкони бўлмаса, унда одамнинг руҳий хусусиятларига кўра турлила даво чораларини қўллашни тавсия этган. Масалан, ҳиссиётни бошидан кечираётган одамни севгилисидан совутиш, ҳиссиётни заифлаштириш, ҳиссиётни бошқа шахсга кўчириш, чалғитиш, органик эҳтиёжларни қондириш орали муҳаббат ҳисларини сусайтириш шулар жумласидандир.

Абу Райҳон Беруний эса инсоннинг ташқи қиёфаси, унинг ахлоқий қиёфаси билан узвий боғлиқлигини, кишидаги олижаноблик ва орасталик инсонлар билан муомаласида муҳим ўзак эканлигини асослайди.

.Юсуф Хос Ҳожиб инсонлар билан дўст бўлиш учун асосий калит «бу

тилдир, тил ту файли киши ўз илми, ақлига жило беради. Сўзни ўйлаб сўзлаш, унинг улуғ бўлишига олиб келади, ёки ўйламай сўзланса, унинг кадрили тушуради» каби фиклари орқали инсоний муносабатларда юқори эътибор бериш кераклигини уқтиради.

Хожи Аҳмад Яссавий ҳикматларида эса ҳар бир инсоннинг орзуси инсонлар билан яхши муносабатда бўлиш, дўст орттириш, севиш ва севилиш эканлигини кўрсатиб берилган.

Файласуф шоир Умар Хайёмрубоийларида икки киши орасидги муносабатларда бир-бирига дўстлик, меҳр кўрсатиш, Эътибор бериш шу инсонларнинг шахс сифатида ривожланишига катта замин яратилиши ифодаланади.

Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шаҳри” асарида ахлоқ-одобга лойик инсон икки фазилатига эга бўлмоғи лозимлиги ва бу фазилатлар таркибда муомала одоби, инсонларнинг ўзаро бир-бири билан хуш мулоқотлиги, дўстлиги кабиларни киритади. Мутафаккирнинг фикрича, инсонга уни гўзал амаллар қилиш учун йўналтириладиган одат маҳсули бўлишига етук хулқ лозим. Хулқнинг яхшилиги хатти-ҳаракатларда меъёр қай даражада сақланганлиги билан белгиланади. Одобни эса у бадавлатнинг давлатини безайдиган ва камбағалнинг камбағаллигини ўғирлайдиган ахлоқий ҳодиса сифатида таърифлайди.

Кайковуснинг “Қобуснома” асарида: “Шундоқ кишини дўст тутингки, сенга унинг суҳбатидан роҳат етсин. Шунда уни қабул қил, чунки ошиқлик бошқа ва дўстлик бошқадир”, дейилган бўлса, “Хотамнома” асарида эса сахийлик, тўғрилиқ, ростгўйлик, севги ва саодат, одамлар ўртасидаги дўстлик ва мурувват, тинчлик ва фаровонлик каби эзгу ғоялар тараннум этилган.

Алишер Навоийнинг “Маҳбуб-ул-қулуб” асарида киши хулқ-атворида намоён бўладиган одоб ва тавозе дўстлик пайдо бўлишида энг асосий шарт сифатида қарайди: “Тавозе-кишига халқнинг муҳаббатини жалб қилади, одамларни у билан дўстлаштиради. Тавозе-дўстлик гулшанида тоза гуллар очади ва гулшанда ошнолик ва улфатчилик базмига хилма-хил гуллар сочади”.

Шарқ мутуфаккирлари асарларининг таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг бой ва сермазмун мерослари ўзига хос энциклопедия ҳисобланади. Бу меросни биз ўқиб, ўрганиб шу кунларда ҳам уни ҳаётга татбиқ этиш кераклигини тан оламиз.

Президентимиз И.А.Каримов алоҳида таъкидлаб ўтганларидек, “Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Ҳалоллик, ростгўйлик, орномус, шарму-ҳаё, меҳру-оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланган”.

Оилавий турмуш ва ундаги шахслараро муносабатлар маданиятига хос масалалар буюк муҳаддис алломалар Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, Ат-Термизий ижодларида ҳамда тасаввуф фалсафасининг йирик намояндалари бўлмиш Аҳмад Яссавий, Баховуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро тариқатларида ҳам кенг ёритилгандир.

Шарқ мутафаккирларининг илмий-маданий мэросини ўрганар эканмиз, уларда баён қилинган оилавий турмуш қоидалари, ундаги шахслараро муносабатлар маданияти, фарзанд камолоти, эркак билан аёл муносабати, инсоний фазилатларнинг шаклланиши ҳақидаги қимматли фикрлар шарқ халқлари, хусусан, ўзбек халқининг оғзаки ижоди, эпосининг (ўзбек халқ мақоллари, эртаклари, дostonлари, афсоналари, ривоятлари) узвийлиги асосида таркиб топган илмий-маданий мэрос эканлигини кўрамиз.

Чунончи, ўзбек халқининг оғзаки ижоди ва эпосларида мардлик, ҳалоллик, камтарлик, ишонч, севгига-садоқат, дўстлик, адолатлилик, меҳнатсеварлик, ҳамфикрлилик, орасталик, гўзаллик, оқиллик, эътиқод, ҳурмат-эҳтиром, оила шаъни ва ғурурини ҳимоя қилиш, туғилган жойига муҳаббат, эзгуликка интилиш, ҳалол ва пок яшаш улуғланган. Бу воқеликни биз Алпомиш, Кунтуғмиш, Гўрўғли, Ойсулув, Лайли ва Мажнун, Юсуф ва Зулайҳо каби қатор ўзбек халқ дostonларининг қаҳрамонлари мисолида кўришимиз мумкин.

Қадимий эпосларда аёллар билан эркаклар тенг ижтимоий мавқэга эга шахслар сифатида гавдаланади, аёллар эрларидан қолишмайдиган жасоратли қилиб тасвирланган.

Инсон ва инсоний муносабатлар, шахс ва унинг камолоти узоқ асрлардан буён жамиятнинг энг илғор кишилари, олимлар, буюк алломалар ва донишмандларнинг диққат марказида асосий масалалардан бири бўлиб келган. Абу Носир Фаробий, Абу Райҳон беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус, Хотам ибн Той, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Ризоуддин ибн Фаҳриддин, Муқимий, Фурқат, Явқий, Увайсий, Нодира, Абдуруф Фитрат, Абдулло Авлоний каби шарқ мутафаккирларнинг оила хусусидаги доно фикрларининг баёни берилади.

Дарҳақиқат, Шарқнинг буюк алломалари ва маърифатпарварлари ҳисобланган Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Кайковус, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Ризоуддин ибн Фаҳруддин, Аҳмад Дониш, Абдулло Авлоний, Фитрат ва бошқаларнинг асарларида Марказий осияда яшаб келаётган халқлар, жумладан, ўзбек халқининг оилавий ҳаёти, ундаги ўзаро муносабатларнинг (айниқса эр-хотин) миллий психологик хусусиятлари, эр-хотиннинг бурч ва вазифалари, оиланинг турмуш тарзи ва тарбиявий муҳити ва бошқалар ҳақида қимматли фикрлар мавжуд.

Инсоният тарихида оила ва никоҳ институтининг ривожланиши тарихи

“Никоҳиттифоқи - инсоният жамиятининг биринчи поғонасидир”

Ц и ц е р о н.

Режа:

- 1.Инсоният тарихида оила ва никоҳ институтининг ривожланиши тарихи.**
- 2.Оилавий муносабатларнинг янги аънадалари.**
- 3.Янги давр оиласининг психологияси, унинг типологияси, турлари, хусусиятлари.**
- 4.Замонавий оила – ижтимоий институт сифатида.**
- 5.Оиланинг жамият тараққиётида тутган ўрни.**

Мазкур дарсликнинг кириш қисмида таъкидлаб ўтилганидек, ушбу курс давомида никоҳ-оила муносабатлари психологиясига оид масалалар билан танишиб чиқамиз. Гап никоҳ-оила муносабатлари ҳақида борар экан, даставвал, ҳозирги замон оиласининг, умуман никоҳ-оила муносабатларининг юзага келиши ва ривожланиш тарихи ҳақида зарур маълумотларга эга бўлиш мақсадга мувофиқдир

Тарихий адабиётларга асосланган ҳолда қуйида инсоният жамияти тараққиёти давомида никоҳ-оила муносабатларининг эволюцияси ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз. Махсус манбаларда қайд этилишича, ер юзида бундан 4 млрд. йиллар муқаддам ҳаёт нишонлари, жонзодлар юзага келган. Ҳозирги замон одамларининг дастлабки ибтидоий аجدодлари фикрловчи одам бундан 3 млн. йиллар муқаддам шаклланган. Узоқ муддат давом этган ибтидоий тараққиётдан сўнг аста-секинлик билан ибтидоий жамоалар, киши-лик жамиятлари юзага кела бошлаган ва одамлар ўртасида дастлабки ўзаро муносабатлар, мулоқотлар шакллана борган. Лекин уларни ҳали том

маънода инсоний муносабатлар деб бўлмас эди.

(Умуман эркак ва аёлларнинг бир-бирларига нисбатан қарама-қарши жинс вакиллари сифатида ўзаро муносабатларининг илк кўринишларида, яъни никоҳ муносабатларининг юзага келишининг илк босқичларида жинслар ўртасидаги муносабатлар асосан биологик омиллар билан бошқарилган худди маймунларда бўлгани каби ибтидоий одамларнинг аёллари ҳам вақти-вақти билан, қисқа муддатли (ой давомида 4-5 кунгача, фақат айрим турлардагина 19 кунгача) «эст-рус» деган ҳолатни, эструс даврини ҳис қилганлар (эструс - қўшилишга мойилликнинг шиддатли, кучли намоён бўлиши). Бундай кунларда аёллар кимни хоҳласа ўшалар билан фарқлаб ўтирмай қўшилаверган, қолган кунлари эса қўшилиш бўлмаган. Одамларнинг тик юришга ўтиши билан одам организмида рўй берган ўзгаришлар, «илк аёлларни» кўз ёриш жараёнида кўп нобуд бўлишига ва оқибатда одамлар тўдасида уларни сонининг кескин камайиб кетишига олиб келган. Шу туфайли эркаклар ўртасида кўплаб низолар юзага келган, уларнинг кўпчилиги қонли тўқнашув иштирокчиларидан бирининг нобуд бўлиши билан тугаган. Бундай табиий танланиш, эструс ҳодисаси узоқроқ муддат давом этган уруғларнинг ўтроқ яшаб қолишига олиб келган.

Бироқ, бу биологик омил «илк ижтимоий» режадаги янги тўсикларни юзага келтиради: ҳеч бир организм бундай узоқ вақт давом этган ўта шахвоний, асабий зўриқишларга дош бера олмас эди. Шунинг учун эструс муддатининг узайиши билан аёллар бу даврда «совуқроқ», ўзининг жинсий майлини назорат қиладиган ва энди ким тўғри келса ўша билан эмас, балки фақат ўзларига ёқадиган эркаклар билангина қўшиладиган бўлиб борганлар. Эркакларга нисбатан «танлаб» муносабатда бўлиш ўзига хос инсоний муҳаббатнинг био-логик пойдевори юзага кела бошлаганлигидан далолат беради. Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз жоизки, ҳозирги одам тушунадиган, ҳис қиладиган «севги» хиссининг илк элементлари, аёлларнинг шу ҳолати хусусияти эвазига инсоният руҳиятига сингиб борган. Шулардан сўнг, аста-секинлик билан, гарчи ҳеч қандай ижтимоий меъёрлар билан бошқарилмасда бир-бирларини шахвоний маъқул кўрадиган жуфтлардан иборат унчалик катта бўлмаган гуруҳлар ташкил топа бошлайди. Шундай қилиб, эструснинг узайиши ҳамма учун ҳам қулай, маъқул бўлмаган. Бу эса уруғ таркибига кирувчи эркаклар ўртасида яна жанжаллар, қон тўкилишларга сабаб бўладиган ҳолатларни келтириб чиқарган.

Одамлар жамоаси ҳўжалик фаолиятининг жиддий бузилиши, уруғнинг яшаб қолиши учун хавфнинг рўёбга чиқишига олиб келди. Шу тарзда юзага келаётган жамиятда, уруғ ичидаги жинсий мулоқотни бошқариш, биологик инстинкт, зоологик индивидуализмни жиловлаш учун махсус ижтимоий меъёрлар шакллана бошлади. Ана шундай ижтимоий меъёрлардан бири мазкур уруғ ичида эркак ва аёлларнинг жинсий мулоқотларини маълум бир муддатга (овга тайёрланиш, ов вақтларида) тақиқловчи жинсий табулар (таъқиқлаш)нинг юзага кела бошлаганлигидир.

Табу - ахлоқий меъёрларга қараганда анча жиддий ва қаттиқ таъқиқдир.

Ахлокий меъёрларни бузувчиларни жамоа жазолаши, уни йўқ қилиб юбориши ҳам ёки кечириб тирик қолдириши ҳам мумкин бўлган. Кўпинча эса табуларни бузганлар, улар буни билиб қилганми, ёки билмайми бундан қатъий назар сўзсиз жазоланган, йўқ қилиб юборилган.

Ишлаб чиқаришдаги жинсий табуларни юзага келиши уруғ ўртасида эркак ва аёлни маиший ажратиб қўйиш билан кузатилади. Табу вақтида эркакларнинг нафақат аёлларга тегиниши, балки уларга қараши, улар билан гаплашиши, улар тайёрлаган овқатни истеъмол қилиши, ҳатто улар билан бир том остида яъни «бир уйда» бўлиши таъқиқланган.

Дехқончиликнинг юзага келиши, мавсумий дала ишларининг ортиб бориши билан жинсий табулардан холи вақтлар борган сари кам муддатли бўлиб бора-верган. Эркакларда ҳам, аёлларда ҳам жинсий зўриқишнинг жадаллиги ортиб борган. Шунинг учун табулардан холи қолган вақт оралиғи ўзига хос шахво-ний айшу ишратларга айлана борган.

Атоқли психолог З.Фрейд бу даврни ўз навбатида байрамларга қиёслаган. Чунки аксарият байрамларда, бошқа кунлари тақиқланган деярли барча нарсага рухсат берилади. Бу байрамлар ҳеч нима билан чекланмаган, жўшқин жинсий мулоқотлар амалга оширилган.

Шундай қилиб қисқа муддатли эструс юзага келган, бироқ энди бу эструс биологик сабаблар билан эмас, ижтимоий сабаблар билан боғлиқ бўлган. Бу вақтларда ҳали на никоҳ ва на оила мавжуд бўлган.

Ўз навбатида табулар кейинчалик никоҳнинг илк турларидан бўлмиш экзогам никоҳларни юзага кел-тиради (экзогам никоҳ-уруғлараро, қабилалараро никоҳ). Чунки табулар фақат ўз уруғи учунгина тааллуқли бўлиб, унда қон-қариндошлар ўртасида жинсий мулоқот таъқиқланган, бошқа қабила ёки уруғ аъзоларига эса тааллуқли бўлмаган. Шунинг учун эркакларга қаердадир, овлоқ жойда бошқа урукқа мансуб бўлган аёлни учратиб қолиб ундан шахвоний объект сифатида фойдаланиши мумкин бўлган. Мабодо эр-каклар узок муддат қишлоқ хўжалик ишлари билан банд бўлган вақтларида бирон бир бегона эркак билан аёллар ҳам бу ишни қилишган. Табу давом этаётган даврда бир уруғ эркаги ўз аёлларидан узокда, ўз кулбасида бошқа урукқа мансуб аёлни саклаши мумкин бўлган. Кейинчалик бу тасодикий алоқалар қабила қоидаларида одатий, зарурий, кўзда тутилган одатларга ай-ланиб борди. Бу ўринда одамларга, бу «бошқа уруғдагилар» билан бўлган алоқалардан туғилган насллар нисбатан бўйдор, бақувват абжир эканлиги сезилиб борди. Бу айнан ҳозирги замон одами гомосапиенс шакллана бошлаган даврга тўғри келади.

Шундай қилиб эндогамия (фақат бир уруғ вакиллари ўртасидаги жинсий алоқа)дан, агомия, яъни жинсий муносабатларнинг вақтинчалик таъқиқланиши орқали экзогамия (турли қабила вакиллари ўртасидаги мунтазам жинсий алоқа) юзага келди. Бундан никоҳнинг гурухли никоҳ (дуально родовой) тури юзага келган. Гурухли никоҳда бир уруғ эркаклари бошқа уруғнинг барча аёллари учун эр ва аксинча иккинчи уруғнинг эркаклари биринчи уруғ аёллари-нинг эрлари ҳисобланган.

Гуруҳли никоҳнинг юзага келиши никоҳ жуфтлари доирасини маълум бир гуруҳ аъзолари билангина чегаралаб, бирмунча қисқартиради. Бундай ҳолларда бошқа уруғдаги «эркак» бу қабилага фақат битта мақсадда, «никоҳ» мақсадидагина келар эди, ўзлари эса она оилаларида яшарди ва ишларди, улар ўзларининг «хотин»лари яшайдиган оилада ҳеч қандай ҳуқуққа эга эмас эдилар.

Гуруҳли никоҳ икки уруғнинг никоҳ алоқаларидан иборат бўлган - никоҳ муносабатларининг биринчи шакли бўлган. Албатта бундай уруғларни ҳали моддий неъматлар ишлаб чиқиш эмас, балки болаларни дунёга келтиришгина боғлаб турган. Ишлаб чиқариш ва болаларни дунёга келтириш муносабатлари бир-биридан ажратиб қўйилган эди. Жинсий алоқалар эса фақат бир-бирлари билан мулкӣ ишлаб чиқариш ишлари билан боғланмаган одамлар ўртасидагина мавжуд бўлган.

Гуруҳли никоҳ шахсий никоҳ бўлмаган, яъни унда бирон бир доимий «эр-хотинлик» жуфтлари мавжуд бўлмаган. Ҳар бир аёлнинг никоҳ жуфти айнан ким бўлиши уруғ томонидан белгиланмаган, бу фақат одамларнинг ҳолис хоҳишлари, истакларининг намоён бўлиши бўлган ҳолос. Уруғ фақат зўравонлик, мажбурлаш ҳоллари кузатилгандагина аралашishi мумкин бўлган, яъни ҳар бир индивидга ўзи қандай хоҳласа, шундай йўл тутиш ҳуқуқи таъминланган. Бундай муно-сабатларни ҳозирги замон тили билан «никоҳ», деб аташ мушкул, чунки бундай муносабатлар жуфтлардан на ҳуқуқ, на мажбурият ва на ўзаро масъулиятни талаб қилмаган. Шунингдек, оила деб аташ мумкин бўлган, болаларни боқиш ва тарбиялаш билан боғлиқ бўлган алоҳида бир муҳаббат ҳам бўлмаган.

Табиийки, гуруҳли никоҳда у ёки бу боланинг отаси ким эканлигини аниқлаш мушкул бўлган, шунинг учун болаларнинг келиб чиқиши фақат она томонидангина ҳисобланган. Уруғни фақат аёлга тегишли томони тан олинган. Болалар фақат ўз онасинигина билганлар. Уларнинг сингиллари, сингилла-рининг болалари, туғишган ака-укалари ва бошқа қариндошлар она уруғини ташкил қилган.

Гуруҳли никоҳнинг моддий асоси бўлиб асосан уй хўжалигини юритиш ҳисобланган, чунки бу вақтга келиб овчилик ҳамма вақт ҳам уруғ эҳтиёжини қондира олмай қолган. Бу даврда аёл уй хўжалик ишлари билан боғлиқ бўлган барча ишларни бажарган ва шу билан боғлиқ ҳолда уруғ аъзолари ўртасида ўзига хос ҳурматга эга бўлган, уруғ оқсоқоллари кенгашида эътиборли ўрин эгаллаган. Матриархат (оналик) даври бир неча ўн минг йиллар давом этган.

Кейинчалик гуруҳли никоҳ доирасида ўзаро майллар заминида етарлича доимий жуфтлар шакллана бошлади. Бундан пайдо бўлган жуфтли никоҳ даставвал бир эркак доимо фақат битта аёл билан яшашлигини билдирмаган. Эркак киши бир неча аёл билан бўлиши мумкин бўлган, худди шунингдек аёл ҳам бир неча эркак билан муносабатда бўлган. Аниқроғи бундай никоҳни жуфтли никоҳ эмас, бутки ибтидоий-эгалитар, яъни тенг ҳуқуқли никоҳ дейиш тўғрироқ бўлади. Табиийки, уруғнинг бир мунча беобрў

аъзолари бир неча аёлга эга бўлиши мумкин бўлган. Бу даврга келиб кўп эрлилик камроқ учраган.

Бундай жуфт никоҳлар тахминан бундан 25-24 минг йиллар муқаддам уруғ ичида хўжалик ва иқтисодий муносабатларнинг янги шаклларига ўтиш билан хусусий мулкчиликнинг юзага келиши билан боғлиқ бўлган. Бу йўлда қўйилган биринчи қадам «совға айрибошлаш» деб аталган одат бўлган.

Деҳқончилик ва чорвачиликнинг ривожланиши билан уруғни, қабилани бир аъзоси меҳнатининг маҳсулдорлиги сезиларли даражада ортган ва бу ортиқча истеъмол маҳсулотларининг юзага келишига олиб келган. Ҳар бир ишчи ўзи яратган маҳсулотни қабиланинг «умумий қозониға» ташлайдиган эскича такси-мот шакли энди ишлаб чиқаришни янада ривожланишига тўсқинлик қила бошлади (чунки бу қабиланинг нопок, дангаса аъзоларини ҳам ишлаб чиқиш фаолиятидан жазосиз қутулиб қолишига олиб келган). Шунинг учун қabila ортиқча маҳсулотни маълум бир қисмини қabila мулкига ўзининг абжирлиги, чакқонлиги, ишлаб чиқариш фаолиятида кўпроқ муваффақиятларга эришганлиги билан фарқланиб турган аъзоларига «мукофот» тариқасида тақсимлашга рухсат беришга мажбур бўлган. Ҳаммага тенг тақсимлаш билан бирга аста-секин одамнинг имкониятига, унинг қabila мулкига қўшаётган улуши миқдорига қараб «меҳнат ҳақи» тақсимлана бошланган.

Агар тенг тақсимланишда жамоа маҳсулотидан улуш олиш «ҳуқуқи» мазкур уруққа тааллуқлилигига қараб берилган бўлса (жамоа мулкига қанча ҳисса қўшганидан қатъий назар) энди бу «ҳуқуқ» маҳсулот яратишдаги иштирокига асосланадиган бўлди.

Уруғнинг айрим аъзоларида ортиқча маҳсулот, шахсий мулкнинг пайдо бўлиши, оиланинг шаклланиши томон қўйилган янги қадам бўлган «совға айри-бошлаш»ни юзага келтирди. Эркак киши бошқа уруғдаги «ўз аёлига» ўзининг «мукофотини» совға қилган, шунингдек аёл ҳам ўзиникини унга берган. Токи улар ўртасида совға айрибошлаш давом этар экан, эркак билан аёл ўртасидаги жинсий алоқа ҳам давом этаверган. Совға айрибошлашнинг тўхтатилиши эса улар ўртасидаги алоқанинг ҳам тугашини биддирган. Шундай қилиб никоҳнинг яна бир тури индивидуал жуфт никоҳ юзага келган. Бунда аёлни ўзининг қондош қариндошлари, яъни ўз уруғи эркаклари билан тенг тақсимлаш муносабатлари, бошқа уруғдаги эркаklar билан эса совға айри-бошлаш муносабатлари боғлаб турган.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, жуфтли оиланинг юзага келиши, бошиданоқ, уни ўз уруғига қарши қўйишни ва оналик уруғи асосларининг бузилишига олиб келишини билдирган. Яъни эркак киши ўз мукофотини бошқа уруғдаги «ўз аёли» ва унинг болаларига қан-чалик кўп берса, унинг ўз оналик уруғига шунчалик кам улуш қолган.

Бироқ «эр» ҳали «хотиннинг» ва унинг болаларини ягона боқувчиси бўлмаган жуфтли оилаларни янада асослироқ бўлиши учун совға айрибошлаш ноадекват бўлиши керак эди, яъни эр-хотинига, хотин эрига берганга қараганда кўпроқ бериши лозим эди, шундай қилиб у эр хотиннинг

болаларини боқувчиси бўлиб қолиши, совға айрибошлаш муносабатлари боқувчилик муносабатларига айланиши лозим эди. Шу билан бирга эркакни хотин ва унинг болалари билан алоқаси мунтазам ва узок муддатли бўлиб борди. Ниҳоят (дуально родовой) қабилалараро никоҳ заминидо доимий ўрин олган хўжалик бирлиги жамоа ташкил топди, унга эрлар ўз хотинлари ва улар-нинг болалари билан кирди. Эркаклар ўз сингиллари-дан, аёллар эса мос равишда ўз ака-укаларидан ажралишди.

Янги иқтисодий хўжалик бирлиги ёки оила-нинг яна бир тури-жуфт оила юзага келди, унга, асосан эр, хотин ва унинг болалари кирди. Энди никоҳ ўзига хотиннинг болаларини тарбиялаш ва боқишни таъминлашни мақсад қилиб қўйган эркак ва аёлнинг иттифоқига айланди. Бунинг учун эр-хотиннинг ҳар бири ўз уруғидан олган улушидан, махсулотидан фойдаланишган. Бундай иттифоқни юзага келишининг объективлиги меҳнатига яраша тақсимотни ролини ортиши ва тенг тақсимлашни ролининг пасайиши билан ортиб борди. Жуфт никоҳнинг юзага келиши билан жуфтлар ўртасидаги жинсий муносабатлар нафақат шунчаки ахлоқий меъёрлар билан бошқариладиган доираларга, балки, ижтимоий-иқтисодий доирага (рамкага) киритилди

. Оила табиатнинг шох асарларидан биридир. (*Ж.Сантаяна*)

Оила жамиятнинг дур-у гавҳари. (*И.Гёго*)

Никоҳ кишилик жамиятининг биринчи поғонасидир. (*Сицерон*)

Ҳар қандай никоҳ устидан бир нарса амр қилиб турмоғи лозим: ҳар бир одам ўз ҳузур-ҳаловати учунгина эмас, балки давлат манфаатларини кўзлаган холда никоҳдан ўтмоғи керак (*Афлотун*)

Никоҳ кўп ташвиш туғдиради, аммо никоҳсиз турмушда ҳам ҳеч қандай шодлик йўқ. (*С.Жонсон*)

Никоҳ одамзод авлодлари давомийлигини таъмин этувчи заруратдир (*Лукиан*)

Замонавий оиланинг ўзига хослиги, турлари ва вазифалари

Режа:

- 1.Замонавий оилаларнинг турлари, ўзига хослиги ва вазифалари.
- 2.Оиланинг репродуктив функцияси.
- 3.Оиланинг иқтисодий вазифалари.
- 4.Оиланинг тарбиявий вазифалари.
- 5.Оиланинг коммуникатив вазифалари.
- 6.Оиланинг рекреатив вазифалари (ўзаро жисмоний, моддий, маънавий ва психологик ёрдам кўрсатиш)

Олдинги мавзуимизда оила, никоҳ ҳақида, никоҳ-оила муносабатларининг юзага келиши ва ривожланиши ҳақида, оиланинг классик турлари ҳақида фикр алмашдик. Унда келтириб ўтилган оила турлари классификациясига кўра ҳозирги замон оиласи «Моногам оила»лардан иборатдир. Бироқ ҳозирги замон моногам оиласи ҳам ўз навбатида бир-биридан тузилиши, таркиби, моҳияти ва бошқа хусусиятларига кўра яна бир қатор турларга бўлинади.

Ҳозирги замон оилалари-нинг қандай турларга эга эканлиги ва уларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини билиш, уларга хос муаммоларни ўрганиш, оилавий ҳаётда рўй бериши мумкин бўлган нохушликларнинг олдини олиш имконини беради. Қуйида шулар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз. Оила уни характерловчи турли мезонларга кўра қуйидагиларга фарқланади:

Тўлиқлигига кўра: тўлиқ, нотўлиқ ва қайта тузилган (иккинчи никоҳ) оилалар.

Бўғинлар сонига кўра: нуклеар (ота-она ва болалардан иборат бўлган) ва кўп бўғинли (икки ва ундан ортиқ авлоддан иборат оила аъзолари бирга яшовчи) оилалар.

Болалар сонига кўра: фарзандсиз, бир болали, икки болали, 3-4 болали, 5 ва ундан ортиқ болали оилалар. Турли мамлакатларда бу мезонлар турличадир. Масалан, АҚШ, Франция, Германия, Греция, Россия ва бошқа ривожланган давлатларда 3-4 болали оилалар кўп болали оилалар ҳисобланади. Ўзбекистонда бундай оилалар фарзандлар сони ўртача бўлган оилалар сарасига киради.

Эр-хотиннинг ижтимоий келиб чиқишига кўра: ишчилар, деҳқонлар, хизматчилар, зиёлилар оиласи, аралаш типдаги оила.

Эр-хотиннинг маълумот савиясига кўра: олий

маълумотлилар, ўрта-махсус, ўрта, тугатилмаган ўрта, махсус ёрдамчи мактаб маълумотида, ва турли савиядаги маълумотга эга бўлган қайликлардан ташкил топган оила.

Оиланинг «ёшига» кўра: ёш оила (1 йилгача, 3-5 йиллик, 6-10 йиллик турмуш тажрибасига эга бўлган оилалар), ўрта ёшдаги оила, етук ёшдаги оила (қариялар оиласи).

Қайликларнинг ота-она оиласи (ота-онаси)нинг

моддий таъминланганлик даражаси жиҳатидан қудаларнинг бир-бирига мос эканлиги ёки улар орасида катта тафовут мавжудлиги бўйича бир-бирига мос ва мос бўлмаган оилалар.

Регионал жиҳатларига кўра: шаҳар, қишлоқ, аралаш типдаги оила.

Никоҳдан қониққанлик савиясига кўра. ажра-

лиш савиясида-никоҳдан қониққанлик даражаси қуйи савияда бўлган оила, ўрта савияда ва никоҳдан қониққанлик даражаси юқори савиядаги оила.

Оилада аёл ёки эркак етакчилигига кўра: эр етакчи бўлган оила, хотин етакчи бўлган оила, эр ва хотин етакчиликини бирга бажарадиган (биархат) оила.

Оилада эр-хотин орасидаги муносабатларига кўра: авторитар, демократик, либерал, аралаш типдаги оилалар.

Эр-хотинларнинг миллатига кўра: бир миллатли

ёки байналмилал оилалар. Байналмилал оилаларни ўз навбатида иккига бўлиш мумкин: дини, урф-одатлари ёки тили бир гуруҳга кирган миллат вакиллари орасида никоҳхатар, масалан, ўзбек-тожик, ўзбек-қозоқ, ўзбек-туркман, рус-украин, ўзбек-татар ва бошқалар, дини, урф - одатлари ёки тили бир гуруҳга кирмаган миллат вакиллари орасидаги никоҳлар, масалан ўзбек-рус, ўзбек-украин, ўзбек-эстон, ўзбек-немис ва бошқалар.

Юридик расмийлаштирилганлигига кўра: си-

новдаги оила (бирга яшамади, аммо ҳали никоҳни расмийлаштирмаган, чунки бир-бирларини норасмий никоҳда уйнашяпти), расмийлаштириш арафасидаги оила (бирга яшашади, оила қуриш мақсади аниқ, аммо айрим объектив сабабларга кўра расмийлаштириш кечиктирилаяпти), никоҳдаги оила, никоҳдан ташқари оила (айрим эркак кишиларнинг иккинчи,

учинчи, юридик жиҳатдан норасмий оиласи). Никоҳдан ташқари оилаларнинг айримлари пинҳона бўлса, кўпчилиги ҳақида эркак кишининг биринчи оиласи ва қариндошлари билишади.

Оиланинг юқоридаги шартли ижтимоий-психологик классификацияси, уларга хос психологик хусусиятлар мутахассис (социолог, психолог)лар

томонидан илмий ўрганилиши ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда хизмат қилиши керак.

Ҳар бир оила ижтимоий тизим структура сифатида жамият олдида маълум бир функцияларни бажаради. Оиланинг ижтимоий функциялари ҳақида гапирганда, бир томондан жамиятнинг оилага таъсирини, иккинчи томондан эса умумий ижтимоий тизимда оиланинг ўрнини, оиланинг ҳал қиладиган ижтимоий (жамоатчилик) функцияларини ҳисобга олиш лозим.

Барча олдинги жамиятларда оила қуйидаги асосий функцияларни бажарган: иқтисодий, репродуктив, тарбиявий, рекреатив, коммуникатив, регулятив (бошқ-арув).

Албатта, бу санаб ўтилганлар ҳозирги замон оиласини асосий функцияларининг ягона классификациясини ташкил эта олмайди. Чунки айрим манбаларда: наслини давом эттириш, тарбиявий, хўжалик ва ўзаро ёрдам каби функциялар ҳозирги замон оиласининг муҳим функциялари сифатида кўрсатиб ўтилган, социолог олимлар (У.М.Свердлов, В.А.Рясенцов, В.П.Ключников) эса инсон зотини давом эттириш, болаларни тарбиялаш ва хўжалик функцияларини фарқлайди; С.Д.Лаптенко хўжалик-маиший, аҳоли сонини қайта тиклаш, тарбиявий ва оила аъзолари дам олиши - ҳордиқ чиқаришини ташкил этиш; Н.Г.Юркевич - маънавий мулоқот, сексуал, болаларни дунёга келтириш, тарбия жараёнидаги ҳамкорлик, уй хўжалигини юритиш учун зарур воситаларни таъминлаш, дам олишни ташкил қилиш, ўзаро моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш; А.Г.Харчев - аҳоли сонини қайта тиклаш, ижтимоийлашув, хўжалик, истеъмол ва дам олишни ташкил қилиш қабиларни фарқлайди. Мана юқоридагилардан кўриниб турибдики, қатор оилашунос мутахассислар томонидан оиланинг асосий функциялари турлича классификация қилинмоқда. Бу ўринда оила функцияларини шунчаки санаб ўтиш эмас, балки уларни бир томондан одамларнинг моддий, хўжалик-маиший ва иккинчи томондан эмоционал ва ижтимоий-психологик эҳтиёжларини қондирувчи функцияларга фарқлаш муҳим.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, ҳозирги замон оиласида эмоционал ва ижтимоий-психологик жараёнларни қондириш функциясининг аҳамияти ортиб бормоқда. Ҳатто соф моддий характерга эга бўлган функцияларда ҳам ҳиссийлик кўпроқ тус олиб бормоқда. Ҳиссий, эмоционал контактларнинг аҳамияти шаҳар оилаларида кучлироқ англанимоқда. Қишлоқ оилалари эса уй ҳайвонлари ва томорқа ерларининг борлиги эвазига шаҳар оилаларига қараганда жамиятнинг ишлаб чиқарувчи бўғинилигини, ишлаб чиқарувчилик функциясини кўпроқ сақлаб қолмоқда.

Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида ҳозирги замон оиласининг асосий функциялари қатори-да қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин: *иқтисодий, репродуктив, тарбиявий, рекреатив, коммуникатив, регулятив (бошқарув), феллоцитологик* қабилар.

Оиланинг иқтисодий функцияси

Оиланинг иқтисодий функцияси унинг асосий функцияларидан бири

хисобланади. Оила иқтисоди, бюджети, даромадини режали сарфлаш, кундалик харажатга, зарур буюмларга пул ажратиш, бир неча йилдан сўнг олинадиган нарсаларга маблағ йиғиш, тежаб рўзгор юритиш эр-хотиннинг катта тажриба, малакага эга бўлишларига боғлиқ. Шунингдек оилада ўсаётган бола ҳам мана шу малака ва кўникмаларга эга бўлиб бориши зарурлигини унутмаган ҳолда болага иқтисодий масалаларни ҳал этишни ўргата бориш лозим.

Оила ўзининг шу функцияси туфайли жамиятга, давлатга катта иқтисодий фойда келтиради. Масалан, бола тарбияси, болани иқтисодий таъминлаш борасидаёқ унинг жамиятга келтирган фойдаси катта миқдорни ташкил этади. Буни давлат томонидан, давлат муассасаларида (болалар уйларида) бир болани 16-18 йил тарбиялаб, ишчи кучи сифатида етиштириш учун (уни боқиш, кийинтириш, ўқитиш, моддий таъминлаш ва ш.к.) давлат томонидан ҳар бир болага сарфланадиган маблағ ва айнан шундай ишчи кучини оилада тарбиялаш учун бериладиган нафақа пуллари миқдорини солиштирадиган бўлсак, ўртадаги фарқ биринчилар фойдасига бир неча юз минг сўмни ташкил қилади.

Тасаввурга осонроқ бўлиши учун айтиш мумкинки, ҳар бир болани вояга етказиш учун оила давлатга камида 1та «Нексия» автомашинаси қиммати миқдорида иқтисодий фойда келтиради. Бу борадаги, яъни ҳар томонлама камол топган маънавий-ахлоқий етук, жисмоний-психологик соғлом шахсни етиштиришнинг маънавий-ахлоқий жиҳатларини ҳеч қандай иқтисодий меъзон билан ўлчаб бўлмайди.

Бу оилани иқтисодий функциясини атиги биргина шахсни шакллантиришдаги фойдасини кўрсатади холос. Оилада хўжалик ишларини юритиш, моддий неъматлар ишлаб чиқариш, фермер хўжалиги, шахсий ишлаб чиқариш кабилар унинг жамият олдидаги иқтисодий функцияси аҳамиятини тобора орттираверади.

Оиланинг *репродуктив* функцияси

Оиланинг муҳим бўлган функцияларидан яна бири бу унинг *репродуктив* (*жамиятнинг биологик узлуксизлигини таъминлаш, болаларни дунёга келтириш*) функцияси^{цир}. Бу функциянинг асосий моҳияти инсон турини давом эттиришдан иборатдир. Оила фақатгина янги авлодни дунёга келтирибгина қолмасдан, уларни инсоният пайдо бўлган даврдан бошлаб яшаб келаётган илмий ва маданий ютуқлари билан таништириш, уларнинг саломатлигини сақлаб туришдан ҳам иборатдир. Табиатан берилган авлод қолдириш инстинкти одамда фарзанд кўришга, уларни ўстиришга ва тарбиялашга бўлган эҳтиёжга айланади. Бу эҳтиёжларни қондирмасдан туриб, киши одатда ўзини бахтиёр хис қила олмайди. Шунингдек эр-хотинда фарзанд туғилиши билан боғлиқ ҳолда бутунлай янги ҳиссиётлар: аёлда - оналик, эркакда - оталик ҳисси пайдо бўлади. Фарзанд эр-хотин муносабатларини янада мустаҳкамловчи асосий омил ҳамдир.

Оиланинг жамият олдидаги репродуктив функцияси ва унинг

бажарилиши дейилганда аҳоли сонининг қайта тикланиши учун ҳар бир оилада нечтадан фарзанд бўлиши лозимлиги назарда тутилади.

Статистик маълумотларга кўра, агар ҳар бир оилада биттадан фарзанд бўладиган бўлса, бундай халқ саккизинчи авлоддан кейин йўқ бўлиб кетиши мумкин экан. Ҳар бир оилада иккитадан фарзанднинг бўлиши ҳам аҳоли сонини саклаб туришни таъминлай олмайди. Демографларнинг таъкидлашларича, оила ўзининг репродуктив функциясини бажариши учун ҳар бир оилага ўртача 2,6 та фарзанд тўғри келиши керак.

Албатта, фақат оилагина жамият олдидаги функцияларини бажариб қолмасдан, балки жамият ҳам оилаларга функцияларини муваффақиятли бажариш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиб бериши лозим. Бу ўринда ҳукуматимиз томонидан юритилаётган демографик сиёсат, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий тадбирлар бунга яққол мисол бўла олади. Бундай сиёсатнинг асосий йўналишлари оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, кўп болали ва кам таъминланган оилаларнинг моддий аҳволини яхшилаш, ёш оилаларга, оналарга яратилаётган имтиёзлар ва шу кабилардан иборат.

Оиланинг тарбиявий функцияси

Оиланинг муҳим аҳамиятга эга бўлган яна бир функцияси *тарбиялаш* функциясидир. Болаларнинг ақлий, жисмоний, ахлоқий, эстетик тарбиясига оилада асос солинади. Оила инсон деб аталувчи бинони фақат пойдеворини қўйиш билан чекланмасдан, балки унинг сўнгги ғишти қўйилгунча жавобгардир. Ота-она - санъаткор, бола - санъат асари, тарбия жараёни эса санъатнинг ўзидир. Мустақилликка эришганимиздан сўнг миллий қадриятларимизнинг тикланиши ва халқимиз азалдан саклаб келаётган миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз (бола тарбиясида ота-онадан ташқари, буви-бува, қариндош-уруғ, маҳалланинг ҳам таъсири) бу борада катта аҳамиятга эга. Лекин баъзан оиланинг тарбиявий функциясининг сусайиши ва тарғибот-ташвиқот ишларининг камлиги натижасида оила аъзолари хулқида ёмон одатларнинг (ичиш, чекиш, наркомания, турли диний оқимлар таъсирига берилиш, маънавий бузуқлик йўлига кириш) пайдо бўлиши ташвишланарли ҳоллардан биридир. Жамиятнинг комил фуқаросини шакллантириш, тарбиялаш ҳозирги замон оиласининг мазкур функцияси даражасига киради. Чунки шахснинг ижтимоийлашуви даставвал оилада амалга ошади. Оиладаги тарбия орқали шахсга маълум бир сиёсий-ғоявий дунёқараш, ахлоқий меъёрлар ва хулқ намуналари, жисмоний си-фатлар сингдирилади. Халқимизда «қуш уясида кўрга-нини қилади» деб бежиз айтилмаган. Оилада амалга ошадиган ижтимоийлашув жараёни натижасида шахс ижтимоий меъёрлар ва қадриятларни ўзлаштиради, ижтимоий ҳаётга кириб боради.

Оиланинг коммуникатив функцияси

Оиланинг коммуникатив функцияси оила аъзоларининг ўзаро мулоқот ва

ўзаро тушунишга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Психологик тадқиқотларда таъкидланишича, турли ижтимоий ориентациялар, установакалар, ҳиссий маданият, одамнинг ахлоқий, маънавий ва психологик саломатлиги - оиладаги ўзаро, ички мулоқот характери, оиладаги катта аъзоларнинг мулоқотда психологик установакаларни намоён қилишлари, оиладаги ахлоқий-психологик иқлимга тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида фан-техника тараққиётининг юксалиб, одамларнинг кундалик ҳаётининг урбанизациялашувининг (радио, телевидение, видео, компьютер ва бошқалар) ортиб бориши, оилаларнинг тобора нуклеарлашиб бораётганлиги билан оиланинг коммуникатив функциясининг аҳами-яти, оила аъзоларининг бир-бирлари билан «одамларча» суҳбатлашиб олишнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бу ўринда ўзбек оиласининг ўзига хос хусусияти: кўп авлодлилик, кўп фарзандлилик кабилар бундай оилалар аъзолари ўртасида ўзаро мулоқот тўлароқ амалга ошишига асос бўлади, уларнинг ўзаро мулоқотга бўлган эҳтиёжларини қондиришда муҳим роль ўйнайди. Бироқ сўнгги йилларда баъзи оилаларда ота-оналар ва болалар ўртасида мулоқотнинг камлиги, бир-бирига эътиборнинг пасайиши, оила аъзолари ўртасида фикр эркинлигининг чекланганлиги (айниқса қишлоқ оилаларида), ҳолатлари ҳам мавжуд, ҳатто оиладаги ўзаро муносабатларнинг ёмонлашуви натижасида оила аъзоларининг айримларида стресс (асабий танглик), суицид (ўз жонига қасд қилиш) каби нохуш ҳолатларнинг келиб чиқиши ҳам кузатилмоқца. Бундай нохушликларнинг олдини олиш учун энг аввало оила аъзолари ўртасида ошқора, яқин, ўзаро тушунарли, ишончли мулоқотнинг амалга ошиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, лозим бўлса бу борада ёшларга тегишли билимларни бериш аҳоли учун психологик маслаҳатхоналар фаолиятини йўлга қўйиш, тренинглар ташкил этиш, «Ишонч телефонлари», «Қалб марказлари» кабиларни ташкил этиб, улар фаолиятини такомиллаштириш лозим.

Оиланинг *рекреатив* функцияси

Никоҳ-оила муносабатлари юзага келган дастлабки, ибтидоий замонлардан буён унга характерли бўлиб келган хусусиятлардан бири, ундаги шахслараро муносабатлар талабларидан бири уни ўз аъзоларининг ахлоқий-психологик ҳимояланишини таъминлаш, шунингдек болаларга ва меҳнатга яроқсиз ёки кекса қариндошларга моддий ва жисмоний ёрдам кўрсатиш кабилардан иборат бўлиб келган.

Бу ҳолат ўз навбатида оиланинг асосий функцияларидан яна бирини, унинг рекреатив функциясини ташкил қилади. Оиланинг рекреатив - ўзаро жисмоний, моддий, маънавий ва психологик ёрдам кўрсатиш, бир-бирининг саломатлигини мустаҳкашаш, оила аъзолари дам олишини ташкил этиш функциясидир. Бу функция кейинги йилларда янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш, оила аъзоларининг дам олишини ташкил этиш, оила аъзоларининг бевосита меҳнат, ўқиш ва бошқа ижтимоий фаолиятларидан холи ҳолда, яъни бўш вақтларни

биргаликда ўтказишларини қандай ташкил қилишлари, унда буларнинг ўзаро муносабат-лари характери қандай эканлиги бугунги кун оиласи мустақамлиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган омиллардан ҳисобланади. Бўш вақт жамиятнинг ниҳоятда муҳим ижтимоий қадриятларидан биридир. Бу қадриятдан одамлар турлича фойдаланадилар. Бўш вақтини мунтазам равишда қандай ўтказишига қараб ҳар бир одамнинг етуклик даражасига, маънавий дунёсига баҳо бериш мумкин. Бу борада эришилган ютуқларимиздан бири шуки - дам олиш ва соғлом-лаштириш ишларига давлат миқёсида аҳамият берила бошланди. Лекин кўпчилик турли сабаблар билан (уларнинг ўзлари кўпроқ моддий сабабни кўрсатиша-ди) маданий дам олишга эътибор бермай қўйганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Ҳозирги вақтда оилавий дам олиш, оилавий туризм ва қатор оилавий тадбирлар доираси кенгайиб бормоқда.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳозирги вақтда оиланинг рекреатив функциясини давлат ва ижтимоий ташкилотлар ўз зиммасига олмоқда. Одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш, қарияларга бепул тиббий ёрдам кўрсатиш (бизнинг миллий хусусиятларимизга ёт бўлсада қариялар уйлариининг очилиши), одамлар дам олишлари ва ўз соғлиқларини тиклаб олиш имкониятларини берадиган дам олиш уйлари ва санаторийларнинг очилиши кабилар шулар жумласидандир. Лекин шу билан бирга оиланинг ўз аъзоларининг ахлоқий-психологик ҳимояланганлигини таъминлашдаги роли тобора ортиб бормоқда. Чунки одам фақат ўз оиласидагина ва фақат ўз яқинлари қуршовидагина ўзини том маънода хотиржам, эркин ҳис қила олиши мумкин холос. Бу борада оиланинг ўрнини ҳеч бир ижтимоий муассаса боса олмайди.

Оиланинг *фелицитологик* функцияси

Ҳозирги замон оиласининг тобора аҳамияти ортиб бораётган функцияларидан бири унинг фелицитологик функциясидир (италиянча «фелиците» - бахт). Шахсий бахтга эришишга интилиш оилавий муносабатлар тизимида кўп жихатдан ҳал қилувчи бўлиб бормоқда. Бахт нима ўзи? Ҳозирги замон оиласи ўз аъзоларининг бахтини таъминлашда қандай роль ўйнайди? Бахтга интилиш ҳар бир инсон учун табиийдир ва айти шу бахтга интилиш уларни оила қуришга ундайди. Инсон ўзига ато этилган бахтнинг тўртдан уч қисмини оиладан, чорактага етар-етмас қисмини бошқа нарсалардан топади. Оилада эр-хотиннинг бир-бирини тўлиқ тушуниши уларнинг ўзларини бахтли ҳис қилишларини таъминлайди. Шунингдек, ўзидаги мавжуд табиий-ижодий имкониятлар (иктидор)ни рўёбга чиқариш, жамият ва оила доирасида сарфлаш ҳам инсонга ўзини бахтли ҳис қилиш имконини беради. Кейинги вақтларда инсоннинг имкониятлари ортган сари унинг бахтга интилиш даражаси ҳам ортиб бормоқда. Лекин баъзан нопок йўллар билан пул топиш орқали бахтли бўлишга интилиш ёки ўзгалар ҳисобига шахсий бахтга интилиш каби салбий ҳолатлар ҳам учраб туради. Баъзан эса оила аъзоларининг (айниқса эр-

хотиннинг) шахсий бахтга ўз-ўзича интилиши оилаларда нохуш ҳолатлар (хиёнат каби)ни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳар бир шахс ўзида кўпроқ виждонлилик, поклик, ҳалоллик каби маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялашга эътибор бериши лозим.

Оиланинг *регулятив* функцияси

Оиланинг регулятив функцияси оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни бошқариш тизимини, шунингдек бирламчи ижтимоий назоратни, оилада устунлик ва обрўни амалга оширишни ўз ичига олади. Бунда катталар томонидан ёш авлодни назорат қилиш ва уларни моддий ҳамда маънавий томондан қўллаб-қувватлаш назарда тутилади. Ўтган замонларда оиланинг бошқариш функцияси маълум даражада расмий тарзда белгилаб ҳам қўйилган. Унга кўра оилада ким оила бошлиғи бўлиши, унинг обрўси ва устунлиги қайд этилган ва оиланинг шу аъзоси (асосан ота) бутун умри давомида ўз фарзандлари ва оила аъзолари хатти-ҳаракати, хулқи учун жавобгар бўлган. Ота-онасига бўйсунмаганларни жазолаш ҳоллари ҳам назарда тутилган.

Ҳозирги замон эгалитар оилаларида эса оиланинг бошқарув функцияси асосан ахлоқий меъёрлар, оила аъзоларининг шахсий обрўси ва биринчи навбатда ота-оналарнинг болаларга нисбатан бўлган муносабатларидаги обрўси кабилар ёрдамида амалга оширилади. Шунга кўра баъзи оилаларда оилани бошқариш, унга бошчилик қилиш оила аъзоларининг қизиқиш ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилса, баъзи оилаларда (эр-хотиннинг алоҳида-алоҳида) лидерликка интилиши натижасида оилавий низоларнинг ортиб бориши, болаларнинг ҳар томонлама эътибордан четда қолиши, натижада жиноятчилик кўчасига кириб кетиши кабилар кузатилади. Баъзи оилаларда аёл лидерлигининг мавжудлиги ўғил бола шахсида аёлларга хос хусусиятларнинг кўпайиб боришига олиб келиши мумкин. Шу билан бирга оиланинг бошқарув функцияси оила аъзоларининг хулқи, масъулияти, мажбурияти кабиларни ҳам бошқаришни, назорат қилишни ўз ичига олади. Одам оила қурганидан сўнг албатта унинг ижтимоий мавқеи ўзгаради. Энди у «уйланмаган йигит», «турмушга чиқмаган қиз» эмас, балки «оилали» одамдир. Шунга кўра у ўзининг хатти-ҳаракатлари, хулқини ҳам оилали одамга хос тарзда қайтадан кўриб чиқади. Оила қуриш туфайли унинг масъулияти ортади. Эрнинг хотиннинг хулқи ҳам энди ўзига хос бошқарилади.

Оиланинг *релаксация* функцияси

Ҳозирги замон оиласининг энг асосий функцияларидан яна бири релаксация функциясидир. Бу дегани оила аъзоларининг жинсий, эмоционал фаолиятини, руҳий-жисмоний қувватини, меҳнат қобилиятини яна қайта тиклаш демакдир. Маълумки фан-техника тараққиётининг ҳозирги босқичида, ишлаб чиқариш муносабатларининг жадаллашуви, халқ хўжалигининг турли жабҳаларида янги технологияларнинг жорий этилиши

ва шу каби қатор омиллар инсон руҳиятига олдингиларига қараганда кўпроқ жисмоний, руҳий зўриқишлар бермоқда. Бутунги ва эртанги кун саноати, ишлаб чиқариши ишчи ходимдан бор имкониятини сафарбар қилиб, бутун вужуди билан ишлашни ва ўзининг касб-хунар маҳоратини мунтазам ошириб боришни тақазо қилади. Ишлаб чиқариш жараёнлари жадаллигининг бундай тарзда давом этиши шу жараёнлар иштирокчиси, бошқарувчиси инсонни тезда толиқиб, ўзининг меҳнат қобилиятини йўқотишига олиб келиши мумкин. Иш куни давомида кўтаринкилик, кучли зўриқиш билан ишлаган ходим, ишчи ишдан сўнг ўз уйида, оила аъзолари қуршовида бошқа ташвишларни унутиб, улар унга кўрсатадиган меҳр-оқибатдан баҳраманд бўлиб, улар билан бўладиган ўзаро мулоқот, улар томонидан бўладиган эмоционал қўллаб-қувватлаш, бериладиган далдалардан руҳий қувват олиб, эртанги кун меҳнат фаолиятига ўзини қайта тиклаб олиши лозим бўлади. Бунинг учун эса унинг оиласида тинчлик, тотувлик, ўзаро тушуниш, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ижобий психологик иқлим ҳукм сурмоғи лозим. Акс ҳолда одам бу оилада эмоционал жиҳатдан, руҳий жиҳатдан ўзини қайта тиклаб ола олмайди. Бу эса оқибатда одамнинг меҳнат фаолиятида турли хатоларга, ишда сифатсизлик, жароҳатларга йўл қўйишига, турли касштликларга дучор бўлишига олиб келиши мумкин.

Юқоридаги функцияларнинг муваффақиятли бажарилиши ҳар қандай оила учун оила бахтини таъминловчи меъзон ҳисобланади. Шуни ҳам назарда тутиш керакки, оила - жамиятнинг бир бўлаги, унинг асосий ячейкасидир. Шунинг учун оиланинг ўз функцияларини муваффақиятли бажариши нафақат унинг ички ҳолатига, шу билан бирга жамиятнинг ижтимоий соғломлигига ҳам таъсир этади. Шундай экан жамиятни соғломлаштириш учун энг аввало оилавий муносабатларни йўлга қўйиш, оиланинг фақат ички муаммоларинигина эмас, балки умумижтимоий муаммоларини ҳам ҳал қилишга ҳисса қўйишини таъминлаш лозим.

Никоҳ олди омиллари ва уларнинг никоҳ мустаҳкамлигига таъсири

*Аввал гиштин қийишқ қўяркан меъмор Юлдузга етса ҳам қулар
бу девор.
(М. Б е д и л).*

Режа:

- 1.Никоҳга етукликнинг турли жиҳатлари(физиологик, жинсий, иқтисодий, маънавий, ижтимоий, психологик)**
- 2.Никоҳ олди омиллари.**
- 3.Оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлар ва оила мустаҳкамлигига таъсири.**
- 4.Никоҳ ёши, никоҳ мотивларининг хусусиятлари, никоҳгача танишиш муддатлари ва шартлари ҳақида тасаввурларни шакллантириш.**
- 5.Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш зарурати.**

Оила деб аталмиш муқаддас макон, «оила қасри»нинг мустаҳкамлиги шу қасрнинг пойдевори бўлмиш никоҳ олди омиллари хусусиятларига, уларнинг қай даражада тўғри ва мустаҳкам қўйилишига боғлиқ. Агар шу пойдевор етук, мустаҳкам бўлса, унинг устида қурилган иморат ҳам кўркем, ёруғ, унда истиқомат қилувчиларга қулайлик, хотиржамлик, тинчлик, ҳузур-ҳаловат бағишлайдиган бўлади.

Ҳеч бир девор ёки уй пойдеворсиз бўлмаганидек, Сизнинг қуражак оилангизнинг ҳам ўзига хос пойдеворлари бор. Улар шу оиланинг юзага келишига, қурилишига асос бўлган никоҳ олди омилларидир. Агар шу никоҳ олди омилларининг оилани юзага келишига таъсири ноўрин бўлса, у шошилиш, бўш, қийшиқ қурилса, унинг устига ўрнатилган оила имо-ратининг девори ҳам қийшиқ ва омонат бўлиб бораверади ва у шу иморатнинг бир куни келиб қулаши, бузилиб кетиши хавфини туғдиради. Бундай пойдевор устига қурилган иморат қулаб тушмагани, бузилиб кетмагани тақдирда ҳам унда истиқомат қилувчиларга хотиржамлик, тинчлик, қувонч бахш эта олмайди. Улар доимо қандайдир бир хавотирда, ҳадикда, ноқулайликда, хижолатда яшашларига тўғри келади. Ҳўш, шу пойдеворлар яъни никоҳ олди омиллари нималардан иборат?

Гап никоҳ олди омиллари ҳақида борар экан, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, никоҳ олди омиллари у ёки бу никоҳнинг юзага келишига асос бўлган кўплаб ижтимоий, иқтисодий, биологик, физиологик, маънавий, ахлоқий ва бугунги кунларимиз учун энг муҳим бўлмиш психологик омилларни ўзида мужассамлаштирган, кўп қиррали омиллар комплексида иборат бўлиб, оила қураётган ёшларнинг, шу ўзлари қураётган оилавий ҳаётларига қай даражада «етилган»ликларини белгилаб беради. Бу ерда энг муҳими шу ёшларнинг оилавий ҳаётга, никоҳ талабларига қай даражада жавоб бера олиши назарда тутилади.

Никоҳга етуклик хусусиятлари

Никоҳга етуклик тушунчаси ҳам ўз навбатида ўта мураккаб ва нисбий тушунчадир. Чунки одам доимо ривожланиб, такомиллашиб боровчи, касб-ҳунар фаолиятида ёки маънавий ва ахлоқий ривожланишида мунтазам янгидан-янги чўққиларга эришиб боровчи мавжудоддир. Агар одамни у ёки бу фаолиятга «тўла етуклиги» ҳақида гапирадиган бўлинса, демак бу унинг

маълум бир чегарага эришгани ва ундан ортиқ ривожланиш мумкин эмаслигини билдиради. Шунинг учун ҳам одамнинг никоҳга ёки бирон-бир фаолиятга етуклиги ҳақида гапирилганда «етуклик» тушунчаси том маънода ўринли бўла олмайди. Шунинг учун ҳам одамнинг «етуклиги», айниқса никоҳга, оилавий ҳаётга «етуклиги» ҳақида гапирилганда бу тушунчадан маълум бир умум қабул қилинган стандарт, ўртача меъёр, маълум бир шартли «ўлчов бирлиги», кўрсаткичлар ва шу кабилар сифатидагина фойдаланилади. Масалан, барча ўқув юртлари (мактаб, лицей, коллеж, институтлар) учун битириш имтиҳонлари (давлат имтиҳонлари тизими, диплом ишлари ҳимояси тизимлари кабилар) мавжуд бўлади ва улар ёрдамида битирувчилар томонидан ўзлаштирилган ўртача билимлар ва малака йиғиндисини аниқлаш мумкин бўлади. Бу эса уларга кейинчалик яна ўқишни давом эттириш ёки маълум бир мутахассислик бўйича ишлаши мумкинлиги ҳақида маълум бир ҳуқуқ беради. Шу нуқтаи-назардан олинганда «етуклик» - ривожланишнинг маълум бир босқичи, фазаси, чегарасига етилганликнинг сифатий ва миқдорий характеристикасини маълум бир аниқликда белгилаб берувчи кўрсаткич бўлиб хизмат қилади. Одамнинг никоҳга, оилавий ҳаётга етуклиги масаласи эса ўта мураккаб бирон-бир қатъий меъёр билан ўлчаб бўлинмайдиган индивидуал характерга эга бўлган кўрсаткичдир.

Шу келтириб ўтилганларнинг ўзиёқ никоҳ олди омиллари қай даражада мураккаб характерга эга бўлган муаммолардан эканлигини кўрсатиб турибди. Ҳозирги замон оиласининг ижтимоий психологик муаммоларини ёритишга бағишланган психологик адабиётларда никоҳ олди омилларининг турлича шаклла-ри, кўринишлари фарқланади. Қуйида Сизнинг эътиборингизга уларнинг айримлари ҳақидаги маълумотларни ҳавола этамиз.

Никоҳ олди омиллари қаторига шу оила кураётган ёшларнинг: оилавий ҳаётга етуклиги: уларнинг оила қуриш мотивлари: уларнинг оила қуришгунларига қадар бир-бирларини таниш муддати (қанча вақт бир-бирини таниши) шартлари ва шароитлари: уларни ўзларининг бўлғуси оилавий ҳаётлари ҳақидаги тасав-вурлари кабиларни киритиш мумкин. Албатта бу омилларнинг ҳар бири турли ёшларда турлича характерда бўлиши мумкин, шу билан бирга уларнинг ҳар бири ўз навбатида яна бир неча турларга фарқланади.

Масалан, никоҳга етуклик дейилганда оила қурувчи ёшларнинг: жисмоний (физиологик), жинсий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий, психологик каби етуклик жиҳатларини фарқлаш мумкин. Буларнинг орасида ҳуқуқий, жинсий етуклик кўрсаткичлари етарлича аниқ аломатларга, белгиларга эга бўлган ва булар ҳақида тегишли ҳуқуқий, тиббий, психологик адабиётларда кўплаб маълумотлар берилган жиҳатлар бўлса, иқтисодий, маънавий-ахлоқий, психологик жиҳатлар бир оз мураккаброқ, қатъий бир кўрсаткич, чегарага эга эмаслиги билан характерланади.

Одамнинг жинсий етуклиги ўзига хос омилларга эга. Клиник кузатишлар маълумотларига кўра, ҳозирги замон қизларида жинсий етуклик (балоғатга етиш) 12-14 ёшгача, ўғил болаларда эса 14-16 ёшга тўғри келади. Албатта, бу

етуклик баъзи бир бо-лаларда эртарок, бошқа бирларида кечроқ рўй бериши мумкин. Бу кўрсаткичлар 2 ёшга фарқ қилиши мумкин. Айрим тиббиёт олимлари болаларни тўла жинсий етилишлари учун яна 2-3 йил керак бўлади, деб ҳисоблайдилар.

Жинсий етилиш қатъий жинсий эҳтиёжларнинг шаклланишига олиб келади. Бу даврга келиб болаларда иккиламчи жинсий аломатлар намоён бўла бошлайди. Жинсий секреция безларининг фаоллиги ортади. Қиз болаларда ойлик цикллари (менструация), ўғил болаларда поллюциялар рўй бера бошлайди. Бошқача қилиб айтганда, уларда пубертат давр бошланади. (Бу давр ҳақида ва унинг хусусиятлари ҳақида 4-мавзуда батафсил маълумотлар берилган). Демак бу даврга келиб болаларнинг моддий ва маънавий қизиқишларининг ўсиб бориши билан бир қаторда жинсий эҳтиёжлар шахс фаоллигининг кучли манбаларидан ҳисобла-ниб, у турли психологик ва юктимой шаклларда намоён бўла бошлайди.

Жинсий майлнинг, жинсий эҳтиёжнинг юзага ке-лиши одамни биологик ривожлана бошлашининг ўзига хос босқичидир. Улар бола руҳиятининг ривожланишига, уни шахсининг шаклланишига, ҳаёт фаолиятининг бошқа жиҳатларига катта таъсир кўрсатади.

Жинсий ҳаётнинг кўплаб муаммоларини нафақат ёшларга, балки узок вақт оила қурган, фарзандли бўлган катта ёшлиларга ҳам тушунтириб ўтиш лозим бўлади, чунки уларда ҳам шу асосда кўплаб жиддий низолар юзага келиши мумкин. Жинсий муносабатлар масаласи ўта нозик масаладир, бу борада кўпинча «ёлғон, бачканаларча уятчанлик»ка дуч келинади. Баъзи бир ота-оналар ва ўқитувчилар ҳатто маориф раҳбарлари ҳам мактабда жинсий тарбия бериш масаласига эътироз билдирадилар ва «Жинсий тарбия, жинс масаласига оид барча зарур маълумотлар биология курсларида берилган, бунинг устига «отабоболаримиз бундай жинсий саводхонликсиз ҳам бинойидек яшаганлар», - қабилида мулоҳаза юритадилар. Албатта бундай нуқтаи-назар ўта қолоқ, бугунги кун никоҳ-оила муносабатлари талабларини, ҳозирги замон оиласи функцияларини ҳисобга олмай чиқарилган хулосалардир. Айнан шунақа йўллар билан ёшларга жинсий тарбиядек ўта нозик ва зарур масалалар юзасидан берадиган ҳар қандай санитар-гигиеник оқартув маълумотларнинг аҳамияти бутунлай камситиб келинмоқда. Бу эса миллионлаб ўсмирларнинг жинсий балоғатга етишиш вақтида ғафлатда қолишларига ва бунинг оқибатида айрим ҳолларда ҳаётда тузатиб бўлмайдиган хатоларга йўл қўйишига олиб келишига сабаб бўлмоқда.

Ҳеч нима билан асосланмайдиган хавотир, ҳадик, гоҳида эса ҳақиқий ваҳима заминида ўсмир хулқида турли хил оғишлар, нерв-физиологик бузилишлар юзага келиши мумкин. Буларнинг барчаси санитар-гигиеник тарбиянинг яхши йўлга қўйилмаганлиги ва жинсий тарбия берилмаганлигининг натижасидир. Бу масала айниқса бизнинг этносимизда ўта жиддий моҳият касб этадиган масаладир.

Жинсий тарбия масаласига кўпинча ё алоҳида эътибор талаб қилинмайдиган ва ҳеч қандай қийинчиликни юзага келтирмайдиган, ҳар бир

ёш гуруҳи учун осонгина ўзлаштириш мумкин бўлган, ёки ўта шахсий, интим, кўпчилик орасида, айниқса болалар орасида муҳокама қилиб бўлмайдиган масала тарзида қаралади. Шу каби мулоҳазалар қатор мамлакатларда, айниқса собиқ иттифокда жинсий тарбияга оид материалларни, бунга тааллуқли тадбирларни мактаб дастуридан чиқариб ташланишига асос бўлган. Бу ўринда жинсий тар-бияни, организмнинг фаолияти ҳақидаги бугунги кунда ҳар бир одам ўзлаштириши, билиши зарур бўлган санитар-гигиеник, психогигиеник маълумотлар билан узвий боғлиқ тарзда қаралиши мақсадга мувофиқдир.

Оилавий ҳаётда эса жинсий ҳаёт психологияси ҳақидаги билимларга эга бўлиш ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган масаладир. Турли мутахассислар томонидан берилган маълумотларни комплекс таҳлил қилган ҳолда айтиш мумкинки, ҳар бир тўртинчи ажралишган эр-хотинларда (ажралишларнинг 29%ида) жинсий му-таносибликнинг у ёки бу тарзда бузилиши (эр-хотиннинг жинсий ному таносиблиги) сабаб бўлмоқда.

Албатта, ўзаро севги, ишонч ва ҳурмат ҳислари, қизиқишлар ва ниятларнинг умумийлиги ҳислари қисқа вақт оралиғида юзага келган ва шунга кўра шо-пилинч оила қурган жуфтларга жинсий ҳаёт психологияси борасидаги билимлар ўз-ўзидан ёрдам бера олмаслиги мумкин. Бундай тезликда, қисқа вақтда (совчилар, қариндошлар орқали бир-икки ҳафтадаёқ) юзага келган оилалар миқдори айниқса сўнгги йилларда бизнинг миллат вакиллари ўртасида ортиб бормоқца. Ёшларнинг бир-бирларига нисбатан бўлган ёқтириши ва ижобий эмоционал ҳислари комплексисиз бу би-лимларнинг самараси паст бўлади. Улар фақат эр-хо-тинлар бир-бирларини ёқтирганлари, бир-бирлари учун жозибали бўлган ҳолатлардагина, эр-хотинларнинг интим ҳаётини мувофиқлаштиради. Бошқа томондан никоҳдаги жинсий ҳаёт психогигиенаси муаммоларидан қандайдир «бўлмағур, уят нарса» сифатида воз кечиш ҳам керак эмас. Чунки, кўпчилик ҳолларда жинсий ҳаёт психогигиенаси соҳасидага илмий билимлар ёш эр-хотинларга йўл қўйилиши мумкин бўлган аянчли хатолардан қутулишга ва шу билан ўз никоҳларини сақлаб қолишларига ёрдам бериши мумкин.

Шундай қилиб, жинсий етуклик одам анатомияси ва физиологияси нуқтаи-назаридан етарлича аниқ ва равшан бўлган ҳодисадир. Бироқ унинг психологик, ахлоқий жиҳатлари ўта мураккаб. Шунинг учун ҳам одамнинг никоҳга жинсий етуклиги дейилганда унинг физиологик нуқтаи-назардангина етилишини назарда тутиш жинсий етукликнинг тўлиқ моҳиятини билдир-майди, бундан ташқари одам жинсий ҳаёт психогигиенаси борасида ҳам зарур илмий психологик билимларга, тўғри тасаввурларга ҳам эга бўлмоғи зарур. Бу эса шубҳасиз алоҳида эътибор, махсус тайёргарлик, ўқитишни талаб қиладиган жараёндр.

Ёшларни никоҳга жинсий етуклик масаласидан ташқари юқорида келтириб ўтилганидек яна бир нечта ижтимоий етуклик турларини фарқлаш мумкин. Булар: жинсий, фуқаролик, касб-хунар, ижтимоий-иқтисодий, маънавий, ахлоқий ва психологик етукликлардир. Буларнинг орасида

ёшларнинг жинсий (физиологик) етуклиги бошқаларига қараганда анча эрта амалга ошади, куйида бу масалаларга боғлиқ равишда яна қандай муаммолар мажмуининг юзага келиши мумкинлиги ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Фуқаролик, ҳуқуқий етуклик бу одамнинг ҳуқуқий жиҳатдан балоғатга етиш ёши билан, у ҳуқуқий жиҳатдан оила қуриш, фарзанд кўриш ҳуқуқига эга бўлган шахс бўлиб ҳисобланиши билан белгиланади. Бизнинг мамлакатимизда бу 18 ёш деб кўрсатилган. Бу вақтда у Конституцияда белгиланган барча ҳуқуқ ва мажбури-ятлардан фойдалана оладиган бўлади. 18 ёшни шахснинг ҳуқуқий етуклик ёши деб ҳисоблаш мумкин.

Касб-ҳунаретуклиги - бу ҳам анча мураккаб тушунчадир. Унинг мураккаблиги шундаки, бир томондан у қандайдир билим юртини, ўқув курсларини битириш, яъни маълум бир иш турини бажариш учун зарур бўлган махсус билимларга эга бўлиш билан белгиланади. Бироқ одам у ёки бу билим юртини (коллеж, лицей, техникум, институтни) битирганидан кейин ўзи танлаган касби бўйича бир неча йил ишлаб кўриши керак бўлади ва шундан кейингина унинг касб-ҳунар эгаллашит ҳақида гапириш мумкин.

Шу билан бирга баъзи бир касблар бўйича 19-20 ёшлардаёқ касб-ҳунаретуклигига эришиш мумкин бўлса, бошқаларда, масалан хирург-врачликда кечроқ 29-30 ёшга етганда бунга эришиш мумкин. Шахсни етуклигининг яна бир жиҳати **ижтимоий-иқтисодий етукликдир**. Бунда одамнинг ўзини ва ўз оиласини моддий жиҳатдан мустақил таъминлай ола билиши назарда тутилади. Ёшларни оила қуришларида, уларнинг иқтисодий мустақиллиги алоҳида аҳамиятга эга. Бу ўринда ҳам турлича ёш чегаралари мавжуд, ёшларнинг айримлари 18-19 ёшидаёқ ота-онаси оиласидан иқтисодий мустақилликка эришиши мумкин, бошқалари эса 25-30 ёшларида ҳам ота-оналарининг моддий ёрдамидан фойдаланадилар.

Бу етуклик жиҳатлари орасида шахснинг маънавий ва ахлоқий етуклиги ҳақида гапириш энг мураккабидир. Чунки бу жиҳат ҳақида аниқ бир мезон ва тавсиф ҳозирча ишлаб чиқилмаган.

Шундай қилиб, «етуклик» тушунчаси ўзича кўплаб жиҳатларни мужассамлаштиради. Шунини айтиб ўтиш жоизки «етуклик» тушунчаси, албатта маълум бир ҳаётий тажриба билан, яъни «ҳаётий билимлар» билан узвий боғлиқдир. «Ҳаётий билимларни ўзлаштириш», «Ҳаёт университетларидан» ўтишнинг ҳам ўзига хос индивидуал хусусиятлари мавжуд. Кимдир 20 ёшидаёқ «ҳаётни яхши билиб олади», кимдир 30 ёшида ҳам болалигича қолаверади. Бунга мавжуд ижтимоий шароит, жамоатчилик ва ижтимоий тартибнинг таъсири катта. Маълумки олдинги вақтларда, айниқса уруш йиллари болалар катталар ҳам ҳамма вақт уддалай олавермаган ҳаётий қийинчиликларни бошидан кечирганлар. У вақтларда 12-14 ёшданок болалар оналарига оилани таъминлашда ёрдам берганлар. Шунингдек шаҳар ва қишлоқ жойларда истиқомат қиладиган, кам фарзандли ва кўп фарзандли оилаларда, нуклеар ёки кўп табақали оилаларда ўсаётган болаларнинг ҳам оилани моддий, ижтимоий таъминотига

хисса қўшиш, бу ишлар билан шуғулланиш муддатлари ва миқдори турличадир. Ҳаётни билиш, ҳаётий тажрибалар турли индивидларда турлича жадалликда амалга ошиши мумкин ва бу ўринда қандайдир бир ёш, вақт оралиғини кўрсатиши мутлақо мумкин эмас. Бунинг устига ҳаётни, бизни ўраб турган атроф оламни билиш ўз навбатида чексиздир.

Шунга қарамай ижтимоий ва иқтисодий етукликнинг маълум бир минимум чегараларини белгилаб олиш мумкин, яъни шундай ҳаётий тажриба, билим-лар «минимуми» мавжудки, уларсиз бирон бир ёшни, йигит-кизни том маънода етук деб ҳисоблаб бўлмайди.

Мана юқорида келтириб ўтилганларнинг ўзиёқ «етуклик» тушунчаси нақадар кенг тушунча эканлигини кўрсатиб турибди. Шунга қарамай биз ундан фойдаланишга мажбурмиз. Чунки у никоҳнинг мустаҳкамлигини белгилаб берувчи муҳим шарт-шароитларни, вазиятларни ўзида мужассамлаштиради.

Гап шахснинг психологик етуклиги ҳақида боргудек бўлса, бунда даставвал унинг турли ҳаётий вазиятлар ва шароитларни хушёр баҳолай олиши назарда тутилади. Бу хушёрлик амалийлик, воқеликни тўғри баҳолай олиш шахсда ўзининг ютуқ ва камчиликларини, билим, малака ва қобилиятларини етарлича объектив баҳолай олишда ҳам намоён бўлиши керак. Афсуски, кўпинча ёшлар ўз қобилиятларини орттириб баҳолаб, ўз олдиларига эришиб бўлмайдиган мақсадларни қўйиб олиши ҳолларига дуч келинади. Айниқса, оилавий ҳаётни тасаввур қилиш, унда ўз ўрнини баҳолаш масаласида ёшларимиз кўпроқ хатога, ўзларини орттириб баҳолашга, оилавий ҳаётдан мумкин бўлганидан кўпроқ нарсани кутишга йўл қўйиш ҳоллари кўпроқ кузатилади. Натижада муваффақиятсизликлар, пушаймон бўлишлар, асаб бузилишлар юзага келади. Психологик етук шахс эса аксинча, ўз олдига эришиши муқаррар бўлган, бунга имкониятлари етарли бўлган мақсадларни қўяди, ўз ҳаёт йўлини ва унга эришиш воситалари ва усулларини тўғри белгилайди. Бундай шахс ўз ҳиссиёти, кечинмаларини етарлича яхши назорат қила билиши, яъни ички интизомининг юқори ривожланганлиги билан характерланиб туради. Психологик етуклик бошқа одамларнинг хоҳиш, истаклари, кечинмаларини тушуниш билан маълум даражада боғлиқ. Бу ўз навбатида мулоқотнинг, ҳамкорликнинг яхши йўлга қўйилишига, оилада, турли гуруҳларда гармоник муносабатларнинг ўрганилишига имкон беради. Турли ёшдаги, мансаб, лавозим, тоифадаги одамлар билан, қизиқиши, одати, таъби, турмуш тарзи мутлақо бошқача бўлган одамлар билан ўринли муносабатда бўла олиш - шахснинг психологик етуклигининг асосий хусусиятларидан биридир.

Ёшлар оила қураётганларида бу хусусиятлар ҳал қилувчи бўлиб ҳисобланади. Албатта бундай қобилият-лар бир кунда шаклланмайди. Улар олдинги ҳаёти давомида унга берилган тарбия таъсирида аста-секинлик билан шаклланади. Психологик етуклик, шахс хулқи-ни турли яшаш шароитларига мослашувчанлигида ифодаланади. Психологик етуклик шахснинг бошқа одамларга нисбатан бўлган ижобий муносабатлари:

хамдардлик, ҳамфикрлик, ғам-ташвишга шерик бўла олиш, ўзаро ёрдам кабилар тарзида намоён бўла оладиган маънавий сифатларнинг таркибий жиҳатларини ўзида бириктиради. Психологик етукликнинг муҳим мезонларидан бири шахсда оилавий муаммоларни адолатли ҳал этишга хизмат қилувчи ўз мустақил фикри, қараши, позициясининг бўлиши, зарур бўлганда оила манфаатида ўз қарашларини ота-оналари олдида ҳимоя қила олишидир.

Никоҳ олди омиллари орасида энг характерлиларидан яна бири оила кураётган ёшларнинг ёш хусусият-ларидир. Чунки бу кўрсаткичлар ҳам никоҳ мустаҳ-камлигида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Қуйида шулар ҳақида тўхталиб ўтамыз.

Никоҳ ёши хусусиятлари

Демографик нуқтаи-назардан олинганда, оила қуриш деганда маълум бир кишиларнинг эмас, балки бутун бир авлоднинг оила қуриши назарда тутилади. Бу ўринда тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, авлод ёш жиҳатдан қанчалик катта бўлса (унинг ёши қанчалик юқори бўлса), у биз кўриб чиқаётган жиҳатларнинг ҳар бири бўйича кўпроқ етук бўлади. 20-24 ёш-даги гуруҳ, 20 ёшдан кичик бўлган авлодга қараганда кўпроқ ҳаётий тажрибага эга бўлади. Биринчи авлод вакилларида ижтимоий-иқтисодий етуклик даражаси юқорироқ бўлади, чунки айнан шу ёшда кўпчилик ёшлар ўрта ёки олий ўқув юртларини тамомлаган, у ёки бу касб ҳунарни эгаллаган бўладилар. 25-29 ёшларда эса 20-24 ёшдагиларга қараганда, ижтимоий-иқтисодий ва касб-ҳунар етуклиги бўйича янада юқорироқ даражага эга бўладилар. Ҳозирги замон демографияси-да кенг фойдаланиладиган ушбу кўрсатиб ўтилган каби статистикалар ва ёш гуруҳлари ёшларнинг ижтимоий етуклигининг турли жиҳатларини ижтимоий психологик таҳлил қилиш учун жуда ноқулай ҳисобланади. Чунки ҳеч кимга сир эмаски, бугунги кунда ёшларнинг катталашуви, вояга етиши жуда жадал амалга ошмоқда. Юқоридагича гуруҳлашга кўра бир демографик ёш гуруҳига кирган 20 ва 24 ёшлиларнинг етуклиги сифат жиҳатидан турли даражага эгадирлар. 25 ва 29 ёшдагилар ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин. 29 ёшга келиб касб-ҳунар етуклиги ниҳоясига етади ва бу даврга келиб аксарият ёшлар оила қуриб бўлган ва ҳатто фарзандли бўлишга ҳам улгуришади. Шундай қилиб, 29 ёшдагилар 25 ёшдагиларга қараганда ҳаётий тажрибаларига кўра ҳам ва бошқа асосий компонентларга кўра ҳам сезиларли даражада фарқланиб туради.

Ўзбекистон Республикасининг «Оила кодекси»да эркак ва аёллар учун минимал никоҳ ёши сифатида 18 ёш кўрсатилган. Бу ёшни маҳаллий ҳокимият қарорига кўра алоҳида истесноли ҳолатларни ҳисобга олиб аёллар учун бир ёшга қисқартириш мумкин.

Турли мамлакатларда урф-одатлар ва миллий анъ-аналарга боғлиқ равишда эркак ва аёлларнинг турлича минимал никоҳ ёши белгиланган. Масалан, эркаклар учун у 14 ёшдан (Ирландия, Испания ва Лотин Америкасидаги

айрим давлатларида) -21 ёшгача (Польша, Австрия, Германия ва айрим Скандинавия давлатларида) бўлган давр орасига тўғри келади. Аёллар учун минимал ёш одатда ёки эркаклар билан тенг деб, ёки улардан бир неча ёш кичик деб белгиланади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ёшларни вояга етиш масаласи, уларнинг никоҳга етуклиги кўрсаткичлари айрим ҳолларда бир-бирига қарама-қарши ва нотўғундир. Одамнинг ахлоқий ва маънавий қиёфаси, унинг шахсий таъби, диди, одатлари ҳаёт давомида бир неча бор ўзгариши мумкин. Ҳозирги даврда билимлар ва ҳаётий тажрибани йиғиш ғоят юқори жадалликда амалга ошиб бормоқда. Шунга кўра 16 ёш-дан 29 ёшгача бўлган даврни оила қуриш учун гармоник давр деб ҳисоблаш қийин. Чунки бу даврда ёшларнинг ўзига бевосита боғлиқ бўлмаган кўплаб объект-тив шароитларни, қарама-қарши ҳолатларни кузатиш мумкин. Масалан, ёшларда жинсий етилиш 14-16 ёшларда, ҳуқуқий етуклик - 18 ёшда, касб-ҳунарни эгаллаш ва касбий етуклик кўп ҳолларда 28-30 ёшларда юзага келиши мумкин. Ота-оналарга боқиманда бўлмаслик даражасида иқтисодий мустақилликка эришиш эса, одатда 20 ёшдан 30 ёшгача бўлган вақт оралиғида амалга ошади.

Кўпинча катта авлод вакиллари, ёшларни етук эмасликда, ҳаётга тайёр эмасликда айблайдилар, лекин айти пайтда бундай етилмасликнинг объектив сабаблари ва шарт-шароитлари эътибордан четда қолади. Ёшларни ижтимоий ва иқтисодий ҳаётга тўлиқ киришиб кетишлари учун уларга кенг кўламдаги рақобатбардош билимларни, касб-ҳунар кўникмаларини бериш зарур бўлади. Ёшлар эгаллашлари лозим бўлган билимлар ҳажми ҳар ўн йилда икки мартага ортиббормоқда. Ижтимоий, маънавий ишлаб чиқариш ва илмий техник тажрибани келгуси авлодга узатиш жараёни шу даражага борганки, у ҳар бир ёшни ҳаётга тўла иқтисодий тайёрлаш учун камида 12-15 йил ўқишини тақазо қилади. Баъзида бу муддат камлик қилиб, у 18-20 йилгача узайиши мумкин (ўрта мактаб коллеж (лицей) + олий ўқув юрти + аспирантура).

Ижтимоий, иқтисодий, маънавий, илмий ва техник тараққиёт жараёнларининг кечиши ёшларни ижтимоий-иқтисодий ва касб-ҳунар, техник етуклигининг кечишиб кетишига олиб келмоқда. Масаланинг иккинчи томони, ёшларни ижтимоий етилиши босқичлари ва фазаларида объектив қарама-қаршиликларнинг юзага келиши ва уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасидаги ишларни амалга оширишда бу ҳаётий ҳақиқатни доимо назарда тутиш лозимлигидир.

Қуйида шундай қарама-қаршиликларнинг бири ҳақида тўхталиб ўтамиз. Бунинг учун бундан 70-100 йиллар олдинги даврдаги вазиятларни бугунги кунлармиз билан солиштириб кўрамиз. У вақтларда мамлакатимиз аҳолисининг 80-85%ини қишлоқ аҳолиси ташкил қилган ва бутун аҳолининг деярли шунча қисми деҳқончилик, чорвачилик, косиблик ва бошқа ҳунармандчилик билан машғул бўлган. У вақтларда деҳқон, чорвадор, косиб-ҳунарманд йигит 16-17 ёшида жинсий балоғатга етган ва бу вақтга

келиб у унчалик мураккаб бўлмаган деҳқончилик ёки чорвачилик малакаларининг деярли барчасини эгаллаб улгурган ва бу соҳада мустақил фаолият олиб боришга тайёр бўлган. Агар у 18-22 ёшида уйланса, оила курса, унда унинг жинсий балоғатга етиши, меҳнатга тайёрлиги ва оилавий ҳаётни бошлаш омиллари ўртасида унчалик катта фарқ бўлмаган.

Бугунги кунларимизда эса биз мутлақо бошқача вазиятни кузатамиз. Акселерация жараёни ва бошқа омиллар туфайли болаларда жинсий балоғатга етиш, уларнинг бундан 70-100 йил олдинги тенгдошларига караганда 2 йилларга эрта рўй бермоқда. Шу билан бир вақтда махсус таълим олиш, касб-ҳунар эгаллаш ва иқтисодий мустақилликка эришиш камида 22-25 ёшга ва ундан кейинга сурилиб кетяпти. Ёшларнинг жинсий балоғатга етишиши ва уларнинг тўла иқтисодий мустақилликка эришиш вақти ўртасида камида 5 йилдан 10 йилгача узилиш юзага келиб қолмоқда. Бу ҳолат, олдинги авлодларда кузатилмаган бир қатор мураккабликларни ва уларга боғлиқ равишда рўй бериши мумкин бўлган нохушликларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Келтириб ўтилган ушбу никоҳолди омиллари билан бир қаторда никоҳ мустақамлигида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган омиллардан яна бири - оиланинг юзага келишига асос бўлган никоҳ қуриш мотивлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларидир. Қуйидаги мулоҳазалар ана шу хусусда боради.

Никоҳ мотивларининг хусусиятлари

Никоҳ олди омилларидан яна бири - шу никоҳ қурилишига асос бўлган никоҳ мотивларидир, «Мотив» ибораси психологияда маълум бир ҳуқ, фаолиятнинг юзага келишига асос бўлган куч, туртки, манба, асосни билдиради. Хўш, оилалар қандай мотивлар туфайли юзага келиши мумкин? Психологик адабиётларда бир неча ўнлаб никоҳ мотивлари фарқланади. Лекин улар умумлаштирган ҳолда учта классификацияга фарқланади. Булар: **севги туфайли** оила қуриш, яъни ёшлар оила қуришдан аввал бир-бирларини се-виб, маълум бир муддат севиб-севилиб юрганларидан сўнг шу ўзаро севгининг маҳсули сифатида бир-бирларининг висолига тўй қилиб, оила қуриб етишадилар.

Мотивларнинг иккинчи классификацияси **моддий ёки ўзга манфаатдорлик туфайли** оила қуриш. Бунда ёшлар оила қураётган эканлар ниманидир ҳисобга олган ҳолда, маълум бир мақсадни кўзлаб оила қуришлари мумкин, масалан, бойликни, мансабни, моддий ёки ижтимоий манфаатдорликни кўзлаган ҳолда: «Агар шу йигитга турмушга чиқсам, бой-бадавлат яшайман» ёки «Шу қизга уйлансам, унинг ота-онаси ёрдамида маълум бир мансаб, мавқега эришаман», - деган фикрлар асосида ўзининг ижтимоий-иқтисодий аҳволдан қутулиш, «ёлғизликдан қутулиш» ва бошқалар. Шу каби ҳисобга олинадиган нарсаларни кўплаб санаб ўтиш мумкин.

Никоҳ мотивлари классификациясидан яна бири - стереотип бўйича оила куриш деб аталади. Бу тоифа ёшларда олдинги мотивларнинг иккаласи ҳам кузатилмаслиги мумкин. Улар оила кураб эканлар, стереотипларга қарайдилар. Бундай ёшлардан нима учун оила курганликлари сўралса, одатда «Ҳамма тенгдошларим уйланаётганди, мен ҳам уйландим!» ёки «Ҳамма дугоналарим турмушга чиқишаётганди, мен ҳам турмушга чиқдим!» қабилда жавоб берадилар.

Хўш, шу санаб ўтилган учала мотив: севги. моддий ёки узга манфаатдорлик туфайли. стереотип бўйича курилган оилаларнинг қай бири мустаҳкамроқ бўлади, яъни қайси мотив никоҳ оила мустаҳкамлигини кучлироқ таъминлайди?

Албатта, бу саволга ёшларнинг аксарияти, биринчи мотивни, яъни севги мотивини танлаб жавоб беришади. Чунки улар севги туфайли оила куриш никоҳ мустаҳкамлигини таъминловчи энг ишончли, мустаҳкам пойдевор деб ҳисоблайдилар. Ҳақиқатан ҳам, севгининг оила мустаҳкамлигидаги ўрни бекиёсдир. Ҳақиқатан ҳам, севги - бу ўта қудратли кучдир. У туфайли инсон нималарга қодир эмас?! Инсоният ўз тараққиётида эришган энг юксак чўққилар ҳам севги туфайлидир. 3. Фрейд таъкидлаганидек: «Севги - бу инсониятни ҳайвонот олаmidан суғуриб олган кучдир!». Инсон яратган буюк мўъжизаларнинг барчаси севги туфайлидир.

Бу айтилганлардан кўриниб турибдики севги туфайли оила куриш бахтли ва мустаҳкам никоҳнинг асосини таъминлайди.

Албатта, севишиб турмуш курган жуфтларнинг аксарияти энг бахтли оилавий ҳаёт кечирадилар. Лекин статистик маълумотларга қараганда, оилалар ажралишининг кўпчилиқ қисми ҳам худди шу севишиб оила курган жуфтларга тўғри келар экан. Хўш, нега энди севишиб оила курган жуфтлар оилавий ҳаётларида ҳамма вақт ҳам бахтли бўлавермайдилар? Нега кечагина бир-бирларини севиб, бир-бирларисиз яшай олмаслигига тўла амин бўлган ёшлар бугун никоҳларини бекор қилиш ҳақида судга ариза бераяптилар? Уларнинг севгисига нима бўлди? Севги - ўзи нима? У бор нарсами ёки йўқми? Бу ўринда ҳақли равишда «Севги оилавий ҳаётнинг мустаҳкам бўлишига ёрдам берадими ёки ҳалақит қиладими?», деган савол туғилади. Бу каби саволлар азал-азалдан ёшларни, умуман инсониятни қизиқтириб келган саволлардир. Бу ҳақда ўтмиш мутафаккирларимиз, олиму шоир, ёзувчиларимизнинг асарларидан, халқимизнинг доно маънавий меъросларида баъзан бир-бирига қарама-қарши бўлган кўплаб мисолларни кўришимиз мумкин.

Севги, агарда у ҳақиқий бўлса, севишганлар бир-бирларини ҳурмат қилиб, тушуниб, бир-бирларини эъзозлаб, авайлаб, керак бўлса бири иккинчисининг бахти, шодлиги, қувончи, манфаати учун ўз манфаати-дан воз кечиб, ўта нозик бўлган туйғу севгини ҳар куни, ҳар доим парвариш қилиб яшасалар, унда севги уларнинг муносабатларини янада яқинлашишига, уларнинг оилавий ҳаётининг мустаҳкамланишига ва биргаликдаги ҳаётларида энг олий завқ-шавқларни ҳис қилишларига асос

бўлиши мумкин. Бу эса албатта, ёшлардан сабр-тоқат, чидам, ўз севгисини сақлаб қолиш ва уни янада ривожлантириш учун тинимсиз изланиш, меҳнат қилиш, «жафо чекиш»ни талаб қилади. Шундагина севги ўзининг лаззатли меваларини бериши, ўзининг куч-қудратини кўрсатиши мумкин. Албатта ҳар бир йигит-қиз ўзаро оила риштала-рини боғлар экан, улар ўз ҳаётларидаги бу муҳим воқеага умид, орзу билан ёндашуви табиий. Агар севишганлар оила курганларидан кейин «мурод-мақсадимга эришдим» деб севгисини ҳимоя қилишни, уни парвариш қилишни унутса, унинг учун курашмаса, қаровсиз қолган ҳар бир нозик ниҳол нобуд бўлганидек, энг нозик туйғу бўлган севги ҳам нобуд бўлади. Шундан сўнг севги номи билан қилинган орзу-ниятлар саробга айланади, ёшларнинг оила, никоҳ, севги фонида шаклланган тасаввурлари «нотўғри» бўлиб чиқади. Оқибатда оилавий ҳаётдан кутган нарсалари қолиб кетиб, мутлақо кутмаган нарсаларига дуч келишлари кузатилади. Бундай ҳолатда севги ёшларнинг бахтига, уларнинг оилавий ҳаёти мустаҳкамлигига ҳалақит бериши мумкин.

Навбатдаги мотив моддий ёки ўзга манфаат туфайли оила қуришдир. Бу мотивнинг оила мустаҳкамлигига таъсири унинг кейинчалик қай даражада амалга оширилишига боғлиқ. Оила қуришдан олдин ёшларнинг ҳисобга олган, кўзда тутган нарсаларининг ҳаммаси рўёбга чиқаверса, бу мотив маълум даражада никоҳ мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилиши мумкин. Афсуски, оилавий ҳаётда ҳамма нарса ҳам ёшлар кутганидек бўлавермайди. Бу ўринда Л.Н.Толстойнинг: «Бадий асарларда, романларда, киноларда сюжет, воқеалар ривожланиб-ривожланиб бориб, охирида ҳаммаси тўй билан, яхшилик билан тугайди. Ҳаётда эса аксинча, ҳамма нарса тўйдан кейин бошланади», - деган фикрини таъкидлаш мақсадга мувофиқ. Шунинг учун ҳам оилавий ҳаётда кутилган ҳисобга олинган нарсаларга ҳамма вақт ҳам эришиб бўлавермайди. Ниманидир ҳисобга олиб оила курган ёшларнинг оилавий ҳаётда ана шу ҳисобга олганлари амалга ошмай қолгундек бўлса, унда уларнинг оилавий ҳаёти ғурбатга, турган-битгани азобга, низо-жанжалга айланади. Улар учун бундай оилада яшагандан кўра яшамагани афзал кўринади. Бу ҳам охир-оқибат оилаларнинг инқирозига ва «ҳисоб» пойдевори устига қурилган иморатнинг қулашига олиб келади.

Статистик маълумотларга кўра, юридик жиҳатдан энг мустаҳкам, турғун оилалар стереотип бўйича оила курган жуфтларга тўғри келар экан. Бундай оилаларда ажрашишлар миқдори олдинги икки мотив асосида қурилган оилаларга қараганда жуда кам кўрсаткични ташкил қилади. Чунки улар «ҳамма қатори» оила қуришган. Қарашсаки «ҳамма бинойидек яшайпти» - булар ҳам яшайверишади. Бу мотив асосида қурилган оиладаги эр-хотинлар ўта бахтли ҳам, ўта бахтсиз ҳам бўлмайдилар. Лекин биргаликдаги ҳаёт туфайли эр-хотин ўртасида бир-бирларига мослашиш, бир-бирини тушуниш, бир-бирига нисбатан меҳр-оқибат юзага ке-либ, улар ривожланиб юқорида айтганимиздек, севги-муҳаббат даражасига ўсиб етиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатлар, шубҳасиз, бу тоифа оилаларни нафақат расмий, юридик жиҳатдан, балки эмоционал, психологик жиҳатдан ҳам турғун

бўлишини таъминлаши мумкин.

Энди юқорида берилган саволни яна такрорласак: қандай мотив асосида оила қурган маъқул? Севишибми? Моддий ёки ўзга манфаат асосидами? Стереотип бўйичами? Бу ўринда ёшларимиз энди бир оз ўйланиб қолишлари мумкин. Севги туфайли дейилса, унинг ҳам ўзига яраша машаққатлари бор. Моддий ёки ўзга манфаат туфайли оила қуришнинг оқибатлари маълум. Стереотип бўйичами? Унда эҳтирос, жўшқинлик етишмаяптику? Ёшлик ғурури, жўшқинлик буни қабул қила олмайди.

Бундай саволларга, бундай ўйларга жавобни бугун ёшларнинг мактаб, лицей, коллеж парталарида ўтирган вақтида беришнинг айби йўқ. Чунки Сизнинг оила қуришингизга ҳали бир неча йил бор. Шу фурсатни бой бермасдан яхшилаб ўйлаб, фикр-мушоҳада юритиб олишингиз мумкин. Лекин ёдда сақлангки: бу масалаларни оила қуриб бўлгандан кейин ўйлагандан кўра ҳозир яхшилаб ўйлаб, энг мақбул бир фикрга келиб олган маъқул. Чунки бу масалалар ва бу саволларнинг ечими мактабда ўтиладиган бошқа фанлар бўйича бериладиган топшириқ, вазифа, масалаларнинг ечимини топишдан ҳам мазмун, ҳам моҳият, ҳам кўлам жиҳатдан кескин фарқ қилади. Бу фанлардан берилган жумбоқларни ечиш ёки еча олмаслигингиз Сизнинг ҳаётингизда ва тақдирингизда унчалик ҳал қилувчи роль ўйнамаслиги мумкин, лекин ўзингизнинг бўлажак оилангизга оид муаммоларни ҳозирдан тўғри ҳал этиб боришга ўрганишингиз ва уларнинг энг мақбул жавобларини топишингиз келгусида Сизни ўзингизнинг ва яқинларингизнинг тақдирини ҳал қилинишида муҳим аҳамиятга эга. Бу борада бефарқлик, безътиборлик, таваккалчилик билан йўл тутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бу масала нафақат Сиз учун шахсий аҳамиятга эга бўлган, балки жамият, давлат, халқ, миллат аҳамиятига эга бўлган масаладир. Сиз бу масалани ўзингиз учун муваффақиятли ҳал этиб, мустаҳкам оила қуриш билан бирга бутун бошли яхлит организм - жамиятнинг соғлом бир ҳужайрасини яратган бўласиз.

Сизларга ҳам оила қуришда албатта, севиб-севилиб оила қуришингизни тилаб қоламиз, негаки фақат севги туфайлигина инсон ўзига ато этилган энг олий, инсоний завқ-шавфқлардан бахраманд бўлиши мумкин. Оилавий ҳаётдаги завқ-шавқлар эса ўз-ўзидан, ғойибдан берилмайди. Бунинг учун курашиш, интилиш, севгининг «қаҳратон қишу», «жазирама ёзларига», азоб-укубатларига бардош бериш, унинг синовларидан муваффақиятли ўтиш ва уни берилган умрнинг охиригача парвариш қилиб, сақлаб қолишга ва умрнинг яку-нида уни фарзандларга, келажак авлодга энг муқаддас мерос қилиб қолдиришга ҳаракат қилиш керак. Ҳар бир одам у хоҳ она бўлсин, хоҳ ота бўлсин, ўз фарзандларига уларнинг отасини, онасини севишданда ортиқроқ мерос қолдира олмайди. Фарзандларингизга қандай мерос қолдиришни ҳозирданоқ, ҳали ўзингиз фарзанд эканлик вақтингизданоқ, қатъий ўйлаб олинг.

Никоҳгача танишиш шартлари ва муддатлари

Никоҳ олди омиллари классификациясида қайд этиб ўтилган омиллардан яна бири ёшларни оила қургунларига қадар бир-бирларини қанча вақт билганлик-лари, улар қандай шароитлар ва шартларга кўра танишиб оила қуришларидир. Бу омиллар никоҳ мустаҳкамлигига қандай таъсир кўрсатиши мумкин.

Албатта, оила қуришдан олдин бўлажак эр-хотинлар бир-бирларини маълум бир муддат бўлажак эр ёки хотин сифатида билиб юрсалар, бир-бирларининг шахсий хусусиятлари, индивидуал сифатлари, қизиқишлари, дунёқарашлари, шахсий йўналганликлари ҳақида адекватроқ тасаввур ва маълумотларга эга бўлсалар, бу тасаввур ва маълумотлар уларга биргаликдаги ҳаётларида бир-бирларини тушуниб, бир-бирларига мослашиб кетишларига ёрдам бериши мумкин.

Ҳозирги ёшларимизга жуда яхши маълумки, оила кодексига биноан никоҳдан ўтиш учун ариза берганларидан сўнг бир ой (аниқроғи 33 кун) муҳлат берилади. Мабодо, шу фурсат мобайнида улар ўз ниятларидан қайтиб қолгудек бўлсалар, уларнинг талаби қондирилиб, кўзда тутилгандек, никоҳ қайд қилинмайди. Ҳеч бир яширадиган жойи йўқки, республикамызда исти-қомат қилаётган ёшларнинг ҳаммаси ҳам никоҳдан ўтишга оид мавжуд қонун-қоидалардан етарли даражада хабардор эмаслар ва айрим ҳудудларда ҳамма вақт ҳам бу қоидаларга амал қилинавермайди. Лекин ёшларимиз айтганча, Сиз - ўқувчи ёшларимизга никоҳ-оила муносабатларининг қонуний жиҳатларидан ҳам хабардор бўлиб қўйиш фойдадан холи эмас.

Хўш, шу фуқаролик ҳолатини қайд этиш бўлимлари томонидан берилган 33 кун муҳлат ёшларимизнинг бир-бирларини мумкин қадар билиб олишлари учун етарлими? Бўлажак эр-хотинлар бир-бирларини тўла билиб олишлари учун қанча вақт керак?

Бу ерда гап бирор-бир буюмни, техника ёки компьютерни эмас, одамни билиш ҳақида кетаяпти.

Психологларнинг таъкидлашича, одам бу энг мураккаб билиш объектидир. Уни ҳеч қачон ва ҳеч ким мутлоқ ва батафсил била олмайди. Чунки у ҳар куни ривожланишда, шаклланишда, ўсишда, ўзгаришда бўлган мураккаб биологик, физиологик, психологик, ижтимоий психологик, ижтимоий жараёнлар, ҳолатлар, хусусиятлар мажмуини ўзида мужассамлаштирган энг олий ва шу билан бирга энг мураккаб мавжудоддир. Унинг сир-синоатлари қоинот сир-асрорларидан ортиқ бўлса ортиқки, асло кам эмас. Шунинг учун бир йил, ўн йил бирга ўқиган ёки болаликдан бирга ўсган бирон-бир ўртоғингизнинг ҳулқида, хатти-ҳаракатида кузатиладиган айрим ҳолатлар ҳозиргача ҳам сизни ҳайрон қолдириши ёки одамлар бир умр бирга яшаб бир-бирларида кутилмаган ҳолатларни, ҳулқ-атвор ифодалани-шини кўриши мумкин.

Булардан кўриниб турибдики, одамни тўла-тўқис билиб бўлмайди. Лекин бирга турмуш қуриб, яхши яшаб кетиш учун лозим бўлган минимум билимларга эга бўлиш учун бўлажак турмуш ўртоқлар бир-бирларини қанча вақт билишлари керак? Кўпчиликда «қанча кўп бўлса шунча яхшида», деган

жавоб хаёлга келиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам, никоҳгача танишиш муддатининг қисқалиги-мақсадга мувофиқ эмас. Бизнинг ўтказган тадқиқотларимиз оила қургунга қадар бир-бирларини бир ой ва ундан кам вақт билган эр-хотинлар миқдори ажрашиб кетган эр-хотинлар орасида кўпчиликни ташкил қилишини кўрсатди. Шунингдек, бир-бирларини оила қургунга қадар 5-10 йил ва ундан кўп вақт билишлари ҳам бўлажак эр-хотинларга бир-бирларига нисбатан ҳиссийликнинг ўтмаслашиб қолишига олиб келиши ҳам мумкин экан.

Психологик адабиётларда бўлажак эр-хотин сифатида бир-бирларини ярим йилдан бир йилгача билиш энг мақбул муддат деб кўрсатилади. Бу вақтда йигит-қизлар бир-бирлари ҳақида нисбатан билиш мумкин бўлган билимлар, маълумотлар минимумига эга бўлишга улгуришлари мумкин. Албатта бу вақтни ҳам идеал вақт деб ҳисоблаб бўямайди. Бу ерда муҳими ёшлар бир-бирларини қандай жадалликда, қандай мақсадда, қандай восита, усуллар ёрдамида ва қандай «кўз» билан ўрганишлигидадир. Маълумки севишганлар нафақат бир-бирларига, ҳатто оламга ҳам «рангин кўзгу» орқали қарайдилар. Севиклисининг ҳатто камчиликлари, нуқсонларини ҳам фазилат деб қабул қиладилар. Тўйдан кейин эса ҳатто айрим фазилатлар ҳам камчиликдек кўринади. Шунинг учун ёшларимиз бир-бирларига (айниқса, камчиликларига) тўйдан олдин иккала кўзлари билан, тўйдан кейин эса яримта кўз билан қарашлари лозим. Яъни тўйдан олдин бир-бирларини яхшилаб, синчиклаб ўрганишга ва тўйдан кейин айрим камчиликларига ҳам эътибор бермасликка одатланишлари лозим.

Бўлажак эр-хотинларнинг танишиш шартлари

Никоҳ олди омилларининг характерлиларидан яна бири ёшларнинг танишиш шартларидир. Улар ҳам ўз навбатида турли-туманликка эга. Кимдир ўқиш, иш жойида, кимдир ўзи, кимдир бирор-бир ўртоғи, дугонаси, қариндоши, кимдир совчилар ёрдамида, кимдир кўчада, жамоатчилик жойларида, транспортда, турли маросимлар, тўйлар, кечалар, ўтиришлар ва ҳоказо шарт-шароитларга кўра танишишлари мумкин. Албатта буларнинг ҳаммасида шу ёшларнинг индивидуал хусусиятлари, маънавий-ахлоқий жиҳатлари, маданияти, тарбияси, шу ёшлар яшаган ҳудуд, ундаги миллий урф-одатлар, анъаналар, этник хусусиятлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбек оиласининг этник хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёш оиланинг юзага келиш шартлари орасида кенг тарқалганларидан бири совчилик туфайли оилаларнинг юзага келишидир. Чунки бизда деярли барча оилаларнинг юзага келиши йигит томонидан келинникига совчилар бориши билан бошланади. Бунда ёшлар бир-бирларини олдиндан билишлари, севишлари, шунчаки учрашиб қолиши ёки совчилар орқали қидириб келин топишидан қатъий назар албатта, келинникига совчилар бориши никоҳнинг юзага келишидаги этник шарт, расм-русум, урф-одатлардан бири ҳисобланади. Буларнинг барчасини никоҳ мустаҳкам-лигида ўзига хос ўрни бор.

Агар ёшлар ўзлари совчилар ёрдамисиз бир-бирлари билан танишган, бир-

бирларини топишган бўлса-лар, бунда улар биринчи навбатда, танлаган одами-нинг ўзларининг кўнглига, дидига, идеалига мос келиши ёки келмаслигига эътибор берадилар. Бу албатта, келгуси ҳаёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлган омиллар ҳисобланади. Лекин бу ўринда ҳамма ёшларимиз ҳам ўзларига ва бўлажак турмуш ўртоғига адекват баҳо бера олмасликлари, ўз «тенги»ни топишда ада-шишлари, бу борада уларнинг «ёшлиги» ҳаётий тажрибаларининг етишмаслиги кабилар уларга халақит бериши ҳам мумкин. Агар улар соғлом фикрлай олади-ган, юқорида айтиб ўтганимиздек, оилавий ҳаётга психологик етук бўлсалар, уларнинг хатога йўл қўйиши, адашиши эҳтимоллари кам бўлади. Агар шошма-шо-шарлик қилсалар, «етти ўлчаб бир кесмасалар» шак-шубҳасиз омадсизликка учрашлари мумкин.

Умуман ўзларига жуфт танлашда психологик етукликка асосланган ҳолда, етук нигоҳ билан ва масъулият билан ёндошиб ўзлари мустақил равишда жуфт танлаши ёшларда кейинчалик ўз қарорлари учун масъулиятлиликини ҳис қилиш, ўз оиласи мустаҳкамлиги учун курашиш, ҳатти-ҳаракат қилишни, унинг муваффақияти учун жавобгарликини ўз зиммасига олишни таъминлайди. Ёшларимизни қарорларининг етуклиги, қатъийлиги улардаги оилавий ҳаёт учун, ўз оиласи учун масъулиятлилиқ, жавобгарлигининг юқори бўлиши ҳисси ҳам оила мустаҳкамлигини таъминловчи муҳим омилдир.

Халқимизнинг этник хусусиятларига хос бўлган никоҳнинг юзага келиш шартларидан бири - совчиликдир. Совчилик ҳам азал-азалдан шаклланиб келган миллий қадриятларимиздан биридир. Унинг ҳам ўзига яраша талаблари, шартлари, масъулияти мавжуд. Совчиликка борилганда совчилар бўлажак эр-хотинлар, қудаларни ҳар томонлама ўрганиб, уларнинг бир-бирларига қай даражада мос келиш жиҳатларини пухта ўрганиб чиқишга ҳаракат қиладилар. Совчиликда суришпириш орқали бўлажак келин-куёв, унинг оиласи, авлоди ҳақида ҳар томонлама маълумотлар олишга ҳаракат қилинади. Умуман совчиликнинг миллий, этник, анъанавий амалларига, талабларига риоя қилиш ҳам никоҳ мустаҳкамлигининг муҳим шартларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам совчилик масалаларига ўтмишда катта эътибор берилган ва совчиликка энг тажрибали, мулоҳазакор, оқил одамлар танланган.

Бироқ ҳозирги вақтда совчилик талабларига амал қилмаслик, уни қўпол бузиш ҳоллари ҳам тез-тез учраб турибди. Ҳозирги вақтда совчиликка бориладган экан, танланажак келинни, бўлажак қайнона ёки совчи бўлиб борган одамнинг дидига қай даражада мос тушиши, унинг ота-онаси, ҳар иккала оиланинг мод-дий ижтимоий ҳолати, мавқеи кабиларга кўпроқ эъти-бор берилиб, бу жараёнларнинг бош сабабчилари, бўлажак келин ва куёвнинг манфаатлари, уларнинг бир-бирларига мос келиши ёки келмаслиги жиҳатлари унутилиб қўйётганлик ҳолларини ҳам кузатишимиз мумкин. Бундай вазиятларда шубҳасизки, ёшларнинг ўзларини оилавий ҳаётлари ҳақидаги масалаларини ҳал этишдаги иштироклари, уларнинг фикри, бунга нисбатан муносабатлари ҳисобга олинмай қолиши мумкин. Бу эса уларга қурилажак оила мустаҳкамлиги, унинг манфаати учун масъулиятлилиқ, жавобгарлик ҳисларининг шаклланмаслигига, оилавий ҳаётда қийинчилик, мураккаблик,

турли тўсикларга (уларнинг бўлиши муқаррар) дуч келиб қолинганда, жавобгарликни совчилар, бу оиланинг юзага келиш масаласини «ҳал қилган» бошқа бир одам зиммасига юклаш, уни айблаш ҳолларини юзага келтириши мумкин. Бу каби ҳолатлар шубҳасиз, ёш оила мустаҳкамлигига жиддий хавф туғдиради.

Оилавий муносабатлар психологияси

Ҳар қандай жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади.

Ислом КАРИМОВ

Режа:

- 1. Эр- хотин муносабатларининг шаклланиши.**
- 2.Романтик севгида муносабатларнинг ривожланиши**
- 3 Романтик муносабатларга асосланган муносабатларнинг турлари**
- 4. Эр-хотин муносабатларини мувофиқлаштиришга оид қонуниятлар**

Эр-хотин муносабатларининг шаклланиши


Оилавий муносабатлар аттракцияси. Оила аъзолари ўртасида содир бўладиган мураккаб ва серкиррали ўзаро муносабатлар кўплаб олимлар, шу жумладан, ўзбекистонлик олимлар (*М.Давлетишин, Ғ.Шоумаров, Э.Ғозиев, Б.Қодиров, Х.Каримов, Н.Соғинов, Ғ.Акрамова, Г.Ядгарова, М.Салаева, Д.Холиқов* ва бошқалар) томонидан ўрганилган. Уларда кўпроқ ўзбек

оиласига хос урф-одатлар, удумлар, анъаналар нуқтаи назаридан оилавий муносабатларнинг этнопсихологик қирралари тадқиқ этилган. Лекин оила институтини ижтимоий воқелик сифатида унинг қонуниятларини таҳлил этар эканмиз, бу ўринда биз оилавий ўзаро муносабатларга хос бўлган муносабатларнинг психологик табиатига, келиб чиқиши ва динамикасига эътиборни қаратган кўплаб тадқиқотларда илгари сурилган маълумотларни келтиришни жоиз деб билдик. Шу нуқтаи назардан оилавий муносабатлар феноменологияси ижтимоий-психологик изланишлар объекти сифатида ўрганилган бир қатор тадқиқотлар натижаларига мурожаат қиламиз.

Оиладаги ижтимоий муносабатлар ва уларнинг келиб чиқиш қонуниятларини батафсил монографик тарзда ўрганганлардан бири рус олими *Л.Я. Гозман* (1987) ҳисобланади. У бу қонуниятларни илмий жиҳатдан таҳлил этиш учун аттракция тушунчасини ишлатган. *Аттракция* инглизча *attraction* – *тортилиш*, *интилиш* сўзларидан олинган бўлиб, у бир инсоннинг иккинчи бир инсонга нисбатан ҳис қиладиган ижобий муносабатини англатади. Ҳар қандай ана шу зайлдаги диадик, яъни, диада – икки киши ўртасидаги муносабатларнинг бошланиши симпатия, ёқтириш ёки аттракция билан боғлиқдир.

*Гозман*нинг таъкидлашича, жуфтлик муносабатларида аттракцияга туртки бўлувчи омилларнинг энг муҳими – бу шерикнинг ташқи, жисмоний жиҳатдан ёқимтойлиги ва унинг ижтимоий-демографик хусусиятларидир. Яъни, бир кўришда ёқтириб қолиш, унинг хуснига ром бўлиш кабилар аттракциянинг дастлабки босқичи бўлиб, бу аслида одамлар онгидаги бир бидъатга, яъни чиройли одам ақлли ва ахлоқли бўлиши тўғрисидаги тасаввурларга боғлиқдир. Айниқса, бундай тасаввур хотин-қизларга нисбатан қўлланилиши исботланган. Буни муаллиф график шаклида U – симон эгрилик тарзида тасаввур этади (4.1-расм).

4.1 – расм. Ёқтириб қолишнинг ташқи ёқимтойликка боғлиқлиги




Ёқтириб қолишга туртки бўлувчи ижтимоий-демографик хусусиятларга энг аввало инсоннинг жамиятда тутган ўрни, ижтимоий мақоми, маълумоти даражаси, касб-кори, моддий таъминланганлиги, миллати ва диний эътиқоди, қаерда, кимлар билан яшаши кабилар киради. Кўпинча айти шу белгилар ёки хусусиятлар билан яқин бўлган инсонлар ўзаро бир-бирларини тезроқ ёқиб қоладилар, чунки ўхшаш белгилар ёки кўнгилдаги сифатларнинг шерикда, танишда мавжудлиги унга нисбатан ижобий фикр-мулоҳазаларнинг шаклланишига, стереотипларнинг яхши маънода уйғунлашишига замин яратади.

Бундан ташқари, ёқтириб қолишга шахснинг қадриятлари тизими, ҳаётдаги мақсадларининг муштараклиги, бажараётган ижтимоий ролларининг яқинлиги, омадлилик каби қатор жиддий сифатлар ҳам туртки бўлади. Шунинг учун талабанинг талабани ёқтириб қолиши, тиббиёт ходимининг айнан шу соҳада ишлайдиган одамни бир кўришда “севиб қолиши”, сафарда бирга бўлганларнинг ёки дам олиш масканларида танишиб қолганлар ўртасида романтик муносабатларнинг уйғониши эҳтимоли кўпроқдир.

Бир кўришда ёқтириб қолиш жараёнининг жиддийроқ муносабат-ларга айланишини тушунтириш учун олимлар “*уч фильтр назарияси*”ни илгари сурадилар (4.2 – расм).

4.2 – расм. Шериклик муносабатларининг динамикасини ифодаловчи “*уч фильтр*” назарияси



1-фильтр бир инсоннинг бошқа бир инсонни бевосита ўзига қаратиши билан боғлиқ жараён бўлиб, бунда янги танишнинг ташқи жозибаси, бир қарашда кўзга ташланадиган сифатлари (масалан, қиз боланинг сочи узун, кўзи мовий, йигитнинг бўйи узун, алп қомат каби) асосий роль ўйнайди. Бундай муносабатлар кўпчиликка хос, яъни аксарият одамлар турли вазиятларда бошқа бир одамни ёқтириб қолаверади. Агар бир-бирини ўзаро ёки бир томонлама ёқтириш мобайнида шерикнинг ижтимоий-демографик хусусиятлари ҳам кутишларга мос, маъқул келиб қолса, муносабатлар 2-фильтрга ўтади. Агар янги танишларнинг ижтимоий-психологик, шахсий хусусиятлари ва ҳаётий мақсадлари ҳам бир-бирларига маъқул келса, уйғун муносабатлар 3-фильтрга ҳам ўтади. Ҳар бир филтрдан ўтишда шериклар

бир-бирлари учун ўзларининг янгидан янги қирраларини очаверадилар. Яъни, янгидан топишган, бир-бирини ёқтириб қолган одамлар учун муҳим бўлган асосий нарса ўхшашликни қидириш ва уларни инобатга олган ҳолда ўз муносабатини билдиришга интилишдир. Бошқа бир йўналиш – бу шеригида ўзида етишмаётган, ўзида мавжуд бўлмаган сифатни топиш ва уни ўзидаги сифат билан уйғунлантиришга интилиш. Масалан, ўзи ўта тортинчоқ бўлган қизга дадил, гапга чечан йигитнинг ёқиб қолиши кўп кузатилган. Учинчи йўналиш иккинчига яқин, яъни, янги танишда ўзидаги мавжуд сифатларнинг қарама-қаршисини излаш, масалан, йигит камгап бўлса, шаддот, сергап қизни ёқтириб қолади. Бу каби кемтикларни шериги орқали тўлдиришга интилиш, уларга келажакдаги муносабатларда анчагина эгилувчан бўлиш ва ҳар биридаги яхши сифатларни кадрлашни ўргатади.

Романтик севгида муносабатларнинг ривожланиши

Романтик севги – икки киши ўртасидаги муносабатларнинг энг кўп тарқалган тури ҳисобланади. Олимларнинг фикрича, романтик севги – энг кам англанадиган, одамнинг биологик эҳтиёжлари билан боғлиқ муносабатлардир. Бундай муносабатларнинг энг муҳим жиҳати шундаки, иккала томон ҳам бир-бирларидан ўзлари кўришни хоҳлаган сифатларни қидиради ва кўради. Шу боис ҳам кўпинча романтик ҳис-туйғуларга асосланган муносабатларнинг умри қисқа бўлади, чунки реал ҳуқ-атвор билан идеал тасаввурлар ўртасида зиддият, номутаносиблик пайдо бўлиши мумкин. Айти шу муносабатларнинг салбий оқибатлари одамни қийнайди, ҳаётдан умидсизликни, бошдан кечирган ҳиссиётлари ёлғонлигини англаш унда жуда қаттиқ азиятларни келтириб чиқаради. Лекин бир ёмоннинг бир яхшиси бўлади, деганларидай, бошдан кечирилган азоблар одамни шахс сифатида такомиллашувига, ички ҳиссиётларнинг кўп қиррали бўлишига олиб келади. Масалан, ташқи кўринишига безътибор бўлган қиз бир йигит билан романтик ҳиссиётларга берилиб қолиб, тошойна олдидан кетмайдиган, тоза, ораста юришга одатланадиган, кийимларни ҳам ҳамиша бежирим кийишга ўрганиб боради. Севгилисига ёқишни астойдил хоҳлаган йигит эса айрим зарарли одатларидан, масалан, дангасалик, кўп ухлаш, тамаки чекиш кабилардан воз кечиб, янгидан турмуш тарзини бошлашга азму-қарор қилиши табиий. Ёки институтда ўқишни ўзига эп кўрмаган йигит талаба қизни севиб қолиб, у ўқийдиган олийгоҳга не-не машаққатлар билан кириб ўқигани билан боғлиқ мисоллар ҳам ҳаётда талайгина учрайди.

Л. Камерон-Бенжлер (1993) нинг фикрича, романтик севги ҳисси ривожланишининг 7 босқичи бўлиб, унга қуйидагилар киради:

1. *Ўзига жалб этиш* – янги танишларнинг бир-бирларига новербал белгилар орқали қизиқиши борлигини билдириш. Бу даврда шериклар дилидаги истак ва хоҳишларини янги танишган одамида мавжудлигини таҳлил этади. Бунга одатда асосан одамдаги ақл-заковат, самимият, қўли

очиклик, юмор ҳисси, ишончилилик, дадиллик, қизлардаги ибo каби сифатлар сабабчи бўлади. Бу сифатлар ҳаммага ёқадиган сифатлар бўлгани учун ҳам янги танишлар ўзларида айнан шеригига ёқадиган шу сифатларни намоён этишга интиладилар.

2. *Маишгуллик ёки ром бўлиб қолиш*. Бу босқичда танишиб улгурган ёшлар давомли учрашувлар натижасида бир-бирларидаги ижобий сифатларни англаб, бир-бирларига кўника бошлайди. Фақат эътибор ижобий, яхши сифатларга қаратилгани боис шериклар адашишлари ҳам мумкин, қолаверса, янги танишлар ўзларини бироз сунъий тутиб, асл қиёфаларини атайлаб ниқоблашга ҳам уринганликлари учун мабодо салбий сифатлар ҳам намоён бўлиб қолган тақдирда айримлар ажрашиб кетадилар, айримлар эса учрашувларни давом эттираверадилар.

3. *Кўникиш* – муносабатлардаги ўзига хос янгиликнинг камайиб боришидир. Энди бошида ўзгача жозиба касб этган ташқи кўриниш, хусн, қадди-қомат кабилар одатийдек идрок этилиб, ҳиссиётлар тобора камайиб боради.

4. *Кутиш* – муносабатларнинг муайян босқичида ҳаёл-фантазиядаги идеал образ билан реал, кундалик ҳаётда тобора намоён бўлиб бораётган асл нусха ўртасида айрим зиддиятлар, карама-қаршиликлар кўзга ташланиши билан бошланади. Энди тобора кутишлар тизимида кўнгил қолиш, афсусланиш каби ҳолатлар ҳам пайдо бўлиб, онг шерикдаги айрим салбий, ёқимсиз сифатларни ҳам идрок қила бошлайди. Бунга айнаи шу давр ичида бошқалар билан танишиш тажрибаси ҳам сабаб бўлиши мумкин. Масалан, талаба йигитнинг бошқа бир шаҳарга олимпиадага ёки хизмат сафарига бориши, у ерда ўзгача нафосатли бир қиз билан танишиб қолиши унда солиштириш имкониятини яратади, ва қайтиб келгач, учрашиб юрган қизидан айнаи ўша сифатларни кутади, лекин тополмаса, ундан ранжий бошлайди.

5. *Кўнгил қолиш* – бу шундай босқички, унда хаяжонли ишқ-муҳаббат ҳислари ўрнини алам, ғазаб, алданганликни англаш эгаллай бошлайди, шерик тўғрисидаги ижобий образ салбий образ билан алмашиб боради. Кўпчилик ёшлар айнаи шу босқичда бир-бирларидан ажралиб қоладилар.

6. *Ҳаддан ошиш ёки муносабатлар чегарасининг дарз кетиши* – босқичида шериклардан бири (баъзан иккаласи бир вақтда) муносабатларга чек-чегара қўйиш вақти келганлигини англаб қолади. Шу фикр пайдо бўлган ондан бошлаб, улар яна бир қарра қабул қилинган қарорнинг нечоғли тўғри эканлигини ўйлаб кўришади. Одатда бу ноўрин талабларни бир-бирига қўйиш орқали ҳиссиётларни текшириш орқали рўй беради. Масалан, “бу ва яна бу тақлифларимга кўнсаанг, сенга уйланаман, бўлмаса, орамиз очик” кабилида.

7. *Муносабатларнинг тугаши* – бир-бирлари билан бошқа сира юз кўришмаслик билан боғлиқ қарор чиқаришдан бошланади. Айримлар шеригининг айбдор эмаслигини билиб турса-да, муносабатларни тугатгиси келаверади, айримлар эса бир-биридан кўнгилсиз бўлиб қолган бўлсаларда, биргада яшайверади. Бундайлар ўзаро муомалани кескин камайитириб, деярли

гаплашмай ҳам яшайверади, бундай аразлашлар кўпинча у ёки бу томоннинг депрессив ҳолатини, асаббузарликни келтириб чиқаради. Чунки одатда бундай ҳолатда қолган шахс бошқа севгилиси йўқлигидан ёки янги танишлар ҳам шундай алдаб кетишидан, боласи тақдирини ижобий ҳал қила олмаслигидан жуда қайғуради ва ҳатто касалга ҳам чалиниб қолади.

Эр ва хотин ўртасидаги романтик муносабатлар ёки ишқ-муҳаббат аслида бир инсоннинг бошқаси устидан доимий ҳукмронлиги, бу ҳислардан ўз манфаати нуқтаи назаридан фойдаланиши демакдир. Бундай ҳаракатларнинг типик мисоли адабиётда ўз аксини топган бўлиб, бу – *Дон Жуан* образидир. У ўз жинсий майлларини қондириш мақсадида янгидан-янги қурбонларни топади ва ўз хоҳиши йўлида уларнинг ҳис-туйғуларини топтаб кетаверади. Ёки гўзал ва келишган аёл ўз мафтункорлиги билан эркакларни ром этиш йўли билан уларнинг хисларини жиловлаб олиши мумкин. Яъни, *Шостром* деган олимнинг фикрича, ҳар қандай ишқ-муҳаббатда ана шундай манипулятив ҳолатлар мавжуд бўлади.

Романтик муносабатларга асосланган муносабатларнинг турлари

Психологик манбаларда севгига асосланган муносабатларнинг бир қатор турлари ва типологияси келтирилган. Биз бу ўринда *Ж. Лининг* 6 типли муносабатлар назариясини келтиришни жоиз деб билдик. Уларнинг дастлабкиси – *Eros*, бу романтизм ва хиссий майлларга асосланган муҳаббат бўлиб, ундан кўзланган асосий мақсад – севгилисининг висолига эришиш ва у билан яқин, жинсий муносабатда бўлишдир. *Mania* – бир томоннинг иккинчи томон меҳри ва муҳаббатига эришиши учун ҳамиша хавотир ва интиқлик билан боғлиқ бўлган талабчан, интиқ ҳиссиётидир. *Ludis* – ўзига қаратилган, худбинларча муҳаббат, бунда севгига эришмоқчи бўлган шахс нима қилиб бўлса ҳам суюқлисининг висолига эришмоқни кўзлайди. *Storge* – дўстона, мустаҳкам ва самимий ҳисга асосланган бир-бирига яқин, анчадан буён таниш бўлган одамлар ўртасидаги севги. *Agape* – бирор объектга нисбатан интиқлик, сабр-қаноат билан бошдан кечирилаётган илоҳий севгидир. Ниҳоят, *Pragma* фақат шу инсон билан яшагандагина ҳаётдаги барча мақсад-муддаоларига эришиш мумкинлигини англаган, ҳаётий, аниқ мўлжалли, шахсий худбинликдан холи бўлган тоза севгидир (*Э.Хэтфилд*, 2003).

Шу каби севгини типологияларга ажратишга уринган олимлар сони кўп (масалан, *Маслоу*, *Гозман*, *Шостром* ва бошқалар), лекин барчасида ҳам ақл-идроққа, ҳаётий мўлжаллар хусусиятларига, ўзаро ҳамкорликка, тайёрликка таянган севги анча бақувват ва умрибоқийдир.

Никоҳ модели ва эр-хотин муносабатлари	Эр билан хотин ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ўзига хослиги шундаки, у: узок муддатга мўлжалланган доимий мулоқот сирасига киради;
---	---

бу муносабатларнинг аксарияти дидада шаклида рўй беради;
муомала ва мулоқотдан қониқиш бевосита никоҳдан қониқиш учун омил
хисобланади.

Рус олими *А.И. Антонов*нинг таъкидлашича, энг мустаҳкам никоҳга сабаб бўлган муносабатларда иккала томон ҳам шахс сифатида тобора такомиллашиб, сайқал топиб, уларда ўзаро меҳрга, бир-бирига ёрдам беришга иштиёқ ортиб бораверади. Кўплаб ўтказилган тадқиқотлар бўйича олимларнинг таъкидлашларича, эр-хотинлик алоқалари етук инсон учун энг аҳамиятли ва ҳаётий зарур бўлган муносабатлардир.

Олимларни қизиқтирган муҳим масала – мустаҳкам, бахтли никоҳни ташкил этувчи восита нима эканлигини аниқлашдир. Шуниси характерлики, ҳар бир инсон ўз олдида оила қуриш, никоҳга киришни мақсад қилиб қўяр экан, у аввало, оила ва никоҳ борасида халқ орасида шаклланган тасаввурларга таянади. Никоҳга кирган жуфтлик доимо никоҳ тушунчасига алоқадор бўлган қатъий доиралар ва нормалар дунёсида яшайди, лекин ҳар бир жуфтликнинг ҳаёти ўзларигагина алоқадор бўлган ўзига хос хуфиёна, сирли оламдир. Зеро, икки индивидуалликнинг бирлашувига сабаб бўлган ҳис-туйғулар бир қарашда ўша “хуфиёналик” сабабли зарар кўраётганга ўхшайди, баъзан эр ва хотин бир-бирига нафақат характер нуқтаи назаридан, балки ташқи кўриниш бўйича ҳам ўхшаб кетади, дейишади. Иккинчидан, айти шу бирлик, ўхшашлик, “кириб кетишлик” эрни ҳам аёлни ҳам жамиятда ўзига хос бир автономияга, жозибадорликка эришиб бораётганлигининг намоён бўлишига туртки бўлади. Шу боис бўлса керак, ижобий ҳислар туфайли ташкил бўлган оилада севиш-севилишнинг нафрат-агрессияга алмашилиб кетиши ҳам осон кечади. Арзимаган нарсалар ҳам баъзан иккаласини уриштир қўйиши мумкин. Бундай поляр, бир-бирига зид ҳиссиётларнинг намоён бўлиши айрим даврларда униси ёки бунисининг кучайиб кетишига ҳам сабаб бўлади. Масалан, аёл фарзанд кўрган вақтида, кўпроқ чақалоқ билан овора бўлиб, эрига бефарқ қолади, ўз навбатида унда ҳам аёлига нисбатан бефарқлик (ҳаттоки, рашк, нафрат) ҳисси уйғониши, аксинча, муайян даврларда эса иккаласи Лайли-Мажнун бўлишиб, фақат бир-бирининг ишқида ёниб яшаши ҳам кузатилган.

Э.Шостром (1994) эр билан хотин ўртасидаги “ишқий” позитив муносабатларнинг қуйидаги кўринишларини баён этади:

бир-бирига боғланиб қолиш ёки ўзаро ғамхўрлик қилиш ҳисси. Бу шу қадар кучли бўлиши мумкинки, эр-хотин бошқа бир инсонга шунга ўхшаш яқин муносабатни ҳис этмай қолади. Натижада баъзан ўғлини қизганган қайнона келини билан турли нарсаларни баҳона қилиб, низо чиқараверади.

дўстлик – эр ва хотиннинг бир-бирларида энг нодир сифатларни, жумладан, ўзига хослик ва индивидуалликни тан олишни назарда тутадиган ҳиссиёт;

эрос – севгининг романтик кўриниши бўлиб, эр-хотиннинг бир-бирига нисбатан ҳиссий-жинсий майлларининг кучини белгилайди;

эмпатия эса, эрнинг ёки хотиннинг ўз турмуш ўртоғига доимий ғамхўрлиги, уни тушуниши ва керак бўлса, альтруистик фидойилигини баҳоловчи

ҳисдир;

ўзлигини севиш, қадрлаш – бир томондан эр-хотиннинг ҳар қандай шароитда ўзида энг афзал жиҳатларни англай олиш ва бошқа томондан, керак бўлса, ёри туфайли ўз хоҳиш-истакларини жиловлай олиш, фидоийликни намоён қилишга имкон берувчи ҳиссиёт.

Э.Шостромнинг фикрича, “эр ва хотин вақти-вақти билан бир-бирларига зуғум қилиш, хафа қилишга маънан ҳақлидирлар”, лекин бундай муносабатларнинг якуни яхшилик билан тугаши, шу баҳона бир-бирларини янада яхши ва яқиндан билишларига туртки бўлиши керак.

Эр ва хотин ўртасидаги салбий муносабатларга асос бўлувчи ҳиссиётларга олимлар қуйидагиларни киритадилар:

аччиқланиш – оилавий ҳаётда кўп учрайди, чунки у ўзаро ғамхўрлик ва боғлиқлик камайган шароитларда ўз-ўзидан пайдо бўлади; Ф. Перлзнинг ёзишича, “Вақти-вақти билан бир-биридан аччиқланиб туриш – демак, бир-бирини севиш ва ўзаро муомалага бўлган интиқликдир”.

айбдорлик – ўзининг қилмиши учун ўч олишдай гап, кўпинча бу ҳиссиёт атайлаб намоён этилади;

аразлаш – турмуш ўртоғидан ўч олиш мақсадида намоён этиладиган ҳис-туйғу;

нафрат – турмуш ўртоғига гўёки душманига қарагандай муомала қилиш ва бу йўлда баъзан узоқ вақт гаплашмай қўйиш ёки атайлаб ўзини ёмондай кўрсатишдир. Афсуски, бу ҳиссиёт оилавий ҳаётда тез-тез бўлиб туради.

Лекин у одамни ичидан зил кетишига, ич-этини еб қўйишига олиб келади;

танқид қилиш – кўрқоқликка ўхшайди, аниқ муносабатларнинг характерини намоён этишга имкон бермайди, Шостромнинг фикрича, бу ҳиссиёт аччиқланишга ўтгани маъкул;

турмуш ўртоғидан йироқлашиш, кетиб қолиш – бу ҳам маълум маънода бир-бирини назоратда ушлашнинг бир кўриниши, лекин вазиятни аниқ ойдинлаштириб олишга халақит беради;

бефарқлик – умуман муносабатларни яширувчи ҳис бўлгани учун у алоқаларнинг ёмонлашиб кетишини тезлаштиради, ҳаттоки, бунда психотерапевтик ёрдам бериш ҳам мушкул бўлиб қолади.

Шу каби муносабатлар моҳиятан шахслараро муносабатларнинг кўринишларини ифода этади.

**Эр-хотин муносабатла-
рини мувофиқлаштириш-
га оид қонуниятлар**

Я.Гозман, К.Хорни ва бошқаларнинг ёзишларича, фақат эмоционал ҳиссиётларга

таянган эр ва хотин муносабатлари тобора вақт ўтиши билан оқилона ҳамкорлик ва дўстлик, қон-қариндошлик муносабатларига айланиб боради. Ю.Дубровиннинг (2004) таъкидлашича, “Кўпчилик никоҳларни бахтли ҳам бахтсиз ҳам деб аташ мушкул, чунки уларда эр-хотинларнинг бир-бирларини секин-аста тарбиялаб боришлари ва тақдир тақозоси билан бора-бора муносабатлар чуқурлашиб, тушуниш ҳисси ва дўстона муносабатлар сайқал

топиб, у хаттоки, романтик муҳаббат даражасига кўтарилади”.

Никоҳ модели. Оила ва никоҳ бўйича кўплаб мутахассислар *З.Фрейд* ва *А.Адлер*нинг ғояларини маъқуллаган ҳолда шуни таъкидлайдиларки, оила кураётган ёш келин-куёвлар ўзлари англамаган равишда ўзлари тарбия топган оилаларининг моделини янги оилага тадбиқ эта бошлайдилар.

Ота-она оиласи *З.Фрейд*нинг психоаналитик назарияси мос келади. Унга мувофиқ, бола ўзи катта бўлган оиласидаги ўз жинсига мос ота ёки она образига ўзини идентификация қилиб, ҳаёти мобайнида кўрган-кечирганларини хатти-ҳаракатларида такрорлайди, қарама-қарши жинс вакили бўлмиш ота-онанинг образи эса турмуш ўртоғини танлашни белгилайди. Агар ушбу образ ижобий бўлган бўлса, масалан, қиз бола учун отаси идеал, намунали туюлса, келажакда шу қиз ўз турмуш ўртоғи билан келишиб яшашга мойил бўлади. Мободо образ салбий бўлса (ота ичувчи ёки бевафолик қилиб ташлаб кетган), унга ўхшамаган инсонни қидирадию, аслида топган тақдирда ҳам у билан келишиб яшашига ўзи ҳам ишонмайди, рухий изтиробда бўлади, кўп иккиланади. Агар ўзи ўсиб улғайган оила кичик бўлса, истикболда у ҳам айнан детоцентрик, кичик оила куришга интилади.

Опа-сингил, ака-инилик муносабатларига асосланган оила модели *А.Адлер* ғоялари таъсирида ишлаб чиқилган. Унга кўра, эр-хотин алоқалари мустаҳкам ва барқарор бўлиши учун иккаси ўз муносабатлари жараёнида акалари ёки опа-сингиллари билан бўладиган ҳамкорлик, лидерлик, ҳукмронлик, масъулият, ғамхўрлик, тобелик каби қатор муносабатларини рўёбга чиқаришлари лозим (синглинг ёндашув). Бу алоқаларнинг бир кўриниши шундайки, унда эр ва хотин бир-бирига акадай, сингилдай у ёки бу муносабатлардаги кемтикликларни тўлдириб боришлари мумкин (комплементар никоҳ). Бу биздаги муносабатларга ҳам хос бўлиб, кўпгина ўзбек оилаларида хотин эрини “ака” деб атаса, эр биринчи фарзанд туғилгач, хотинига тўнғич фарзанднинг исмини айтиб мурожаат қилади. Бу ҳолат айниқса, эр ўз оиласида сингилларининг акаси бўлган бўлса, ёки хотин ҳам ўз навбатида ота-онасининг уйида акаларнинг синглиси бўлган бўлса комплементар тарзда уйғунлик кашф этади, улар оилавий муносабатларда ким устун, ким тобе каби муаммоларга дуч келмайдилар. Агар хотин ўз оиласида бирига сингил, бирига опа бўлиб катта бўлган бўлса, у ёки бу тажриба эри бўлган муносабатларда қисман комплементар вазифани бажаради. Ниҳоят, агар эр ўз оиласида тўнғич фарзанд ва хотин ҳам ўз оиласида тўнғич бўлган бўлса, унда эр-хотин муносабатлари нокомплементар никоҳга тўғри келади, яъни, улар тенг мавқели бўлгани учун одатда ўзаро муносабатларида лидерлик ва ўзаро адаптация ҳолатлари муайян қийинчиликлар ва муаммолар билан кечади, тез-тез бир-бирига нималарнидир даъво қиладиган, ўз фикрини уқтириш ва амалга оширишга мойиллик кузатилади. Одатда бундай никоҳ икки зиёли инсон ўртасида тузилган бўлса, улар бахтли бўлишлари мумкин, айниқса, ҳозирги даврда, лекин ўзаро тил топишиб, кўникиб кетишларига анчагина вақт, сабр-тоқат керак бўлади.

Ота-онасининг оиласида кўрган-кечирганлари боланинг бўлғуси оиласи, ундаги эр-хотин муносабатлари, фарзандлар тарбияси, қариндош-уруғлар билан бўладиган мураккаб ўзаро алоқаларнинг қандай кечишини белгиловчи муҳим омилдир. Ушбу омилнинг таъсирини батафсил ўрганган олимлардан бири *Н. Пезешкиан* (1993) бўлиб, у бундай таъсирчанликнинг 3 жиҳатини алоҳида ажратади:

турли стрессларга нисбатан муносабат;

ҳиссиётларга берилувчанлик ва унинг оқибатлари – ижтимоий хатти-ҳаракат меъёрлари;

оилавий муносабатлар.

Пезешкиан ота-она оиласида кўрган-кечирганлари таъсирида турлича стрессларга ҳозиржавобликнинг тўрт хил типик усулларини, йўлларини ажратади: Аввало, бу – тана реакциялари ёки вужуд билан жавоб бериш бўлиб, у турли психосоматик касалликлар ёки ҳолатларга нисбатан инсон вужудининг жавоби (масалан, уйқу, кайф бўлиш, очлик ёки тўқлик каби) сифатида намоён бўлади. Бунда масалан, ота-она оиласида урф бўлган хазил-хузул, айтишувлар орқали у ёки бу зарар етказувчи тангликларнинг олдини олиш тажрибаси назарда тутилади.

Фаолият ҳам стресснинг олдини олиш воситаси сифатида муаллиф томонидан икки йўналишда бўлиши мумкинлиги қайд этилади. Масалан, биринчиси – ишга муккадан кетиш орқали стрессни ечиш бўлса, иккинчиси – у ёки бу соҳадаги ютуқлар ва қўлга киритилган натижалар орқали ўзини-ўзи тинчлантириш, тангликлардан “қочиш”ни англатади.

Мулоқот ёки бевосита муомала шаклида одам кўпроқ турли суҳбатдошларни топиб, улар билан киришиб кетиш орқали ёки аксинча, ўзини ёлғизликка маҳкум этиш орқали стрессни енгиллатиш усули бўлса, охирги йўл – хаёлга берилиш, яъни, реал ҳаракатларни рамзий таассуротдаги образлар билан алмаштириш ҳисобига тангликлардан узоқлашишдир. Ҳиссиётларга берилиш ҳамда уни ижтимоий хатти-ҳаракат нормаларига мувофиқлаштириш – бу кўрган-кечирган ҳиссиётлар ва хулқ намуналари тўғрисидаги тасаввурлар. *Пезешкиан* бевосита ҳиссий-эмоционал нормаларга севги-муҳаббатни, ишонч, умид, сабр-қаноат, ўзгаларга эътиборли бўлиш, ўзгалар билан яқин самимий муносабатларга кириша олиш, эътиқодлилиқ, диний ҳиссиётларни киритади. Бундай ҳиссиётлар одатда ота-онаси, яқинлари, ака, опалар, ука-сингиллар билан ўзини идентификация қилиш, ўзини улар билан солиштириш, ўхшашликка интилиш жараёнида шаклланади. Айнан шу сабабли инсон кимгадир ишонишга, самимий мурувват кўрсатишга ўрганади. Оила муҳитида бошдан кечирган ҳиссиётлар оқибати бўлмиш хатти-ҳаракатлар нормаларига эса бир сўзлилиқ, саранжом-саришталик, озодалик, самимият, адолатлилиқ, интилувчанлик, тежамкорлик, садоқат, ишонч, ҳалоллик кабилар киради. *Пезешкиан*, айтиш эмоционал соҳаларда эр-хотин ўзаро муносабатларининг ўхшамаслигини эр-хотин низоларида асосий низо келтириб чиқарувчи сабаб, деб ҳисоблайди. Хатти-ҳаракат нормаларидаги келишмовчиликлар ҳам муҳим, лекин улар

психотерапевтик амалиётда биров юмшоқроқ ҳисобланади.

Ижтимоий ва оилавий муносабатлар. Бола тажрибасининг асосларидан бири ундаги ота-она оиласи таъсирида шаклланадиган ижтимоий феъл-атвордир. Яъни, ўзаро ишонч, ўзини-ўзи баҳолаш, Мен-концепцияси ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари таъсирида бола онгида шаклланадиган ҳислатлардир. Бола ота-онасининг ўзаро мулоқотларига қараб, умри мобайнида кузатиб, билиб-билмай уларга тақлид қилиб, тинчлик – хотиржамликда, ўзаро ҳамжиҳатликда яшашга ўрганса, ака-ука, опа-сингилларига қараб, жамиятдаги мураккаб ўзаро муомала ҳолатларида ўзини қандай тутишга ўрганади, ҳаётнинг маъносини тушуниб боради, дунёқараши, дунёвий ҳамда диний эътиқодларининг шаклланиши ҳам айна шу муносабатлар таъсирида рўй беради.

Эр-хотин муносабатлари аввало адаптация, яъни бир-бирига аста-секин кўникиб, мослашиб бориш жараёнидан бошланади, зеро, уларнинг ҳар бири янги муҳитга, янги рўзғорга ўз оиласида орттирган шахсий тажрибаси, оила тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлари билан кириб келади. Натижада ота-онаси оиласида олган тажрибанинг бир қисмидан воз кечгани ҳолда, янги муносабатлар учун янги фазилатларни ўзида тарбиялай бошлайди.

Оила қурмоқ бу ўзини бошқа бировга ишониб топширмоқдир. Эркакларга ишонмаслик, “Эркак зотининг ҳаммаси бир гўр” деган гапларни шиор қилиб олиб олган аёлнинг ҳеч қачон бу борада омади келмайди, чунки у магнитдек бўлмағур эркакларни тортади, натижада ишонч эътиқод даражасига чиқади ва ундан бахтсиз аёл тақдири битилади.

Ёш оилаларнинг ижтимоий ва психологик муаммолари.

Режа:

- 1. Ёш оила: муносабатлар модели ва хусусиятлари**
- 2. Ёш оила ва соғлом турмуш тарзини барқарорлаштириш**
- 3. Ёшларни никоҳолди тиббий кўрикдан ўтказиш ва никоҳнинг мустаҳкамлиги**

Ёш оила: муносабатлар модели ва хусусиятлари

Ёш оила деб, аввало, эр ва хотиннинг иккаласи ҳам 30 ёшдан ошмаган ёки оилавий турмуш қуриш тажрибаси 10 йилдан ошмаган ёшлар оиласи назарда тутилади. Биринчи ёндашув, яъни, эр ва хотиннинг паспорт ёшини инобатга олиб, оилага мақом бериш тўғрироқ бўлиб, қачон турмуш қурганлигидан қатъий назар, албатта, шу муддат орасида хали йигит ҳам қиз ҳам том маънода катта меҳнат стажига эга бўлмайди, ва кўп ҳолларда аёл-она айнан шу даврда фарзандли бўлиб, уй бекаси бўлиб ўтириб қолиши эҳтимоли катта. Агар иккинчи ёндашув бўйича ёш оилани оилада яшаш муддатига кўра табақалаштирилса, унда у ёки бу жамиятда никоҳ ёшининг ўртача кўрсаткичи ортиб ёки камайиб боришини назарда тутиш лозим. Чунки айрим давлатда ва айрим миллий-маданий муҳитда ёшларни жуда эрта турмуш қуриши рағбатлантирилса, бошқаларида, айниқса, охириги йилларда аксинча, йигит ва қизларнинг касб-ҳунар орттириш бўйича профессионал малакага эришиш асосий қадрият ҳисобланган шароитларда 30 ёшдан ошган одам энди оила қурган ёки хали ҳам турмуш қурмаган бўлиши ҳам мумкин.

Маълумотларга қараганда, Америка Қўшма Штатлари, Германия каби ривожланган Европа ва Америка давлатларида, Шарқий Осиёнинг ривожланган мамлакатларида (Япония, Корея каби) никоҳ ёши йил сайин ортиб, айрим мамлакатларда бу рақам 30 ёшдан ҳам ўтиб кетмоқда. Жуда эрта турмуш қуриш қанчалик оила ва унинг барқарорлиги билан ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар билан боғлиқ бўлса, кеч турмуш қуриш ҳам қатор салбий асоратлар ва моддий-маънавий қийинчиликлар билан, энг муҳим эр ва хотиннинг саломатлиги ҳолати, туғилажак зурриёднинг соғлом туғилиши билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради.

Умуман, фанда ёш оилани тавсифлаганда қуйидаги мезонлар инобатга олинади:

жуда ёш оила – никоҳга кирган вақтдан токи 4 йилгача;

ёш оила – 5 йилдан 9 йилгача;

ўрта оилавий ҳаёт муддати – 10 йилдан 19 йилгача;

катта оилавий ҳаёт муддати – 20 йил ва ундан ортиқ муддат турмуш кечирганлар оиласи.

Кўплаб олимларнинг таъкидлашларича, ёш оиланинг мустаҳкамланиб, оёққа туриб кетиши, турли маиший муаммоларни ўзи мустақил ҳал қилиши учун зарур бўлган муддат аслида турмуш қурган икки шахснинг бир-бирига бўлган самимий муносабатига, оила ва унинг атрофидаги турли қадриятларга нисбатан уйғун қарашларига, ота-она оиласида ибрат сифатида кўрган-кечирганларини учун ўз оиласида қўллай билиш маҳоратига бевосита боғлиқдир. Лекин барибир ҳар бир оила айнан ёшлик даврида муайян қийинчиликларни бошдан кечирадигани, бу муаммолар қуйидаги ҳолатларга боғлиқ тарзда намоён бўлади:

оилавий ҳаётни бир маромда кечишини таъминлаш, ишлаш, ўқиш ёки бошқа

масалаларни хал қилиш учун вақтнинг етишмаслиги;
вақтни яхши ўтказиш, кўнгилхушликларнинг чекланганлиги;
янги шароитда эркакнинг ҳам аёлнинг жисмонан толиқиши, асабларнинг
чарчаши;
иқтисодий қийинчиликлар.

Охирги ҳолат бир томондан, айти пайтда ёшлардаги орзу-хаваснинг
кўпайиб кетиши билан изоҳланса, бошқа томондан, ота-оналарнинг орзу-
қавасларию, борди-келди билан боғлиқ сарф-харажатларнинг ортиб бориши
билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистонда кундан-кунга ҳаёт ва яшаш
шароитимиз яхшиланиб, оила фаровонлиги учун етарли шарт-шароитларнинг
бўлишига қарамай, ташқаридан барча маиший муаммолари хал бўлган ёш
оилада ҳам нималардир етишмаётгандай туюлаверади. Бу – ўша орзу-
хаваслар, ижтимоий эҳтиёжларнинг тобора ортиб бораётганлиги билан
изоҳланади. Шу боис ҳам юртимизда ёш оила манфаатларини ижтимоий
жиҳатдан муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бунинг
ёрқин исботи 2007 йилнинг “Ижтимоий ҳимоя йили” деб эълон
қилинганлиги, ушбу йилда қабул қилинган давлат дастурида ёш оила
манфаатини ҳимоя қилиш алоҳида бандда акс этганлиги ва ниҳоят,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 май куни
имзолаган “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир
қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонидир. Фармоннинг ижтимоий
ҳамда тарихий аҳамияти шундаки, унда ёш оила мустаҳкам ва унда
тарбияланаётган фарзандларнинг соғ-саломат уйлағишларига оид барча энг
муҳим вазифалар белгилаб берилган. Хусусан, кўп бўғинли ва кўп фарзнадли
оилалар сони нисбатан кўп бўлган бизнинг шароитимизда Президент
Фармони бўйича ёш оилаларнинг маиший турмуш шароитини яхшилаш, кам
таъминланган оила фарзандларининг никоҳдан ўтиши ва тўй маросимларини
ўтказишда қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий
тадбиркорлик билан шуғулланишни хоҳлаганлар учун, уй-жой қурилиши,
таъмирлаш ва сотиб олиш учун, уй хўжалигини йўлга қўйиш, мебель ва
бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган ҳаётий зарур товарлар учун ипотека,
истеъмол кредитларининг имтиёзли тарзда берилиши каби тадбирлар оила
мустаҳкам ва бахтли ҳаёт кечиришини кафолатловчи муўим масалалардир.

Охири статистик маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда йилига ўртача
175-180 мингдан ортиқ никоҳлар қайд этилади. Умумий оилалар миқдорига
нисбатан қаралганда ёш оилалар салкам 40 фоизни ташкил этади. Демак,
оила сонининг кўплиги улар орасида моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-
қувватлашга муҳтожлари ҳам бўлиши табиий эканлигини кўратсади ва
хукуматимиз ва шахсан Президентимизнинг бу борадаги сиёсати айнан ёш
оиланинг манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги сайёҳ-ҳаракатлардан
биридир.

Албатта, ёш оила борасидаги энг муҳим масалалардан бири – ёшларнинг
ўзаро муносабатлари ва уларнинг янгича муносабатлар тизимига кўникиши
масаласидир. Чунки романтик севги, бир-бирини ёқтириш босқичидан ўтган

ёшларнинг энди янги оилавий ҳаёт тамойиллари асосида кундалик ҳаётни бошдан кечиришига муайян қийинчиликлар бўлиши табиий. Йигит-ку ўз уйида, ота-онаси яратиб берган шароитда яшайди. Мослашув жараёнидаги қийинчиликларнинг энг оғири келинчакнинг бўйнига тушади. У бошдан кечирадиган муаммолардан бири эса – янги оила аъзолари билан муомала маромларини тўғри ўрнатишдир. Тўғри, тўйдан кейин туркона, ўзбекоана урқ-одатга кўра қизнинг онаси ва унинг яқин қариндошлари келинчакни “йўқлайди”, яъни, пишир-куйдир қилиб, қиз ўз хонадонидан суйган таомини пишириб, янги келин тушган хонадонда дастурхон юборилади. Албатта, бу каби азалий урф-одатни асосида ётган муҳим сабаблар бўлиб, биринчиси, янги муҳитга тушиб қолган қиз бу ердаги иссиқ-совуққа тез кўникиб кетолмаслиги, таом танаввул қилишда кескин ўзгариш бўлмаслиги учун то кўниккунча, бир неча кун ўз хонадонидан овқат юбориш ва шу орқали уни “юпатиш” бўлса, иккинчи маъноси – ота-она қизини унутмаганлиги, ҳануз унга меҳрли муносабатда эканликларини изҳор қилишдир. Бу каби муносабатларнинг сақланиши қисман бизнинг ҳозирги шароитимизда ҳам ўзини оқлайди, лекин йўқлов баҳонасида тоғораларда овқат-озикнинг ҳадеб куёв уйига жўнатилиши, ортиқча дабдабаларга йўл қўйилишида умуман мантиқ йўқ. Чунки ҳозир кўпчилик оналар оила юмушидан ташқари давлат ва жамоат муассасаларида хизмат қиладилар. Улар учун бундай ташвишлар ортиқча, иккинчидан, қизлар илгаригидай жуда эрта турмуш қурмайдиган ва ўқиш, иш баҳонасида турли таомларни ейишга ёшлиқдан ўрганган шароитда уларнинг ошқозонлари янги хонадонда ҳам бирдай ишлайверади. Яъни, ёш оиланинг мустақкам бўлишига раҳна солувчи омиллардан бири ҳисобланмиш ортиқча оворагарчиликлар, дабдабали тушликларнинг иккинчи хонадонга юборилиши бугунги тараққиёт босқичида биров эриш туюлиши табиий.

Ўтказилган тадқиқотлардан яна шу нарса маълум бўлмоқдаки, ёш оиланинг тинчлик-тотувчиликда яшашига ҳалақит бераётган сабаблардан бири – қайноналар билан янги келинчакнинг тез киришиб, тил топишиб кета олмаётганлиги. Бу ҳам оилавий муносабатлар борасидаги муаммолардир. Чунки айниқса, шаҳар шароитида битта ёки иккитагина ўғил ўстирган она кўпинча янгича муносабатлар тизимида ўзи кўника олмайди ва келинчакни ҳам тезроқ кўникиб кетишига ёрдам бериш чораларини билмайди. Яъни, қайнона билан келин ўртасида ўзига хос рашкка ўхшаш муносабатлар пайдо бўладики, бу ҳолат қайнонанинг келинга нисбатан адолатли, бағрикенг инсон сифатида иш тутишига ҳалақит беради. Тошкент шаҳрида содир бўлаётган никоҳ ажримларининг сабаблари орасида айнан қайнона билан келин ўртасидаги низоларнинг қайд этилиши юқоридаги фикрларнинг далилидир. Шунинг учун бундай ҳолатларнинг олдини олишнинг йўлларида биринчиси – бу ёшларни (йигит ва қизларни) оилавий муносабатларга психологик жиҳатдан тайёрлаш бўлса, иккинчи йўли – жамоатчиликни кенг жалб қилган ҳолда маҳаллаларда “Оила сабоқлари”, “Ота-оналар университети” каби маърифий институтларни жорий этиш орқали ота-оналарни ҳам келин ва

куёв билан муносабатга, мулоқотга ўргатишдир. Бунда ОАВ ва оммабоп нашр этилган рисоаларнинг ҳам аҳамияти катта.

Ёш оила ва соғлом турмуш тарзини барқарорлаштириш

Ёш оиланинг мустаҳкамлиги, ундаги маънавий муҳитнинг барқарорлиги ёшларнинг саломатлигига, соғлом турмуш тарзи малакаларига эга эканлигига ҳам боғлиқ. Бунда ота-онанинг, яқин қариндош-уруғларнинг умуман соғлом турмуш тарзи ҳақидаги тасаввурлари қанчалик аниқ ва уларнинг кундалик турмушда саломатликни асраш кўрикмаларига эга эканликлари катта аҳамият касб этади.

Гап энг катта бойлигимиз – саломатлик ҳақида борар экан, қулоғимизга тез-тез чалинаётган “соғлом турмуш тарзи” тушунчасининг ўзи хусусида олимлар фикрларини таҳлил этиш лозим. Олимлар ҳамда мутахассисларнинг таъкидлашларича, соғлом турмуш тарзининг бешта асосий шарти бўлиб, булар энг аввало тўғри овқатланиш, жисмоний фаоллик, зарарли одатлардан сақланиш, меҳнат қилиш ва фаол дам олишни тўғри ташкиллаштириш ҳамда гигиеник кўникмаларга амал қилишдир. Мана шу шартларга риоя қилган кишининг саломатлиги шубҳасиз ўз кўлида бўлади. Лекин кўпинча бу шартларга амал қилиш ёшларга кўпинча эриш туюлади. Ҳозирги кунда кўпчилик ўртасида учраётган касалликлар ва бевақт ўлимнинг асосий сабабларидан бири оила аъзоларининг соғлом бўлиш учун ўзлари ҳаракат қилмаётганликлари, ҳали ҳам бирон бир мўъжизавий ҳаёт бахш этувчи дори ёки шифокор бўлишига ишониб, яшаётганликларидир. Албатта, замонавий тиббиёт фани Ўзбекистонда ҳам ривожланиш кетди, тиббиёт ходимлари орасида ўз касбининг устаси бўлган олийжаноб инсонлар ҳам кўп. Лекин агар инсон ўз турмуш тарзини онгли ташкил этиб, касал бўлиб қолганда ҳам унга қарши ўша шифокор билан тенгма-тенг онгли равишда турмаса, дардни енгиш мушукул бўлишини бугун кўпчилик яхши билади.

Лекин ёшлар ўртасида шу оддий ҳақиқатни билмаганлар ҳам кўп. Саломатликни ўз вақтида ўз уйимиз, ўзимиз ўрганиб қолган муҳитда сақлай олмаганлигимизнинг, фарзандларимизни илк ёшлигидан соғлом турмуш тарзи кўникмаларига ўргатмаганлигимизнинг сабаблари ҳам бор. Бунинг объектив сабабларидан бири собиқ совет даврида тиббий хизматнинг бепуллиги, тиббиёт ходимлари малакасига нисбатан талабчанликнинг паст бўлганлигидир. Бу сиёсат эски тузумнинг бошланғич даврларида аҳоли ўртасида учраган кўпгина касалликларни камайтиришга хизмат қилган бўлса-да, шу билан бирга, бундай сиёсат кишиларда ўз соғлиқларига бефарқлик, боқимандалик кайфиятини ҳам шакллантирди. Яна битта сабабларидан бири касалликни сабаби билан эмас, унинг оқибати билан курашиб келинди. Натижада касалхоналар қуриш, уларда койкалар сони оширишга кўпроқ эътибор берилиб, тарғибот соҳасига иккинчи даражали сифатида қаралди. Оқибатда аҳоли орасида тиббий маданиятнинг пастлиги туфайли касалланишнинг кўпайиб бориши давом этди. Бу ўз – ўзидан

маълумки, ҳар бир оиланинг бюджетига салбий таъсир кўрсатди. Оқибатда бу нафақат бюджетга, балки оиланинг мустақамлигига ҳам салбий таъсир кўрсатди ва ҳозир ҳам шундай.

Шуни алоҳида масъулият билан таъкидлаш жоизки, давлатимиз асосини ташкил этган ёш оилалар равнақи келажакимиз пойдеворини соғломлаштириш учун тарғиботни энг аввалло оиладан, қолаверса, барчамиз учун “ватан ичра ватан бўлган” маҳалладан бошлаш керак. Чунки, соғлом турмуши тарзини оилада тўғри йўлга қўйсак, шу оила азоси саломатлик энг биринчи даражали эканлигини тушуниб етади. Бир оила тушуниб етган нарсани шу оиланинг бошқа яқинлари – қариндош-уруғлар, кейинчалик ёру-биродарлар, ниҳоят кўни-кўшнилари тушуниб етади.

Олимларнинг фикрича, инсон саломатлигининг 51,6% соғлом турмуш тарзига, 20,5 % ирсиятга, 19,3 % ташқи экологик муҳитга, 8,6% соғлиқни сақлаш тизимига боғлиқ экан. Кўриниб турибдики, саломатлик ҳар бир инсоннинг қандай ҳаёт кечириши, нима ейиши, кимлар билан муомала қилиши, ўзи учун муносиб, қулай ҳаёт тарзини ишда ҳам, дам олишда ҳам ташкил эта олишига бевосита алоқадор экан.

Саломатлик – бу нафақат соғ-саломат юриш дегани, балки узоқ умр кўриш гарови ҳамдир. Туғилиш, ўсиб улғайиш, вояга етиб шахсий ва умуминсоний манфаатлар йўлида фаолият кўрсатиш, қариш-қартайиш ва ўлим – булар инсон ҳаёт йўлининг қонуний бекатларидир. Бу ҳаёт учун кураш – саломатлик учун кураш эканлигини англашни тақозо этади.

Демак, *соғлом турмуш тарзи* бу – ҳар бир инсоннинг маънавий, ақлий, рухий ва жисмоний хусусиятларга эга бўлишга ҳаракат қилишидир. Агар инсон ўз ҳаётини фаол ҳаракатланиш режимида сола олса, кун тартибини онгли белгилай олса, овқатланиш, меҳнат қилиш ёки дам олиш тартибларини тўғри ташкил эта олса, гигиена қоидаларига риоя қилган ҳолда зарарли одатлардан ўзини тия билса, атроф-муҳитга эҳтиётлик ва саришталик билан қараб, оилада ва ёнидаги кўни-кўшни, яқин қариндошлар билан тинч-тотув яшашга имкон берувчи муомала маданиятига эга бўлса ва соғлом фарзанднинг туғилишига энг аввало ўзи масъул эканлигини тушунса, унда соғлом турмуш тарзи ҳақида тасаввурлар мавжуд, дейиш мумкин.

Бугунги кунда бутун дунёда саломатлик ва соғлом турмуш тарзига катта эътибор берилмоқда. Масалан, америкалик олимлар бу нарсага панжа ортида қараш нимага олиб келади, деган саволга кўпроқ уларни агрессив хулқ-атвор билан боғламоқдалар. Яъни, одам урушқоқ, салга тажанг бўладиган, сабрсиз бўлиб қолади. Бу нарса охир оқибат гиёҳвандикка берилиш, ичкиликка ружу қўйиш, оилада эр-хотин ўртасида носоғлом муносабатларнинг келиб чиқиши, аёлга нисбатан зуғумнинг ортиши, спортга нисбатан бефарқлик, шахслараро зиддиятларни келтириб чиқаради.

Республика “Оила” илмий-амалий маркази олимлари 2000 йилларнинг бошида Ўзбекистон ҳудудидаги қишлоқ оилалари аъзоларининг соғлом турмуш тарзи борасидаги саводхонлигини махсус тадқиқот доирасида ўрганди. Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон

Республикасидаги 600 дан зиёд хотин-қизлар билан суҳбат ва сўровлар ўтказилди. Сўралувчиларнинг аксарияти туғиш ёшидаги аёллар бўлиб, уларнинг фикрларини умумлаштириб таҳлил қилинганда, оилали аёлларнинг 21%и ва эркакларнинг 9,9% сурункали касалликларга чалинган экан. Сўралувчилардан 53,3%и фақат касал бўлгандагина врачга мурожаат қилади, қолганлари вақти-вақти билан мурожаат қилувчилардир. Демак, кўпчилик бетоб бўлиб қолганлагина врачга мурожаат қилади, ҳаттоки, касал ўтиб кетгандан кейин вақт топадиганлар ҳам кам эмас. Демак, соғлом турмуш тарзига алоқадор тиббий маданиятимиз борасида ўйлашга арзийдиган муаммо бор.

Шу боис ҳам, соғлом турмуш тарзи категорияси кўпроқ ижтимоий категория бўлгани Марказ олимлари сўралувчиларнинг тиббий-гигиеник маълумоти даражасини ўргандилар. Масалан, “Ўз фарзандларингиз билан тиббий-гигиеник мавзуда суҳбатлашиб турасизми?” деган саволга барча сўрлувчиларнинг 62,6% ижобий жавоб берган бўлсалар, умуман гаплашмайдиганлар 19,8%ни ташкил этди. Бу ўйлантирадиган ҳолат, албатта. Лекин тиббий билимнинг заруратини англайдиганлар қишлоқ аҳолиси ўртасида ортиб бормоқда. Масалан, сўраганларимизнинг 82% “Ҳар бир киши тиббий билимга эга бўлиши керак” деб ҳисоблайди. Шуниси эътиборга молики, ўрганилган гуруҳдагиларнинг 87,7 фоизида биринчи фарзандлари қолган кейингиларига нисбатан кўпроқ хасталанган. Демак, ёш она боласини парвариш этиш малакасига, тажрибасига эга бўлмаганидан тез-тез касал қилиб қўяди. Айнан ўшалар тиббий саводхонликка муҳтождир.

Албатта, соғлом турмуш тарзи тушунчаси ҳар инсонда ўзига хос тарзда шаклланади экан. Респондентларга “Соғлом турмуш тарзини қандай тушунасиз?” деб савол билан мурожаат қилинганда, кўпчилик, яъни сўралганларнинг салкам 41%и уни “атроф-муҳит тозалиги” билан, 37,3% и “тўғри, рацион бўйича овқатланиш” билан, қолганлар – “ўз вақтида ухлаш”, “спорт билан шуғулланиш” (28,4%), “чекмаслик, ичмаслик” кабилар билан боғлашди.

Албатта, бу каби соғлом турмуш тарзи билан боғлиқ тасаввурлар шаклланади, керак бўлса, тарбияланади. Соғлом турмуш тарзи ҳақидаги тушунчаларни қаердан олиш мумкинлигини ўрганилганда, табиий, ОАВнинг ўрни ва роли катта эканлиги маълум бўлди. Айниқса, хотин-қизларнинг фикрича, телевидениенинг роли катта (72,6%), газеталар – иккинчи ўринда – 57,5%, журналлар – 46,3% ва радио – 31,2%. Демак, бу манбалардаги ахборот ва маълумотларнинг халқбоп, оммабоп бўлишига алоҳида эътибор бериш, маҳалла гузарларда радио эшиттиришлари ва даврий газета, журналларнинг вақтида берилишига алоҳида эътибор бериш лозим. Демак, соғлом турмуш тарзи тўғрисида ҳар бир ёш авлодда шаклланадиган билимлар, тасаввурлар ва уларнинг амалий турмуш таркибида онгли хатти-ҳаракатга айланиши кўплаб ижтимоий муаммоларни ечишга имкон беради. Шунинг учун ҳам бугун халқ ўртасида амалга ошириладиган тарғибот ва ташвиқот ишларининг самарадорлигини ошириш, буни мафкуравий ва маънавий ишларнинг

таркибий қисмига айлантириш лозим.

Мустақил юртимизда кенг қулоқ ёзаётган болалар спортини ривожлантириш, оилавий спортни миллий менталитетимиз хусусиятларига мос тарзда ҳаётга жорий этиш, мустаҳкам оилада соғлом турмуш тарзини барқарорлаштиришга қаратилган барча саъй-ҳаракатларимиз ислохотларимиз стратегиясига мос бўлиб, юртимизда тинчлик, тотувлик ҳамда ривожланишга, ёш оилаларнинг мустаҳкамлигига ҳисса бўлади. Бунда мамлакатимизда амалга оширилаётган қатор ҳайрли тадбирлар, жумладан никоҳолди тиббий кўрикдан келин ва куёвларни ўтказиш амалиёти ўзининг жуда катта ижобий самарасини бериши табиий.

Ёшларни никоҳолди тиббий кўрикдан ўтказиш ва никоҳнинг мустаҳкамлиги

Оила Кодексининг 17-моддасида ёш келин-куёвлар никоҳгача ихтиёрий тарзда тиббий кўрикдан ўтишлари мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланган. Бу модда киритилишининг моҳияти шундаки, имонли, инсофли ва яхши ниятли инсон учун оила қуриш, унинг мустаҳкам пойдеворда бўлишига қайғуриш қанчалик муҳим ва мажбурий бўлса, ёки ота-она бўлиш масъулияти кучли бўлса, ўзидан соғлом зурриёт қолдириш, уни соғ-саломат катта қилиб вояга етказиш, тўғри тарбия бериш шунчалик масъулиятли ва мажбурий ишдир. Шунинг учун ҳам ҳар бир йигит ва қиз, ёки уларнинг ота-оналари янги оила қуриш ишини савоб ва масъулиятли деб англасалар, никоҳга кирувчиларнинг пушти ва насли нуқтаи назаридан соғ-саломатлигига ишонч ҳосил қилиш шунчалик зурурдир. Тиббий кўрикдан ўтган ҳар икки ёш энг аввало ўз виждони олдида тоза бўлиши масаланинг бир томони бўлса, ҳали оилани курмай туриб, унинг саломатлиги ҳақида қайғураётганлиги улардаги ана шу никоҳдай муқаддас нарсага бўлган жиддий ва масъулиятли муносабатининг намоён бўлишидир. Айниқса, бугунги бозор муносабатлари шароитида оила ҳар бир аъзосининг соғлом бўлиши, янги туғилган фарзанднинг соғ ва саломат катта бўлиши қанчалик муҳим иқтисодий ҳамда маънавий масала эканлигини бугун ҳамма тушуниб қолди.

Жамиятда соғлом оилалар сонини ошириш мақсадида қабул қилинган қарорлардан бири бу – “Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги Низомдир. Бу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августда қабул қилган 365 сонли қарори билан тасдиқланган. Ушбу Низомга кўра, барча барча фуқаролар никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишлари зарур. Бунда бўлажак келин-куёвлар бешта асосий ҳасталик – сил, тери-таносил, гиёҳвандлик, ОИТС, руҳий касалликлар бўйича текширилади. Сабаби, бу бешта касаллик бевосита наслга таъсир қилади.

Кузатишлар ва амалиёт шуни тасдиқламоқдаки, никоҳолди тиббий кўрикдан онгли равишда ўтиш, саломатликни асрашнинг айнан ўзимизга,

оиламизга боғлиқ жиҳатларини билиш, болалар спорти, оилавий, оммавий спортни ривожлантириш, оилада соғлом яшаш тарзи кўникмаларини шакллантириш миллатни жисплаштирувчи, наслини покловчи, давлатни кучли қилувчи омил сифатида баҳоланмоқда. Ўтказилган тадқиқотлар юртдошларимизда “саломатлик” қадриятига муносабатлари ижобий томонга ўзгараётганлигини исботламоқда. Хусусан, Республика “Оила” илмий-амалий ҳамда жамоатчилик фикрини ўрганиш “Ижтимоий фикр” Марказларининг тадқиқот натижаларига эътибор берадиган бўлсак, агар 2003 йилда аҳолининг фақат 42,7 фоизигина никоҳолди тиббий кўриқдан ўтишга онгли муносабатни ифода этган бўлса, 2005 йилда бундай ижобий кўрсаткич 84,4 фоизни ташкил этди. Охирги йилларда бу борада янада сезиларли ижобий ўзгаришларнинг сабаби ҳам энг аввало ёш онанинг, келинчакнинг саломатлигини муҳофаза қилиш истаги етакчи омил бўлаётганлигидир.

Олимларнинг кузатишлари ва тадқиқотлар юртдошларимизда, айниқса, ёш келин-куёвларда хасталикларни олдини олиш ёки бемор бўлиб қолганда дори-дармонларни истеъмол қилишга муносабати кескин ўзгариб бораётганлигини кўрсатмоқда. Юртдошларимиз бунда энг аввало профилактик тиббиёт, яъни хасталикни олдини олиш учун соғлом турмуш тарзи қонун-қоидаларига риоя этиш, бунда соғлом фикр ва руҳий қувватдан фойдаланиш, бўлган-бўлмаган дориларни истеъмол қилавермаслик кўникмаларини эгаллаб бораётганлиги тасдиқлади. Бу ҳам маълум маънода мамлакатимизда “Соғлом она – соғлом бола” ижтимоий ҳаракатининг, самарали тарғибот-ташвиқот ишларининг натижасидир. Қишлоқ ҳудудларида аҳолининг тоза ичимлик суви, зарур санитария-гигиена шарт-шароитларини яратиш, хусусан, ота-боболаримиздан қолган ҳар бир маҳаллада шарқона ювиниш масканлари бўлмиш ҳаммомлар қурилишига эътиборнинг ортаётганлиги ҳам юртдошларимиз психологиясининг муҳим ўзгаришларидандир.

Охирги йилларда оммавий спортга, оилавий ҳамда болалар, аёллар спортга эътибор янада кучайди. “Баркамол авлод” спорт ўйинлари, “Универсиада”, “Умид ниҳоллари” мусобақалари, Республика аёллар спартакиадаси, бадий гимнастика бўйича халқаро беллашувлар ва бошқалар ўз кўлами ва халқчиллиги билан халқ эътирофини қозонди. Ушбу саъйи ҳаракатлар давлатимизнинг бу борадаги стратегик режаларни муваффақиятли амалга оширишда халқ билан ҳамжиҳат эканлигини исботламоқда. Юртимиз аёллари ва болалар спорт билан фақат ўзининг жисмоний қувватини тиклаш ва бўш вақтини мароқли ўтказиш учун эмас, балки у орқали соғлом турмуш тарзи кенг тарғибот қилиш, маънавий ва жисмоний камолга интилиш, турли салбий таъсирлар ва зарарли одатлардан ҳалос бўлиш, кучли характерни шакллантириш учун шуғулланаётганликлари ҳар қандай таҳсинга лойиқдир.

Буларнинг барчаси стратегик мақсадимиз – миллий генофондни яхшилаш, баркамол ва соғлом авлод тарбияси борасида амалга ошираётган ишларни янада такомиллаштириш орқали ёш оилаларнинг барқарорлигига

эришишдан иборатдир.

Оилавий низолар ва уларнинг турлари

Режа:

- 1. 1. Оилавий низолар психологияси тўғрисида тушунча.**
- 2. эр-хотин низоларининг келиб чиқиш сабаблари.**
- 3. Оилавий низолар турлари.**

Оилавий низоларнинг энг характерлиларидан бири бу эр ва хотин ўртасидаги низолардир. Хўш, энг эзгу ниятлар билан бир-бирларини севиб оила қурган ёшлар нега оила қуришгандан кейин уларнинг ўзаро муносабатларида низо-жанжаллар рўй беради? Улар нима учун урушадилар? Умуман эр-хотинлик ҳаётида низоларсиз, уруш-жанжалларсиз ҳам яшаса бўладими? Бу каби саволларни яна кўп давом еттириш мумкин. Халқимизда бир гап бор: ошсиз уй бўлиши мумкин, лекин низосиз уй бўлмайди. Фақат, низонинг низодан фарқи бор. Бу ҳақда қуйида батафсил тўхталиб ўтамиз. Ҳақиқатдан ҳам илк болаликданоқ кўплаб эртаклар эшитиб, кейинчалик ўзлари ҳам уларни турли китоблардан ўқиб ўсган ёшлар ўзларининг бўлажак оилавий ҳаётларини адекват тасаввур эта олишлари мушкул. Чунки эртакларда ҳам, кинофилмларда ҳам қаҳрамонлар бир-бирларига етишгунларига қадар не-не машаққатларни, заҳматларни бошларидан кечириб, бу йўлда дуч келган қора кучларни енгиб, охир-оқибатда висолга еришадилар, эл-у юртга «қирқ кеча-ю қирқ кундуз тўй бериб, мурод-мақсадларига эришадилар». Деярли барча эртаклар, филмлар, айниқса, бизнинг ёшларимиз, қизларимиз севиб томоша қиладиган ҳинд филмлари, аксарият ҳолларда шу тариқа якунланади. Бунга сизлар ҳам кўп марталаб гувоҳ бўлгансизлар. Бундан ташқари аксарият муваффақиятли оилаларда тарбия топган йигит-қизлар ўз ота-онаси оиласини, уларнинг турмуш тарзини, бир-бирларга нисбатан бўлган ўзаро муносабатларини ва қатор шу кабиларни ўзларининг бўлажак оилавий ҳаётлари учун идеал деб олишади ва улар ҳам оила қуришганларидан сўнг ўғил болалар худди ўз отасидек ва қизларимиз ўз оналаридек «ота», «она», «эр», «хотин» бўлишни орзу

қиладилар. Чунки улар ўз ота-оналари мисолида, бир-бирларига нисбатан салбий муносабатда бўлувчи, бир-бирлари билан низолашиб турувчи эр-хотинларни кўрмаганлар. Мабодо бундай вазиятлар ва низолар юзага келиб қолгудек бўлса ҳам уларнинг ота-оналари бу ҳолатни фарзандларига сездирмасликка ҳаракат қиладилар. Бундан ташқари оммавий ахборот воситалари орқали намунавий ахил, бахтли оилалар ҳақида бериб бориладиган материалларда ҳам аксарият ҳолларда эр-хотинлик муносабатларини бир ёқлама, фақат яхши томондан кўрсатиш анъаналари мавжуд. Буларнинг ҳаммаси ёшларда оилавий ҳаёт ҳақида бир ёқлама ижобий тасаввурларнинг шаклланишига асос бўлади. Шундай эртақмонанд тасаввурлар, орзулар оғушида оила қурган ёшлар, ўзларининг оилавий ҳаётларида дастлабки муаммоларга дуч келишлари биланок, уларнинг оилавий ҳаётлари ўзлари кутганларидек бўлмаётганлиги, турмуш ўртоғини танлашда «хато қилганлиги», улар олдинги (тўйдан олдинги) ҳолатига нисбатан маълум даражада (албатта) «салбий» томонга ўзгариб қолганлиги кабиларни «тушуна» бошлайдилар. Шунингдек, ёш оилада эр-хотинларнинг ўзаро муносабатлари ривожланишининг ўзига хос қонуниятлари, айниқса, ёш ўзбек оиласида унинг этник, ҳудудий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёш келин ва куёвнинг янги ижтимоий шароитларга мослашиши жараёни билан боғлиқ қийинчиликлар эр-хотин муносабатларида низоли вазиятлар ва низоларни юзага келтириши мумкин. Афсуски, бундай жараёнлар деярли ҳар бир оила учун муқаррар бўлган ва аксарият ёшлар оила қуриш арафасида ўз никоҳларидан кутмаган жараёнлардир. Хўш бу жараёнлар, яъни эр-хотин низолари керакми? Улар эр-хотиннинг ўзаро муносабатларига қай даражада таъсир этади? Ўтмиш донишмандаридан бири ҳақли равишда эр-хотин низоларини гармдориға қиёслаган экан. Гармдори аччиқ, лекин у меъёрда бўлса иштаҳани очади, меъёридан ортиб кетса, оғиз, лаб, тилни куйдириши, нохуш ҳиссиётларни юзага келтириши мумкин. Низоли вазиятлар ҳар қандай оилада у ёки бу даражада юзага келади. Оила қандай бўлишидан қатъи назар низолардан мутлақо холи (ҳимояланган, кафолатланган) бўла олмайди. Чунки оиладаги шахслараро муносабатлар одатда низосиз бўлмайди. Бу низолар маълум даражада эр-хотин муносабатларини ривожлантирувчи катализатор вазифасини ўтайди. Лекин низонинг низодан фарқи бор. Улар келиб чиқиши, ташқи ифодаланиши, такрорланиб туриш тезлиги (сони) ва ниҳоят оқибатларига кўра бир-бирларидан фарқланади. Бирор-бир махсус мезон йўқки, шунга асосан низоларнинг қайталаниши, кучи, даражаси ва бошқа маълумотлари (кўрсаткичлари)ни аниқ белгилаб бериш (олиш) мумкин бўлса. Бунда ҳамма нарса субъектнинг ўзига, унинг шахсий, психологик хусусиятларига, ёшига, жинсига, унинг қўйилишига, низонинг қандай идрок қилиниши ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Маълумки, бир-бирларига айнан ўхшаш, мос икки одамнинг бўлиши мумкин эмас, чунки шахс ва унинг индивидуаллиги такрорланмасдир. Шундай экан икки ва ундан ортиқ шахсдан (индивид)дан ташкил топган оила ҳам икки, уч қарра такрорланмасдир. Бир оила учун

меъёрида бўлган шахслараро муносабатлар тизими, иккинчи бир оилага мутлақо мос келмаслиги, ёки бирон-бир оила учун у қадар аҳамиятга эга бўлмаган низо ва унинг сабаби бошқа оила аъзоларининг ўзаро муносабатларида жиддий оқибатлар олиб келиши мумкин ва ҳоказо. Шундай экан жамики оилаларга хос бўлган низолар ва уларнинг сабабларини ягона бир ўлчам ёки характеристика билан кўрсатиб бериш масаласи ҳам мантиққа тўғри келмайдиган ишдир. Лекин турли тоифадаги оилаларни ўрганиш, улар аъзоларининг ўзаро муносабатларини таққослаш ва шу қабила асосида айрим нисбий хулосаларга, мулоҳазаларга келиш мумкинки, шу нисбийликдан ҳар бир одам ўзи учун нисбатан «тегишли» хулосалар чиқариб олиши лозим бўлади. Шунинг учун, биз қуйида оилавий муносабатлар, оиладаги низолар ҳақида фикр юритар эканмиз, уларнинг барча оилаларга мутлақ тегишли бўлишлигини (эканлигини) даъво қилолмаймиз. Қуйидагилар ҳам бизнинг нисбий мулоҳазаларимиздир.

Оилада юзага келиш эҳтимоли бўлган низо-жанжалларнинг сабабларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш масалаларини ижобий ҳал қилиш учун биринчи навбатда уларни кимлар ўртасида юз бераётганлигини фарқлаб олиш мақсадга мувофиқдир. Оилавий низоларда кимлар иштирок этаётганига кўра уларни қуйидагича асосий турларга ажратиш мумкин:

- эр-хотин ўртасидаги низолар;
- қайнона-келин ўртасидаги низолар;
- қайнона-куёв ўртасидаги низолар;
- овсинлар ўртасидаги низолар;
- ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги низолар.

Албатта, бу рўйхатни янада давом эттиравериш мумкин, лекин биз ҳозирча шу юқорида келтирилганлар билангина кифояланиб, оилавий ҳаётда рўй бериш эҳтимоли нисбатан юқори бўлган низоларнинг энг асосийси бўлмиш эр-хотин ўртасидаги низоларнинг айрим хусусиятларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Умуман оилада эр-хотин ўртасидаги низоларнинг юзага келиши ва ривожланиши тахминан қуйида келтирилган схемадагидек бўлиши мумкин. Схемадан кўриниб турибдики, ҳар қандай оилада эр-хотиннинг ўзаро муносабатларида низоли вазиятларнинг юзага келиши муқаррар. Лекин шу низоларнинг характери, уларнинг оқибатларига кўра турли оилалар ва улардаги оилавий муносабатлар бир-бирларидан фарқланади

Шунинг учун ҳам психологик адабиётларда низолар шартли равишда «конструктив» («бириктирувчи») ва «деструктив» («ажратувчи») низоларга фарқланади.

Улар, ўзларининг юзага келишига асос бўлган муаммолар, бу муаммоларнинг ҳал етилиши, кечиниши, иштирокчилари, оқибатлари ва бошқаларнинг характерига кўра бир-бирларидан фарқланади. Бистрикирувчи низоларнинг юзага келишига асос бўлган муаммолар ва уларнинг ҳал қилиниши ҳам эрнинг, ҳам хотиннинг, бутун оиланинг манфаатларига қаратилган бўлади. Агар улар ҳал этилса, бунинг оқибатида оиланинг

умумий манфаатларига оид муаммолар ўз ечимини топади. Бундай низоларга оиладаги тартиб, интизом, озодалик, оила бюджетини юритиш, саранжомлик, тежамкорлик, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, бола тарбияси ва бошқа шу каби тоифадаги низолар мисол бўла олади. Улар асосан эр-хотин ўртасидагина юзага келади, уларнинг иштирокчилари ҳам фақат эр-хотинларнинг ўзларигина ҳисобланадилар.

Бундай низоларнинг муваффақиятли ҳал этилишида эр-хотинларнинг бир-бирларини янада яқинроқ билиб, тушуниб, бир-бирларининг салбий ва ижобий хусусиятларини ўрганиб бориш, бир-бирларига мослашиш, муаммоларни ҳал этиш борасида ҳамкорлик қилиш каби оилавий ҳаёт мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилувчи жараёнлар амалга ошади.

Бошқача қилиб айтганда, бундай низолар «эр-хотиннинг уруши — дока рўмолнинг қуриши» каби низолар тоифасига киради. «Докка рўмолнинг қуриши» эр-хотин ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиради. Ажратувчи низоларда уларнинг юзага келишига асос бўлган муаммо ва унинг йечими эр-хотинлардан бирининг манфаатига қаратилган бўлади. Бундай низоларда бир томон манфаатининг ҳал этилиши кўпинча, иккинчи томон манфаатининг бой берилиши ҳисобига амалга ошади. Масалан, эрни ёки хотинни шахсан ўзи учун бирон нима харид қилиши, эрнинг ёки хотиннинг иши туфайли, ўзбек оиласи учун характерли бўлган низолардан бўлмиш ер ёки хотиннинг қариндош-уруғлари билан бўладиган муносабатлар туфайли юзага келадиган низолар шулар жумласига киради. Бундай низоларнинг ҳал қилиниши, яъни бир томон манфаатларининг қондирилиши кўпчилик ҳолатларда иккинчи томон манфаатларининг бой берилиши ҳисобига амалга ошади. Бундай вазиятларда манфаати бой берилган томонда норозилик, эътироз сақланиб қолади ва бу кейинчалик яна кучайиб навбатдаги низоним юзага келишига асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ажратувчи низоларда, низо ҳал этилгани билан, низоли вазият сақланиб қолаверади. Шунингдек, ажратувчи низолар уларни юзага келтирган сабаблар бевосита эр-хотинларнинг ўзаро муносабатлари доирасидан ташқаридаги омилларга ҳам боғлиқ бўлади. Уларнинг сабабчилари ва иштирокчилари ҳам баъзан эр-хотиндан ташқари учинчи одам бўлиши мумкин, уларнинг ҳал этилиши ҳам эр-хотинларнинг ўзларигагина эмас, балки шу учинчи (бошқа) одамга боғлиқ бўлади.

Буларнинг оқибатида низоларни янада кучайиши, сонининг ортиши кузатилади. Ажратувчи низолар, аксарият ҳолларда «чегараланмаган» низолар бўлиб, ўз характери, иштирокчилари, ҳал этилиши ва оқибатларига кўра эр-хотин муносабатлари доирасидан четга чиқади. Бундай эр-хотин низоларига оиланинг бошқа аъзолари: қайнона, қайнсингил, овсинлар ва бошқалар ҳам аралашади. Ижтимоий психологияда гап, сўз, низо ҳақидаги маълумот бир оғиздан чиқиб, кишиларнинг кенг томонига қараб ҳаракатлана бошлайди. Унинг кўлами маълумот манбайидан узоқлашиб, ундан хабардор бўлган ва унга жалб этилган иштирокчилар сони ортиб борган сари кенгайиб бораверади. Ер ёки хотин бир-бирлари билан уришиб қолганларидан сўнг бу ҳақда учинчи бир одамга гапирадиган бўлса, имкон қадар шу низода ўзини

айбсиз, ҳақ қилиб кўрсатишга, шу учинчи одамни унинг манфаатларини ҳимоя қилишига ағдириб олиш мақсадида бир ёқлама гапиреди. Бунда субъект фойдаланадиган гап-сўзлар, оҳанг, имо-ишора, мимика, урғу ва бошқалар деярли барча вербал ва невербал воситалар рўй бериб ўтган ҳодиса (низо-жанжал)нинг асл ҳолатига қараганда бўрттириброк идрок етилишини таъминлайди. Низо ҳақида қанчалик кўп одамга гапириб бераверилган сайин, у аянчли тус олган ҳолда авж олиб бораверади ва оқибатда фожиали натижаларга ҳам олиб келиши мумкин Шундай экан, оилавий ҳаётда рўй бериши мумкин бўлган низоларга бирдек салбий жихатдан қарайвериш ҳам, ёки уларни бирдек оқлаш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Ёшларимиз оилавий ҳаётда рўй берадиган бириктирувчи низоларга тайёр бўлишлари, уларни бириктирувчилик, эр-хотинни бир-бирларига мослашувларига, уларнинг ўзаро муносабатларининг ривожланишини таъминловчи, уларнинг ҳар иккаловининг ҳам, яъни «биз»нинг манфаатига қаратилган низоларнинг бириктирувчанлик имкониятларидан самарали фойдаланишга, уларни салбий оқибатларга олиб келувчи низоларга айлантириб юбормасликка ўрганишлари лозим. Албатта ажратувчи «мен» характеридаги «чегараланмаган» низоларни олдини олиш, унинг оқибатларидан воқиф бўлишлари ҳам мақсадга мувофиқ.

. Ажратувчи низоларда юқорида айтиб ўтганимиздек, бир низонинг ҳал етилиши (яъни эр-хотинлардан бирининг манфаатининг қондирилиши) навбатдаги низонинг юзага келишига асос яратар экан, ўз навбатида бундай «мен» характеридаги, «чегараланмаган» низолар туфайли эр-хотин муносабатларида низолар «эскалацияси» шаклланиб қолади ва оилавий ҳаёт эр-хотин учун «узлуксиз жанг майдони»га айланиб қолади. Бундай низоли муҳит нафақат шу оиладаги эр-хотиннинг руҳий оламига, уларнинг асаби, соғлиғи, ижтимоий ҳолатигагина эмас, балки шу оилаларда дунёга келиб шундай муҳитда тарбияланаётган фарзандларнинг руҳий оламига ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Бундай оилаларда ҳукм сурган низоли вазият, доимий жанжаллар меҳр-оқибатизлик, ўз асоратини фақат шу оилаларнинг ўзидагина қолдирмай, балки шу оила фарзандлари томонидан тузилажак кейинги авлод оилаларига ҳам ўз асоратини олиб ўтиши мумкин.

ОТА-ОНАЛАР ВА ФАРЗАНДЛАР ЎРТАСИДАГИ НИЗОЛАР

Бундай келишмовчиликлар учун замин бўлиб қуйидагилар хизмат қилади.

1. Дунёқарашлар орасидаги мавжуд фарқнинг ҳисобга олинмаслиги.
2. Ёшларнинг бўш вақтини мустақил ташкил етиши, дўстлар танлашдаги мустақиллиги, ҳиссиёт соҳасидаги мустақиллиги, модага, бугунги кун талабига мос кийиниши, касб танлашдаги мустақиллиги, умр йўлдоши танлашда мустақиллик учун отаоналари билан баъзан кураш олиб боришнинг хуш келмаслиги.
3. Ота-оналар ичкиликка ружу қўйиши ёки ор-номусни йиғиштириб қўйиб,

бузукчилик қилиши.

4. Баъзи болаларни меҳнат қилишга ўргатилмаганлиги ва бунинг оқибатида енгил-елпи ҳаёт кечиришга ўрганиб қолиши.

5. Айрим ёшларнинг фарзандлик бурчини унутиб қўйиши ва ҳоказо.

6. Ота-оналарнинг психологик-педагогик билим савиялари етарли даражада эмаслиги натижасида юзага келадиган келишмовчиликлар.

Ота-оналар ва болалар муносабатига оид юқоридаги каби камчиликлар натижасида оиладан ҳаловат йўқолади, ўртага совукчилик тушади.

Фарзандлик бурчини бажармаслик у ёқда турсин, ҳатто, ичиб келиб, ота-онасига қўл кўтарадиган фарзандлар, ота-онасини шарманда қилаётган суюқоёқ фахшпарастилар борлигига нима дейсиз?

Баъзи ота-оналар болаларда 3, 6, 13—14 ёшларда муқаррар равишда бўлиб ўтадиган кризисларни билмайдилар. Бу ёш босқичларида бола руҳиятида янги психологик қўшилмалар юзага келади. Бу еса уларнинг катталар, жумладан ота-оналар билан бўлган муносабатларида кўзга ташланади. Буни сезмаган баъзи ота-оналар «болам ниҳоятда қайсар, қулоқсиз бўлиб қолди», деб ўйлайдилар ва шикоят қилишга тушадилар. Бунга қарши ўзларича чора-тадбирлар белгилашлари натижасида ота-она ва бола бир-бирларини тушунолмай қоладилар. Боланинг ота-онадан бешиш ҳоллари кузатилади.

ҚАЙНОНА-КЕЛИН ЎРТАСИДАГИ НИЗОЛАР

Оилага янги тушган келинларнинг кўпчилиги юзага келадиган баъзи қийинчиликларни осонлик билан йенгиб, келинлик вазифаларини кўнгилдагидай еплаб кетадилар, қайноналарини рўзғор ташвишларидан халос қиладилар, тезда уларнинг меҳрига сазовор бўладилар. Қайноналар ҳам бундай келинни «қизим» деб бағриларига оладилар, билмаганини ўргатадилар, қийналганида ёрдам берадилар, ҳаётий йўл-йўриқ кўрсатадилар. Уларга уй-рўзғор ишларида ва болалар тарбиясида яқин кўмакдошга айланадилар. Бироқ ҳаётда қайнона-келин орасида турли тўқнашувлар ҳам содир бўлиб туради. Гап қайнона-келин ўртасида борар екан, шуни айтиб ўтишимиз лозимки, бу масала азалазалдан одамларнинг, инсониятнинг атоқли намояндаларининг диққат эътиборида бўлиб келган муаммолардан биридир.

Жумладан, XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган шарқ мутафаккирларидан бири Аҳмад Дониш ўзининг «Наводир ул-вақ» (Нодир воқеалар) номли китобда қайнона-келин низолари ҳақида ёзар екан шундай дейди: «Қайнона-келин низолари бундан олдинги оилаларда ҳам бўлган, ҳозир ҳам бор ва бундан кейин ҳам бўлади. Улар доимо уришаверадилар. Улар нима учун уришадилар? Чунки улар нима учун уришишаётганликларини ўзлари ҳам билмайдилар. Шунинг учун уришадилар». Демак бу ўринда қайнона-келин низолари, сабабларини аниқлаш, уларни бартараф етиш алоҳида аҳамиятга молик масала еканлиги

кўриниб турибди. Бундай келишмовчиликларни келтириб чиқарувчи сабаблардан айримларини кўриб чиқамиз.

1. Баъзи қизларда никоҳгача оилавий ҳаётга, қайнонага, қайнона-келин муносабатларига нисбатан салбий тасаввур шаклланган бўлади. Айниқса, ёшлар қайнонани олдиндан фақат салбий қиёфа сифатида тасаввур қиладилар. Кейин еса оила қуриб, тасаввуридаги эмас, балки ҳаётдаги қайнона билан яшай бошлайдилар. Оқибатда улар ўз тасаввуридаги қайнонага хос бўлган камчилик ва иллатларни ҳаётдаги қайнонадан ахтара бошлайдилар. Борини-ку топишлари аниқ, ҳатто йўғини ҳам топишга ҳаракат қиладилар. Чунки тасаввурлари уларни алдаганини тан олишни истамайдилар. Ҳаётда камчиликсиз одам бўлган эмас, бўлмайди ҳам. Идеал қайнона, идеал келин ҳам бўлиши мумкин эмас. Келинлар ўзлари тушган янги оила аъзоларига илк таассурот асосида баҳо беришга ошиқмасликлари лозим. Акс ҳолда, пашшадан фил ясаш ҳам ҳеч гап эмас. Келинлар оғирбосиқ, сабр-тоқатли бўлишлари, иложи борича ўзлари тушган хонадон аъзоларининг яхши томонларини кўришга интилишлари, ери шу хонадон аъзоси еканлигини унутмаслиги лозим. Ана шунда бу оила тинч-тотув бўлади. Зотан, келин бу хонадонга беш кунлик меҳмон эмас, балки бир умрлик аъзо бўлиб келганлигини унутмаслиги керак.

2. Қайнона-келиннинг дунёқарашлари ва уй-рўзғор тутишлари орасида келишмовчилик пайдо бўлади ва кескинлашади. Икки авлоднинг дунёқарашини, ҳаётини тамойиллари ўртасида тафовут бўлиши табиий ҳолдир. Аммо аксарият ҳолларда қайнона-келинлар кўп жиҳатдан бир-бирининг акси бўладилар. Айрим ҳолларда еса қайнона-келин андишани йиғиштириб қўйиб, ҳар бирлари ўз гапларини ўтказишга ҳаракат қиладилар. Бундай келишмовчиликларнинг олдини олиш учун катталар ёшларни кийиниши, соч турмаклаши, ёқтирган куй ва ашулаларини тинглаши ва шу каби бошқа масалаларда уларни ўз ҳолига қўйишлари лозим. Ёшлар ҳам ўз навбатида иложи борича ота-оналарини тушунишга интилишлари, уларни ғашига тегадиган ноўрин қилиқ ва одатлардан қайнонага ҳуш келмайдиган салбий «ҳоюҳаваслардан» ўзларини тийишлари керак.

3. Баъзи келинлар келинлик ва оналик вазифаларини бажаришга тайёр бўлмайдилар. Шундай келинлар бўладик, улар на овқат пиширишни, на кир ювишни, на катталар билан муомала қилишни биладилар. Келин келинлигининг биринчи куниданоқ ҳамма нарсани кераклигича билиши ва катта тажрибага ега бўлган қайнонаси даражасида туриши жуда қийин. У даражада билмаса ҳам майли-я, лекин билишни истамаса қийин. Шунинг учун никоҳгача оналар қизларига ош-овқат пиширишни, мева-сабзавотлардан қишга шарбат, тузлама, мураббоблар тайёрлашни, уй-жойни саранмжон саришта тутишни, дид билан меҳмон кутишни, тежамкорликни, оила бюджетини иқтисод қилишни, уй анжомлари, жиҳозларидан асраб авайлаб фойдаланишни ва шу каби уй-рўзғор ишларини ўргатишга алоҳида эътибор беришлари зарур. Чунки ел орасида «қиз бировнинг хасми, бошқа оилага тушиши бор» деган ҳикмат бор. Шунга қараб қизларни пухта

тайёрлаш керак. Қайноналар ҳам келинлардан ҳадеб камчилик ва қусур ахтармасдан, уни ўз фарзандидай кўриб, билмаганини сабр-тоқат билан ўргатиб бориши лозим. Камчиликларини юзига солавермасдан, яхши томонларини гапириб туришлари керак. Яхши сўз ҳам, ёмон сўз ҳам бир оғиздан чиқади. Қайноналар келинларида ҳосил қилинган кўникма ва малакаларнинг ўз ўғли учун ва келажакда ўз набиралари учун хизмат қилишини эсда тутишлари керак.

4. Айрим ҳолларда қайнона-келин болалар тарбияси масаласида келиша олмай қоладилар. Айрим оилаларда болалар ё бобобувилар ёки ота-оналар томонидан меъёридан ортиқча еркалиб юборилади. Натижада, ота-оналар билан бобо-бувилар ўртасида «болага ким тарбия бериши керак» деган масалада келишмовчилик келиб чиқади. Аслида улар ҳам, булар ҳам болаларни келажакда яхши кишилар бўлиб етишишини истайдилар, танлаган йўллари еса турлича, бироқ улар бир битимга келиб олишмаса бола тарбиясининг ҳолига вой деяверинг. Бунинг учун улар боладан ҳали жойда бир мурсага, якдил қарорга келиб олишлари лозим. Ана шунда бобо-бувилар ҳам, ота-оналар ҳам аҳиллик билан бола тарбияси борасида ўзаро мос чора-тарбирларни белгилаб олишлари лозим. Бунда бола қандай муҳит ва шарт-шароитда, даврда ўсаётганини, мижози турини ҳисобга олиш зарур.

5. Баъзан катта хонадонда овсинлар қайнона илтифотини қозониш йўлида бир-бириларидан рашк қилишлари асосида келишмовчиликлар келиб чиқади. Оилада икки ва ундан ортиқ келин бўлса, қайнона уларнинг ҳаммасига бир хилда қарай олмаслиги табиий ҳолдир. Келинлардан биронтаси қайнонанинг дидига яқинроқ, баъзиси узоқроқ бўлади. Аёллар ўта рухий сезгирликлари туфайли буни тезда сезадилар. Натижада «ўғай» келин билан қайнона ўртасида келишмовчилик бошланади. Бундай ҳолнинг олдини олиш ва овсинлар орасига совуқчилик туширмаслик учун қайнона ўз келинларига мумкин қадар бир хилда муносабатда бўлиши (аммо бу йерда ҳар бир келиннинг муомаласи, муносабатини, қайнонага бўлган меҳрини ҳисобга олиш инкор етилмайди) рашк қилишларига имкон яратиб қўйишдан еҳтиёт бўлишлари керак. Бу ўринда шахсан келинлардан ҳам ақл-идрок, мулоҳазалилик ва сабр-тоқат талаб қилинади.

6. Баъзи ҳолларда қайнона-келиннинг ёш хусусиятларини, қизиқишини, орзу-хавасларини, ишлаши ёки ўқишини ҳисобга олмайди. Қайноналар орасида умр бўйи уй бекаси бўлганлари ҳам бор. Улар ишлаш билан уй-рўзғор ишларини баровар олиб боришни ўз бошидан ўтказмаган. Ана шундай қайноналар ёшлигида ўзларини рисоладагидай келин бўлганман деб биладилар, Қайнота-қайноналарини қандай иззат қилганликларини «уларнинг сояларига кўрпача солганларини» (ростми-ёлғонми, барибир) тез-тез еслашни яхши кўрадилар ва келинларининг ҳам «ўзларидай» бўлишини истайдилар. Баъзан еса уни ўғли орқали очикдан очик талаб қиладилар. Бунга келинларининг имкони борми, йўқми, ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Бундай қайноналар «эҳтиёжини» қондириш имкониятига ега бўлмаган келинлар уларнинг ғазабига учрайдилар. Келини ҳақида бўлар-бўлмас гапларни

ўғилларининг қулоғига қуядилар. «Ўғлимга айтиб сени қўйдириб юбормасам, юрган еканман», дея дўқ-пўписа қиладилар. Баъзи ҳолларда мақсадларига еришадилар ҳам. Бундай қайноналар ўғиллари, набиралари бахтидан кўра ўз ҳузур-ҳаловатларини кўпроқ ўйлайдилар. Бунинг олдини олиш учун ўғилдан ғоят тадбиркорлик талаб қилинади.

7. Айрим келинларнинг янги оилага мослашиши қийин бўлади, оқибатда, қайнона-келин орасида келишмовчиликлар келиб чиқади. Ҳар бир оиланинг ўзига хос муҳити, қонун-қоидалари, анъаналари, атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга берадиган баҳо мезонлари, ҳатто фақат шу хонадон аъзолари тушунадиган, шартли равишда қабул қилинган сўз, иборалари бўлади. Янги тушган келин ўзи билан ўз туғилиб ўсган уйининг муҳитини, одат-қўниқмаларини ҳам олиб келади. Шунинг учун ҳам айрим ҳолларда келин билан қайнонанинг оилавий муҳитлари мос келмай қолади. Ота-оналар иқтисодий, моддий, ижтимоий савияси орасидаги тафовут ҳам аксарият келин-куёв орасидаги муносабатларни кескинлашувига таъсир қилиши мумкин. Бунда иқтисодий омил шу билан ифодаланадики, келин янги тушган хонадонда қизлик хонадонидаги иқтисодий мўл-кўлчиликни кўрмасдан, ўз турмушидан совиши мумкин. Шунинг учун ҳам донолар «Қиз берсанг ўзингдан бир поғона баландга бер, сенинг хонадонингда кўрмаганини янги хонадонида кўриб, янги хонадонга кўникиши осон кечади. Қиз олсанг ўзингдан бир поғона пастдан ол. Шунда келин ўз уйида кўрмаган мўл-кўлчиликни сенинг хонадонингда кўриб, бу муҳитга тез қўникади» деганлар. Маданий ижтимоий омил. Куёв маълумотли, маданиятли оиладан бўлиб, келин аксинча деҳқон, ишчи ёки савдогар оиладан бўлса ёки эр-хотиндан бири шаҳардан, иккинчиси қишлоқдан бўлса бу ижтимоий-маданий тафовутлар ҳам эр-хотин ўртасидаги ихтилофларни келтириб чиқариши мумкин. Келинкуёвлар ижтимоий келиб чиқишида ҳам, иқтисодий таъминланганликда ҳам бир-бирига муштарак бўлишлари мақсадга мувофиқдир. Борди-ю келин бошқа миллатга мансуб бўлса, унинг янги оилага мослашиши янада қийин бўлади. Масалан, ўзбек халқида кекириш тўйганлик — шукроналик белгиси ҳисобланиб келган. Рус халқида еса бу одат ўта одобсизлик ҳисобланади. Шу сабабли янги оилага мослашиш ҳам осонликча кечавермайди. Бунинг устига келин учун бу оила янги, айна пайтда «бегона»дек туюлади. Келиннинг янги оилага мослашиши унинг мижози турига ҳам боғлиқ. Масалан, кўпроқ холерик мижозга мансуб бўлганлар тез мослашадилар. Бироқ йенгилроқ, тезроқ ва андишасиз келинларни янги оилага мослашиши қийинроқ кечади. Янги шароитга осон мослашадиган ҳамда уни осонгина ўзлаштиришга тайёр бўлганлар сангвиник мижоздир. Флегматик мижоз еса вазмин, оғир карвон бўлгани учун янги оила шароитига секинлик билан мослашади. Бир мослашиб олганидан кейин еса уни ўзгартиришни сира-сира истамайди, унча-мунча гап-сўзга парво қилмайди. Меланхолик мижозлар ҳам шунга яқин. Аммо сал нарсадан уларнинг руҳи тушиб кетади, бўлар-бўлмасга хафа бўлаверади. Руҳий жихатдан еса ниҳоятда сезгир бўлишади. Ҳар бир мижоз турининг юқорида

берилган қисқача шартли характеристикасини, уларнинг ўзига хос хусусиятларини билиб олган қайнона-келиндарнинг тил топишиб кетишлари осон кўчади. Баъзи қайноналар ўғлини келинидан қизғанади ва оқибатда келини билан келишолмасдан қолади. Бундай низолар, одатда камфарзанд ёки ёлғиз ўғил отасиз оилада ўсган тақдирда кўпроқ учрайди.

Оилавий муносабатларнинг бузулиши: никоҳ ажримлари

Режа:

- 1.Оилавий муносабатларнинг бузулиши: ажримлар.**
- 2.Ажралиш муаммоси. Ажралишларнинг ўзига хос ижтимоий-психологик ва этнопсихологик хусусиятлари.**
- 3. Ажралишга сабаб бўлувчи омиллар.**
- 4.Ажралишларнинг оқибатлари. Ажримларнинг эр-хотин ва фарзандлар тақдирига таъсири**

Гап никоҳ-оила муносабатлари ҳақида борар экан, шубҳасиз жиддий муҳокама қилинадиган масалалар қаторида никоҳ-оила муносабатларининг бузулиши, эр-хотинларнинг ажралиш муаммоси туради. Нима учун оилалар бузилади? Ажралиш ўзи нима? Ажралиш бу яхшими ёки ёмонми? Оилаларнинг ажралишига йўл қўйиш керакми?

Ажралиш муаммоси ҳозирги замон инсоният жамиятининг энг муҳим ижтимоий муаммоларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун чет элларда ҳам, Ўзбекистонда ҳам ажралиш муаммосини ўрганишга кенг илмий жамоатчилик эътибори қаратилиб келинмоқда. Бу муаммони турли соҳа мутахассислари: юристлар, демографлар, иқтисодчилар, социологлар, психологлар ва бошқа фан соҳалари мутахассислари ўрганмоқдалар. Уларнинг эътибори бу ҳодиса сабаблари, омиллари, мотивларини ўрганиш, уларни бартараф этиш, ажралишларнинг салбий асоратларини камайтириш масалаларига қаратилган. Чунки оилаларнинг бузулиши туфайли нафақат шу ажралишган эр-хотин ва уларнинг фарзандлари, балки жамият ҳам кўп зарар кўради. Ажралишлар кўплаб нохуш ҳодисалар: нотўлиқ оилалар сонининг ортиши, болалар ва ўсмирлар ўрта-сида қонунбузарликнинг кўпайиши, педагогик назоратсиз қолган болалар сонининг ортиши, ёлғизлик, собиқ эр-хотинлар ва қариндошларнинг ўзаро муносабатларининг ёмонлашкани ва қабиладарнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Бу ўринда ҳақли равишда агар ажралишлар шу қадар салбий оқибатларни юзага келтирадиган бўлса, уни расмий равишда тақиқлаб қўйса бўлмайдими? - деган савол юзага келиши мумкин. Албатта мумкин, масалан, дунёнинг айрим давлатларида, жумладан, Италия, Нидерландияда яқин-яқин замонларгача ажралиш ҳуқуқий жиҳатдан ниҳоятда мураккаб жараён эди. Бироқ, бу усул ҳам оила мустаҳкамлигини таъминлашда қутилган натижаларни бермади. Балки ажралишни таъқиқдаш, ажралиш эркинлигини бермаслик, ўз навбатида никоҳ ёшининг ўсишини, оила қурмаслик, никоҳгача ва никоҳдан ташқаридаги жинсий алоқа, психологик носоғлом оилалар миқдорининг ортиши никоҳ-оила муносабатлари замирида юзага келадиган жиноятлар, қотиллик, хиёнат кабиларнинг ортишига олиб келади. Албатта буларнинг ҳам шахс, инсон руҳияти, оилада бола тарбияси, қолаверса жамият учун зарари олдингилардан кам эмас. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда ажралиш эркинлиги деярли барча давлатлар никоҳ-оила қонунчилигида қайд этилган. Бу ўринда муҳими ажралишни тақиқлаш ва унга расмий равишда ҳалақит қилиш эмас, балки ажралишларнинг олдини олиш, унга олиб келадиган сабаблар ва омилларни бартараф этишдир. Шундай қилиб ажралиш фожеами ёки фожеадан қутулишми? Айримлар агар оилада фарзандлар бўлмаса бу фожеадан қутулишдир, эр-хотинларнинг ўзаро муносабатлари мақсадга мувофиқ равишда шаклланаётган бўлса, уларда ўзаро тушуниш, ўзаро ҳурмат, бир-бирларига нисбатан эмоционал яқинлик, меҳр-оқибат бўлмаса, оила ўз функцияларини бажармаётган бўлса, бундай жуфтлар ажралиб кетгани маъқул деб ҳисоблайдилар.

Ажралишларнинг ўзига хос ижтимоий-психологик ва этнопсихологик хусусиятлари мавжуддир. Бу хусусиятлар оилаларнинг бузилишига олиб келадиган сабаблар, уларнинг амалга ошиш жараёни, оқибатлари, ажралишгача ва ундан кейинги даврлардаги эр-хотинларнинг аҳволи кабиларда ифодаланади. Шундай хусусиятлардан бири ажралиш ниятини билдириб расмий ҳашкилотларга мурожаат қилувчи ажралиш ташаббускори ким эканлигида намоён бўлади. Шарқ оилаларида, айниқса ўзбек ва қишлоқ оилаларида ажралиш ташаббускори кўпроқ эркаклар бўладилар ва аксинча, Европа халқлари оилаларида, ёш оилаларда ва урбанизациялашув даражаси юқори бўлган шаҳар оилаларида ажралиш ташаббускори кўпроқ аёллар бўлади.

Биз сизга ажралишларнинг сабаб-оқибатлари ҳақида фикр-мулоҳазаларимизни билдиришдан олдин ўзбек оилаларида ажралишларнинг ўзига хос характери, яъни бошқа (айниқса чет мамалакатларидан) миллатлардан фарқ қилувчи жиҳатларига тўхталиб ўтишни лозим топдик. Бу қуйидаги объектив омилларга боғлиқ бўлиши мумкин: биринчидан, қишлоқ жойларда ажрашган аёл эркакка нисбатан жамоатчилик томонидан кўпроқ танқидий муҳокама қилинади. Иккинчидан, қишлоқ жойларда ажралишгандан сўнг аёллар-нинг аҳволи эркакларга нисбатан ёмонлашади, негаки ўзбек миллатидаги ўзига хос урф-одатлар ўзбек аёлининг уй-жойларни эрига қолдириб, ўз ота-онасиникига (унинг ака-укалари ўз оиласи,

хотини, болалари би-лан яшаётган ва ажрашган аёл учун аҳволни янада жиддийлаштирувчи жойга) бориб яшашга мажбур бўладилар. Учинчидан, қишлоқ аёлларида ажралишгандан сўнг қайта оила қуриш имкони ниҳоятда камдир. Мана шу объектив сабабларни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ жойлардаги ўзбек аёллари муаммоли (эр-хотин орасидаги муносабатлар ниҳоятда зиддиятли, низоли, улар орасидаги меҳр-оқибат етарли ифодаланмаган оила) никоҳга ҳам кўникиб яшайверадилар. Баъзи аёллар, аслида эри билан бирга яшамаётган бўлсаларда (ҳатто йиллаб), эрларидан «ўч олиш» мақсадида, унинг бошқага уйланишига йўл қўймаслик учун расмий равишда, суд орқали ажрашишга кўнмайдилар. Қишлоқ жойлардаги ажралишган эркаклар аёлларга нисбатан бир мунча имтиёзли вазиятда бўладилар: улар ажралишгандан сўнг ўз яқинлари томонидан кўпроқ қўллаб қувватланади. Боласи йўқ бўлган ҳолатда эса ажралишган эркак учун турмушга чиқмаган аёлга уйланиш сезиларли даражада муаммо туғдирмайди. Бундан ташқари у ажралишдан сўнг олдинги шароитда - ўз (ота-онасининг) уйида қолади ва навбатдаги янги оила қуриш имконига эга бўлади. Шунинг учун қишлоқ жойларда ажралишларнинг ташаббускорлари кўпроқ эркаклар бўладилар.

Агар ажралиш «озодлик» деб ҳисобланадиган бўлса, унда ҳозирги замон никоҳ-оила қонунчилигига кўра бу «озодлик» «кимга қанчага тушади?» Шаҳар жойларда истиқомат қиладиган Европа халқларига мансуб бўлган ёш оилаларда бу қуйидаги формула тарзида бўлиши мумкин.

Аёллар учун:

Ажралиш = озодлик + бола + алимент ± уй + ёлғиз оналарга бериладиган имтиёзлар + янги оила қуриш муаммоси.

Эркаклар учун:

Ажралиш = озодлик - бола - алимент ± уй + янги оила қуриш имконияти.

Агар ажралишларнинг аёл ва эркакка кўрсатадиган асосий таъсирларини санайдиган бўлсак, улар қуйидагича бўлади:

Жамият учун - Нотўлиқ оилалар сони кўпаяди, оилалараро ёки қариндошлараро адоват юзага келади, бир жинснинг иккинчи жинсга нисбатан нафрати пайдо бўлади, фоҳишабозлик ортади, тери-таносил касалликларнинг ортиши кузатилади, шахснинг ижтимоий фаоллиги сусаяди. Эркак учун - ёлғизлик ҳиссининг ортиши, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка берилиш, турли касалликлар.

Аёллар учун - ёлғизликни ҳис қилишнинг ортиши, қайта оила қуриш имкониятининг чекланганлиги, неврозлар, стресслар, турли хасталиклар, ўз жонига қасд қилиш.

Юқоридагилар билан бирга, ўзбек оилалар ажралишганда ўзгача хусусиятлар ҳам кузатилади. Психолог олим Фахриддин Рўзикулов ажралишнинг асоратлари мавзусида ўтказган махсус тадқиқот натижаларига кўра аксарият ҳолда ажралиш қурбони аёл бўлади. Яъни ажралиш эркакларга нисбатан аёлларни келгуси оилавий бахтига, болаларнинг тарбиясига, оила бюджетига, аёлнинг саломатлигига, ўз ота-онаси билан бўлган ота-она ва

фарзанд муносабатларига, ажралишган аёлнинг руҳиятига кучли салбий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга аёл учун катта ҳаётий муаммолари қайта оила қуриш ва ёлғизлик муаммосини келтириб чиқаради. Бу қишлоқ ва шаҳар аёлларида деярли бир хил ифодаланади. Аммо шаҳарлик аёллар шаҳар турмуш тарзида жинсий ҳуққ жиҳатдан бир мунча эркин бўлганлари ҳамда ўз касб фаолиятлари билан фаол шуғулланганлари туфайли қишлоқ аёлларига нисбатан ёлғизликдан камроқ жабр кўрадилар.

Нотўлик оиладаги болалар тарбияси. Нотўлик оила ҳақида гапирилганда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, нотўлик оилалар ҳам турлича юзага келади. Оилалар эр-хотинлардан бирининг вафот этганлиги туфайли ёки уларнинг ажралиши туфайли нотўлик бўлиб қолиши мумкин. Албатта оилада ота ёки онанинг вафот этиши бу улкан фожеа, аввало, бу фожеа ҳеч кимнинг бошига тушмасин, лекин бундай оилаларда марҳумнинг руҳи ҳурмати, унга нисбатан, унинг шаънига ижобий муносабатлар сакланиб қолади. Бироқ эр-хотиннинг ажралиши сабабли юзага келган нотўлик оилаларда «тирик етим» болалар қолади, Биринчидан, «тирик. етимлик» жамоатчилик ўртасида, айниқса болалар жамоаларида (боғчада, мактабда, тенгдошлар даврасида) нисбатан кучлироқ қораланади. Иккинчидан, бундай оилаларда ота ёки она томонидан, улардаги "яқинлари томонидан собиқ турмуш ўртоғи шаънига, унинг шахсиятига салбий бўёқлар берувчи муносабатлар шаклланади. Собиқ эр-хотинлар томонидан бир-бирларини қораловчи фикр-мулоҳазалар кўпроқ билдирилади. Булар албатта, бу тоифа нотўлик оилалардаги ўзаро муно-сабатларнинг шаклланишида қатор нохушликларни юзага келишига асос бўлади.

Ажралиш фақатгина ажралган эр-хотинлар эмас, балки ажралиш оқибатида отасиз яшаётган фарзандларга ҳам салбий таъсир кўрсатар экан. Айниқса аж-ралиш отасиз ўсаётган қиз боланинг ҳис-туйғуларига, отасига бўлган меҳрига, қиз болада шаклланадиган ота образига ва отасиз ўсаётган қизнинг руҳиятига кучли салбий таъсир қилади. Бу эса нафақат қиз боланинг болалик даврида балки келгусида ўзи мустақил оила қурганда ҳам ўз асоратини кўрсатиши мумкин. Кўп тадқиқот натижаларининг кўрсатишича ва ривоятларда ифодаланишича ҳамда Ф.Рўзикулов тадқиқотларида илмий жиҳатдан ўз тасдиғини топганлиги асосида ўз отасига меҳр ва ҳурмати етарли равишда шаклланмаган қиз келажакда оила қурганда турмуш ўртоғига ҳам ҳурматини етарли равишда ифодалай олмайди.

Мазкур тадқиқот натижаларига кўра ажралиш оиладаги отасиз ўсаётган ўғил боланинг ўқишига ва тарбиясига салбий таъсир этиши кучли бўлар экан.

Шу билан бирга ажралиш келин-куёвларнинг, ота-оналарининг руҳиятига, саломатлигига, қудалар орасидаги муносабатига, қариндошлар ва жамоа орасидаги обрўси ва оила бюджетига салбий таъсир қилади. Ўзига хос хусусиятларидан бири куёв томонга нисбатан кўпгина мезонлар бўйича келин томон, яъни келиннинг ота-оналари руҳан кўпроқ жабрланар экан. Маълумки, ўзбек оилаларида ажралишлар миқдори бошқа миллатлар,

масалан рус оилалариникига қараганда икки марта кам. Лекин ҳар бир ажралишган оилага тўғри келадиган «тирик етим» болалар сони ўзбек оилаларида 2-2,5 мартага кўп. Шу билан бирга, «ажралиш маданияти»ни қуйи савияда эканлиги ва ўзига хос миллий хусусиятлари билан ифодаланиши ўзбек оилаларида кўпроқ салбий оқибатларга олиб келади. Шунга кўра ажралишларнинг салбий асоратлари ўзбек оилаларида бошқа миллатлар оилаларидагига нисбатан кучлироқ ифодаланади. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда ажралиш муаммосини илмий асосда ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ўринда ажралиш омиллари ва сабабларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки аксарият ҳолларда маҳаллаларда никоҳни бекор қилиш борасида ўтказиладиган суд ишларида ажралмоқчи бўлган оилани бузилишининг асл сабабини аниқлаб никоҳни бекор қилиш ишларида оддий хатоларга йўл қўйилмоқда.

Ажралишларга сабаб бўлувчи омиллар

Кўпинча ажрашаётганлардан ажралиш сабабини сўралса, улар қандайдир ҳамма учун стандарт бўлиб қолган сабабларни кўрсатишга ҳаракат қилишади. Масалан, «характеримиз мос тушмади», «ўзга шахснинг аралашуви», «кўполлик», «моддий қийинчилик», «ичкиликбозликка берилиш», «яшаш шароитининг ноқулайлиги», «ота-оналарнинг ноўрин аралашуви» ва ҳ. к. Агар таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, вазиятга қараб, бундай кўрсаткичлар баъзиларда сабаб, баъзилар учун эса баҳона вазифасини ўтайди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, оиладаги маънавий-руҳий иқлим қанчалик мустаҳкам ва эр-хотинлар бир-бирини қанчалик яхши тушунсалар бу «сабаблар» (баҳоналар) оиланинг инқирозига асосий сабаб бўла олмайди. Ёшлар (эр-хотин) ўртасидаги муносабат қанчалик нохуш бўлса бу баҳоналар шунчалик кучли ва салбий таъсир кўрсатади ва бу ҳолатлар ажралишларнинг сабаби бўлиб қолиши мумкин. Ўзбек оилаларида: «турмуш ўртоғининг кўполлиги», «турмуш ўртоғига нисбатан кўпол муносабатда бўлиш», «турмуш ўртоғининг ота-онаси ва бошқа қариндошларининг аралашуви», «турмуш ўртоқлардан бирининг оилани умумий масалаларига бефарқ қараши» кабилар кўпроқ сабаб бўлса, Европа халқлари оилалари учун эса ажралиш сабаблари сифатида аксарият ҳолларда, ичкиликбозликка берилиш, эр-хотин хиёнати, характерларнинг мос келмаслиги кабилар қайд этилади.

Ажралишларнинг сабабларини аниқлаш мақсадида ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўзбек оилаларида ажралишларнинг мотивлари сифатида кўрсатилган таъсирлардан асосийлари, юқорида қайд этилганидек, «турмуш ўртоғининг кўполлиги», «ота-оналар ва бошқа қариндошларнинг аралашуви», «бир-бирига нисбатан бефарқлик», «эр-хотиндан бирининг оилавий масалаларга нисбатан бефарқлиги» кабилар кўрсатилган.

Шундай қилиб, ажралиш муаммоси ҳозирги пайтда жамиятнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Оилаларни ажралишларининг мав-жудлиги бизнинг республикамизда ҳам кенг жамоатчилик диққатини

ўзига қаратиб, бу муаммонинг ечимини топиш учун керакли чораларни кўришга даъват этмоқда. Чунки юқорида қайд этилганидек, ажралишлар натижасида миллионлаб одамлар - энг аввало, фарзандлар, аёллар, қолаверса эркаklar ва ҳатто ажралишганларнинг яқинлари ҳам «маънавий жароҳат» оладилар.

Буларнинг барчаси ўзбек оиласида ажралиш масаласига жиддийроқ эътибор бериш лозимлигини ва унинг олдини олиш, салбий асоратларни камайитириш чора-тадбирларини илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Юқоридагилардан қандай хулоса чиқармоғимиз ва ҳаётимизда нималарга амал қилмоғимиз. нимага- эътибоо беомоғимиз лозим?

1. Турмуш ўртоғи танлашда шошилманг ва адашманг. «Никоҳ олди омиллари» ва ўзга мавзулардан тегишли хулоса чиқариб иш кўринг.

2. Ҳаёт тақозоси билан ва тажрибали кишилар маслаҳатларига кўра ажралишингиз муқаррар бўлса, вақтни чўзиб ўтирманг ва фарзанд кўришдан сақланинг.

3. Ажралиш - сизга, Турмуш ўртоғингизга, ота-оналарингизга, (агар бўлса) фарзандларингизга имкони борича салбий таъсир қилмаслиги чораларини кўринг.

Сизнинг ажралишингиз қариндошлар орасига совуқчилик туширмаслиги, улар орасидаги муносабат-ларнинг бузилишига олиб келмаслиги зарур.

4. Ажралишган турмуш ўртоғингиз билан ижобий муносабатни сақлаб қолинишини таъминланг. Бу аввало Сизнинг фарзандларингиз, ота-онангиз, қолаверса шахсан ўзингизнинг манфаатингиз эканлигини унутманг.

Эр-хотин ажралиши болаларининг отасиз ёки она-сиз ўсишига, ота ва онадан ажралишига олиб келмаслиги керак.

5. Ажралиб кетган эрингиз ёки хотинингиз ҳақида фарзандларингизга салбий маълумотлар бериб, у ҳақада салбий тасаввур шакллантиришдан сақланинг, чунки бундай тасаввурнинг шаклланиши болангизнинг келгуси ҳаётига, шахсий оила муносабатларига, қайнона-келин муносабатларига ва фарзанд - ота-она муносабатларига салбий таъсир қилади.

6. Ажралиш энг сўнгги чора! У фақат Сизнинг эмас, балки яқинларингиз тақдирига ҳам салбий таъсир кўрсатишини унутманг. Шу сабабли бу юзасидан асоссиз енгил қарорлар чиқаришдан сақланинг. Бу борада катта қаётий тажрибага эга бўлган яхши кишилар билан маслаҳатлашинг, Имкониятингиздан келиб чиқиб шу соҳа мутахассиси бўлган психолог билан маслаҳатлашинг.

Ким билан маслаҳатлашишдан қатъий назар қарорни ҳар томонлама ўйлаган ҳолда ўзингиз чиқаринг ва қарор маъсулиятини ўз бўйингизга олинг.

6.1. Оиладаги инқирозлар ва уларнинг оқибатлари

Афсуски, барча оила ҳам ота-она ва улар дунёга келтирган фарзандлар билан тўлиқ бўлавермайди. Тақдир тақозоси билан айрим оилаларда низолар келиб чиқади ва унинг оқибати сифатида никоҳ барбод бўлади. Олимлар

никоҳнинг барбод бўлишини ўрганиб, унинг сабаблари турлича бўлиши мумкинлиги тўғрисида ўз назарий қарашларини баён этганлар. Масалан, айрим психологлар ажримларни “туртки” концепцияси орқали тушунтиришга уринадилар. Яъни, яхши тинч-тотув яшаётган оилада бирдан шундай ҳолат юз берадики, масалан, хиёнат, ўлим, хасталик, рашк ва шунга ўхшаш воқеалар турки бўлдию, оила устун кулайди. Аслида ҳаётда кўкқисдан шундай бир силкиниш ёки туртки билан оила бирдан бузилиб кетиши кам учрайди.

Яна бир ҳолат олимлар фикрича, “орқага кетиш” деб номланади. Бу шундай ҳолатки, унга кўра, эр ва хотинни яхши, илиқ муносабатлар боғлаб турган, лекин айнан муҳаббат бирдан совиб, эр-хотин бир-бирини кўрса ғаши келадиган, гаплари ёқмайдиган, низокаш бўлиб қолади. Бундай воқеалар ҳаётда тез-тез учрайди. Сабаби – бирдан ёнган олов, яъни, муҳаббат, маълум вақт ўтгач ўчиши, сўниб қолиши мумкин.

Шу каби ҳолатлар ва ундан бошқа сабаблар туфайли оила ажримларининг содир бўлиши барча замонлар ва даврларда ҳам кузатилган. Фақат никоҳнинг барбод бўлиши шакллари ва сабабларида ҳар бир даврда ўзига хос асослар бўлган дейиш мумкин. Масалан, Шарқ мамлакатларида қадимдан никоҳнинг барбод бўлиши энг кам учрайди, деб ҳисоблаб келинган. Чунки оила институтининг пойдевори мустаҳкам бўлишига аجدодларимиз қайғурганлар. Етти пуштини суриштириш, совчилик институти орқали бир-бирига мос келадиган ёшларнинг тақдирини боғлаш, ҳаттоки, узоқ қариндошлар ўртасидаги никоҳлар, яъни, олдиндан бир-бирларини билган одамларнинг ўзаро келишуви, меҳр ва муҳаббат ришталари орқали оила қуриш ўзбекчиликка хос одатлар сифатида қадрланган ва таъкидлаб ўтилган никоҳ мотивларининг барчасида оқилона фикр юритиш, ёшлар ва улар ота-оналарининг “етти ўлчаб бир кесиши” оиланинг мустаҳкам бўлиши учун замин ҳисобланган.

Никоҳ ажримларига келсак, бундай ҳолат Шарқ халқларида ҳам, бизда ҳам содир бўлган. Эски манбаларда никоҳ ажрими сабаб бўлган омиллар сифатида аввало, эр ёки хотинда тўйдан кейин аниқланган наслий хасталиклар, кўп ҳолатларда эркак кишининг, айрим ҳолатларда аёлнинг бошқа инсон билан “тил” топишиб кетиши, бообрў ва мансабдор шахснинг келинчакни ёқтириб қолиши ва зўрлик билан эски оилани бузишга мажбур қилишлар, фарзандсизлик, аёлнинг бепуштлиги сабаб эркакнинг хотинни талоқ қилиши, иқтисодий ночор ёш оиланинг ўз рўзғорини юрита олмаганлигидан аёлнинг бошқа одамга турмушга чиқишга мажбур бўлиб қолиши каби сабаблар қайд этилган. Муҳими шунки, никоҳнинг барбод бўлишидаги ташаббус асосан эркак кишининг қўлида бўлган. Агар у хоҳласагина никоҳ барбод бўлган. Агар мабодо аёл ташаббус кўрсатса, у қаттиқ жазоланган, жамоатчилик уни қоралаган, ҳаттоки, тош бўрон қилинганлиги тўғрисида қадимги тарихдан, эски кинофильмлардан маълум. Бошқа халқларда ҳам ўзига хос анъаналар мавжуд бўлган. Масалан, қадимги Хитойда никоҳ ажрими олиб келадиган сабабларга эрнинг ота-онаси

раъйига қарамаслик, уларга келиннинг гап қайтариши, бетга чопарлик, бепуштлик, маҳмадоналик, бедаво хасталик, рашк кабилар кирган. Лекин юқоридаги ҳолатлар бўлса-ю, аёл эрининг ота-онасига аза тутаётган бўлса ёки у чин етим бўлса, эри уни барибир уйдан хайдаб юбора олмаган.

Қадимги Грецияда эса никоҳ ажримини содир этиш анча енгил бўлган. Эр гувоҳлар олдида хотинига у билан ортиқ яшай олмаслигини, никоҳи бузилганлигини айтган, аёл барча сеп-суриқларини йиғиштириб, ўз ота-онасининг оиласига қайтиб кетаверган. Сарпо суриқлар, аёлга тегишли барча нарсаларнинг унга берилиши мажбур ҳисобланган, ҳаттоки, ажримнинг сабаби аёлнинг хиёнати бўлган тақдирда ҳам мол-мулк, зийнатлар аёлга берилаверган. Лекин аёл эри билан яшашни хоҳламай қолган ҳолатларда унинг ажрим олиши мушкулроқ бўлган, бундай пайтларда хотин шаҳар ҳокимига ёзма равишда расмий мурожаат қилиши, ва улар қарор қабул қилиши лозим бўлган. Бундай ҳолларда ким айбдор деб топилишидан қатъий назар, болалар отаси билан қолдирилган.

Римликларда ҳам ажримлар илгаридан одатий ҳолдай қаралган. Тарихдан маълумки, шоир *Овидий* ва тарихчи *Плиний* уч марта уйланганлар, *Юлий Цезарь* ва *Антоний* эса тўрттадан хотинга эга бўлганлар. Бу каби тарихий ҳодисалар манбаларда, тарихий фильмларда яхши акс эттирилган.

Қадимги Ҳиндистонда эса никоҳ оддийгина фуқаролар иттифоқи эмас, илоҳий иттифоқ сифатида қаралиб, никоҳ ришталарининг бузилиши ниҳоятда ғайритабиий ҳолат деб баҳоланган. Никоҳнинг бузилиши фақат эр ташаббуси ва аёлнинг катта гуноҳи туфайли рўй бериши мумкин бўлган.

Эрамизгача бўлган икки мингликлардан қолган манбаларда кўрсатилишича, “саккиз йил мобайнида бола туғмаган аёл бошқасига алмаштирилиши мумкин, ўлик бола тукқан – ўнинчи йили, фақат қиз болаларни туғадигани – ўн биринчи йили, урушқоқ, бедаби эса ўша заҳоти эр томонидан қўйиб юборилиши мумкин” бўлган. Кейинчалик ҳиндлар ҳам ажримлар сиёсатини қайта кўриб чиқиб, энди никоҳ қуйидаги ҳолатларда ҳам барбод бўлиши қайд этилган: агар аёл эрининг барча бойликларини исроф қилиш, ноўрин ишлатган бўлса, аборт йўли билан фарзандини йўқотган бўлса ва эрининг ҳаётига суиқасд қилган бўлса. Аёл эса фақат икки ҳолатда эридан ажрим талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган: эри бепушт бўлиб, ўз эрлик вазифасини бажара олмай қолган бўлса ва содир этган гуноҳи учун уни қавмдан чиқариб юборилган бўлса.

Шунга ўхшаш никонинг барбод бўлиши шакллари ҳам, унинг мотивлари ҳам турфа хил. Кўпгина халқларда ажримларнинг мотиви сифатида эр-хотин хиёнати қайд этилади. Шуниси характерлики, эркаларнинг хиёнатидан кўра аёлнинг хиёнати барча маданиятларда ҳам қаттиқроқ қораланади, чунки бунинг асосий сабаби – хиёнаткор аёл бошқа эркак билан учрашиб юриб, ундан ҳомиладор бўлиб қолиши ва никоҳсиз бегона боланинг туғилишига сабабчи бўлиб қолиши мумкин. Яъни, бунда нафақат оиланинг балки янги туғилган боланинг манфаати жиддий зарар кўради, чунки бу болада кимнинг ҳақи борлиги, кимнинг мол-мулкига у ворис бўла олиши масаласи

ўйлантиради.

Лекин эр-хотиннинг хиёнатига бефарқ қарайдиган халқлар ҳам Ер юзида топилади. Масалан, Африкадаги динка қабиласида эр агар хотини унинг назарида нодонроқ бўлса ҳам, бемазароқ овқат пиширса ҳам у билан ажрашиб кетаверади. Эркакнинг бегона аёл билан “дон олишиб юриши” ҳеч кимни қизиқтирмайди, ҳаттоки, қонуний хотини ҳам бунга унчалик аҳамият бермайди. Шу каби Ассама оролида яшайдиган қабила ҳам ажрашишда бир-бирининг қуйи ёки юқори табақадан эканлигига қараб қарор чиқаради. Масалан, агар аёл юқори табақа оила вакиласи бўлса, у никоҳни бекор қилиш ва бошқа эркак билан яшаб кетавериш ҳуқуқига эга бўлади.

Албатта, мусулмон халқларида оила қанчалик қадрланса, талоқ ёки ажралиш ҳолатлари шунчалик таҳқирланган. Шу нуқтаи назардан мусулмон оламида ўзига хос шарият қонунлари ишлаб чиқилган бўлиб, улар асрлар оша оила-никоҳ муносабатларини тартибга солишда муҳим омил бўлган. Қуръони-Каримнинг қатор сураларида, жумладан, унинг “Бақара” сурасида эр ва хотиннинг ўзаро инсоний ва мулкӣ муносабатлари, фарзандни дунёга келтириш ва уни вояга етказишда ота-оналик масъулияти ва бурчлари баён этилган. Унда “талоқ”нинг Аллоҳ томонидан буюрилган, лекин унинг ўзига энг номаъқул бўлган амалдан эканлиги таъкидланган. Демак, мусулмончиликда оиланинг бузилиши “қуш инининг бузилиши” каби ёмон, нохуш оқибатларни келтириб чиқарувчи омил сифатида қаралади. Мусулмон қоидаларига кўра аёлнинг никоҳ ажримининг ташаббускори бўлишлик қораланади, лекин вазият талаб қилганда аёл ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб чилмаган ҳолад эрининг уйидан кетиши мумкин. Эркак эса агар билмай “Талоқ” сўзини ишлатиб қўйган бўлса, ўз аёлига қайта учиничи мартагача уйланиши мумкин, лекин уч мартадан кейин унинг яна уйланиши қатъият ман этилади. Табиий, ҳозирги шароитда ҳуқуқий давлат куриш шароитида бундай шаръий қоидаларга эмас, амалдаги қонунларга кўра ажрим ҳолатларини мувофиқлаштирилади. Унинг қоидалари Ўзбекистон Республикасининг “Оила Кодекси”нинг “Никоҳнинг тугатилиши” деб номланган 7 бобнинг 37-48 моддалри ҳамда “Никоҳдан ажралишни қайд этиш” деб номланган 26 бобнинг 218-222 моддалари билан тартибга солинган.

Россияда ўтказилган охириги тадқиқотларда¹ никоҳ ажримларининг асосий сабалари сифатида қуйидагилар қайд этилмоқда(турли ёшли сўралувчиларнинг жами сонига нисбатан фоиз ҳисобида):

моддий, маиший муаммолар – 55;

эр ёки хотиннинг ичкиликка ружу қўйиши – 39;

ёшлар учун оилавий қадриятларнинг пастлаб кетиши – 27;

эр-хотин хиёнати – 19;

психологик мос келмаслик – 17;

оилавий ҳаётнинг мазмунсизлиги – 12;

¹Иванова Л.В. Ваша свадьба. – Смоленск: Русич, 1999. – С. 78-84.

бошқа бировни севиш қолиш – 11;

фарзандларнинг йўқлиги – 7;

бошқа сабаблар – 2;

жавоб беришга қийналганлар – 6.

Республика “Оила” илмий-амалий маркази томонидан никоҳ ажримларининг *сабаблари* ўрганилганда, аксарият ҳолатларда бу биринчи ўринда эр-хотинларнинг ўзаро келишмовчиликлари, феъл-атворнинг бир-бирига мос келмасликлари, рашк, хиёнат, келин билан қайнона ва бошқа яқин қариндошларнинг чиқишмасликлари, эркакнинг зарарли одатларга берилиб кетиши (ичкиликка, гиёҳванд моддаларга ва шу каби), моддий қийинчиликлар (асосан эрнинг ишламаслиги, мустақил оилани бошқара олмаслиги), қудаларнинг тўйдан кейин ўзаро келишмай қолишлари, эрнинг дараксиз кетиб қолиши кабилар қайд этилади. Пойтахт бўйича ажримлар сабаблари ўрганилганда, иқтисодий қийинчиликлар туфайли оиланинг бузилиши энг охирги ўринда қайд этилади, чунки аксарият ўзига тўқ, бой-бадавлат оилаларда ёшлар асосан уч сабаб туфайли ажришиб кетмоқда: рашк ва хиёнат, келин-қайнона муносабатларидаги келишмовчилик ва турмуш шароитидаги ноқулайликлар. Умуман олганда, никоҳ ажримларининг бош омили ёшларни маънавий жиҳатдан турмуш қуришга тайёр эмаслиқларидир.

Ота-она – бола муносабатлари психологияси

Режа:

- 1. “Ота-она – бола” муносабатлари тизими**
- 2. Репродуктив хулқ психологияси**
- 3. Перинатал психология**
- 4. Оналик ва оталик психологияси**
- 5. Ота-оналик установакалари ва тарбия шакллари**
- 6. Бола томонидан ота-оналарнинг ва ота-оналикнинг идрок этилиши**
- 7. Ака-укалик ва опа-сингиллик муносабатлари. Сиблинг мақомининг бола ва катталар муносабатига таъсири**
- 8. Кўп болали оилада шахслараро муносабатлар ва уларнинг бола психик тараққиётига таъсири**

“Ота-она – бола” муносабатлари тизими

Оила ва никоҳнинг пайдо бўлишига сабабчи омиллардан бири, айниқса, бизнинг шароитимизда, фарзанд туғилишидир. Фарзандсиз эр-хотин алоқаларини, умуман оилавий муносабатларини тасаввур қилиш мушкул. Илмий манбалар тарихан инсоният ота-она ва фарзандлар муносабатлари ўзига хос босқичлар ва ривожланиш қонуниятларини бошидан кечирганлигидан гувоҳлик беради. Башар тарихи шундан далолат берадики, замонлар оша ота-онанинг болага нисбатан хусусий мулкдай қараб, унинг устидан ҳукмронлик қилиши борган сари фарзанд эҳтиёжлари билан ҳисоблашиш, унинг барча истакларини бажо келтириб, унга чексиз ғамхўрлик кўрсатишгача бўлган муносабатларга айланган. Ота-она – бола муносабатларини агар тарихий даврларга бўладиган бўлсак, ота-онанинг болага ёндошув усуллари бўйича қатор босқичларни бошдан кечирганлигини кўриш мумкин.

Олимларнинг тавсифлашича, антик даврларда эркак ва аёл алоқалари оқибатида фарзанд туғилса, унга деярли бефарқ қараш, яъни, инфантицид муносабат кузатилган, бундай муносабат моҳиятан шафқатсизликка асосланган бўлиб, болани дунёга келтирганлар учун унинг насл-насаби, тақдири унчалик аҳамиятли бўлмаган. Янги асрга келиб, бу муносабатлар тубдан ўзгарган, одам зотида эгоизм, ўзига тегишли нарсага нисбатан эгалик ҳиссининг такомиллашиб бориши ўзидан бўлган зурриёдга нисбатан муносабатларда ҳам ўз аксини топган.

Мулкчилик шакллариининг ўзгариши, турмуш тарзи қадриятларига монанд катталарнинг болага нисбатан ҳис-кечинмалари ҳам ўзгариб борган. Масалан, XIX асрнинг бошлари XX асрларнинг ўрталарига келиб, ота-оналар фарзандларининг жамиятда тутажак ўринлари, уларнинг ижтимоийлашувига алоҳида эътибор бера бошлаганлар. Кейинги даврлар эса катталарнинг кичиклар тақдирига бефарқ эмаслиги, уларни қўллаб-қувватлаш, ривожланишига қўмаклашишнинг аҳамиятини англаш даври бўлган. Бу анъана деярли бизнинг давримизда ҳам давом этиб келмоқдаки, эндиликда туғилган болага эътибор оиланинг барча қадриятларидан устун ҳам келади. Лекин бундай ғамхўрлик психологияси ҳам маданий-тарихий ўзига хосликка эга. Масалан, айрим халқлар (аксарият Европа халқлари) болага у кичиклигида жуда катта меҳр ва ғамхўрлик кўрсатади, тахминан ўсмирлик давридан бошлаб, унинг эркинлиги тан олинади ва ота-она томонидан бериладиган тарбия услублари ўзгартирилиб, унга катталарча муносабатлар барқарорлашади. Бошқа бир маданий-этник ҳудудларда, аксинча, фарзанд балоғатга етгани сари ота-онанинг унга эътибори кучаяди. Масалан, Осиё халқлари, хусусан, ўзбекларда ҳам оила катталиги ва серфарзандлиги боис, болаларнинг кичик ёшдаги ривожланиш хусусиятларига табиий ҳолатдай қараб, жуда катта қайғуриш билан унинг маънавий, руҳий ривожланишига

эътибор қаратилмайди. Лекин қиз бола балоғатга етиб, кўркамлашиб боргани сари, ўғил боланинг қўлидан иш келиб, қаторга қўшилгани сари, ота-онада улардан ғурурланиш, тақдирига куюниш, ғамхўрлик кўрсатиш ҳам ортиб боради. Бундай ғамхўрлик шу қадарки, уйланган ўғилнинг қадам босишларини ҳам ҳамон ота-она назорат қилаверади, бу баъзан, қайнона-келин муносабатларида, ёки ота-ўғил муносабатларида тарангликларни, низоларни келтириб чиқаради.

Юқорида қайд этилган даврларда табиий, ота-она фарзандларини туғиш, тарбия қилиш ва жамиятга тайёрлашда ўзига хос методларни қўллаган. Бошида ўзидан ажратишни, ҳаётга тайёрлашни ҳам билмаган ота-она бора-бора болани жамиятда ижтимоийлашувига аҳамият берадиган, шу жараёнга ёрдам берадиган бўлиб борган, ота-онадаги эгоизм болалардагига айланиб борганки, ҳозирги даврда кўпгина ота-оналар фарзандларининг фақат ўзини ўйлаши, ота-онани тушунмаслигидан нолийдиган ҳам бўлиб қолган. Лекин аслида тарихий ривожланиш тенденцияларига эътибор берилса, бунга фақат ота-оналарнинг ўзлари айбдордирлар.

Репродуктив хулқ психологияси

Оилада фарзанд туғилиши, унинг сони ва тарбия бериш имкониятлари масаласи ҳар доим ҳам долзарб бўлган. Лекин айрим Ғарб давлатларида, жумладан, Россияда оилада бола сонининг кескин камайиб кетиши муносабати билан эр-хотиннинг репродуктив ҳукуқи, маданияти ва хулқи масаласи айна даврда ўта долзарб масаладир. Рус олими *С.П.Капицанинг* (1999) пессимистик башоратига кўра, Россияда 1995–2025 йиллар оралиғида туғилишнинг камайиши 2 млн.дан (оптимистик башорат) 32 млн.гача тушиб (пессимистик башорат) кетади, бу рақамга 1995 йилги 147,9 млн. аҳоли сони асос қилиб олинган. Шунинг учун жаҳон олимлари, Халқаро аҳолишунослик жамғармалари (жумладан, ЮНФПА, ЮНИСЕФ) оилада соғлом бола туғилиши сиёсати орқали Ер юзининг турли минтақаларида репродуктив хулқни мувофиқлаштириш масаласига алоҳида эътибор бериб, конкрет тадқиқотлар ўтказмоқда. Бундаги асосий муаммо – онанинг репродуктив хулқини бошқариш ва мувофиқлаштириш, унинг саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом зурриёд туғилишини кафолатлашдир.

Репродуктив хулқ – бу оилада фарзанд туғилиши билан боғлиқ хулқдир. У оила аъзоларини ўз даврининг фуқароси сифатида ижтимоий келиб чиқиши, ёши, саломатлиги даражаси, маданиятига бевосита боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатидир. Бу ҳаракатларнинг асл мотиви аввало инсондаги ўзидан насл қолдириш, оилада эр-хотинлик бурчини адо этишга бўлган иштиёқ ва лаёқатга бориб тақалади. Россиялик аёллар ўртасида ўтказилган сўровларга кўра, улар хоҳлаган бола сони (2,8) реал болалар сонидан анча ортиқ. Шундан *А.Антонов*, айна даврда одамлар ўз репродуктив вазифаларини адо этмаяптилар, деб хулоса қилади. Кўпинча, репродуктив

хулқнинг мотивлари одамнинг бошқа турдаги фаолият мотивлари таъсирида сўниб бормоқда, аввало бу ҳаракат оилада содир бўлса-да, у аёл кишининг шахсий ишидай тасаввур этилади ва аёлнинг бола туғиб бериш орқали ўзини намоён этиши, эрининг муносабатларини кескин ўзгартириш, унга таъсир (тазйиқ) кўрсатиш, устидан ҳукмрон бўлиш, кимнидир севиш ва унга ғамхўрлик қилиш эҳтиёжини қондиришга бориб тақалади. Қуйидаги 7.1-жадвалда *А.Антонов* ўтказган тадқиқотлар асосида репродуктив ота-оналик кўрсаткичлари келтирилган.

7.1-жадвал

Оилада эр-хотиннинг репродуктив кўрсаткичлари ҳақида маълумот
(*А.И. Антонов* тадқиқотлари бўйича)

Репродуктив ота-оналик кўрсаткичлари	1935-1940 й.й.	1975-1979 й.й.	1995 йил
Репродуктив даврнинг давомийлиги	18,8	7,2	2,5
Никоҳга кирган аёлларнинг ўртача ёши	24,0	22,9	22,5
Никоҳга киргандан то бола туғилгунча бўлган давр	1,9	1,3	1,1
Биринчи фарзанд туғилган пайтда онанинг ўртача ёши	25,9	24,2	23,6
Фарзандлар туғилиши орасидаги давр	5,5	4,2	2,6
Охирги фарзандини туққанда онанинг ўртача ёши	44,7	31,4	26,1
Репродуктив даврнинг давомийлиги	20,7	6,7	3,6

Рақамлардан сўнгги 60 йилдан зиёд вақт оралиғида аёлларнинг эртароқ турмуш қуриши, репродуктив функцияларнинг ёмон бажарилиши, яъни ушбу даврнинг қисқариб бораётганлиги, оналик даврининг ҳам камлиги, эрта ёки ўта кеч она бўлиш ҳолатларининг кузатилаётганлиги аён бўлиб турибди. Демак, репродуктив хулқнинг асосий параметрларида жиддий ўзгаришлар кузатилмоқда.

Бу каби муаммолар Ўзбекистон учун ҳам хосдир. Лекин бизда хотин-қизларнинг репродуктив маданияти ва установакалари Европа мамлакатларидагидан фарқ қилади.

Мамлакатимиз аҳолисининг репродуктив установакаларини ўрганиш бўйича олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, айти пайтдаги фарзандлар сони – реал бола сони сўралувчиларда шаҳар билан қишлоқда ўзига хосликка эга (7.2-жадвал). Масалан, 2002 йилда шаҳарлик респондентларнинг 34,9

фоизи 2 та фарзандга, салкам 30 фоизи 3 та фарзандга эга бўлса, бу рақамлар 2004 йилда мос равишда 33,6 ва 25,2 ни ташкил этди.

Қишлоқ оиласидаги реал репродуктив установка 2002 йилда 37,7 фоизи 2 та, 24,0 фоизи 3 та, 19,2 фоизи 1 та болали бўлган бўлса, 2004 йилда 2 ва 3 нафар фарзандлилар камайган, негадир кўпболалилар ошган, бу рақамларни яна бир такрор текшириш керак. Чунки 2003 йилда Фарғона водийси, Самарқандда ўтказилган тадқиқотларида кўп болали оилалар сони кескин камайган.

7.2-жадвал

“Нечта фарзандингиз бор?” саволига берилган жавоблар

Фарзандлар сони	“Ижтимоий фикр”		“Оила”	
	шаҳар	қишлоқ	Шаҳар	қишлоқ
1 та	16,4	9,8	17,4	19,2
2 та	33,6	20,6	34,9	37,7
3 та	25,2	21,2	29,4	24,0
4 та	12,7	27,9	10,2	16,2
5 ва ундан кўп	12,1	27,9	0	1,5

Идеал установкалар (7.3-жадвал) 2002 йилга нисбатан 2004 йилда 2 та фарзандли оила ҳисобига ўзгарган: масалан, “Ижтимоий фикр” маълумотларида ҳам 2002 йилги 31,6 фоиз, 2004 йилда 35,6%га кўтарилган. “Оила” марказининг маълумотларида ҳам 15,6 фоиз 26,5 фоизга ўзгарган. 4 нафар ва ундан ортиқ болали оилалар “Оила” маркази ҳисоботларида камайган: 42,4 дан 30,8 га, лекин “Ижтимоий фикр”да бироз ўсиш бор: 28,8 дан 30,8 гача ошган.

7.3-жадвал

“Сизнингча оилада нечта фарзанд бўлиши керак?” саволига олинган жавоблар
(“Ижтимоий фикр” ва “Оила” маркази маълумотлари)

Йиллар	Ташкилотлар	1 та	2 та	3 та	4 ва ундан ортиқ	Бошқа жавоблар
2004	“Ижтимоий фикр”	2,7	35,6	27,5	24,4	4,9
	“Оила”	3,4	26,5	33,8	30,8	5,5
2002	“Ижтимоий фикр”	2,2	31,6	29,0	28,8	4,1
	“Оила”	0,7	15,6	33,2	42,4	8,1

Кўриб турганимиздек, репродуктив маданият ошгани сари реал ва идеал установкаларда ҳам муайян ўзгаришлар содир бўлмоқда. Муҳими – юртдошларимиз бугунги кунга келиб, оилада фарзанднинг борлиги унинг мустаҳкамлиги омили эканлигини чуқур англаган ҳолда, соғлом онадан туғилган соғлом бола унинг бахт-саодати эканлигини тўла англайдилар. Шу боис ҳам олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллашиб бораётган ўрни уларнинг репродуктив

хулқларига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Перинатал психология

Психология фанида ишлатиладиган “перинатал” тушунчаси билан тиббиётда ишлатиладиган тушунча ўртасида муайян фарқ бор. Тиббиётда перинатал давр ўз ичига ҳомиланинг она қорнидаги 28 ҳафталик тараққиёт даври билан бола туғилгандан кейинги 7-10 кунлик давр оралиғини назарда тутди. Перинатал психологияда эса ҳомила пайдо бўлган даврдан токи чақалоқнинг она билан биргаликда, эмоционал боғлиқликда кечадиган яхлит давригача бўлган вақт назарда тугилади. Психология учун боланинг эр ва хотин қўшилиши натижасида қандай конструктив ёки деструктив мотивлар асосида пайдо бўлиши ҳам аҳамиятлидир. Айниқса, аёлнинг ҳомиладорлик давридаги ҳис-кечинмалари, боланинг қанчалик кутиши каби психологик омиллар кейинчалик у билан амалга ошириладиган психотерапевтик ишларда амалий аҳамият касб этади. *И.В. Добряков* (2003) ҳомиладор аёлларнинг шу давр мобайнидаги психологик кечинмаларининг шакллари шундай тафовутлайди:

оптимал тип;

гипогестагнозик тип, яъни, турли сабабларга кўра, ҳомиладор аёл ва уни ўраб турганларнинг унинг ҳолатига эътибори камлиги кўринишида (масалан, талаба бўлган ҳомиладор аёл ўқиши ташвишлари билан ҳомиласига етарли вақт ажратиб эътибор беролмайди);

эйфорик тип, яъни ҳомиладор аёлнинг янги ҳолатидан ўта лаззатланиши, бутун вужуди билан “маза” қилиши ҳолати;

хавотирли тип;

депрессив тип.

Аёлнинг ҳомиладорлик даврини қандай бошидан кечириши унинг она бўлганидан кейинги хулқ-атворини белгилайди. Туғиш билан боғлиқ ташвишлар психоаналитик йўл билан *О.Ранк* ва *С.Грофф*лар томонидан батафсил ўрганилган. Туғруқдан кейинги давр эса яна психологик жиҳатдан алоҳида давр бўлиб, у иккала томоннинг фарзанд туғилишига бўлган ҳиссий муносабати характеридан келиб чиқади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади ва қадрланади. Лекин масаланинг муҳим жиҳати шундаки, никоҳга киришнинг энг долзарб мотиви фарзанд кўриш бўлгани сабабли, аксарият оилаларда аёлнинг петенатал даврида унга алоҳида меҳр кўрсатиш, ғамхўрлик қилиш ҳам миллий анъаналаримизга айланган.

Оналик ва оталик психологияси

Оилавий муносабатларнинг энг таъсирли, жозибали ва муҳим бўлаги – бу она-бола муносабатларидир. Уларнинг муҳимлиги шундаки, айна дастлабки мулоқот ва меҳрли муносабатлар боланинг кейинги психик ва ақлий тараққиётини ҳамда онанинг хулқ-атворини шакллантиради.

Бола туғилишининг дастлабки онларида она ва бола ўзаро ҳиссан ва психологик жиҳатдан боғланган бўлиб, иккаласи бир тан, бир вужуд ҳисобланади. Шу боис уларнинг муносабатларида симбиотиклик (бир хиллик, қўшилиб кетганлик, яхлитлик) бўлади. Бола улғайиб, катта бўлгани сари улар ўртасидаги масофа, психологик дистанция ортиб бораверади, симбиоз муносабатлар ақлий-когнитив муносабатлар шаклидаги психологик алоқаларга айланиб кетаверади.

Чақалоқнинг жисмоний ўсиши ва ривожланиши табиийки, онанинг ғамхўрлигига бевосита боғлиқ. Шуниси муҳимки, бола учун ҳар қандай ғамхўр ва меҳрибон инсон унга она ўрнини босиши мумкин (бувиси, отаси, энагаси). Лекин кимнингдир доимий ғамхўрлиги, яъни, меҳрибон инсоннинг – “объект”нинг доимийлиги бола ривожланиши учун ўта муҳим ҳисобланади. Бола бир ёшга тўлгунча бўлган даври новербал мулоқот даври ҳисобланиб, ундаги барча ўзгаришлар онаси ёки яқинлари билан бўладиган эмоционал, бевосита муносабатларнинг натижаси бўлади ва бора-бора муомалага тил ва товушлар билан боғлиқ белгилар кириб кела бошлайди. Онанинг барча сайъи-ҳаракатлари бу даврда бола психик ривожланишининг муваффақиятини белгилайди.

Агар ота ва она томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик доимий ва самимийлик касб этса, бу Э.Эриксон таъбири билан айтганда, “мутлоқ ишонч” (базальное доверие)га асос бўлади. Яъни, ҳақиқий, ғамхўр она боласининг айна пайтдаги барча эҳтиёжларини қалбан ҳис этиб, ўша захоти қондиришга ҳаракат қилади, масалан, чанқаса сув, оч қолса – кўкрак сути, пешоб қистаганда, тўсиш каби ишларни ўз вақтида бажариб боради. Онанинг бола эҳтиёжларини шу каби аниқ билиб, ўз вақтида меҳр кўрсатиши баъзан интуитив тарзда кечса, баъзан она ўзини бола билан идентификация қилади, яъни, ўзини унинг ўрнига қўйиш орқали, унинг талаб-истакларини сезгандай бўлади, “вужуди билан ҳис этади”. Бундай ҳис қилишлар одатда она томонидан аниқ англабмайди, лекин, табиийки, онанинг кечинмалари ва сезишлари тўғри чиқади. Лекин баъзан педиатр ёки бошқа мутахассис билан боланинг ҳолати ҳақида фикрлашганда айрим ҳолларда ўзининг интуитив қарорлари тўғри ёки нотўғри эканлигини англаб қолади.

Тан-вужуд билан она ва боланинг яхлитлиги ўзига хос ҳиссиёт бўлиб, у кўпинча “холдинг” (инглизча “*тутиш*”, “*ушлаш*” сўзидан олинган) тажрибасидан келиб чиқади. Яъни, она ўз боласини қўлида ушлаб, бадани баданига текканда ҳис қиладиган кечинмалари орқали боладаги ўзгаришларни туяди, ҳис қилади. Винникотт деган олимнинг фикрича, “холдинг” тажрибаси яхши бўлмаган оналарнинг шахсий муаммолари кўп бўлиб, улар болани қўлида ушлаганда ҳам деярли ҳеч нимани ҳис этмайдилар. Ана шундай чақалоқларда кейинчалик ихтиёрий психик

функциялар ривожда муайян муаммолар бўлиши мумкин, масалан, ихтиёрий равишда диққатни бир нарсага тўплаш, ихтиёр ҳолда у ёки бу нарсани эслаб қолиш, гапириш, мантикий фикрлаш ва шунга ўхшаш.

Гапириш, нутқ фаолияти билан боғлиқ психик функциялар кўпинча *синхронизация* жараёнида шаклланади. Боласини суйиб, унинг ҳис-кечинмаларини билиш қобилятига эга бўлган она одатда фарзандининг психик ривожланишида барча қилиқларини, улардан қандай фойдаланиш малакаларини орттириб боради. Масалан, болада баъзан шундай ҳолат бўладики, унда онага бола билан фаол коммуникатив фаолиятни амалга ошириш ноқулай бўлади, гўдак инжиқлик қилиб, ҳеч нарсага кўнмай қолади, буни сезган она болага гапиравермай, жимгина тоза ҳавода сайр қилдираверса, маълум вақт ўтгач, фарзандидаги чарчоқ ёки бошқа сабабли пайдо бўлган ҳолат ўтиб кетади, у яна жонланиб, онага талпинади, у билан мулоқотни давом эттиради. Шунини инобатга олмаган ҳолатларда коммуникатив омадсизлик (*Винникотт*) содир бўлади, бунинг оқибатлари психологияда яхши ўрганилган.

Боладаги когнитив ривожланиш, яъни фикрлар тарбияси, дунёқарашларнинг шаклланишига ҳам онанинг хулқ-атвори катта таъсир этади. Инглиз олимларининг кузатишларида (*У.Р. Бион*) онанинг ҳар бир ҳаракати, мимикалари боланинг тепасида туриб, унга қиладиган муомаласи, эркалалари бора-бора бола ўзлаштирадиган алоҳида иборалар, сўзларда намоён бўлади. Видео тасмаларда шу нарса намоён бўлганки, онанинг қилиқлари тобора боланинг нутқли-нутқсиз, мантикий-мантиқсиз ҳаракатларига, ишораларига айланиб боради, кейинчалик бола алоҳида сўзларни талаффуз қила бошлаганда ҳам беихтиёр онанинг мимикалари, талаффуз услубларини қайтаради. Шу тариқа онанинг бевосита иштироки ва ёрдамида бола дунёни танийди, ўрганади.

Оламни она орқали билишга имкон берувчи психологик ҳолатлардан яна бири – бу ҳиссий-эмоционал боғланганликдир. Инглиз психиатри *Жон Боулби* томонидан ишлаб чиқилган, турли ҳаётий вазиятларда она-бола муносабатларида *М.Эйнсворт* деган олима томонидан текширилган эмоционал *боғланганлик назарияси* одатда етти ойликдан кейинги боланинг онага жуда боғланиб қолиши ва шу орқали бола учун муҳим психологик ривожланишлар рўй беришини исботлаган. Масалан, 12 ойликдан 18 ойликкагача бўлган боланинг онасидан 3 минутга айириб туриб қайд этилган хулқига қараб, олимлар ҳиссий боғланганликнинг 4 хил шаклини ажратишган:²

Ишончли боғлиқлик. Бола бундай шароитда онасини ишонч билан қидиради, атрофни ўрганади; кетиб қолганини сеза бошлагач, тушкунликка тушади, хафа бўлади, онаси қайтгач, уни зўр хурсандчилик билан кулиб кутиб олади,

²*Калмыкова Е. С., Падун М.А. Ранняя привязанность и ее влияние на устойчивость к психической травме: Постановка проблемы (Сообщ. 1) // Психологический журнал. – Т. 23. – М.: 2002. – № 5. – С.*

онасига талпинади;

Четлашувчи боғлиқлик. Онаси кетиб қолганлигини билгач, атрофга қарайди, кидиради, лекин она қайтгач, унга талпиниши минимал бўлиб, хаттоки, тескари қараб ҳам олади, ўйинчоқларини ўйнашда давом этаверади;

Авбивалент боғлиқлик. Онаси кетгач, гўёки қотиб қолгандай депрессияга тушади, ўйнамайди ҳам атрофга қарамайди ҳам; онаси қайтгач, онасига талпинмайди ҳам, ундан қочмайди ҳам. Унинг хафалигини ҳам, хурсанд эканлигини ҳам англаш қийин бўлади;

Тартибсиз боғлиқлик. Болада онага нисбатан боғлиқликни кузатиш қийин, гўёки болага барча нарса бефарқдай, қилиқларда мантиқни кузатиш мушкул.

Р.Ж. Мухамедрахимов (1998) ўз тадқиқотларида “хавфсиз боғлиқлик” атамасини ишлатади. Бунда она-бола муносабатлари жуда текис, равон, бир-бирига монанд, самимий кечади. Оила мухитида, яхши ижобий муносабатлар доирасида кечган боғлиқлик билан ота-онасиз ўсган етимхонадаги болалардаги боғлиқлик ўрганилганда, айтилган хавфсиз боғлиқлик борасида улар ўртасида катта тафовут борлиги исботланган.³

Шундай қилиб, онанинг болани нормал психик тараққиётида роли улкан. Бу таъсир боланинг чақалоқликдан кейинги давларида ҳам ўз кучини сақлаб қолади.

Оналик	хулқ-	Олимлар онтогенетик тараққиёт даврида
атвори-нинг		яхши она бўлишга сабаб бўлувчи қатор омиллар
шаклланиши	қато-	

рида қиз боланинг ўз онаси билан ёшлигидан бошидан кечирган мулоқот тажрибасини, оиласида онага ва оналикка муносабат хусусиятларини, ўз оиласида кичкина болалар билан мулоқот тажрибаси борлигини инобатга оладилар (*Филлипова Г.Г.*, 1999)⁴.

Бу жараёнда қизчанинг она томонидан қандай тарбияланганлигидан ташқари, муайян маданий манбалар билан танишлиги ҳам катта аҳамият касб этади. Масалан, онасидан қандай эртақлар эшитгани ёки қандай ўйинчоқлар ўйнагани бевосита унинг келажакда қандай она бўлишига таъсир этади. Масалан, ёшлигидан меҳрибон она ҳақида эшитганларини, эртақ ҳолида бўлса ҳам ёвуз кампирлар, ялмоғиз аёллар, ўғай оналар ҳақида эшитганлари билан тўғри солиштириш тажрибаси бор қиз ўзининг истикболдаги ҳаракатининг йўналишини белгилаб олиши мумкин. Ёки кўғирчоқларни эркалатиши, онасидай ғамхўрлик қилиши ҳам ижобий тажриба, лекин минг афсуски, ҳозирги пайтда ишлаб чиқарилаётган “барби” каби кўғирчоқлар қизчаларда оналикни эмас, кўпроқ аёллик фазилатларини, олифтачиликни

³ *Авдеева Н.Н., Хаймовская Н.А.* Зависимость типа привязанности ребенка к взрослому от особенностей их взаимодействия (в семье и Доме ребенка) // Психологический журнал. – М.: 1999. – Т. 20. – № 1. – С.

⁴ *Филлипова Г.Г.* Материнство: Сравнительно-психологический подход // Психологический журнал. – М.: 1999. – Т. 20. – № 5. – С.

тарбиялайди. Замонавий эртактларнинг айримларида ҳам тарбияга зид келадиган сюжетлар кўп. Ўзбеклар суйиб кўрадиган мультфильмлар, масалан, “Зумрад ва Қиммат” эртактларини ҳам агар она тўғри шарҳламаса, бола онгида нотўғри тасаввурлар шаклланиб қолиши, ўғай онанинг албатта жоҳил, отанинг ҳамиша бўйсунувчанлиги тўғрисидаги чалкаш тушунчалар пайдо бўлиши мумкин.

Онадаги туғруқдан кейинги депрессия – чақалоқ туғилгандан кейинок айрим оналарда пайдо бўладиган руҳий ҳолат. Бу ўзига хос хасталик бўлиб, унинг олдини олиш учун кўп ҳаракатлар қилинмоқда, чунки бунда ҳам психологик омилларнинг роли катта. Кузатишларнинг кўрсатишича, агар оилада эр-хотин муносабатлари яхши бўлмаса, отанинг болага эътибори етарли бўлмаган вазиятларда, онага амалий ҳамда молиявий кўмак бериш йўлга қўйилмаган бўлса, шу каби қийинчиликлар онада депрессияни ҳосил қилади (Rodrigues ва бошқалар, 2003).

Оналик депривацияси. Оналик депривацияси *очиқ* (агар она ўз оналик бурчини бажармай, боладан айрилган бўлса) ва *яширин* (боладан яширин воз кечиш, уни ёқтирмаслик ёки бирор сабаб туфайли болага яқин кела олмаслик ҳолатларида) бўлиши мумкин. Иккала ҳолатда ҳам бола тараққиёти учун ниҳоятда салбий, хавфли вазият юзага келадик, айрим ҳолларда бола ҳаттоки, нобуд ҳам бўлади. Масалан, чақалоқ туғилгач, хаста бўлгани учун унинг узок вақт мобайнида касалхонада қолиши ҳам оналик депривациясига сабаб бўлади. Бу орада унда оналик меҳри уйғонмайди, у янги чақалоққа бефарқ бўлиб қолади. Бунинг оқибатлари қанчалик оғир бўлиши онанинг ёшига ва айрилиқнинг муддатига боғлиқ. Агар шунга ўхшаш ҳолатни бошидан кечиган она жуда ёш бўлса, унда боланинг психик тараққиётида жиддий асоратлар қолади, у ўз хулқ-атворини назорат қила олмайдиган, жиззаки, одамови, жиноятга, ҳаттоки, ўз жонига қасд қилишга ҳам мойиллиги юқори бўлиб вояга етади.

Она боланинг ёнида бўла туриб, ундан яширин тарзда воз кечган ҳолатда ҳам болада невротик хусусиятлар ривожланади, айниқса, бола шахслараро муносабатларда нўноқ, урушқоқ бўлиб, қарорлар қабул қилишда қийналади, ижтимоийлашув жараёни ниҳоятда мураккаб кечади. Кўриб турганимиздек, онанинг болага психологик яқинлиги унинг истиқболини, шаклланажак ижобий фазилатлари, жамиятдаги ўрни ва нуфузини белгиловчи муҳим омилдир.

Оталик психологияси оналик психологиясига нисбатан кам ўрганилган соҳа. Оталар хулқини ўрганиш шуни кўрсатдики, улар ҳам ғамхўрлик ва самимийлик жиҳатидан аёллардан кам эмас, керак бўлса, улардан ҳам меҳрибон бўлишлари мумкин. Дастлаб ота ҳам, она ҳам болага нисбатан бир хил меҳрибонлик тимсолида намоён бўлгани учун, улар ўртасидаги фарқни чақалоқ деярли ҳис этмайди. Бир ёшга тўлгач, бола отасини алоҳида мустақил шахс сифатида идрок эта бошлайди, ўзаро муносабатлар триада шаклига ўтади. Отаси ва онасининг ўзаро муносабатларини кузатиб, бола

тобора айрим алоҳида олинган мустақил, дистанцион муносабатларнинг маъносини тушуна боради.

Годфруанинг олган натижаларига кўра, бир ёшлик бола отаси билан бўладиган ўзаро муносабатларни кадрлайдиган, хоҳлайдиган бўлиб боради. Онанинг муносабатларидан фарқли, ота боласининг жинсига қараб ўзига хос муносабатни ўрната олади; ўғил болага эркакларча, қиз болага бошқача. Шу тариқа боланинг ўз жинсини англаши, гендер тафовутлар тўғрисида тасаввурлар шаклланади. Умуман, оилада отанинг бўлиши боланинг ижтимоий кўникмалари шаклланишида катта аҳамият касб этади. Буни бизнинг кузатишларимиз ҳам тасдиқлаган. Отанинг меҳри қиз бола учун ҳам шу қадар муҳимки, у ота-она муносабатларини ҳаёти мобайнида кузатиб бориб, келажакда ўз турмуш ўртоғига қандай муносабатда бўлиш лозим, деган саволга жавоб топади. Она хулқига қараб эса, турмуш ўртоғи билан бахтиёр яшаш учун аёл қандай бўлиши керак, деган саволнинг маъзини чақади. Шунинг учун ҳам қиз бола учун ҳам, ўғил бола учун ҳам оиланинг бутлиги, ота-она муносабатларининг илиқ, самимий, гуманистик бўлиши катта ҳаётий аҳамият касб этади.

Ота-оналик установакалари ва тарбия шакллари

Оила, ундаги шахслараро муносабатлар, эр-хотин ва ота-она ҳамда болалар муносабатлари кўплаб тадқиқотларнинг объекти ва предмети бўлган. Бу борада Ўзбекистон олимларининг ишлари ҳам диққатга молик. Лекин бу ҳақда маҳаллий матбуотда, Республика “Оила” илмий-амалий маркази томонидан чоп этилган қатор рисола ва қўлланмаларда батафсил баён этилганлиги сабабли, бу борада жаҳон адабиётида келтирилган илмий изланишларнинг қонуниятларини баён этишга қарор қилдик.

Хусусан, ота-оналик установакалари ва уларнинг фарзанд тарбиялаш услублари муаммоси россиялик қатор изланувчиларнинг асарларида қайд этилган (*А.Е. Личко*, 1979; *А.А. Бодалев*, *А.А. Столин*, 1989; *Э.Г. Эйдемиллер*, *В.В. Юстицкий*, 1999). Ота-оналикнинг энг муҳим сифатларига аввало – *протекция* ёки фарзандларини тарбиялаш учун сарфланадиган куч, вақт ва эътиборнинг мезони, боланинг турли эҳтиёжларини қондириш даражаси, интизомга чақириш билан боғлиқ талаблар даражаси, таъқиқловлар ёки боланинг хулқини жиловлаш учун ишлатиладиган санкциялар тизими киради.

7.4-жадвал

Ота-оналик хулқ-атворига кўра оилада бола тарбиясининг услублари

Тарбия услуги	Пр отек-ция	Эҳтиёж ларни қондириш	Тал абчан-лик	Таъ қиқ-лаш	С анкция
------------------	----------------	-----------------------------	------------------	----------------	-------------

Ҳаддан зиёд ғам- хўрлик кўрсатиш гиперпро текция	+	+	-	-	-
Ғамхўрл икдан устун келувчи гиперпротекци я	+	±	±	+	+
Ортиқча ахлоқий масъулият	+	-	+	±	±
Эмоцион ал раддия	-	-	±	±	±
Ўта каттиққўл-лик	-	-	±	±	+
Гипопрот екция	-	-	-	-	±

Ушбу мезонлар асосида турли оилаларда ота-оналарнинг ўз фарзандларини тарбиялаш услубларини фарқлаш мумкин. (7.4-жадвал).

Гиперпротекция – ота-оналарнинг фарзандларига нисбатан ҳаддан зиёд эътибори бўлиб, бу уларнинг бола тарбияси учун куч, вақт ва эътиборни аямасликларида намоён бўлади. Ота-она бу ишни ҳаёт тарзига айлантиради, яъни она учун ҳам, ота учун ҳам бола тарбияси ҳаётининг мазмун-муддаосига айланади.

Гиперпротекция – ота-она томонидан боланинг барча истак, тилак ва эҳтиёжларини кўр-кўрона, танқид ва мулоҳазасиз қондиришга интилиш; болани ҳар қандай қийинчиликлар ва тўсиқлардан ҳимоя қилиш, унинг барча истакларини жойида бажо келтириш, эркалатиш, оддий ютуқларидан қувониш, хатоларини сезмасликка қаратилган ҳаракатлар. Боласи учун “жонини жабборга берувчилар” одатда ўзлари билмаган ҳолда фарзандларига ёмонлик қилаётганликларини сезмайдилар, натижада бола келажақда ишга тоқати йўқ, кўпчиликнинг ичида ўзини тута олмайдиган, ҳаётнинг паст-баландликларида ўзини ночор ҳис этадиган, тантиқ, эрка бўлиб қолади. Айниқса, бола ўсмирлик ёшига етганда, эрка, тантиқ бўлгани учун дўстлари ва тенгқурлари даврасида ҳам ҳамма айтганлари бўлишини истайдиган, лидерликка интилувчанлигини намоён этгиси келади, лекин иккинчи томондан, аслида унда бундай сифатлар бўлмайди. Гап шундаки, бундай ҳолатларда ота-она зурриёди тимсолида илгари ўз ҳаёт тажрибасида эришолмаган армонларини рўёбга чиқаргиси келади, уларнинг тарбия

услуглари айнан шунга қаратилган бўлади, лекин бола кўп жиҳатдан ночор эканлигини кейинчалик ижтимоий муҳитнинг турли вазиятларига тушганида ҳис эта бошлайди.

Ғамхўрликдан устун келадиган гиперпротекция – бунда эркалатишдан кўра ота-она томонидан боласининг ҳар бир юрган қадами ва хатти-ҳаракатини назоратга олиш орқали унга эътибор бериш назарда тутилади. Шунинг учун бу тарбия услубида турли хил таъқиқлар, чегаралашлар (“у мумкин эмас”, “бу мумкин эмас” қабилида) бисёр бўлади. Бундай шароитда катта бўлган бола одатда мустақил фикрли, мустақил қарорлар чиқарувчи бўлолмайди, лекин салга жаҳли чиқадиган, кўп нарсалардан норози ҳолда катта бўлади, чунки у доимий назоратга, бировларнинг ҳамма йўл-йўриқларни кўрсатиб, айтиб беришларига ўрганиб қолади: онасисиз дарс таёрлай олмайдиган, отасисиз кўчага чиқмайдиган бўлади, барча ишларида катталарнинг аралашувида кўникиб кетади.

Ўта кучли ахлоқий масъулият – бунда ота-она томонидан болага нисбатан талаблар даражаси юқори бўлади, лекин унинг асл хоҳиш-истаклари, эҳтиёжлари унчалик эътиборга олинмайди. Ота-она боласининг келажагини пухта қилишни ўйлаб, унинг юриш-туриши учун ўзларини масъул деб ҳис қилган ҳолда, шахсий тасаввуридаги инсонни яратишга, шахсни шакллантиришга уринадилар, баъзан назорат остида боланинг ёши, ақлий ёки жисмоний имкониятларига зид талаблар, топшириқлар ҳам берилаверади. Масалан, “сен тўнғичимизсан, укаларингга сен қарашинг керак”, деган маънода унга оиладаги кичик аъзоларга ёки касалликка чалинган оила аъзосини парвариш қилиш каби масъулиятли ва оғир ишлар ҳам юкланади.

Эмоционал раддия – бунда ота-она боласини шундай тарбиялайдики, унинг ота-она ҳаётида у ўзига яраша ташвиш, ортиқча юк эканлиги, у бўлмаганида ота-онанинг ҳаёти бошқачи бўлиши мунтазам равишда эслатиб турилади. Агар бу фарзанд оилада ягона бўлмаса, бошқа арзандароқ, суюклироқ инсон бўлса, вазият янада оғирлашади, “сен бўлмаганингда...” ёки қиз болага қараб: “Сенинг ўрнингда ўғил бўлганда эди...” қабилидаги кесатиклар тез-тез айтиб турилади.

Айрим ота-оналар бу каби эмоционал жиҳатдан боласини рад этаётганлигини яширишга уринади, “нега болани ёқтирмайсан?” каби саволларга аслида уни севиши, кераклигини таъкидлаган билан барибир бола ота-онаси учун ортиқча ташвиш эканлигини ҳис қилиб яшайди ва тезроқ мустақил бўлиб олиб, уларни ташлаб кетишни, алоҳида яшашни ихтиёр қилиб қолади. Она қанчалик ўз меҳрибонлигини сунъий равишда намоён этишга уринмасин, бола барибир уларнинг самимий эмаслигини қалби билан ҳис этади. Айниқса, отаси билан ажралишган ёки ота ташлаб кетган ҳолатларда онанинг бундай муносабати болага жуда оғир ботади.

Қаттиққўллик – бир қарашда эмоционал рад этишга ўхшайди, лекин ундан очикроқ ва оғирроқдир. Қаттиққўллик тўғридан-тўғри болани ёшлигидан калтаклаш, ҳақорат қилиш, камситиш шаклида ёки бола

эҳтиёжларига тўла бефарқлик, унинг бор-йўқлигини гўёки сезмаслик каби кўринишларда бўлиши мумкин. Иккала ҳолатда ҳам бола ёшлигидан нима қилиб бўлса-да, тезроқ катта бўлиш, ўзи амаллаб тирикчилигини қилиш, ота-она тазйиқидан қутулишни ўйлаб яшайди. Бундай оилада болани у ёки бу хулқи учун жазолаш одат тусига кириб қолади, бола кўрққанидан ота-она ҳукмига итоат этаётганлиги, бунинг истикболда ёмон асоратлари борлигини катталар билмайдилар, билсалар ҳам бу усул улар учун самарали туюлади. Айбдорлик, айбга яраша жазо каби усуллар бола хулқ-атворини бошқарувчи психологик омилга айланади, у ҳам келажақда доимо айбдорларни қидиришга ўрганиб боради.

А. Фрейд назариясига кўра, ана шундай жазога ҳукм этилган бола тобора агрессив бўлиб бориб, ўзида аламни қайсидир бир объектдан (ўзидан кичиклардан, бегоналардан, ҳайвонлардан) олишга қасд қиладиган, қасоскор бўлиб ўсади. Маълумотларга кўра, Америкада кўча болаларининг камида 1%и оилада айни шундай тарбиянинг қурбонидирлар.

Америкалик олим *С.Д.Шерритс* (2003) оиладаги ана шу каби қаттиққўлликларнинг бола ва ота-она хулқ-атворига салбий таъсирини ўрганиб, уларнинг характерида рўй берадиган ўзгаришларга тўхталиб ўтган. Жисмоний жиҳатдан болага зуғум қилиб, уни калтаклаш ҳолатлари деярли барча ижтимоий қатлам вакиллариغا хосдир. Ҳаётда, иш-фаолиятида омади келмаган ёки бахтсиз муҳаббат қурбони бўлган, лекин фарзанд кўрган аёлларнинг аксарияти аччиғини боласидан олишга мойиллик таркиб топади, бу тобора ҳаётини кўникмага айланиб боради. Айниқса, стресс омиллар таъсирида ота-она (масалан, ишсизлар, уйи йўқлар, иш қидириб бошқа ерларга кетиб қолган мигрантлар, этник ёки молиявий зиддиятларнинг қурбонлари, камбағаллар) ўз ижтимоий муаммоларини ҳал қилаолмай, туғилган боласидан ўч ола бошлайди.

Турмушдаги муаммолар қанчалик ота ёки она учун мураккаб туюлса, уларнинг боласини калтаклаши, ундан ўч олиш эҳтимоли шунча юқори бўлишини олимлар ўрганишган. Шуниси характерики, боласини тез-тез дўппослайдиган ота-она айрим ҳолатларга унга қаттиққўлликларининг сабабини айтиб, бу каби ҳаракатларни нима учун, нима сабабдан амалга ошираётганлигини тушунтиришга ҳам жазм қилади, болани уларни тушунишга, ҳаттоки, кўмак беришга чақиради. Масалан, топганини ўзи кўчада еб, алкогольга алмаштириб келиб, аччиғини яна боладан олади-да, пули асли кам эканлигини, ичмаса туролмаслигини болага тушунтиради. Бунда боланинг ёши унчалик аҳамиятли ҳам эмас, 2 ёшдан ўтган болага нисбатан жазо чоралари кўрилганлигини айрим ҳолатларда ОАВда акс эттирилади.

Гипопротекция – шундай ҳолатки, унда ота-онанинг бола билан шуғулланишга ё вақти етишмайди, ёки бу ишни бошқаларга юклаб қўяди. Айрим ота-оналар шу тарзда ҳаёт кечириб, фарзандларини умуман назорат ҳам қилмайди, унинг тақдирига бефарқ бўлади, ғамхўрлик кўрсатмайди, боласининг келажагига қайғурмайди. Гипопротекциянинг яширин шаклида

ота-она бола устидан номига нималардир қилгандай бўлади. Лекин аслида уларни фақат ўзларининг кундалик муаммолари қизиқтиради. Бола бу ҳолатларни таҳлил этиб, ўзининг керак эмаслигини, оилада ортиқча эканлигини англаб боради.

Ташлаб қўйилган болалар ёки ташландиқ болалар – одатда ёшлигидан на моддий, на маънавий эҳтиёжлари қондирилмаган болалардир. Улар масалан, қорни тўймаганидан жисмоний тараққиётдан орқада қолса, назорат ва эътиборнинг йўқлигидан турли жинойт йўлларига кириб қолади, яхши, самимий эътибор ва меҳрнинг йўқлигидан жамиятда, одамлар орасида ўз ўрнини топишга қийналадиган, одамови, саводсиз бўлиб ўсади. Буларнинг барчаси уларнинг келажакда жинойт йўлларига кириб қолишига ёки зарарли одатларга ўрганиши (гиёхванд моддалар истеъмол қилиш)га сабаб бўлади. “Меҳр таянчи” маркази Тошкент шаҳрида айнан шундай болалар тоифасини тўғри ҳаётга қайтарадиган, гипопротекциянинг қурбонларини оилавий муҳити шароитини ўрганганидан сўнг ота-онасини чақиртириб келиб, улар билан педагогик-коррекцион, психологик услубларда ишлайдиган муассаса ҳисобланади. Марказдаги болаларнинг барчаси оиладаги нотўғри тарбиянинг қурбонларидир.

Гипопротекциянинг ҳам ҳаддан зиёд шакли борки, унда бола ота-она назоратидан атайлаб ташлаб қолдирилгани сабабли, унинг нотўғри йўللарга кириб кетаётганлигига ҳам катталар бефарқ бўладилар. А.Е. Личко, А.А. Вдовиченколарнинг Россияда ўтказган тадқиқотларида ёмон йўлга кириб кетган, вояга етмаган жинойтчиларнинг ота-оналарида жиддий хатоликлар аниқланган. Улар боласининг нотўғри хатти-ҳаракатини оқламоқчи ҳам бўлади, ёки айбни бошқаларга, масалан, кўча болаларига, мактабдаги интизомсизликка, ўқитувчиларнинг бефарқлигига тўнқамокчи бўлади, фақат ўзларининг айбини сезмайди ёки тан олмайди.

Оилавий тарбиянинг яна бир шакли – *зиддиятли тарбия*. Бунда оила аъзоларининг ҳар бири битта болага нисбатан турлича тарбия услубларини қўллайди, масалан, отаси ўта қаттиққўл, она ўта меҳрибон, ёки ота-она боланинг ҳулқини жуда назорат қилиб, масъулият билан унинг ахлоқий тарбияси билан шуғуллаланади, бувилари эса аксинча, уни эркалатиб, издан чиқиб кетишини – “ҳали ёш, катта бўлганда ўзи яхши бўлиб кетади”, қабилида маъқуллайверади. Бундай беқарор тарбия услубларини *Э.Эйдемиллер, В.Юстицкий, Н.Ленгард*лар ўрганиб, унинг оқибатида болада салбий характер хусусиятлари, масалан, қайсарлик, обрўли шахсларнинг тазйиқини нотўғри баҳолаш қабилар шаклланишини исботлаганлар. Ота-она тарбиядаги беқарорликнинг оқибатларини тасаввур қилсаларда, унинг олдини олишни билмайди. Кўпинча бу – болаликка хос сифатлар эканлиги фикри уларни тинчлантиради. Аксарият ота-оналар боласини йўқотиб қўйиш ёки унинг кўнгли қолишидан қўрқиб ҳам нотўғри тарбия йўллариини тутати. Шунинг учун оилавий тарбия ўта мураккаб жараён бўлиб, унда ота-оналар олдиндан психологик жиҳатдан тайёр бўлишлари керак.

Ёлғиз ота-оналар. Ота ёки онадан бири мавжуд бўлган оилаларнинг

пайдо бўлишига турли сабаблар бор: ажрим туфайли биттаси қолади, никоҳсиз пайдо бўлган оила шароити, бунда онанинг ёши катта бўлиши ҳам (ёши ўтиб бораётганлигидан никоҳсиз бўлса ҳам битта фарзанд туғиб, уни ёлғиз ўзи катта қилади), жуда ёш бўлиши (тасодифан ёшлик қилиб қиз мактаб ёшидаёқ она бўлиб қолган ҳолатлар) ҳам мумкин.

Одатда турли сабабларга кўра ёлғизланиб қолган нотўлиқ оила аъзолари жамиятдан анча айри яшашга, ёлғизликка маҳкум бўлади, бундай оилалар молиявий инқирозларга ҳам учрайди. Айрим шундай оила фарзандлари жуда ёшликдан ота қилиши лозим бўлган юмушларнинг бир қисмини ўз елкасига олишга мажбур бўлади. Тенгқурлари орасида одамови, гапга ҳам, айрим ишларга ҳам нўноқ бўлгани учун унинг дўстлари кам бўлади. Асосий мулоқот объекти она бўлиб, у ҳам кўпинча турмуш ташвишлари билан боласига етарли эътибор беролмайди. Айниқса, ўсмирлик ва илк ўспиринлик ёшидаги болалар ота-онанинг айрилиғини жуда кўнгилларига яқин олади, асабийлашадиган, салга жанжал кўтарадиган, онаси билан ҳам, бошқа яқинлари билан ҳам келишолмайдиган, агрессив бўлиб қолади. Инжиқ болани ёлғиз ўзи тарбиялашга мажбур бўлган оналарда одатда депрессия ҳолати кузатилади. Кўпинча бундай она ўзини омадсиз, турмуш вазиятларининг қурбонидай ҳис қилади, кўпинча хафа бўлиб юради ва ич-ичидан ўзини болалари олдида гуноҳкор ҳис этади, истикболда уни ва фарзандларини нима кутаётганлигини билмай ташвишланади. *М. Нистал* (2003)нинг ёзишича, ёлғиз ота-оналарнинг шахсига қўйилган талаблар уларнинг реал имкониятларидан ортиқ бўлиб, ундан катта эмоционал юкни ва ниҳоятда ишчанликни талаб этади. Бунга афсуски, ҳамма ҳам чидайвермайди.

Бола томонидан ота-оналарнинг ва ота-оналикнинг идрок этилиши

Боланинг келажаги, унинг шахс бўлиб камол топиши кўп жиҳатдан ота-она оиласи, у тўғрида фарзандда шаклланган тасаввурларга боғлиқ эканлиги психологлар томонидан анча батафсил ўрганилган. Тадқиқотларда аниқланишича, боланинг ўз оиласи тўғрисидаги тасаввурлари кўпинча ота-онанинг тасаввурлари ва асл ҳолат билан қисман мос келади. Одатда ота-она ўз фарзанди учун қўлидан келган барча чораларни кўраётгандай, буни бола англашини ва ундан ҳамиша миннатдор бўлиши кераклигини кутади, лекин болалар бу хусусда турлича тасаввурга эга бўладилар. Меҳрибон ота-она оғушида айрим болалар ўзларини барибир ёлғиз, кемтик, камситилган ҳис этади. *Г.Т. Хоментausкас* (1989) оилада ота-она хулқ-атвори ва боланинг бу хатти-ҳаракатларни идрок қилиши ва ота-онага муносабатининг 5 та асосий кўринишларини таҳлил қилган:

Ота-она ва бола муносабатлари *демократик* тамойилларда амалга ошадиган оилада болада ўзи ва ота-онаси тўғрисида қуйидагича тасаввур шакллаанди: “Мени севишади ва мен керакман, шунинг учун мен ҳам уларни жуда севаман”. Бундай бола психологияси ва характерида устувор

фазилатлар сифатида адекват ўз-ўзини баҳолаш ва инсонларга ишонч, ҳар қандай яхши нарсалардан, жумладан, ота-она билан яқин, самимий муносабатлар қувониш, ўзига ишонч, хатоликлардан чўчимаслик, айб иш қилиб қўйганда ҳам унчалик қайғурмаслик, заруратга қараб илтимослар қилиш ва бунда реал кўмак олишга умидворлик, ота-онанинг ҳаётдаги ўрни ва ишончларини, умид ва истаклари билан ҳисоблашиш кабиларни санаш мумкин.

Болага нисбатан ҳаддан зиёд меҳрибонлик (*гиперпротекция*), эътибор кўрсатилган оилада бола “Мени севишади ва мен керакман, улар мени деб яшашади”, деган тасаввур мавжуд бўлади. Бундай оилада болалар ўзининг борлигидан, туғилганлигидан мағрурланиб яшайди ва шунинг учун ҳар қандай тилак ва хоҳиш амалга ошишига ишонади. Одатда бундай боланинг туғилишини ота-она узоқ вақт кутган бўлади ва буни улар ҳадеб болага эслатаверади, шунинг учун ҳам бола жуда эгоист бўлиб улғаяди, ота-онасининг ночорлиги тўғрисидаги тасаввур ўзининг кўп нарсаларга қодирлиги билан уйғунлашади. Тантиқ болада ўзи тўғрисида гўёки ўта иқтидорли эканлиги фикри устувор бўлади, чунки ота-она унинг айрим, аҳамиятсиз ютуқларини ҳам осмонга кўтаради.

Юқоридаги ҳолатнинг акси, яъни, болага нисбатан *эътиборсизлик*, *меҳрсизлик* бўлган оилада боланинг тасаввури қуйидагича бўлади: “Мени ёқтиришмайди, лекин мен ўзим ҳаракат қилиб, уларга яқинлашишим керак”. “Мен яхши бола эмасман”, деган тасаввур одатда болада қатор жиддий салбий сифатларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Масалан, ўзига бўлган баҳонинг пастлиги, ўзини айбдор деб ҳисоблашнинг юқорилиги, кўп нарсалардан ҳадиксираш, айб иш қилиб қўйишдан чўчиш, кайфиятнинг беқарорлиги ва шунга ўхшаш. Бундай оилада маънавий муҳит яхши бўлмаганлиги сабабли бола салга йиғлайдиган, “қўрққан олдин мушт кўтаради”, деганларидай, ҳар бир яхши ёки ёмон ишни қилиб қўйиб, ўзини оқлашга интилиш психологияси пайдо бўлади. Аслида бола ўзининг кутилмаган эканлигини, ота-оналари уни вазият тақозоси, тасодиф туфайли дунёга келтиришганлигини яхши билади. Чунки бу ҳақда ота-оналар унинг олдида гапираверадилар.

Ота-она *меҳрига тўймаган*, унга эришолмаган бола салбий ҳиссий кечинмаларнинг кейинги босқичига ўтади: “Сизлар мени хафа қияпсизлар, мен ҳам шунга муносиб жавоб бераман”. Бундай шароитда бола атайлаб, ота-онасига ёқмайдиган қилиқлар қилади, айтганларининг тескарисини бажаради, тобора ота-она учун ҳам у билан бўладиган мулоқотлар оғир ботадиган бўлиб боради. Қасоскор бола кўпинча ота-она талабларининг тескарини қилиб, уларнинг асабига тегадиган, бошқариб бўлмайдиган қайсар ва кўпинча жиноят йўлига ҳам кириб кетадиган инсонга айланади. Баъзан ота-она меҳрсизлигидан азият чеккан бола курашиб чарчайди: “Мени севишмайди, керак эмасман, мени тинч қўйинглар”, деган маънода бола ўз ночорлигини ифодалай бошлайди. Бундай оиладаги вазият жуда оғир бўлиб, бола ўзини ёлғизликка маҳкум этади, ҳаммадан қочади, ўсмирлар ўртасида

содир бўладиган суицид ҳолатларининг аксарияти ана шу психологик вазиятдан келиб чиқади.

Болани асраб олиш. Айрим ҳолатларда бола бегона шахслар томонидан асраб олинади ва қонуний рўйхатдан ўтказилади. Бундай ҳолатларда ота-она – бола муносабатларида сунъийлик элементлари кўп бўлади, чунки агар болани чакалоқлигидан асраб олган бўлса, бола уларни табиий идрок этаверади. Лекин ота-она учун унга кўникиш муаммоси юзага келади. Шу сабабли ҳам бундай оилалардаги шахслараро муносабатлар кўп ҳолларда яширин ёки очик равишда таранг бўлади.

Болани сақлаб олган эр-хотиндаги ота-оналик мотивацияси аслида бошқа тоифалардан қолишмайди. Баъзан ҳаттоки, кучли ҳам бўлади. Чунки асраб олишга мажбур қилган мотивлар бепуштлиқ, кеч турмуш қуриш ёки ўз фарзандининг нобуд бўлганлиги бўлиши мумкин. Шунинг учун бундай оилалардаги ота-онанинг тарбия услуби гиперпротекцияга, ҳаттоки, ҳаддан зиёд гиперпротекцияга ўхшайди ва шунга яраша салбий оқибатларга эга. Яна бир сабаб – одатда бола асраб олишга аҳд қилган эр-хотинлар болани кутадилар, кутишлар мутивацияси қанчалик кучли бўлса, болани эркалатиб юбориш ёки унга нисбатан талабалар қўйиш шунчалик катта бўлади. Учинчидан, бола бошқа инсонлардан дунёга келгани учун унинг генларида ўша ҳақиқий, табиий ота-онанинг сифатлари бўлиб, у баъзан асраб олган ота-онага ўхшамайди. Техасс штатида 10 йил мобайнида ўтказилган тадқиқотлар натижасини таҳлил қилган рус олимаси *Равич-Шербо И.В.* (2002) бундай болалардаги шахсий ва интеллектуал кўрсаткичлар табиий ота-оналар сифатларига асраб олган ижтимоий ота-оналарникига нисбатан анча яқин бўлишини исботлади. Яъни, қанчалик уринмасин, асранди болада ўша тукқан онаси ва отанинг сифатлари кўринаверади. Айрим кўникмалар, одатлар, характер хусусиятлари асраб олганларга яқин бўлиши мумкин. Шу боис ҳам баъзи асраб олувчи ота-оналар муайян муддатдан кейин асрандини етимхоналарга қайтарадилар, бу билан улар боланинг келгуси тақдирига янада мураккаб чизгиларни белгилайди, дилини оғритадилар. Асранди болалар муаммоси Ўзбекистонда ҳам мавжуд. Бизда ҳозирги пайтда 7 мингдан зиёд бола яқин қариндошлар ёки маҳалладаги олийжаноб инсонлар тарбиясидадир. Улар сони Меҳрибонлик уйларидаги чин етимлар сонидан ортиқлиги ҳалқимизнинг асл тарбияланадилар. табиатидаги одамийлик, олийжаноблик хислатлари билан боғлиқ. Лекин нима бўлганда ҳам бизда болани ўз ота-онаси тарбиясига бериш анъанага айланган. Оилавий етимхоналарда ҳам яқинларнинг етим болалари ва турли сабабларга кўра ота-онадан жудо бўлган қўшни болалар

Ака-укалик ва опа-сингиллик муносабатлари. Сиблинг мақомининг бола ва катталар муносабатига таъсири

А.Адлер оилашунослик фанида илк маротаба бола шахсининг шаклланиши ва ривожланиши унинг оиласидаги ака-укалар ва опа-

сингилларнинг борлигига боғлиқлиги ғоясини илгари сурган. Афсуски, бу омил Шарқ халқлари, хусусан, Ўзбекистон учун ўта муҳим бўлишига қарамай, бизда ҳам, кичик оилалар хос бўлган Ғарбда ҳам жуда кам ўрганилган.

Психологик адабиётда сиблинг мақоми аслида (инглизча *sibling*, *sibs* – бир оиладаги акалар ва опалар маъносини билдиради) – муайян инсоннинг муайян оилада туғилиши, жинси ва туғруқлар орасидаги расмий фарқни ифодаловчи тушунчани билдиради. Боланинг сиблинг мақоми ва унинг шахсий кўрсаткичлар билан боғлиқлиги масаласига ҳали аниқлик киритилмаган, яъни аниқ илмий далиллар етарли эмас. Шунга қарамай, кўпгина тадқиқотчилар (*Ричардсон Р.*, 1994; *Дрисколл Р.*, *Икстейн Д.*, 2003; *Бразингтон Р.*, 2003 ва бошқалар) шахснинг сиблинг мақоми унинг шахсига, эр-хотинлик ва ота-оналик мақомларига, дўстлар билан муомаласига, ишда раҳбарият ва ҳамкасблар билан ўрнатадиган мулоқотларининг характериға таъсир этишини ўрганишган.

Эмпирик маълумотлар бундай боғлиқликларнинг тўрт тури мавжудлигини таъкидлайди.

Тўнғич бола, оиладаги фарзандларнинг каттаси, одатда ота-онасининг умиди бўлиб, ота-оналар ундан кўп нарсаларни кутади ва одатда у бу умидларни оқлайди ҳам. Ундаги муваффақиятларга бўлган интилиш, ўқиш ва касб-хунар эгаллаш йўналишидаги ютуқлари ва унга эришиш имкониятлари ҳам одатда юқори бўлади. Унинг муваффақиятлари нафақат ота-онанинг кутишларига боғлиқ, балки маълум вақт эркалатилган боланинг, кейинчалик “тахтдан тушиши”, мавқенинг бирдан ўзгариши ва кутишлар тизимининг ҳам шунга яраша бошқача бўлиб қолиши билан боғлиқдир. Буни *Адлер* ибораси билан айтганда, “детронизация”, яъни тахтдан айрилиши деб аташ мумкин. Чунки укаси ёки синглиси пайдо бўлгандан сўнг, ота-онасининг эътибори бирдан бошқа болага қаратилиб, унга муносабат ўзгариб қолганлигини бола ўзига хос қайғуриш билан ҳис қилади. Лекин ота-онанинг эътибори ва меҳриға қайтадан эришиш мақсадида у ҳаракат қила бошлайди.

Агар тўнғич фарзанднинг ука кўргандан сўнг пайдо бўладиган депривацияси кучли бўлса-да, ўзини кўрсатиш учун ички имкониятлари, лаёқати етарли бўлмаса (баъзан тўнғич фарзанд нимжонроқ бўлади), унда боланинг ҳулқида кескин салбий ўзгаришлар рўй бера бошлайди, масалан, укасини ёмон кўриб, унга зиён етказишга ҳаракат қилади, инжиқлиги билан ота-онасини хафа қилади, овқат емайдиган, ўзи мустақил равишда ухламайдиган, ҳатто, хожатга чиқмайдиган, айтилганларни бажармайдиган ўжар бўлиб боради. Ҳаётда шундай воқеалар ҳам кузатилганки, энди тетапоя бўлиб, мустақил ҳаракатлар қила бошлаган тўнғич фарзанд укасини итариб юбориши, оғзига ёмон нарсаларни солиб қўйиши, бешикда ухлаб ётган болани йиқитиш ҳолатлари бўлган. Яъни, ота-онанинг домимий меҳри етишмаётганлигини ҳис қилган болада рашк ҳисси уйғонади, унинг сабабчиси эса янги дунёга келган укасибир.

Шунга қарамай, аксарият тўнғич фарзандлар ота-онасининг зийраклиги,

Ўзида пайдо бўлган кўникма туфайли янги шароитга мослашади, секин-аста укасига меҳр қўяди, унга ғамхўрлик қилишдан роҳатланадиган ҳам бўлиб қолади. Бу унга фойда келтиради ҳам: келажакда у турли тоифа инсонлар, жумладан, катталар, обрўли инсонлар билан келишиб ишлашга ҳаракат қиладиган, уларнинг кўнглига қарайдиган, уйида кўрганлари кўчада қайтарилмаслигига ҳаракат қиладиган, мослашувчан бўлиб ўсади. Одатда бундай боланинг тенгқурлари орасида ўзига хос мавқеи бўлади. Ёшлигидан ота-онанинг юзи-кўзига қараб, уларнинг муносабатини ҳис қилишга ўрганган бола келажакда ўқитувчиси ёки раҳбарининг ҳам юзи-кўзига қараб, муомала қилишга ўрганади. Ота-оналик мақомига алоқадор муносабатларни ташқарида бошқаларга ҳам қўллашга кўникиб боради. Шунинг учун тўнғичларда киришимлилик, кичикларга ғамхўрлик, мустақил қарорлар қабул қилишга, масъулиятни бўйнига олиш ва лидерликка мойиллик ривожланиб боради. Шунинг учун ҳам жамиятда раҳбар лавозимларда ишлаётган, сиёсий ва жамоатчилик идораларини бошқараётганларнинг аксарияти оилада тўнғич фарзанд эканлиги ўрганилган. Масалан, Америка Президентларининг ярми, 20 нафардан ортиқ австронавтлар оилада тўнғич фарзандлар бўлишган. Одатда оилада ўсаётган ўғил болаларнинг тўнғичи эркаклар жамоасини (масалан, ҳарбий, халқаро, сиёсий ташкилотлар), сингиллари бўлган акалар хотин-қизлар жамоасини (мактаб, шифохона), ва шунга ўхшаш опалар ҳам мантиқан мос равишда жамоаларни муваффақиятли бошқарадиган раҳбарлар бўлиб етишади. Никоҳ борасида эса ўртанча фарзанд анча келишиб, бахтли яшашга мойил бўлади. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, айрим ҳолатларда айнан тўнғич фарзандлар баъзан жамиятда муаммоли, тарбияси оғирлар категориясига тушиб қолади. Бунга ё ота-онанинг катта фарзандидан умидларининг ҳаддан зиёд оғирлиги ёки “детронизация” жараёнининг бола томонидан салбий идрок этилиши сабаб бўлади.

Иккинчи фарзанд (ёки ўртанча) одатда катталарга тобе, ўзгалар кўмагига муҳтож, адолатсизлик, ҳақсизликлар ва қаттиқликка чидамсиз, бошқаларнинг муносабатларини инжиқлик билан қабул қиладиган бўлиб ўсади. У акаси ёки опасига қараб, унинг соясида айёроқ, эпсизроқ бўлиб кўринади, чунки туғилганидан ёнида ундан катталар борлигига у кўникиб боради. Ўртанча фарзандлардан яхши санъаткорлар, спортчилар, дипломатлар, одамлар билан ишлашга устаси фаранг раҳбарлар етишиб чиқиши ҳам мумкин.

Кичик фарзанд умрининг охиригача ўзини кичикман, деб ҳис қилишга мойил бўлади, уни ҳеч ким ҳафа қилиши мумкин эмас. Ҳамиша ғамхўрлик оғушида бўлган кичкинтой, келажакда ҳам ҳамма ерда ўзини муҳофазада, хавфсизликда ҳис этишга мойил бўлади ва буни ўзгалардан талаб ҳам қилади. Уларнинг кайфияти кўпинча яхши бўлиб, ён-атрофидагилар билан яхши муомалага кириша олади. Одатда кичик фарзандда муваффақиятга эришиш мотивацияси кучли, рақобатбардошлик талаб этилган шароитда у чидамлироқ бўлади. Афсуски, уларнинг никоҳ борасида омадлари камроқ

бўлиши кузатилган, оилада кичик фарзанд бўлганлар салга ажралишни ўйлайди, чунки улардан яхши вафодор, чидамли эр ёки хотин чиқмайди. Шу боис, турмуш қуришга ҳам унчалик шошмайди, чунки ўзига масъулиятни олишни ёқтирмайди.

Ягона фарзанднинг сиблинг мақоми тўнғичникига яқин. Ота-онанинг умидлари ва орзу-ҳавасларини билиб катта бўлган бола кўп соҳада, айниқса, интеллектуал соҳада катта муваффақиятларга эришиши мумкин, лекин одатда жуда ўзини яхши кўрадиган, эгоист бўлиб қолишади. Улар жамиятда ҳам хато қилиб қўйишдан қўрқмайди, муваффиқият сари далил юради, лекин ҳар доим ҳам унга эришолмайди, чунки одамлар билан киришимли эмас. Шунинг учун ўзбекларда “ягона фарзанд – фарзанд эмас”, деган гаплар бор, улар ота-онанинг қуйиб-пишиб, унга барча имкониятларни яратиб, яхши кўраётганлигининг қадрига етмайди. Бу келгусида ҳам бошқа инсонларга нисбатан муносабатда ўз аксини топади, кексайиб қолган ота-онага тўнғич фарзанд қанчалик меҳрибон бўлса, ягона фарзанд бунинг акси бўлиб, отаси ва онаси вафотидан кейин ҳам улардан хафа бўлиб юради, “нега мени ташлаб кетишди?”, деб. Шунинг учун яхши оила учун камида иккита фарзанднинг бўлиши ва улар ўртасида яхши ўзаро муносабатларнинг қарор топиши шахс учун ҳам, оила ва жамият учун ҳам фойдалидир.

Сиблинглар рақобати ҳодисаси *Г.Т. Хоментausкас* томонидан фанга киритилган ва ўрганилган. Бунда болаларнинг ўзаро муносабатлари, қачон бир-бирига рақиб, қачон бирлашишлари ўрганилган. Масалан, оилавий инқирозлар пайтида, ота-она қазо қилганда ёки ҳасталаниб қолганда улар албатта бир-бирига мурувват қилади, жипсلاшади. Аксарият ҳолларда эса, айниқса, ривожланган мамлакатларда кўпинча битта ота-онанинг фарзандлари ўртасида ўзига хос таранг муносабатлар кузатилган. Бу нарса ўша жамиятлардаги шахсий автономия феномени билан боғлиқ бўлиб, ҳар бир инсон илк ёшликдан фақат ўз манфаати учун яшайди ва курашади. Бундай шароитда сиблинг муносабатларининг фақат ижобий бўлишига эришиш анча мушкул.

Ўзига хос демократия муҳити оилаларда барқарор бўлган ўзбекистонликлар миллати, ирқи, келиб чиқиши ва иқтисодий мақомидан қатъий назар, албатта, оилада икки ва ундан ортиқ фарзанд бўлишига интилади ва болалар ўртасидаги муносабатларни ижобий тарзда йўлга қўйиш, оилавий роллар тақсимоти борасидаги ишларга алоҳида масъулият билан қарайди. Бунда эр-хотин момолар ва боболар ўғитларидан, асрий анъаналар самарасидан ўринли фойдаланишга интилади. Ҳукуматнинг бу борадаги демографик сиёсати ҳам оилалар манфаатига ҳамоханг, ягона фарзанд мамлакат иқтисоди ва унинг истиқболи учун етарли эмас эканлигини бизда ҳамма тушунади.

Давлатимиз раҳбари ва ҳукуматнинг оилада соғлом турмуш тарзини барқарорлаштириш, миллий генофондни яхшилаш сиёсатининг туб маъноси мамлакатмизда дунёга келган ва келаётган фарзандлар, аввало, тўрт муччаси соғ туғилсин, соғ-саломат катта бўлсин ва уларни дунёга келтирган она

оналик бахтидан тўла бахраманд бўлиб, турмуш ўртоғи билан биргаликда бахтиёр соғлом турмуш тарзини оиласида барқарор этсин. Юртимизнинг барча йирик шаҳарларида ташкил этилган скрининг марказлари, петенатал шифо масканларининг асосий вазифаси соғлом фарзандлар туғилишини олдиндан аниқлаш ва ногиронликнинг олдини олишдир. Зеро, “Соғлом она – соғлом насл” шиори ҳар бир ўзбекистонликнинг қалбига сингиб кетган нақдир.

Кўп болали оилада шахслараро муносабатлар ва уларнинг бола психик тараққиётига таъсири

Одатда кўп болали деб, 5 ва ундан ортиқ болага эга бўлган оилани тушуниш анъанага айланган. Лекин ҳозирда бу ҳолат жуда кам учрайди, айниқса, Ғарбий Европа мамлакатлари, жумладан, Россияда деярли саноклидир. Республика “Оила” илмий-амалий марказининг 90-чи йиллар охирида ўтказган тадқиқотларида қишлоқ аҳолисининг ҳар учтасидан биттаси кўп болали, яъни, 5 ва ундан ортиқ бола бўлишига тарафдор бўлиб, маълумот берган бўлса, бугунги кунга келиб, атиги 0,6-0,7 % аҳолигина оилада болалар сони кўп бўлишига қарши эмас, лекин реал турмушда ҳам 5 ва ундан зиёд фарзанд кўраётган оилалар сони кескин қисқарган.

Илгари, яъни собиқ шўролар давригача бўлган пайтларда аёлларнинг бола туғиши сони ҳақиқатан ҳам кўп бўлган, лекин у болаларнинг аксарияти перенатал даврдаёқ нобуд бўлган, буни ҳеч бир расмий органлар қайд этмаган. Муаллифнинг шахсий изланишларига кўра, архивларда бундай статистика юритилмаганлиги ҳам аниқланган. Чунки шароитнинг оғирлиги, оналарнинг тиббий саводсизлиги туфайли оналар ўлими ҳам, чақалоқлар ва кичик ёшли болалар ўлими кўрсаткичлари ҳам аслида жуда юқори бўлган. Шўролар даврида бу масалага ёндошув ўзгарган. Мустамлака мамлакатларнинг серфарзандлиги ва болажонлигидан фойдаланиб, қўшимча ишчи кучи ва ресурсларни кўпайтириш мақсадида кўп болали оила ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланадиган бўлиб қолди. Ҳаттоки, 6 тадан ортиқ фарзанд кўрган онага “Қаҳрамон она” нишони ҳам берилар эди. Лекин оналикни ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича деярли ҳеч қандай чоралар кўрилмаганлиги оқибатида, барибир, оналар ўлими кўрсаткичи ҳам, болалар ўлими кўрсаткичи ҳам юқори бўлган. Фақат бу ҳақда расман гапирилмас, статистика ўта махфий эди. ЮНИСЕФ ташкилоти мониторинги натижаларига эътибор берсак, 1989 йилдан 2002 йилгача бўлган муддат оралиғида мамлакатимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати туфайли чақалоқлар ўлими 2,5 баробарга (1000 та тирик туғилган чақалоқ ҳисобидан 1989 йилда 38,1 ва 2002 йилга келиб, 16,7 миқдорга камайди, 2005 йилда бу кўрсаткич янада пастлади), оналар ўлими ҳам қарийб икки баробардан зиёдга камайди (мос равишда 100000 тирик туғилган болага

нисбатан 42,8 – 1989 й.; 26,9 – 2002 й.)⁵.

Шуни таъкидлаш жоизки, замонавий оила аъзолари ҳеч нимага қарамай, оилада кам сонли (бизда ўртача 2-3 та) болани тарбиялашга боғлиқ установакаларга эга. Психологик тадқиқотлар кўп болали оила аъзоларининг психодиагностик тестлардаги кўрсаткичлари бошқаларникига нисбатан паст эканлигини кўрсатди. Бу уларнинг интеллектуал ва ижобий ривожланиши кўрсаткичларига, ижтимоий адаптацияси ва саломатлигига кўпроқ тааллуқлидир. Америкалик тадқиқотчилар (*Р.Зайонц, Х.Маркус* ва бошқалар) кўп фарзандли оиланинг салбий оқибатларига кўпроқ эътиборни қаратади, лекин уларнинг кўпгина хулосалари бизнинг муҳитимиз, бола тарбиялаш анъаналаримизга мос эмас. Бизда неклуар оилада кўп фарзандни тарбиялаш мушкуллиги тўғрисидаги тасаввур бор, лекин катта бўлмаган оила шароитида 3-4 та ва ундан ортиқ болани тарбиялашдаги қатор ижобий тажриба ва хулосалар ҳам йўқ эмас.

Нима бўлганла ҳам шуни таъкидлаш жоизки, замонавий ўзбек оилаларида ҳам репродуктив установакалар ўзгарган ва ёшлар, ҳаттоки, ота-оналар ҳам катта оиланинг ташвишларини яхши тасаввур этадилар. Оила тарбиясида умуминсоний қадриятлар билан миллий қадриятларни уйғунлаштириш оиланинг барча аъзолари тарбияланганлик даражасини оширишнинг муҳим омилларидан биридир.

Оилапарварлик фазилатлари: миллий ва умуминсоний қадриятлар

Мустақиллик урф-одат ва анъаналаримизнинг жамиятни бирлаштирувчи имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланиш учун йўл очди. Жамият ҳаётидаги улкан ўзгаришлар, телевидиния, радио ва матбуотнинг мавқеи кун сайин ортиб бораётгани, бир қарашда урф-одат ва анъаналарни ўрганиш масалалари замонавийлашиш жараёнлари қомада қолаётгандан туюлса-да, уларнинг жамият ҳаётидаги, шахс маънавияти ва мафқурасининг шаклланишидаги аҳамияти камаяётгани йўқ. Албатта, урф-одат ва анъаналар ҳамда маъросимлар ўз вазифасини тўғри ўташи учун улар бевосита халқ томонидан тўла эътироф этилиши, кундалик турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланган бўлиши керак. Шу сабабли ҳар бир жамият урф-одатларнинг халқ орасига яхши сингиб кетишидан манфаатдордир.

Анъана ва урф-одатлар тарихий мазмунга эга, яъни моддий турмуш шароити таъсирида юзага келади, вақт ўтган сари улар барқарорлаша бориб, аجدодлардан авлодларга меърос бўлиб қолади. Бунинг учун улар инсоният ҳаётида қадриятга айланиши керак.

Зеро, урф-одат, анъаналар ва маросимлар инсон учун қадриятга айланганда, унинг ҳаётини бойитади. Шу боис ҳар қандай жамият, ҳар қандай ижтимоий тузум уларга эҳтиёж сезади, улар ёрдамида одамлар орасида ўзаро муносабатлар кенг тус олади, ахлоқнинг муайян қоида ва

⁵Социальный мониторинг. – М.: “Инноченти”, 2004. – С. 67.

мезонлари вужудга келади.

Кишиларни анъана, маросим ва урф-одатларга жалб этишда энг аввало оиланинг, маҳалла, қишлоқ оқсоқоллари ва улуғларининг ўрни каттадир. Ўзбекистонда кечаётган ижтимоий-иқтисодий жараён халқнинг маънавиятига таъсир этиб, бу жуда кўп урф-одат ва расм-русмларда ўзгаришларга сабаб бўлиб, янги удум ва маросимлар шаклланишида ўз ифодасини топомқда.

Мустақиллик йиллари давомида давлат ва мамлакат миқёсида 9 та расмий умумхалқ байрамлари қарор топди. Улар халқ ва мамлакат тарихи, миллий менталитет ва маънавият, шунингдек, умумжаҳон тажрибасини ҳисобга олиб, пухта ўйлаб жорий этилган. Ушбу байрамларни нишонлаш ёш авлод тарбиясида она Ватанга бўлган меҳрни мустаҳкамлайди. Асрлар мобайнида шаклланган, авлоддан авлодга бебаҳо мерос сифатида ўтиб келаётган *урф-одат, маросим ва байрамлар* миллий мафкуранинг асосий ғояларини сингдиришда муҳим омил бўлади. Хусусан, Мустақиллик, Наврўз, Ўқитувчилар ва мураббийлар, Хотира ва қадрлаш куни каби янги байрам ва маросимларимиздан жамият ҳаётига замонавий мазмун бахш этиш йўлида оқилона фойдаланиш зарур.

Катталарга ҳурмат, ўзаро ҳамкорлик, фарзандларнинг тақдири ва келажаги учун қайғуриш, уларга ғамхўрлик қилиш ҳамиша оилавий қадриятларнинг ва удумларнинг асосий қоидалари бўлиб келган. Афсуски, ўтган тоталитар тузум даврида бу қадриятларга жиддий путур етди. Шажаралар унут бўлди, оилавий хунармандчилик ва касб-корни авлоддан-авлодга узатиш, оилавий касбий кўникмалар унут бўлиши учун барча чоралар кўрилди. Қариндош-уруғнинг бир хил касбга ихлос қўйиши “қариндош-уруғчилик” тамғаси остида қораланди. Шу тарзда жамиятда оилалар ва уруғларнинг анъанавий касбий ва иқтисодий “ўрни” батамом йўқолиб кетишига сал қолди. Унинг ўрнига уруғ-аймоқчилик ва ошна-оғайнигарчиликнинг ижтимоий бузук шакллари юзага кела бошлади. Шу билан бирга, қариндошларнинг ўзаро ёрдами баъзи ҳолларда жамият тараққиётини секинлаштириб қўядиган тайёрга айёрликка ва таниш-билишчиликка айланиб кетди.

Истиклол йилларида оила қадриятлари ва қон-қариндошлик муносабатларининг қайта тикланиши ҳар бир оиланинг иқтисодий, маданий ва касб жиҳатидан эркин бўлиш имкониятини яратди. Яъни, истиклолнинг ҳар бир оиланинг мустақил мамлакат ичидаги мустақил “жамият, давлат” сифатида эркин фаолияти, оилавий бизнесни ривожлантириш, ўз аъзоларининг барча фазилатлари яққолроқ намоён бўлишига очган чексиз имкониятлари туфайли ўзбек халқининг турли фаолият соҳаларидаги истеъдоди ўсди, унинг тадбиркорлик ва киришимлилик, бир неча чет тилларни тез ўрганиб олиш каби ноёб фазилатлари тўла-тўқис рўёбга чиқа бошлади. Буни юртимизга меҳмон бўлиб келаётган хорижлик туристлар, расмий арбоблар эътироф этишлари боис миллий меҳмоннавозлик ва саҳоват анъаналари янада ривожланди. Ўзбекнинг қадди росмана тикланди, миллий ғурур ўсди.

Энди биз Ғарбнинг ёки дунёнинг бошқа бурчидаги халқларнинг у ёки бу анъаналари, расм-русмларига кўр-кўрона тақлид қилишдан кўра, ўзининг ноёб удумларини кўз-кўз қилишга ҳозир бўлган халққа айландик. Ваҳолангки, оила ва никоҳ, фарзанд тарбияси, жамиятнинг катта ва кичиги ўртасидаги самимий, инсоний муносабатларга ривожланган мамлакатлардан келган минглаб хорижликлар ҳавас қилаётганлари ҳам айна ҳақиқатдир. Ўз асрий қадриятларининг эгаси бўлган халқимиз мустақиллик йилларида шарқона демократиянинг ўз менталитетига мос шаклини қарор топтиришда ташаббусни тобора ўз қўлига олмоқдаки, бунда аҳолининг билимдонлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Фақат билимли, маърифатли жамиятгина демократик тараққиётнинг барча афзалликларини қадрлай олишини ва аксинча, билими кам, оми одамлар авторитаризмни ва тоталитар тузумни маъқул кўришини ҳаётнинг ўзи ишонарли тарзда исботламоқда, бу ҳақиқатга халқ ўз заковати ва фаҳм-фаросати билан етиб бормоқда.

Миллий анъаналарни ўрганиш, тарғиб этиш билан бир қаторда тўй-маъракаларни, одат ва удумларни ихчамлаштириш, бу борада исрофгарчилик ва дабдабабозликка йўл қўймасликка алоҳида эътибор қаратиш даркор. Бундаоила ҳамда маҳалла институтларининг кенг имкониятларидан оқилона фойдаланиш зарур. Бу борада амалга ошираётган ишларимиз охир оқибат нақфаҳат мамлакат манфаатига, балки ҳар бир оиланинг ижтимоий-иқтисодий манфаатига хизмат қилиши муқаррар.

Ўзбекистонда оила сиёсатининг шаклланиши

Режа:

- 1. Давлатнинг оилани мустаҳкамлаш сиёсати ва уни асосий тамойиллари**
- 2. Ўзбекистонда оилаларнинг мустаҳкамлигига қаратилган ижтимоий-демографик тадқиқотлар**
- 3. Миллий ғоя ва шахс тарбиясида оиланинг роли**

Мустақиллик йилларида жонажон юртимиз Ўзбекистонда оилалар, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари давлат сиёсатининг устивор йўналиши сифатида эътибор этилди. Мамлакатимиз Конституциясининг 65-моддасида эътироф этилганидек, бизда “Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза этилади”. Шунингдек, Бош қомусимизнинг 64-моддасида “ давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради”.

Демак, Ўзбекистонда оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг ҳар томонлама камол топиши ва фаровонлиги учун шарт-шароитлар яратиш давлат томонидан кафолатланади. Шу ўринда оила борасида давлат сиёсатининг шу тарзда қонунан кафолатланган, мақсадга йўналтирилган тарзда олиб борилиши зарурати нималарга асосланади, деган ўринли савол пайдо бўлади.

Давлат томонидан оила сиёсати, унинг базасини мустаҳкамлаш сиёсатининг олиб борилмаслиги ушбу ноёб ижтимоий институтнинг бошқа ижтимоий институтлар қаторидан муносиб ўрин ололмаслигига олиб келиши ва бунинг оқибатисифатида оила ва никоҳ муносабатлари бўҳронга учраши, инсонлар ўртасидаги муносабатларга зарба берилиш, турли муаммолар кўпайиб, ёш авлод тарбиясининг дастлабки ўчоғида маънавий инқирозлар кузатилиши мумкин. Шунинг учун муттасил тараққиёт ва халқ фаровонлигига эришиш йўлидан собит қадамлик билан борадаиган жамият ва ундаги давлат тизимлари оиланинг мустаҳкам ва барқарор бўлишидан, авлодлараро ворислик йўқолиб кетмаслигидан манфаатдордир. Шундай қилиб, *Оила сиёсати* – бу давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, ННТ ларининг шахс ва жамият манфаатига мос келадиган оила деб аталмиш эр-хотин ва уларнинг икки ва ундан ортиқ фарзандларидан иборат ижтимоий тузилмани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятидир. Бу оилавий турмуш тарзини барқарорлаштириш, ҳар бир инсоннинг ўз оиласи ва шажараси бўлиши истагини рўёбга чиқариш учун аҳолини қўллаб-қувватлаш сиёсатидир. Унинг том маъноси шундаки, давлат ва жамият тўлиқ оилаларнинг имкон даражасида кўп бўлишидан, унда авлодаларо ворислик, шажараларнинг бардавомлиги, ёшларнинг оила ва никоҳни қадрият сифатида эътироф этишидан юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги таъминланишига ишончини билдиради.

Эътироф этиш жоизки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оила институтини амалда мустаҳкамлаш борасида талай ижобий ишлар амалга оширилди. Энг аввало оила ва никоҳ муносабатларини такомиллаштиришнинг қонуний базаси яратилди. 1998 йилда қабул қилинган “Оила Кодекси”да ушбу муносабатларнинг барча жабҳалари регламентация қилинган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган бошқа қатор Кодекс ва қонунларда ҳам бевосита оила аъзоларининг, жумладан, хотин-қизлар ва болаларнинг манфаатлари ҳимоя қилинган. Мисол тариқасида қуйидагиларни келтириш мумкин: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида оила аъзоларининг мулкӣ муносабатлари, уларнинг улушлари, меросхўрлик, ворислик ҳуқуқлари;

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида фарзанди бор аёлларга тадбиқ этиладиган имтиёзлар, фуқаро сифатида барча оила аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқлари;

Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексида мулк сифатида уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқлари;

--“Фуқароларнинг давлат нафақа таъминоти тўғрисида”ги қонунда оиланинг катталари ҳамда меҳнат ёки саломатлиги туфайли нафақахўр бўлганларнинг ижтимоий ҳимояси;

--“Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонун (1998) да кўп болали, ногирон боласи бор бўлган оилаларга бериладиган имтиёзлар, квоталарни тақдим этиш тартиблари ва ҳ-зо;

--“Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонунда (1995 й.) оилада хотин-қизларнинг саломатлиги, жумладан, репродуктив саломатликнинг давлат томонидан муҳофаза этилиши тартиблари;

--“Хотин-қизларга бериладиган қўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги Қонунда фарзанди бор ҳамда оғир меҳнат шароитида ишлайдиган аёлларга бериладиган имтиёз ва қўшимча имкониятлар борасидаги қоидалар ўз ифодасини топган.

Қонунларнинг амалдаги ижроси мустақиллик йилларида қабул қилинган ва амалиётга жорий этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўнлаб қарорлари асосида таъминланади, уларда айнан оиланинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, кам таъминланган оилалар сонининг оила аъзолари бандлигини таъминлаш, меҳнат ҳуқуқларининг кафолатланиши орқали камайтириш чоралари белгиланган. 1994 йилдан буён қабул қилинаётган ва амалда муваффақият билан ижроси таъминланаётган Давлат дастурларида кўп болали ва кам таъминланган оилалар, оналик ва болаликнинг давлат томонидан муҳофаза этилиши ўз аксини топмоқда.

Буларнинг энг муҳимлари:

--Президентимизнинг “Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони (25 май 2004 й.) ва Вазирлар Маҳкамасининг Фармон ижросини таъминлаш бўйича 299-чи сонли қарори;

--“Фуқароларга хизмат кўрсатиш учун бирвақтлик ёрдам пуллари тўғрисида” Вазирлар Маҳкамасининг қарори(2002 йил);

-- “Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида таҳсил олиш учун умумтаълим кредитларини тақдим этиш тўғрисида” Вазирлар Маҳкамасининг қарори (2001 йил);

--“Болалик оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” Вазирлар Маҳкамасининг қарори (1996 йил);

--“Ишлаётган нафақахўрларга нафақаларни тўлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори (1995);

--“Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни ташкил қилиш масалалари ҳақида” Вазирлар Маҳкамасининг қарори (1994 йил);

--“Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республика Президентининг 2007

йил 18 майдаги Фармони ва бошқа ўнлаб Фармон, норматив ҳужжатлар ва қарорларни келтириш мумкин.

Юртимизда оилани мустаҳкамлаш борасидаги давлат сиёсатининг афзаллиги шундаки, давлат оиланинг ўзига хос суверен тузилма сифатида қадрлайди, унинг ички ишларига аралашмайди, лекин у ёки бу сабабларга кўра, оилада баъзи қийинчиликлар пайдо бўлган бўлса, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, маҳалла кўмиталари, унда фаолият юритаётган жамоатчилик комиссияларига мурожаат қилиб орқали фуқаролар ўз манфаатларини ҳимоя қилишлари ва давлатнинг мададига эришишлари мумкин.

Икинчи томондан, оила икки оиланинг, унда тарбияланаётган икки ёшнинг ихтиёрий келишуви, танловидан ҳосил бўлган иттифоқ бўлгани учун ҳам ушбу жараёнларга ҳам аралашмайди, чунки бу шахсий муаммо. Лекин давлат фуқароларнинг “эркин никоҳлари”га, хоҳлаган пайтда хоҳлаган инсон билан ўзи билганича никоҳга кириб ёки кирмай яшашига бефарқ бўла олмайди. Чунки бу жамиятнинг ахлоқий томирларини кесиши мумкин. Шунинг учун турли хил оилани қўллаб-қувватловчи тузилмалар борки, улар оила-никоҳ борасидаги ноҳақликлар бўлган шароитда, оилада бир ёки бир неча аъзонинг инсоний манфаатлари таҳқирланган шароитда, фарзандлар ота-онасининг ножўя ҳаракатлари туфайли кўчада қолиб хавфи пайдо бўлганда ўзининг жамоатчилик ташкилотлар, жумладан, хотин-қизлар комиссиялари, яраштириш комиссиялари, “Оила” марказлари, оқсоқоллар орқали бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўради, керак бўлса, уларни ҳукумат дастурлари ёки қарорлари асосида мустаҳкамлайди.

Оиланинг мустаҳкам ва барқарор бўлиши унинг аъзолари саломатлигига, ота-оналикка психологик жиҳатдан тайёрлигига бевосита боғлиқ бўлгани учун ҳам мамлакатимизда бу борада аниқ механизмлар ишга солинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги 365-сонли қарорининг амалда жорий этилиши, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўқитилаётган “Оила психологияси” курсларининг узлуксиз таълим тизимига киритилганлиги кабиларнинг давлат томонидан молиялаштирилаётганлиги ҳам фикримизнинг далилидир.

Ўзбекистонда оилаларнинг мустаҳкамлигига қаратилган ижтимоий-демографик тадқиқотлар

Мамлакатимиздаги ижтимоий-демографик аҳволнинг яна бир муҳим хусусияти – жамиятнинг асоси бўлган кучли оила тизимидир. Ўзбекистонда никоҳдан ўтиш даражаси юқори ва энг муҳими, оилаларнинг бузилиши дунё бўйича энг паст даражада. Оила бизнинг халқимиз учун миллатнинг кўп асрлик анъаналари ва руҳиятига мос бўлган ғоят муҳим ҳаётий қадриятлардан биридир. Республикада мавжуд оилалар сони бугунги кунда 5 миллиондан зиёд бўлиб, уларнинг аксарияти бўлинмаган, кўп авлодли, турли

авлод вакиллари бирга яшайдиган ва бирга хўжалик юритадиган хонадонлардир. Оиланинг бундай ўзимизга хос бўлган шакли болаларни тарбиялаш, уларни умуминсоний маънавий кадриятлардан, анъаналардан баҳраманд қилиш, шу билан бирга миллий анъаналаримизнинг сақланиши, билим даражасини ошириш учун қулай шароитлар яратди. Худди ана шундай оилаларда одамлар болалик чоғлариданоқ меҳнатсеварликни, катталарга ҳурматни, билим эгаллашга интилишни, туғилиб ўсган юрти, қишлоғи, шаҳри, яхлит Ватанини севишни ўрганадилар.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий истиқболига бевосита алоқадор илмий тадқиқотларни ўтказишдан кўзланган *асосий мақсад* – Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш жараёнларида жамиятнинг негизи ҳисобланган оилалар борасидаги давлат сиёсатининг асосий мақсади, йўналишлари ва тамойилларини белгилаш орқали оилага йўналтирилган ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий, иқтисодий фаолиятнинг дастурини ва оила институтини миллий ва умуминсоний кадриятлар мувофиқлигида мустаққамлашнинг илмий асосланган стратегиясини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Республикамызда 90-чи йиллардаёқ оилаларнинг кўп болалик шаклидан ўртача болалик шаклига ўтиш рўй бераётганлиги башорат қилинган эди. Чунки 1998-1999 йилларда ўтказилган тадқиқотларда шаҳар оилаларининг 75-76, қишлоқ оилаларининг 53-54 фоизи оилада фарзанд туғилишини режалаштираётганлиги тўғрисида маълумотга эга бўлинган эди. Лекин муҳтарам Президентимизнинг “Соғлом авлод йили” давлат дастури асосида “Соғлом она – соғлом бола” ижтимоий ҳаракатини такмомиллаштиришга қаратилган Давлат дастуридаги чора-тадбирларнинг белгиланганлиги туфайли, айти пайтда оила ва саломатлик сифатлари соғлом туғилган бола ва уни дунёга келтирган онанинг ҳолатига боғлиқ эканлигини аҳоли тобора теранроқ тушуниб бормоқда ва бу тушунча аҳолининг фарзанд кўришга нисбатан репродуктив установкаларида акс этмоқда.

Оилалар миқдорининг ортиб бориши охириги йилларда асосан ёш оилалар ва нуклеар типли, яъни, эр-хотин ва уларнинг фарзандлари алоҳида яшайдиган оилалар ҳисобига содир бўлмоқда. Мавжуд оилаларнинг салкам 50 фоизи – бу нуклеар оилалар, бир хонадонда бир неча алоҳида оилалар истиқомат қиладиган патриархал оилалар жами оилаларнинг салкам 23,5 фоизини ташкил этади. Нуклеар, ёш оилаларнинг аксарияти 9 йилдан кам бўлган турмуш тажрибасига эга бўлганлар бўлиб, содир бўлаётган никоҳнинг барбод бўлиши ҳолатлари айнан шу каби оилаларга тўғри келмоқда. Яъни, илмий изланишлардан олинган маълумотларга кўра, 70 фоиздан ортиқ никоҳ ажримлари ёш оилага тўғри келади.

Бундан ташқари, оила борасидаги янги ҳолат шуки, агар 90-чи йилларда мигрантлар орасида аёллар кўпчиликлари ташкил этган бўлиб, улар асосан турмушга чиқиш оқибатида турар манзилни ўзгартириган бўлса (жами мигрантларнинг 53%), охириги йилларда аксинча эркаларнинг меҳнат миграцияси кўлами ортиб бормоқда ва бу ҳам оиланинг ҳолати ва сифатига

кучли таъсир этмоқда. Ушбу ҳолат ҳам жиддий тадқиқотларни талаб этади. Яъни, Ўзбекистон аҳолиси катта демографик салоҳиятга ва қулай таркибга эга. Ўтган ўн йилликларда туғилиш даражаси нисбатан камайди, аммо мавжуд кўрсаткичлар ҳам бу салоҳият ва таркиб муайян давр оралиғидагина сақланиб қолишини кўрсатади. Ўзбекистон аҳолисининг 37 фоизини 16 ёшгача бўлган болалар ташкил этади, аҳолининг умумий таркибида меҳнатга яроқли аҳоли улушининг нисбатан пастлиги ва Ўзбекистондаги демографик вазиятнинг бошқа хусусиятлари бозор муносабатларига ўтиш даврида аҳолини фаол ижтимоий муҳофаза қилишни тақозо этади. Шу боис, аҳолининг ижтимоий муҳофазаси Ўзбекистон сиёсатининг устивор йўналишларидан биридир ва бу тизим изчил такомиллаштириб борилмоқда.

Бугунги кунда давлат ижтимоий сиёсатининг муҳим жабҳаларидан бири аҳоли нуфузи, сифати масаласидир. Аҳоли сифати деганда, асосан аҳоли саломатлиги даражаси, болалар ва оналар саломатлиги даражаси, ўртача умр кўриш даражаси, репродуктив установакалари, аҳоли маълумоти ва иш билан бандлиги даражаси, миллий кадриятлар ва анъаналар сақланганлиги каби қатор тавсифлар тушунилади. Яъни, таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз ижтимоий–иқтисодий ривожланишсини жадаллаштиришнинг муҳим шарти аҳоли сифатини оширишдир. Бунга эришиш учун давлатимизда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда, лекин уларнинг самарадорлигини ошириш илмий асосланган миллий сиёсат асосидагина таъминланиши мумкин. Бунда аниқ илмий маълумотлар, жумладан, аҳолининг таркиби, стратификацион хусусиятлари, миллий таркиб албатта инобатга олиниши лозим.

Ўзбекистон аҳолисининг миллий таркиби аҳоли ўртасида амалга ошириладиган сиёсатнинг таркибий қисми бўлиб, давлатимиздаги демографик вазиятни илмий – асосли баҳолаш ва унинг мониторингини олиб боришга асосланади.

Шундай қилиб, мамлакат мустақиллигининг 16 йили мобайнида амалга оширилган ишлар ана шу халқнинг яратувчанлик йўлида ягона ғоя атрофида бирлашаётганлигининг исботи бўлиб, бу ишларнинг кўлами Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги эътирофига сабаб бўлди. Олий Мажлиснинг 9 сессиясида юртбошимиз таъкидлаганларидек: “...юртимиздаги ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёнининг кўлами кенгайиб, самарадорлиги ошиб борган сари жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш ва демократлаштириш зарурати тобора кўпроқ сезилмоқда”.⁶ Демократик кўникма ва фуқаролик фазилатлари тарбияланадиган муҳим масканлардан бири – оиладир.

Оилага доир бундай муаммоларни ўрганиш, илмий тадқиқ қилиш ўта долзарб ҳисобланади. Айниқса, муаммолар ечимини топишда юртимиздаги

⁶**Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари // Туркистон газетаси. – Т.: 31.08.2002. – №.**

демографик вазият билан боғлиқ ҳолда иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Чунки мустақиллик йилларидаги мамлакатни модернизация қилиш жараёнларида оила тараққиётининг барча жабҳаларида ўзгаришлар кузатилмоқда ва ўз-ўзидан янгича демографик вазият юзага келмоқда. Президентимиз таъкидлаганларидек “Республикадаги алоҳида демографик вазият ўз ижтимоий – иқтисодий тараққиёт йўлини танлаб олиш зарурлигини белгилаб берувчи ғоят муҳим хусусиятлардан биридир”.

Оила сиёсатининг узоқни кўзлаган, истиқболли йўналиши жамиятда оила институтини мустаҳкамлашга қаратилгандир. Бундай сиёсатнинг фуқаролар томонидан англаниши уларда оила-никоҳ муносабатларига нисбатан чексиз масъулият ҳиссини, ўзи қурган оилага нисбатан ғурур ва уни кадрлаш психологиясини шакллантиради, албатта.

XXI аср концепциясини яратиш ва уни ҳаётга жорий этишдан кўзланган асосий мақсад – миллий анъаналар, урф-одатлар, умуминсоний кадриятлар ва жамият тараққиёти истиқболларини ҳисобга олган оила ва унинг ижтимоий муҳофазасига алоқадор ташкилот ва жамоатчилик муассасалари учун, оила борасида илмий изланишлар олиб борувчи олимлар ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашга масъул бўлган таълим ва тарбия масаканлари, ота-оналар учун ўзбек менталитети, халқимизнинг ўлмас маданий мерослари, миллий кадриятларни инобатга олган ва унинг эртасини белгиловчи методологик ҳамда назарий-амалий қарашлар мажмуини яратишдан иборатдир. Бу иш Республика “Оила” илмий-амалий марказида “Она ва бола йили” давлат дастури доирасида ишлаб чиқилди.

XXI аср оиласи концепциясини яратишдан кўзланган асосий мақсад – Ўзбекистон Республикасининг асрий анъаналари, оилавий урф-одатлари, миллий кадриятларини тарихий-этнографик асосда ўрганган ҳолда Ўзбекистон оилаларининг истиқболлини белгиловчи устивор вазифаларни ва фаолият стратегияларини белгилашдан иборатдир.

Ўзбекистон оилаларига хос бўлган устивор хусусиятлар, миллий кадриятлар даражасига кўтарилган оилавий удумлар, расм-русмлар ва анъаналарнинг шахсга тарбияловчи таъсир кўрсатувчи жиҳатлари илмий жиҳатларини очишга йўналтирилган ушбу ҳужжат Республикамизда истиқлол йилларида оилани ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, ота-оналарга берилган имтиёзлар ва бола тарбияси учун яратилган шарт-шароитлар ва уларнинг комил инсон тарбиясига ижобий таъсир кўрсатувчи омилларини инобатга олган ҳолда мавжуд бўлган муаммолар доирасида оиланинг истиқболи, ривожланиш тенденцияларини белгилайди. «XXI аср оиласи» концепцияси асосида оилани комплекс ўрганиш дастури тақлиф этилган.

Мамлакатимизда изчиллик билан олиб борилаётган оила сиёсатининг том маъноси XXI аср оиласининг истиқболдаги ривожланиши ва тараққиётининг устивор йўналишлари жамият тараққиётининг кафолатлари тўғрисидаги эзгу ғояларимизга ҳамоҳангдир. Шунга таянган ҳолда XXI асрда оилалар

ривожланишига асос бўлувчи ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, иқтисодий омиллар ва тамойиллар қуйидагича ифодаланиши мумкин:

XXI аср оиласи жамиятда устивор бўлган демократик тамойилларга асосланган, ҳеч қандай сиёсий кучларнинг субъектив хоҳиш-иродасига қарам бўлмайдиган, жамиятни олға ривожланишига тўсиқ бўлувчи иллат ва асоратларни бартараф этишга қодир бўлган маскан ролини ўйнайди;

Янги аср оиласи миллий урф-одатлар, миллий кадриятлар, анъаналар ва удумларнинг жамият ривожини ва оила барқарорлигига хизмат қилувчи жиҳатларини илғор, инсоният тараққиётига алоқадор анъаналар билан уйғунлаштирувчи табиий макондир;

XXI аср оиласи инсонпарварлик ва демократия тамойилларининг том маънода жамиятда устивор бўлиши ва ҳар бир жамият аъзоси бўлган фуқаро томонидан онгли тарзда идрок қилиниши учун маърифат мактабини ўйнайди;

XXI аср оиласи умуминсоний кадриятларга содиқлик, мамлакатда тинчлик ва хавфсизликни таъминланиши учун маънавий қўрғон ролини ўйнайдиган ижтимоий институтдир;

XXI аср оиласи “Ўзбекистон – келажаги буюк давлат”, “Инсон ва унинг манфаатлари ҳар нарсадан улуғ” деган тамойилларни ўз аъзолари онгига сингдириш учун қулай бўлган мафкуравий муҳитдир;

XXI аср оиласи халқимизнинг маънавий бойликларини, жаҳон цивилизациясининг энг илғор ютуқларини ўзида мужассамлаштирадиган ва шу аснода ҳар томонлама баркамол соғлом авлодни тарбияловчи маскандир;

XXI аср оиласи ҳар бир фуқаронинг куч ва иқтидорини ўз ҳалол ва сафарбар меҳнати орқали рўзгорнинг иқтисодий тақомилини таъминлаш, шу орқали жамият ишлаб чиқариш кучларининг самарадорлигини ва қудратини таъминловчи ижтимоий муносабатлар маконидир. Оила иқтисодини барқарорлаштиришда оилавий тадбиркорлик, ижара, оилавий ишлаб чиқариш, касаначилик шаклларида оқилона фойдаланади ва оила бюджетини яхшилаш, турмуш тарзини фаровонлаштириш учун замонавий техника ва технологиялардан, маиший хизмат шахобчалари хизматидан унумли ва ўринди фойдаланади;

XXI аср оиласи ўз фуқароларида юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантириш орқали инсонларга берилган ҳуқуқ ва эркинликларга онгли муносабатини таъминловчи, бунда миллий, умуминсоний ва демократик тамойиллар маъно-моҳиятини етказувчи ижтимоий институтдир;

XXI аср оиласи ўзининг интеллектуал салоҳияти, ақл-заковати ва иқтидори билан илмий-техникавий салоҳиятдан кенг ва самарали фойдаланиш орқали инновацион кашфиётлар ва юксак технологияларни оила барқарорлигига йўналтирувчи, соғлом ижодий муҳитни таъминловчи макондир.

Миллий ғоя ва шахс тарбиясида оиланинг роли

Миллий ғояни омма онгига сингдиришни энг аввало оиладан бошлаш, оиланинг этнопсихологик хусусиятларини, оила аъзолари онгига соғлом фикрларни сингдиришнинг педагогик тамойилларини, психологик механизмларини, оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг маънавий-маданий жиҳатларини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Бугун барчамизга истиқлол мафкураси ва миллий ғоя мамлакатимиз эришаётган ва эришажак ютуқларнинг асосларидан бирини ташкил қилиши, миллатни миллат, халқни халқ қилиб бирлаштирувчи, жамият ижтимоий тараққиётининг зарурий мезони эканлиги тарихий ҳақиқатдир. “Оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор”⁷. Маълумки, иймонлилик, инсонпарварлик, диёнат, эътиқодлилик каби шахс мафкуравий тасаввурларининг асосида ётган фазилатлар ўсмирнинг энг аввало оилавий муносабатлар тизимида тутган ўрнидан, ота ва она, оиладаги бошқа катта авлод вакиллариининг ижтимоий мавқелари ва роли мазмунидан келиб чиқади. Зеро, мафкуравий тасаввурлар ҳамда улар асосида шаклланивчи инсоний фазилатлар шахснинг яхлит структурасидаги муҳим омиллардан ҳисобланади.

Миллий ғояни оила муҳитида боланинг онги, қалбига сингдиришнинг муҳим воситаси – бу оилавий кадриятларни сақлаш ва илғор оилавий анъаналарни кундалик тарбия тизимида жорий этиш, турмуш тарзининг бир бўлагига айлантиришдир. Бунда ота-онанинг ўрни ва роли бевосита характерга эга бўлиб, фақат соғлом муомала ва самимият муҳитигина ўсмирнинг дунёқараши шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ҳар бир инсоннинг, айниқса, эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собитқадам ғайрат-шижоатига, тўла-тўқис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз равнақ топишининг асосий шартидир.

Шу нуқтаи назардан, оилавий анъаналар, расм-русмлар ва одатлар орқали болаларимиз онгига миллий ғояни ва истиқлол мафкурасини сингдиришни таъминловчи психологик омиллар ва шарт-шароитларни аниқ билиш ўта долзарб ва муҳим вазифадир.

⁷**Каримов И.А. Оила фаровонлиги – миллат фаровонлиги: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5 йиллигига бағишланган мажлисидаги табрик сўзи. // Халқ сўзи газетаси. – 1997. – Б. 8.**
Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: Т.6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 400 б.

Халқ психологиясида мафкуравий таъсирчан омиллар моҳиятини билиш, янгича расм-русмлар маросимларнинг аҳамиятли томонларини кундалик турмуш тарзига айлантириш ёшлар эътиқодига самарали таъсир кўрсатувчи педагогик технологияларга киради.

Таъкидлаш жоизки, оила ижтимоий институт сифатида ўзининг барча вазифаларини бажарган тақдирдагина, мафкуравий тарбиянинг кафолатли ўчоғига айланади. Зеро, ҳар бир оиланинг муқаддас вазифаси – қобилиятли фарзандларни ўстириш, уларни жисмоний, интеллектуал ва маънавий томондан етук қилиб, ота-онасига, Ватанига садоқатли инсонлар қилиб тарбиялашдан иборат. Яъни, ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан соғлом, баркамол инсон фақат соғлом оилада шаклланиши мумкин. Оиладаги соғлом муҳит ва барқарорлик эса яхлит жамият маънавий такомилнинг асосидир.

Статистик маълумотларга кўра бугунги кунда айрим Ғарб мамлакатларида бир йилда ўнта никоҳдан еттитаси бузилар экан. Шунинг ўзиёқ маънавий ҳаёт, ахлоқ-одоб масаласига бепарволик ва лоқайдлик, эркинликни ўзбошимчалик деб тушуниш қандай оғир ва аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яққол кўрсатиб турибди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, асрлар давомида ўзбек оиласи мустаҳкам ва бахтли бўлиши учун ўзида яхши маънодаги патернализм тамойилини асраб келмоқда. *Патернализм* (лот. *Pater* – ота, *paternus* – оталарча,) – кишилар онгига “оталарча ғамхўрлик” ва “ижтимоий шериклик” ғоясини сингдиришга қаратилган қараш ва фаолият мажмуи. Оила муҳитидаги патернализм – отанинг обрў-эътиборлилиги, фарзандлар тарбияси ва оила фаровонлигидаги ўз ўрни ва масъулиятини англаши ва бунинг оила аъзолари томонидан онгли эътироф этилишидир. Бундан ташқари, ушбу тушунча оиладаги кексалар, қариялар, ёшлар, ёрдамга муҳтожлар ёки иқтидорлиларга ҳамиша кўмаклашиш, улар учун етарли ҳаёт шароитини яратишни ҳам назарда тутди. Патернализм ғояси ўзида инсонпарварлик, ҳамкорлик ғояларини ифодалаб, халқнинг умумий қизиқиш ва интилишларини акс эттиргани учун кўп ҳолларда жамиятни бирлаштириб, унинг равнақи учун хизмат қиладиган омил ҳисобланади, бу том маънода моҳиятан ўзбек оилаларида ўз ифодасини сақлаб қолган. Бу қадрият “оилавий бурч”, “ҳамжиҳатлик руҳи”, “фидойилик”, “ватанпарварлик”, “оилавий қадриятларга садоқат”, “катталарга ҳурмат”, “кичikka ғамхўрлик” каби тушунчаларга асосланади.

ГЛОССАРИЙ

1. *ПСИХООГИЯ* — одамнинг объектив борлиқни сезги, идрок, тафаккур, туйғу-хиссиёт ва бошқа психик ҳодисалар орқали акс эттириш жараёнини ўрганадиган фан.
2. *ФАОЛЛИК* - тирик материянинг умумий хусусияти бўлиб, теvarак-атрофдаги муҳит билан ўзаро таъсирда бўлишда намоён бўлади. Психик фаоллик бу ўзаро таъсир этишда психик образ ярата олиш қобилиятининг мавжудлиги ва шу асосда фаоллик кўрсатиш билан характерланади.
3. *АНАЛИЗАТОР*— мураккаб нейрофизиологик тизим бўлиб, одамга таъсир этувчи қўзғалишларни идрок этиш ва уни таҳлил қилишни таъминлайди. Анализатор рецептор, нерв йўллари, мия билан боғланадиган қисми ва миянинг махсус специфик бўлимларини ўз ичига олади (И.П. Павлов).
4. *ПСИХИКА* - юксак даражада ташкил топган материя (мия)-нинг объектив борлиқни акс эттириш ва шунинг асосида шаклланган психик образлар орқали мақсадга мувофиқ субъектнинг фаолияти ва унинг хатти-ҳаракатларини бошқаришдан иборатдир.
5. *РЕФЛЕКСИЯ* - киши билимларининг ўз-ўзига, ўзининг ички

- оламига, психик сифатлари ва психик ҳолатларига қаратилишидир.
6. *СТИМУЛ* - рецепторларда қўзғалишни вужудга келтирадиган ташқи ички таъсирдир.
 7. *ФАОЛЛИК* - тирик материянинг умумий хусусияти бўлиб, теварак-атрофдаги муҳит билан ўзаро таъсирда бўлишда намоён бўлади. Психик фаоллик бу ўзаро таъсир этишда психик образ ярата олиш қибилиятининг мавжудлиги ва шу асосда фаоллик кўрсатиш билан характерланади.
 8. *АНКЕТА*— олдиндан тайёрланган саволлар асосида жавоб олиш учун тайёрланган варака.
 9. *АУТОГЕН МАШҚ*— ўз-ўзини ишонтириш ва ўз-ўзини идора қилишга асосланган психотерапевтик усул.
 10. *БИОГРАФИК МЕТОД* — кишини унинг таржимаи ҳоли билан боғлиқ, бўлган ҳужжатлар орқали ўрганиш усули.
 11. *ВАЛИДЛИК* - психологик тадқиқотда олинган натижаларнинг объектив ташқи мезонларга мос келиши.
 12. *ГЕНЕТИК МЕТОД* — психик ҳолатларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг қуйидан юқорига қараб ривожланиши жараёнини ўрганиш усуллари.
 13. *ДЕТЕРМИНИЗМ* — табиатдаги барча нарсалар, шу жумладан психик ҳодисаларнинг рўй бериши объектив сабаблар ва қонунлар билан белгиланади деб қараш.
 14. *ЁШ ПСИХОЛОГИЯСИ* — психология фани тармоқларидан бўлиб, турли ёшдаги одамларнинг психологик хусусиятларини ўрганади.
 15. *КУЗАТИШ* — психология методларидан бўлиб, кишининг хатти-ҳаракатларида намоён бўладиган турли ҳодисаларни ҳисобга олиш ва субъектив психик ҳодисалар тўғрисида фикр олишдан иборат.
 16. *ЛАБОРАТОРИЯ ЭКСПЕРИМЕНТИ* - психология методларидан бўлиб, текширувчига таъсир этадиган барча омиллар катъий назорат қилган ҳолда сунъий шароитда олиб борилади.
 17. *СОЦИОМЕТРИЯ* - Ж. Морено томонидан тавсия этилган бўлиб, ўзаро муносабатлар тузилиши билан психологик қовушувчанликни аниқлаш мақсадида гуруҳ ва жамоалардаги шахслараро муносабатларни ўрганишдан иборат психологик тадқиқот методи.
 18. *СУНЪИЙ АҚЛ*— биронта одам ёки бир гуруҳ кишилар бажара оладиган мураккаб ақлий функцияларни бажарадиган сунъий яратилган қурилма.
 19. *ПСИХОЛОГИЯ* — одамнинг объектив борликни сезги, идрок, тафаккур, туйғу-ҳиссиёт ва бошқа психик ҳодисалар орқали акс эттириш жараёнини ўрганадиган фан.
 20. *ФАОЛЛИК* - тирик материянинг умумий хусусияти бўлиб, теварак-атрофдаги муҳит билан ўзаро таъсирда бўлишда намоён бўлади. Психик фаоллик бу ўзаро таъсир этишда психик образ ярата олиш

қобилятининг мавжудлиги ва шу асосда фаоллик кўрсатиш билан характерланади.

21. *ХАРАКАТ АКЦЕПТОРИ* — марказий нерв системасининг бўла диган ҳаракатлар натижасини белгилаб берувчи нейродинамик моделидир. Бу модел ҳаракатларнинг асосий характеристикасини ўз ичига олиб, ҳаракатларни бошқаришда иштираётган этаплар (П.К. нохин).
22. *АНАЛИЗАТОР* — мураккаб нейрофизиологик тизим бўлиб, одамга таъсир этувчи кўзғалишларни идрок этиш ва уни таҳлил қилишни таъминлайди. Анализатор рецептор, нерв йўллари, миёна билан боғланган қисми ва миёнанинг махсус специфик бўлимларини ўз ичига олади (И.П. Павлов).
23. *АССОЦИАЦИЯ* — психик ҳодисаларнинг ўзаро боғланиши бўлиб, маълум қонунлар бўйича таркиб топади (жумладан, фазодаги ёндошлик, хронологик, ўхшашлик, қарама -қаршилик ва бошқа ассоциациялар).
24. *ПСИХИКА* - юксак даражада ташкил топган материя (миёна)-нинг объектив борлиқни акс эттириш ва шунинг асосида шаклланган психик образлар орқали мақсадга мувофиқ субъектнинг фаолияти ва унинг хатти-ҳаракатларини бошқаришдан иборатдир.
25. *РЕФЛЕКСИЯ* - киши билимларининг ўз-ўзига, ўзининг ички оламига, психик сифатлари ва психик ҳолатларига қаратилишидир.
26. *СТИМУЛ* - рецепторларда кўзғалишни вужудга келтирадиган ташқи ички таъсирдир.
27. *ФАОЛЛИК* - тирик материянинг умумий хусусияти бўлиб, тевақуф атрофдаги муҳит билан ўзаро таъсирда бўлишда намоён бўлади. Психик фаоллик бу ўзаро таъсир этишда психик образ яратиб олиш қобилятининг мавжудлиги ва шу асосда фаоллик кўрсатиш билан характерланади.
28. *АНКЕТА* — олдиндан тайёрланган саволлар асосида жавоб олиш учун тайёрланган варақа.
29. *АУТОГЕН МАШҚ* — ўз-ўзини ишонтириш ва ўз-ўзини идора қилишга асосланган психотерапевтик усул.
30. *БИОГРАФИК МЕТОД* — кишини унинг таржимаи ҳоли билан боғлиқ, бўлган ҳужжатлар орқали ўрганиш усули.
31. *ВАЛИДЛИК* - психологик тадқиқотда олинган натижаларнинг объектив ташқи мезонларга мос келиши.
32. *ГЕНЕТИК МЕТОД* — психик ҳолатларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг қуйидан юқорига қараб ривожланиши жараёнини ўрганиш усуллари.
33. *ДЕТЕРМИНИЗМ* — табиатдаги барча нарсалар, шу жумладан психик ҳодисаларнинг рўй бериши объектив сабаблар ва қонунлар билан белгиланади деб қараш.
34. *ЁШ ПСИХОЛОГИЯСИ* — психология фани тармоқларидан бўлиб,

- турли ёшдаги одамларнинг психологик хусусиятларини ўрганади.
35. *КУЗАТИШ* — психология методларидан бўлиб, кишининг хатти-ҳаракатларида намоён бўладиган турли ҳодисаларни ҳисобга олиш ва субъектив психик ҳодисалар тўғрисида фикр олишдан иборат.
 36. *ЛАБОРАТОРИЯ ЭКСПЕРИМЕНТИ* - психология методларидан бўлиб, текширувчига таъсир этадиган барча омиллар катъий назорат қилган ҳолда сунъий шароитда олиб борилади.
 37. *СОЦИОМЕТРИЯ* - Ж. Морено томонидан тавсия этилган бўлиб, ўзаро муносабатлар тузилиши билан психологик қовушувчанликни аниқлаш мақсадида гуруҳ ва жамоалардаги шахслараро муносабатларни ўрганишдан иборат психологик тадқиқот методи.
 38. *СУНЪИЙ АҚЛ* — биронта одам ёки бир гуруҳ кишилар бажара оладиган мураккаб ақлий функцияларни бажарадиган сунъий яратилган қурилма.
 39. *ЎЗ-ЎЗИНИ КУЗАТИШ* - бунда субъектнинг ўз психик ҳолатлари билан ўз хатти-ҳаракатларини ўрганишдан иборат метод.
 40. *ШАХСИЙ МУНОСАБАТ* — психология қоидаларидан бўлиб, одамга шахс тариқасида, унинг
 41. воқеликни акс эттирувчи ва барча психик ҳодисаларни белгилаб берадиган система эканлигини
 42. тушунган ҳолда яқиндан ёндашиш.
 43. *МЕҲНАТ* — одамнинг маълум мақсадга, ўз эҳтиёжларини кондиритиш учун борлиқни билиш ва уни қайта кўришга, моддий ва маънавий бойликларни яратишга йўналтирилган фаолият.
 44. *ОДАТЛАР* — бажарилиши кишининг эҳтиёжига айланиб қолган хатти-ҳаракатлар ёки ҳуқ-атвор.
 45. *ЎЙИН* — фаолият турларидан бири бўлиб, бу болаларнинг катталар фаолиятини, уларнинг иш-ҳаракатларини, кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни акс эттиришда ифодаланадиган ва теварак-атрофдаги борлиқни билишга қаратилган фаолият.
 46. *ЎҚИБ - ЎРГАНИШ* — шахснинг билим ва фаолият усуллари эгаплаш ҳамда уни мустақкам эсда сақлаб қолиш жараёни. Ўқиш — ҳар қандай фаолиятнинг зарурий қисмларидан бўлиб, субъектни ўзгартириш жараёни ҳамдир.
 47. *ФАОЛИЯТ* — инсонгагина хос, онг билан бошқариладиган, эҳтиёжлар туфайли пайдо бўладиган ва ташқи олам билан кишининг ўз-ўзини билишига, уни қайта кўришга йўналтирилган фаоллиги.
 48. *ДЕПРЕССИЯ* — тушқунлик кайфияти бўлиб, бу кишида интилишларнинг сусайиши, ҳаракатларнинг тормозланиши билан боғлиқ равишда юзага келадиган руқий ҳолат.
 49. *ИРОНИЯ* — кишига нисбатан мутлақо ижобий, ҳатто маъқулловчи ҳарактерга эга бўлган истехзо аралаш нозик муносабати.
 50. *КАИФИЯТ* - бирорта эмоциянинг барқарор кечиши.
 51. *АФФЕКТ* (лот. руқий ҳис-ҳаяжон) — иродавий назоратни йўқотган

- холда тез ва кучли пайдо бўлиб, шиддат билан ўтадиган қисқа муддатли эмоционал ҳолат.
52. *ЕШ ДАВРИ ИНҚИРОЗЛАРИ* (грекча - бурилиш пайти) - бир ёш давридан иккинчи ёш даврига ўтишдаги тўқнашувли вазият.
 53. *ЗЕХН* — шахс махсус қобилиятларини таркиб топтириш ва ривожлантириш учун асос бўладиган анатомик-физиологик имконият.
 54. *ИРСИЯТ* - организм хусусиятларининг ота-онада таркиб топиб, мустахкамланиб, кейинги авлодга ўтиш жараёни.
 55. *ИНДИВИДУАЛЛИК* - ҳар бир инсонни бошқа инсондан фарқлаб турувчи хусусиятлар йиғиндиси, шахснинг ўзига хос хусусиятлари.
 56. *КАСБ-ҲУНАР КОНСУЛЬТАЦИЯСИ* - жамият эҳтиёжи ва ёшларнинг қизиқиш ва истеъдодларига қараб турли касблар ҳақида илмий ташкил этилган маълумотларни бериш.
 57. *КАСБ-ҲУНАРГА ИУНАЛИШ БЕРИШ* - ёшларнинг ишга жойлашишда хоҳиши, қизиқиши, шаклланган қобилияти, лаёқатига қараб психологик, педагогик ва тиббий тадбирларни ўтказиш.
 58. *ҚИЗИКИШ* (аҳамиятга эга бўлиб - кишининг билиш эҳтиёжларини эмоционал намоён ўлиши билан боғлиқ мотив).
 59. *ҲАЁЛ* - мавжуд тасаввурларимизга асосланиб, аввал идрок қилинмаган, турмуш тажрибамизда учрамаган нарса ва ҳодисаларнинг образларини яратишдан иборат бўлган онгли фаолият. Ҳаёл инсон ижодий фаолиятининг асосидир.
 60. *ХАРАКАТ* - мақсадга мунофиқ йўналтирилиб, онгли равишда амалга ошириладиган ҳаракатлар йиғиндиси, онгли фаолият таркибий қисмлари ва мотивларидан бири.
 61. *ИҚТИСОДИЙ* - уй хўжалигини юритиш, оила аъзоларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини самарали қондирилишини таъминлаш. Фарзандни дунёга келтириш ва вояга етказиш жараёнида оиланинг жамиятга келтирадиган иқтисодий фойдаси.
 62. *РЕПРОДУКТИВ* - жамиятнинг биологик узлуксизлигини таъминлаш, болаларни дунёга келтириш.
 63. *ТАРБИЯВИЙ* - маданий мэросни авлоддан авлодга узатиш, ёш авлодни тарбиялаш жамиятнинг маданий мэросини сақлаб туриш.
 64. *КОММУНИКАТИВ* - оила аъзоларининг мулоқотга ва ўзаро тушунишга бўлган эҳтиёжини қондириш.
 65. *РЕАКТИВ* - ўзаро жисмоний, моддий, маънавий ва психологик ёрдам кўрсатиш, бир-бирининг саломатлигини мустахкамлаш, оила-аъзоларининг дам олишини ташкил этиш вазифаси.
 66. *ФЕЛИЦИТОЛОГИК* - шахсий бахтга эришишга интилиш (фелицито-итальянча бахт). Инсоннинг том маънодаги бахтга эришишида оиланинг тутган ўрни.
 67. *РЕГУЛЯТИВ* - бошқарув, ёш авлодни ижтимоий назорат қилиш ва катталарнинг маънавий-ахлоқий, сексуал ҳуққини назорат қилиш ва бошқариш.
 68. *РЕЛАКСАЦИЯ ВА ПСИХОТЕРАПЕВТИК* - касб фаолиятида сарфлаган куч қувватини оилада қайта тиклаш ва эмоционал зўриқишлар, руҳий танглик, стрессларнинг олдини олиш. Руҳий зўриқишларни бартараф этиш.

69. *ЭРОС* — кучли севги-муҳаббат ҳислари бўлиб, бу ҳислар асосида ётган мотив муҳаббат объектига жисмоний эга бўлиш. Бунда жинсий интилиш етакчилик қилади.
70. *ЛЮДУС* — севги ҳисларини унчалик чуқур бўлмаган муҳаббат ўйини сифатида идрок қилинадиган, севги ҳислари объекти осон алмашиши мумкин бўлган тури.
71. *СТОРГЕ* — ташқи кўринишидан кучли ифодаланмаган, аммо ишончли муҳаббат — дўстлик тури.
72. *ПРАГМА (Л+С)* — людус ва сторгелардан иборат доимо онг назоратида бўлган, севган шахсининг манфаатларини кўзлаган мақсадлари асосида юзага келган севги ҳисларидир.
73. *МАНИЯ (Е+Л)* — эрос ва людусдан иборат бўлиб, севган киши севги объектидан тобелиги билан характерланади. Аммо эрос ва людусдан бу турнинг фарқи севган шахсда ўзига ишонч ҳислари етарли бўлмайди.
74. *АГАПЕ (Е+С)* — эрос ва сторгелар йиғиндисидан иборат кучли ифодаланадиган севган киши муҳаббат объектига ҳамма нарсасини ва ҳатто ўзини ҳам бағишлашга тайёр бўлган ҳислар тури ва ҳоказо. Кузатишларга кўра эркакларнинг севги муҳаббат ҳисларида кўпроқ қисмини эрос ва людус, аёлларда эса прагма, сторге ва мания турлари ташкил этади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. “Ўзбекистон буюк келажак сари”. -Т.: “Ўзбекистон”, 1998. –683 б.
2. Каримов И.А. “Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлида”. Т.: “Ўзбекистон”, 1998. –431 б.
3. “Баркамол авло орзуси”. –Т.: “Шарқ”, 1999. –182 б.
4. 1998 йил оила йили-1998 год семьи. –Т.: “Ўзбекистон”, 1998. –128 б.
5. Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирлар давлат дастури тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27-январь 45-сон қарори.
6. Республика «Оила» илмий-амалий марказини ташкил этиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2-февраль 57-сон қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Оила Кодекси. -Т.: «Адолат», 1998. –300 б.
8. Каримов И.А. “Баркамол авлод давлат дастури” 2010 йил.....
9. Авлоний А. Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ. –Т.: «Ўқитувчи», 1992. –160 б.
- 10.Аминов Б. Ўсмирлар жинсий тарбияси. -Т.: «Ўқитувчи», 1979.
- 11.Амир Темур ўғитлари. –Т.: «Наврўз», 1992. –64 б.
- 12.Буриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. -Т.: 1997. -182 б
- 13.Бухорий-Ал Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил. Ҳадис. VI жилд. АЛ-Жомийъ Ас-Саҳиҳ(Ишонарли тўплам). –Т.: «комус», 1992. –527 б..
- 14.Исмаилов М.Н. Ўқувчи гигиенаси. –Т.: 1977.
- 15.Кайковус. қобуснома. –Т.: “Мэрос”, 1992. –176 б.
- 16.Корик Г.Г. Никоҳ ва саломатлик. –Т.: “Мэдицина”, 1976.
- 17.Лисотский В.Г. Любовь и нравственность. -Л.: 1985. –224 с.
- 18.Маркосян А.А. Ёш физиологияси масалалари. –Т.: 1977. –256 б.
- 19.Мир детства. Подросток. /Под. ред. А.Г.Хрипковой: отв. ред. Г.Н.Филонов. –М.: “Педагогика”. 1982. –432 с.
- 20.1001 саволга психологнинг 1001 жавоби. (ЮНЕСКО, ЮНПФА лойиҳаси асосида). –Т.: «Меҳнат», 2000. –192
- 21.Оилани ўрганиш психодиагностика методикалари. Тузувчилар: Н.А.Соғинов, Ф./Ҳабибуллаев. –Т.: 1996. –38 б.

22. Оила психологияси. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун. //Б.Шоумаров таҳрири остида. –Т.: «Шарқ», 2000. –272 б.
23. Саматов Г. Қалтис саволларга нозик жавоблар. (Жинсий муносабатларга бағишланган илмий-оммабоп рисола). –Т.: 1992. –48 б
24. Содиқов К., Собирова Р., /овсиддинов. Жинсий тарбия. –Т.: Мэдицина, 1982.
25. Согинов Н.А. Социально-психологическое особенности удовлетворенности браком в узбекской семье. Дисс. канд. психолог. наук. –Киев.: 1990. –213 с.
26. Станков А.Г. Что надо знать до брака и после браке. –Т.: Мэдицина, 1981. –351 с.
27. «Сунани Термизий». Ҳадислар тўплами. VI жилдлик. I жилд. Таржимон М.Кенжабек(Кенжабоев М.Т.). –Т.: 1999. –668
28. Фаробий А.Н. Фозил одамлар шахри. –Т.: “А.қодирий” номидаги халқ мэроси нашриёти, 1993. –
29. Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. –Т.: Маънавият, 1998. –112 б.
30. Ходаков Н.М. Ёш келин-куёвларга. 3-нашр. –Т.: 1990. –173 б..
31. Ҳусайн Воиз Кошифий. Фатувватномаий Султоний: ёхуд жавонмардлик тариқати. –Т.: 1994. –111.
32. Шахс инкироз ҳолатининг ижтимоий-психологик сабабларини ўрганиш ва уларни бартараф этиш. -Т.: 1997. – 39 б.
33. Ғ.Б.Шоумаров, И.О.Ҳайдаров “Оила психологияси” ўқув кўл. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун. 2008 й. “Шарқ” нашриёти. 294 б.
34. Шоумаров Ш.Б., Шоумаров /Б. Мухаббат ва оилавий ҳаёт. –Т.: “Ибн Сино”, 1996. –96 б.
35. Шоумаров /Б., Шоумаров Ш.Б. Мухаббат ва оила. –Т.: “Ибн Сино”, 1994. –120 б.
36. Ғофуров А.Т., Содиқов В.С. Мактаб билан оиладаги гигиеник ва жинсий тарбия. –Т.: 1987. –184 б.
37. Яссавий А. Девони ҳикмат. –Т.: “Ғ.Ғулом”, 1992. –208 б.
38. Каримова В. “Оила психологияси” Тошкент -2007

МУНДАРИЖА:

1. Кириш-----
2. Оила психологияси фанининг предмети, мақсади ва вазифалари-----
3. Шарқ мутафаккирларининг оила хусусидаги қарашлари-----
4. Инсоният тарихида оила ва никоҳ институтининг ривожланиш тарихи-----

5. Замонавий оилаларнинг ўзига хослиги, турлари ва вазифалари-----
6. Никоҳ олди омиллари ва никоҳга етуклик хусусиятлари-----
7. Оилавий муносабатлар психологияси-----
8. Ёш оилаларнинг ижтимоий-психологик муаммолари-----

9. Оилавий низолар ва уларнинг турлари-----
- 10.Оилавий муносабатларнинг бузулиши: никоҳ ажримлари-----
- 11.Ота-она-бола муносабатлари психологияси-----
- 12.Оилавий консультациялар-----
- 13.Ўзбекистонда оила сиёсатининг шаклланиши-----
- 14.Глоссарий-----